

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

«ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФАЛСАФИЙ
ТАФАККУРИ ТАРАҚҚИЁТИДА
ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**



**мавзусидаги республика илмий-назарий
АНЖУМАН**



«Марказий Осиё фалсафий тафаккур тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани Бухоро мұхандислик-технология институтида 2022 йил 25 марта үтказилди. Анжуман тўпламига Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида илгари сурилган устувор вазифалар ва тавсиялардан келиб чиққан ҳолда, «2020 йилда Бухоро шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши, Хожаи Жаҳон таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигига бағишилаб ёзилган, шунингдек, тасаввуфий ғояларнинг генезиси; Марказий Осиёда илк тасаввуфий тариқатлар; Марказий Осиёда мумтоз тасаввуфий тариқатлар; тасаввуфдаги фалсафий ғоялар ҳамда Зиёрат туризми билан боғлиқ муаммо ва ечимларни ўзида акс эттирган мақолалар киритилди.

Тўплам материаллари ёшларга тасаввуф таълимотлари ва уларда акс этган тасаввуфий ғоялар, тасаввуф фалсафаси тарихи ва бугунги кундаги тараққиётини ўргатиш, халқимизнинг ўтмишда улуғ пирлар ёзиб қолдирган асарлар ва улар берган билимлар асосида маънавиятимизнинг шаклланганлиги ҳақида билим бериш билан биргаликда уларни ватанпарвар, маънавий жиҳатдан баркамол инсон этиб шакллантиришга хизмат қиласди. Профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва Фалсафа ва дин тарихи билан қизиқувчи талаба-ёшлар учун мўлжалланган.

Таҳрир ҳайъати:

Нусратилло Баракаев, Бух.МТИ ректори, техника фанлар доктори, профессор

Мирзо Шарипов, Бух.МТИ илмий ишлар ва инновацияларпроректори физика-математика фанлари доктори

Гульчехра Наврӯзова, фалсафа фанлар доктори, профессор

Эркин Зойиров, Бух.МТИ. «Ижтимоий фанлар» кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Феруз Бафоев, сиёсий фанлари номзоди, доцент

Масъул маҳаррир:

Абдурахим Болтаев, сиёсий фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Ойгул Шарипова, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Мавлуда Раҳмонова, катта ўқитувчи




БУХОРОИ ШАРИФНИНГ ЕТТИ ПИРИ ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАЛОЛ ЛУҚМАНИНГ РОЛИ.

**Баракаев Н.Р. – Бухоро мұхандислик-технология институты ректори,
профессор**

Бухорои Шарифни оламга машхур қылган, танитган жуда күп олиму фузалолар тарихда номлари олтин зарварақларида ёзиб қолдирилган. Абу Али ибн Сино тиббиёт соҳасида, Имом Ҳожатбарор номи билан машхур Абу Ҳафс Кабир ал Бухорий фикҳ илмида, Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари тарих соҳасида, Имом Бухорий ҳадис илмида дунёда машхур бўлганидек Бухорони тасаввуф илмининг бешиги дейиш мумкин. Шайх Абу Бакр Калободий, Мустамли Бухорийлар тасаввуф назариясига оид илк асарларни ёзган бўлсалар илк камолот йўлини кашф этган Ҳожагон ва Нақшбандия тариқатлари ҳам шу муқаддас тупроқда вужудга келган. Ҳожагон таълимотини Ҳожай Жаҳон – Абдухолиқ Гиждувоний асослаган. Жаҳоншумул Нақшбандия таълимотини эса Баҳуддин Нақшбанд асослаган шу икки тариқатдаги Силсилаи Шарифга кирган ва муқаддас қабрлари Бухоро заминида бўлган пирлар сони еттига бўлганлиги учун тасаввуфда уларни Бухорои Шарифни Етти Пири номи билан улуғлайдилар.

Бухорои шарифнинг Етти Пири – Ҳожай Жаҳон номи билан машхур Абдухолиқ Гиждувоний, Моҳитобон номи билан машхур Ориф Ревгари, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Ҳазрати Азизон номи билан машхур Ҳожа Али Ромитаний, Мұхаммад Бобои Самосий, Ҳазрат Амир Кулол ва Шоҳ Нақшбанд, Баҳоуддин, Балогардон, Ҳожай Бузург номлари билан машхур Мұхаммад ибн Мұхаммад Бухорий маънавий меърослари буюк ирфоний хазинадир.

Бугунги кунда туризм фаол ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланиб, одамлар тарихий, археологик, рекреацион, соғломлаштирувчи дам олиш, малакавий иш, илмий, спорт, шопинг, диний (зиёрат), қўмсаш, соғиниши, экотуризм, овчилик, сафари, гастрономия каби мақсадлар учун мазмунли саёҳат қилишни бошладилар. Айни пайтда туризм жамият ҳаётида мухим рольни ўйнашга киришди ва ноёб йирик глобал санотга айланди. Бу ўринда туристик ресурслар кўплаб мамлакатларнинг миллий бойлигининг мухим қисмига айланди. 2019 йил 21-23 феврал кунлари мамлакатимизнинг ҳалқаро майдондаги зиёрат туризми бўйича мавқеини ошириш мақсадида Бухорои Шарифда Биринчи Ҳалқаро зиёрат туризми форуми ўтказилди ва унинг доирасида Бухоро декларацияси имзоланди. Бу декларация



Ўзбекистоннинг ислом оламида зиёрат туризмининг энг йирик марказларидан бири сифатида эътироф этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Зиёрат туризми ахоли турмуш даражаси ва жамиятнинг юксалишига ижобий таъсир этиб, унинг ривожланиши бутун дунё бўйлаб маданий ва инсонпарварлик алоқаларини кучайтириш имкониятини беради. Ички ва халқаро туризм тизимида зиёрат туризмининг роли катта ҳисобланади. Турист ва сайёхлар турли муқаддас жойларга, диний марказларга зиёрат ва саёҳат қилишади. Улар ибодат қилиш, қурбонлик қилиш учун ва диний маросимларга иштирок этишга интилишади.

Ўзбекистонимизда зиёрат туризмини ривожлантиришда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев катта эътибор бермоқдалар. Президентимиз 2018 йил 16 феврал куни Бухоро вилоятига ташриф чоғида «Етти Пир» мақбаратларини обод қилиш, уларни боғловчи туризм йўналиши бўйича кўрсатмалар берган эдилар. Кўшни мамалакатлар, ғарбий ва жанубий Шарқ давлатлари, ҳатто бутун дунёда бу азиз авлиёлар қадамжоларини келиб зиёрат қилиш истагида бўлганлар сони жуда кўп. Зиёрат туризмини ривожлантиришнинг асосий масалаларидан бири «ҳалол» масаласидир.

Бухорои Шарифни оламга танитган «Етти Пир» номи билан машҳур азиз авлиёлар маънавий меросида ҳалол масаласи кенг ёритилган. Бу тушунчани таҳлил этиб тарғиб қилиш Ўзбекистонимизда зиёрат туризмини ривожланишига асосий восита бўлади. Давлатимиз раҳбари бу масканларни обод қилиш билан бирга «Етти Пир» ҳақида китоб яратиш ва уларнинг илмий меросини тарғиб этиш зарурлигини таъкидлаб шундай дедилар: «Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ! Бу хазинани мукаммал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз-ёшларимиз ўзимизнинг алломаларимизга эргашсин, меросини билсин, улар билан фаҳрлансин!»

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: «Жаннат ер бу – Бухоро!» деб фаҳр билан шаҳrimизни тилга олиб ва биз Бухороликлар олдида шундай буюк вазифа қўйдилар: «Бухоро ҳамма соҳада намуна бўлиши керак! Мана шундай азиз авлиёлар, пирлар бор вилоят намуна бўлиши керак! Ҳалоллик, поклик, ижодкорлик, илм-фан нуқтаи назаридан биринчи бўлиши керак!»

Пок ният, ҳалол луқма истеъмоли нияти, ҳалол луқма, ҳалол либос, ҳалол макон, ҳалол ҳамсұхбат ижобий энергия бўлиб, инсон вужудини ижобий қувват билан кучли қилади. Чунки ҳалол ризқ, ҳалол маҳнат асосида вужудга келади, ҳаром луқма эса турли ҳаром йўллар билан ҳосил этилганлиги сабабли ғазаб, нафрат, жаҳл каби салбий қувватларга тўла бўлади. Ижобий қувватлар ижобий фазилатларни ҳосил қилади, салбий



кувватлар эса иллатларни тұғдиради. Энергетизм таълимоти валийларнинг камолотида ҳалол луқма ижобий таъсирга эга эканлигини исботловчи илмий асосдир.

Қайд қилиш жоизки, Ўзбекистонда «Ҳалол» стандартини жорий этиш бўйича ISO-22000 расмий стандартини жорий этиш дастурий чоратадбирлари амалга ошироқдаги, бундай тадбирлар ўлкамизда зиёрат туризмини жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб, қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим::

«Етти Пир» каби маънавият хазинасини англаш учун аввало ҳалол луқмага эътиборни қаратиш лозим.

Жамиятда ижобий ўзгариш ва тараққиёт барамол инсонларни талаб этади. Бундан инсонлар ҳалол луқма, ҳалол либос, ҳалол манзил ва макон, ҳалол атроф-мухит таъсирида туғилади ва мукаммал ҳаракат натижасида камол топади.

«Етти Пир» таълимотидаги ҳалолликка оид ўғитларни чуқур ўрганиб, таълим-тарбия жараёнига жорий этиш ижобий самара беради.

Зиёрат туризмини ривожлантириш учун савдо шахобчалари ва овкатланиш масканларини ташкил этишда ҳалолга эътибор берсак, зиёрат максадида келадиган туристлар сонини купайишига эришамиз.

Буни амалга ошириш учун Бухоро муҳандислик технология институтида йўналишлар хам мавжуд бўлиб, ҳатта шундай мутафаккир, муҳаддис ва мутасавифларни ўрганиш бўйича фалсафа фанлари доктори, профессор Гульчехра Наврӯзова томонидан илмий мактаб ҳам яратилган. Бугунги кунда авлиёларга бўлган эзгу муносабат, ҳурмат-эътибор бежиз эмас. Тасаввух таълимоти, хусусан юртимизда тараққий этган яссавий, кубравия ва нақшбандия тариқатларини, машойихларнинг ҳаёт ва ижодларини яхши билиш қайсиdir маънода тарихимиз ва қадриятларимизни теранроқ ўрганиш демақdir. Шу боис бу борада қилинган ишларни, тадқиқотларни ўзлаштиришимиз ва ёшларга тарғиб этишимиз лозим. Қўлингиздаги рисола ҳам ана шундай ҳайрли ишлардан бири. Китобхонларнинг ундан баҳраманд бўлишларини умид қилиб қоламиз.



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МУМТОЗ ТАСАВВУФИЙ ТАРИҚАТЛАР ВА УЛАРДАГИ ФАЛСАФИЙ ГОЯЛАР

ТАРИҚАТЛАРНИНГ ЗУБДА ВА ХУЛОСАСИ.

*Наврӯзова Г.Н. – БухМТИ «Ижтимоий фанлар»
кафедраси профессори, ф.ф.д*

Бухорои Шарифда вужудга келиб жаҳоний таълимотга айланган, Ислом тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган, умумбашар эътирофига сазовор бўлган маънавий-маърифий меросимизнинг бебеҳо хазиналаридан бири Нақшбандия камолот йўлидир. Бу таълимотни Баҳоуддин, Шоҳи Нақшбанд, Хожай Бузург номлари билан машхур Силсилаи Шарифнинг 16 ҳалқа пири Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) асослаган.

Баҳоуддин Нақшбанд илк ва мумтоз, хусусан Хожагон ва Яссавия тариқатларининг энг илфор, ҳалқ камолоти учун керакли бўлган ғояларига таяниб, 1361 йилдан бошлаб янги – Нақшбандия таълимотни яратса бошлаган¹. 1370 йил Хожагон тариқатининг пири Сайид Амир Кулол вафотидан кейин Баҳоуддин Нақшбанд янги нақшбандия тариқатини ташкил этди². Бу тариқат Бухорои Шарифда пайдо бўлиб, кейинчалик жаҳоншумул таълимот сифатида дунёга кенг тарқалди.

Нақшбандия таълимоти ва тариқати Баҳоуддининг Нақшбанд номидан олинган. Нақшбандия – Нақшбанд йўлини давом этувчи, Нақшбанд таълимотига мувофиқ тариқат, яъни Ҳаққа этувчи йўл маъносини англатади. Бу таълимотнинг асосий шиори «Дил ба Ёру, даст ба кор» – «Қалб Ёр – Аллоҳ, қўл иш билан» ва «Нақш банд, ба дил банд» – «Нақшни боғла, қалбда боғла»дир. Нақшбандия йўли инсонни барча боғланишлардан узиб, нафсини тарбиялаб Аллоҳни қалбда нақшлашни ўргатади³.

Нақшбандия барча тариқатларнинг зуда – қаймоғи, хулосаси ва энг мукаммалидир⁴. Биринчидан, бу камолот йўли Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга асосланади. Исломни асосий манбаларига таянган ҳолда уларнинг

¹ Наврӯзова Г., Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. Тошкент: Muhrarr nashriyoti, 2018. 63-6.

² Navruzova G. Bahouddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara)// Islom tafakkuri. 2020. Maxsus son 6- р.

³ Қаранг: Наврӯзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “ФАН” нашриёти, 2005. 233 б., Наврӯзова Г.Н. Нақшбандия-камолот йўли. Бухоро: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фан” нашриёти, 2007. 189 б.

⁴ Ҳиравий Ж. Рисолаи раҳнамои уқдакушои // Моле М. Нақшбандиёт. – Техрон, 1952. – Б. 285-293.



асосий ғояси бўлган имон, исломни ривожлантириб, эҳсон моҳиятини очиб беради ва шу мақомда амал қиласди.

Нақшбандия тариқати ўзигача бўлган илк сўфилик ва мумтоз тариқатларнинг энг яхши томонларини ўзига жамлаб, камолотнинг энг яқин ва мақбул йўлини яратган. Масалан: Муҳосибия тариқатига хос бўлган ризо ва муҳосаба тушунчаларини ривожлантириб, ўз нафсини кузатиш ва назорат қилишининг мақбул йўлини топган. Жунайд Бағдодий таълимотидаги хушёрлик ғояларига асосланади.

Нақшбандия тариқатига илк сўфий тариқатларнинг таъсирини Раҳматова Холидахон билан 2010 ёзилган ва «Бухоро» нашриётида чоп этилган «Нақшбандия тушунчалари генезиси» монографиямизда батафсил баён этганмиз.

Хожагонлар таълимотининг шаклланишига таъсир этган Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт раҳҳаси: «Ҳуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман» ғояларининг Нақшбандияга таъсири Нурматова Нигора билан бирга ёзилган «Юсуф Ҳамадоний-Етти пирнинг табаррук устози» монографиясида ўз аксини топган.

Нақшбандия Хожагонлар асослаган йўлни давом эттиради. Халил Иброҳим Сорий ўғли Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига оид асосий маноқиб бўлган Салоҳ ибн Муборак Бухорийни «Анис ут-толибин ва уддат уссоликин» (Толибларнинг дўсти ва соликларнинг яроғи) асарини чоп қилдирган олимдир. У мазкур асарнинг нашрига катта ҳажмдаги илмий мақолани илова қилиб, Абдулхолик Фиждувоний Хожагон тариқатининг ҳақиқий асосчиси ва бунёдкори эканлигини таъкидлайди. Чунки у Нақшбандия тариқатидаги ўн бир усулнинг саккизтасини асослаб берган. Муаллиф фикрича, шунинг учун Абдулхолик Фиждувоний Хожагонлар табақасининг сардафтари бўлиб, уни «Сар силсиласи» деб атайдилар. Муаллиф Баҳоуддин Нақшбанд бу саккизта усулга ўзининг учта иборасини қўшган деб уларни «Вуқуфи замони», «Вуқуфи адади» ва «Вуқуфи қалби» эканлигини ёzádi. Бундан маълум бўладики, Нақшбандия таълимоти Хожагонлар тариқати асосида вужудга келган бўлса ҳам, ундан ўн бирта усулга асосланганлиги билан фарқ қиласди. Нақшбандия таълимотида Баҳоуддин Нақшбанд киритган «Вуқуфи замоний», яъни вактдан огоҳлик, «Вуқуфи ададий», яъни сондан огоҳлик ва «Вуқуфи қалбий», яъни қалдан огоҳлик асосий тамойиллардан ҳисобланади¹.

¹ Қаранг: Наврӯзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимоти. Ўзбекистон фалсафаси тарихи. II том. Тошкент: “Mumtoz so’z”, 2017. 34-62-бетлар.



Нақшбандия Хожагонлар таълимотидаги «Даст ба кору, дил ба Ёр» шиоридаги бунёдкорлик ва имон тушунчасини ривожлантириб, «Дил ба Ёру, даст ба кор», яъни имонли бўлиш асосида бунёдкорлик ғоясини илгари сурган бу билан инсон камолотининг асоси имон эканлиги ва имонли инсон эзгуликни мукаммал қила олиш ғоясини илгари сурган. Демак, бу таълимот инсонийликнинг асосий мезони имон эканлиги ғоясини кўтарган. Бу ғоя Нақшбандия таълимотидаги «Нақш банд, ба дил банд» шиори асосида амалга ошган.

Хожагон таълимотининг жаҳонга машхур Етти Пири – Хожайи Жаҳон номи билан машхур Абдулхолик Фиждувоний, Моҳитобон номи билан машхур Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фагнавий, Ҳазрат Азизон номи билан машхур Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобои Самосий ва Ҳазрат Амир Кулолларнинг дунёқараси ва гояларининг Нақшбандия тариқати ва таълимотини шаклланишига таъсири манбалар ва фактлар асосида Эркин Зоиров билан бирга нашр этилган «Бухорои шарифнинг етти пири» рисоласида баён этилган.

Абдулқодир Гилоний асослаган Қодирия тариқатидаги «Машхурлик или фориғлик» шиори Нақшбандия тариқатидаги «Дил ба Ёру, даст ба кор» шиорини вужудга келишига таъсир этган. Қодирия ва Нақшбандия таълимотининг ўзаро муносабатлари ва таъсири Юнусова Гуландом билан бирга ёзилган «Қодирия ва Хожагон-Нақшбандия таълимоти: таҳлил ва тавсиф» монографиясида батафсил баён этилган.

Умумий хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Нақшбандия тариқати ва таълимоти Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган ва Бухорои Шарифда вужудга келган мумтоз ва барча тариқатларнинг яхши томонини ўзида мужассам этган тасаввуфий камолот йўлидир.

2. Нақшбандия тасаввуфдаги ҳушёрликка асосланган, меъёрдаги энг мақбул, энг қисқа ва энг самарали камолот йўлидир.

3. Нақшбандия суннатга асослангани ва «Дил ба Ёру, даст ба кор» шиори асосида, хуфия зикр амалиёти билан ҳозирги кунгача бардавом бўлган инсон камолотининг энг мақбул, энг яқин йўлидир.

4. Нақшбандия таълимоти ва тариқати ҳозиргача амалда бўлган жаҳоний тариқатга айланган камолот йўлидир.



МУҲАММАД САЙФИ ФАРГОНИЙ ИЖОДИДА ТАСАВВУФ ТАМОЙИЛЛАРИ.

Маматов М.А. – Фаргона давлат университети профессори

Муқаддам адабиётда сўфий сифатида ёд этилмаган яна бир ватандошимиз, форс тилида ижод қилган шоир Сайфиддин Муҳаммад Фарғоний тахминан 1220 йилларда Фарғона водийсида туғилган. Шу ерда вояга етган, Мўғул-татар босқинчилари қўл остидаги мустабидлик йилларида жаҳонгашталик билан умри ўтган шоир замонд оши Жалолиддин Румий каби Туркияда паноҳ излади. Ўз билими, меҳнати, истеъоди билан халқнинг назарига тушди. Замон пешволари уни юксак амалларга таклиф қилдилар, лекин у рад этди, саройда яшаётгани уни руҳан қийнаётгани бир қатор шеърларида ифодаланган. Оқсаройнинг Кунъё шаҳрида XIV аср бошларида вафот этган.

«Шайхлар шайхи» деб аталиши Сайфи Фарғонийнинг нуфузли шайх бўлганидан далолат беради. У илоҳиёт илмини чуқур билиши, анча донишманд ва замонасининг етук шоири бўлиши туфайли Онадўлида жуда кўп мухлисларни ўз атрофига тўплаб олди. Ҳатто, ҳоким Мужируддин Амиршоҳнинг ўзи ҳам унинг ихлосманд кишиларидан бири бўлиб қолди¹. Шоир асарларининг қўлёзмаларидан бир нусхаси Истамбул университетининг кутубхонасида, иккинчи нусхаси Кутоҳийада (Туркия) Воҳид пошишо кутубхонасида, учинчиси эса Туркияning Тўпқопусарой музейида сақланмоқда². Шоирнинг девони Эронда, Тоҷикистонда нашр қилинган. Ўзбек тилида унинг шеърларидан бир неча намуналар чоп этилган холос.

*«Нигоро, Сайфи Фарғонист бе ту
Чу булбул, к-аз гулистон боз монад.
Зари ашъори ўдар Рум ганжест,
Ки зери хок пинҳон боз монад³.*

*Яъни: Нигоро, Сайфи Фарғоний сенсиз
Гулистондан айрилган булбулдек,
Шеърлари зари Румда ганжедир,*

У тупроқ остида пинҳон қолгусидир» – деб, ўз юрти соғинчида алам, афсус-надоматига авлодларнинг муносиб жавоби бўлиши мумкин.

¹ Ахмедов Б. Сайфуддин Муҳаммад Фарғоний. -Тошкент: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока, Ўзбекистони сурх бирлашган нашриёти, 1962. –10 б.

² Ўша ерда. 6 б.;

³ Сайфи Фарғоний. Девон (тожик тилида).–Душанбе:Дониш. 1978. –56 б.



Шунингдек. Унинг асарларини чуқурроқ таҳлил қилиб, шонли тарихимизнинг яна бир илмий янгилик билан бойитиш имкони туғилади.

Шоирнинг тасаввуфга муносабати тўғрисида сўз юритишида Е.Э.Бертельснинг «тасаввуф адабиётини ўрганмай туриб, Ўрта аср мусулмон Шарқи маданий ҳаёти тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас»¹, деган хulosасидан фойдаланиш ўринли бўлади. XIII аср-тасаввуфнинг «классик даври»². Туркия – тасаввуф кенг тарқалаётган ҳудуд. Шу замонда ва шу маконда яшаб ижод қилган оламни кезган кенг дунёқараш соҳиби Сайфи Муҳаммад Фарғонийнинг сўфиёна қарашларисиз унинг асарлари таҳлили тўлиқ бўлиши мумкин эмас. Шоир асарларининг тили, йўли, шакли мазмунини ўрганиш жараёнида биз шундай хulosага келдикки, унинг «шайхлар шайхи» (шайхишшуҳ) деган таърифи тасодиф эмас. Унинг шеърлари таҳлили асосида мусофир юртда тасаввуф илмининг пешқадамларидан бири бўлганини шубҳасиз таъкидлаш мумкин. Аксарият шеърларида ҳам шу каби тасаввуф тамойиллари доирасида фикр юритилади.

*Насиҳат айлайн, тингла, у ён бўл,
Дилингда мустамеъсан гарчи, жон бўл.*

*Гар инсонсан тананг-ла сен заминда,
Малак янглиғ дилинг-ла осмон бўл.*

*Бу марказда эрурсан сен чу паргор,
Боинг ташда, оёгинг-ла миён бўл.*

*Ки ҳимматда бўлиб васфи улуғ зот,
Чу мақсад томига сен нарвон бўл.*

*Қилиб рағбат-ла хизмат зинدادилга
Қазо етгач, эмин андин чу жон бўл.*

*Гар истарсан эл ичра сен улуглик,
Йўқот хурда олишини хурдадон бўл.*

*Ки душманга ямонликка сен, эй дўст,
Агар қодир эрурсан нотавон бўл.*

*Ёронлар поига зарлар сочишида,
Чу қишидай баргизсан гар, хазон бўл.*

*Агар хуришид каби заргар эмассан,
Сахода чун булут гавҳарфиишон бўл.*

*Садаф бўл маънида кўкси тўлиқ дур,
Балиқ янглиғ валек сен безабон бўл.*

Мисоли сурма ҳар кўзга кирапсен,

¹ Бертельс Е.Э. Суфизм и сўфийская литература. –М.: Наука, 1965. – 54 с.

² Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Тошкент: Маънавият, 1999. -17 б.



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввух таълимотининг ўрни ва аҳамияти



Чиқиб равшан, чу мили сурмадон бўл.

Агар мунъимда қотган нон топилмас,
Суви шукрида ҳам ратб-ул-лисон бўл.

Кулоқ тутма дегайлар гар тубанлар,
Чу итдек ҳар эшикда баҳри нон бўл.

Агар нафсинг ўти шаҳват оширса,
Сепиб сабринг сувин оташнинсон бўл.

Агар шодлик етишса, ўйла ғамни,
Гар андуҳ етса сен раҳб-ул-жинон бўл.

Мисоли сув қил эҳсон бунда сим бер,
Чу зар унда оловдан безиён бўл.

Билиб ҳар ким насибин ўздин ажрат,
Гадога нон, кучукка устухон бўл.

Ки лутфда, Сайфи Фарғоний, эл ичра,
Чу хўблар масти кўзидаи дилситон бўл.

Дили озурдага эҳсон қилурда,
Чу яхшилар юзи роҳатрасон бўл.

Саҳрода гар сувингга етмагай қўл,
Ки ҳалқ умрига боис сен чу нон бўл.

Денгиз бўлсанг, ариқ боис ғанийсан,
Чу тупроқдин мадад кутгувчи кон бўл.

Гар охирсан зикрда сен чу таърих,
Ки эзгу ном учун олдда нишин бўл.


Шеърда Нақшбандия тариқатининг хожагонийлар асос солиб берган тамойиллари мазмунан яққол кўриниб турибди. Фақат шу қисқа шеърнинг ўзида «сафар дар ватан» (учинчи байт), «хилват дар анжуман»(иккинчи байт), «ёд кард»(21-байт) каби рахшалар билан ҳамда «дил- ба ёру, даст-ба кор»(Кўнгил Худода бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлаверсин) шиори билан айнан ҳамоҳангдир.

Фарғоний асарларидағи сўфиёна гоялар Аҳмад Яссавий ижодида ҳам баён қилинган. Бу эса ушбу ғояларнинг қадимдан бизнинг ҳалқларимиз қадриятлари бўлиб келганлигидан далолат беради.

Хуллас, мусоғирчиликда ҳаёт кечириб, умрбод ватан соғинчида узоқ юртларда қолиб кетган юртдошимиз асарларида ифодаланган юксак маънавиятимиз дурданаларидан ёш авлодни барқамоллик сари етаклашда фойдаланиш пайти, бизнингча, келди. Мабодо, Туркиядаги нусхалардан кўчирма олиб, уни ўзбек тилига ўгирилса, бу борадаги Ўзбекистон



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти



республикасида олиб борилаётган сиёсатга мувофиқ маълум вазифа амалга оширилган бўлади.

Ватанимизда яшаб ўтган фақат бир неча буюк алломаларнинг тасаввуф илми ривожига қўшган салмоқли ҳиссалари тадқиқи шуни қўрсатадики, уларнинг илмий, ижодий фаолиятлари ва асарлари жаҳон миқёсида ҳам ўз ўрнига эга бўлган. Ваҳоланки, араб заминида пайдо бўлган тасаввуф Шарқда, Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистонда мукаммал шаклланган.

МАВЛОНО ЯҶУБИЙ ЧАРХИЙ ХАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ.

Зойиров Э.Х. – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти

Миллий қадриятларимиз, маънавий меросимизни ўрганиш бўйича бир қанча тадқиқотлар амалга оширилди. Олимларимиз томонидан уларнинг бебаҳо асарлари нашр этила бошланди. Шу жумладан, Нақшбандия машойихлари ва Нақшбандийлик тариқатига ҳам эътибор қаратилди.

Нақшбандия Баҳоуддин Нақшбанд ал-Бухорий (1318-1389) томонидан энг юксак чўққига кўтарилиган буюк тасаввуф мактаби бўлиб, суннийликнинг барча қарашларини ўзида жамлаган, гўзал ахлоқни, меҳр- муҳаббатни, хайру саховатни тарғиб қиласиган дунёга машҳур бир тариқатdir. Зеро мұтадиллиги ва комил инсон етишириш борасидаги афзalлиги билан бу тариқат асрлардан бери неча-неча истеъдодли олим ва фозилларни тарбиялаб вояга етказган. Алоуддин Аттор, Мавлоно Яқуби Чархийдир, Хожа Аҳорори Валий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий, Бобораҳим Машраб ва ҳоказо.

Нақшбандия пирларидан «олтин халқа силсиласи» нинг ўн саккизинчи бўғинидан жой олган Мавлоно Яқуби Чархийдир. Мутасавифнинг ҳаёти ва ижоди ҳам олимларимиз томонидан тадқиқот доирасига тортилди. Бу мавзу юзасидан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Мавжуда Рассоқова дастлабки ишни амалга ошириб, «Мавлоно Яқуби Чархий ва унинг илмий мероси» номли номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Яъқуби Чархий Афғонистоннинг Чарх деган жойида туғилган. Тўлиқ исми Мавлоно Яъқуби Чархий ибн Усмон ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Газнавийдир. Тахминан 1363 йилларда туғилган. Мутасавиф Афғонистон, Миср ва Бухорода ўз даврининг етук шайхларини зиёрат қиласиди, ҳамда тариқат илмларини ўрганиб, Баҳоуддин Нақшбандга мурид бўлади.



Кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд тавсияси билан Алоуддин Атторга мурид бўлиб, устозларининг сулиқ йўлларини давом эттирадилар.

Баъзи нақшбандия силсилаларида Баҳоуддин Нақшбанддан кейин Мавлоно Яъқуби Чархий номи келади, айримларида эса Баҳоуддин Нақшбанддан кейин Алоуддин Аттор, ундан кейин Яъқуби Чархий номлари келади. Мавлоно Яъқуби Чархийнинг иккала пирдан иршод олганини инобатга олсак, ҳар иккала силсилада ҳам номланиш тўғри бўлади.

Яъқуби Чархий Xожа Аҳмад Яссавий, Имом Муҳаммад Газзолий, Шайх Саъдий, Нажмиддин Кубро, Абдураҳмон Жомий, Махдуми Аъзам Косоний Даҳбедий, каби ҳаётий фаолияти ва ёзган асарлари билан илму маърифат тарқатди. Инсонларга ҳақ ва тўғри йўлни кўрсатди.


Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида Мавлоно Яъқуби Чархийнинг қуидаги асарлари мавжуд ва улар ўз тадқиқотчиларини кутиб ётиди:

1. Рисолаи қудсия (қудсий калималар ҳақида рисола).
2. Рисолаи абдолийя (абдоллар ҳақида рисола).
3. Рисола дар маъноқиб ва ақоид (маноқиб ва ақоид ҳақида рисола)
4. Шарҳи асмоуллоҳ (Аллоҳ исмларининг шарҳи).
5. Китоб ул-фароиз (мерос тақсими ҳақида китоб).
6. Рисолаи унсия (дўстлик ҳақида рисола).
7. Тафсири Чархий (Чархий тафсири).

Мазкур асарларни таржима қилиб ва шарҳлаб халқимизга етказишдаги вазифаларимиздан бўлмоғи керак. Чунки, ота-боболармиз билан қуруқ фахрланишдан фойда йўқ. Асосийси улар қолдирган бебаҳо асарларни ўқиш ва уқиш, келажак авлодга етказишdir.

Яъқубу Чархий бутун умрни илмга, маърифатга, эзгуликка бағишлиб 1447 йилда вафот этади. У кишининг қабри Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳри яқинидаги Рудакий ноҳиясида жойлашган. Ҳозир мутасавифнинг қабри катта зиёратгоҳга айланган.

«Валий» сўзи «Аллоҳнинг дўстлари» деган маънони англатади. Улар ҳам оддий одамлар каби инсон жинсидан бўлса-да, ўзининг илми, амали ва ихлоси билан ҳаққа етишган, дуолари ижобат бўладиган, покиза ва тақводор зотлардир. Тасаввуф олимлари таъкидлаганидек, уларнинг тириги ҳам ўлими ҳам инсонларга раҳматдир... Тасаввуф китобларида ёзилишича, Валий инсон тириклигида қинга солинган қиличдек бўлса, вафотидан кейин қиндан суғурилган қилич каби тассаруфи янада кенгаяр экан. Чунки улар вафот этгандан кейин ҳам Аллоҳ хузурида, унинг марҳаматида бўлар эканлар... Бу борада Қуръони каримда авлиёлар ҳақида шундай дейилган.:» **Огоҳ**



бўлингизкум, албатта Аллоҳнинг дўстларига бирон ҳавф йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. Улар иймон келтирилган ва тақволи бўлганлардир. Уларга ҳаёти дунёда ҳам, оҳиратда ҳам хушхабар бордир». (Юнус сураси, 62-64 оятлар). Абу Хурайра разияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ таоло айтади: Кимда-ким Менинг дўстим билан адоватлашса, Мен унга уруш эълон қиласман. Бандам менга нафл ибодатлар билан тобора яқинлашавергандаридан, ҳатто уни яхши кўриб қоламан. Агар уни яхши кўрсам, Мен унинг эшитадиган қулоги, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан. Агар мендан паноҳ тиласа, албатта уни паноҳимга оламан». (Бухорий ривоятлари).



Тасаввуф таълимоти, хусусан юртимизда тараққий этган яссавий, кубравия ва нақшбандия тариқатларини, машойихларнинг ҳаёт ва ижодларини яхши билиш қайсиdir маънода тарихимиз ва қадриятларимизни теранроқ ўрганиш демакдир. Шу боис бу борада қилинган ишларни, тадқикотларни ўзлаштиришимиз ва ёшларга тарғиб этишимиз лозим.

ДИСКУРСИВ ВА ИНТУИТИВ БИЛИШ ДИАЛЕКТИКАСИ.

Шарипова О.Т. – БухДУ доценти, ф.ф.н.

Абдулхолиқ Гиждувонийнинг тушунтиришича, руҳий-маънавий етук инсон, энг аввало, ўткир ақлга эга, идроки, сезиш қобилияти, ҳис-туйғулари юксак бўлмоғи лозим. Хусусан, зехн ўткирлиги кенгроқ мушоҳада юритиш учун реал имкониятни вужудга келтиради. Баркамол инсон ўзининг ақлхушини беҳудага сарфламаслиги, ҳар бир сўзи ақл-фаросат тарозисида ўлчанганд, фикр-мулоҳазаси пок эътиқодига мос тушмоғи, қилган ҳар қандай ишидан норози бўлмаслиги, ўзининг одоби билан бошқалардан ажralиб турмоғи, ўйловсиз, ноўрин сўзи билан бировнинг қалбига шикаст етказмаслиги, ширинсуханлиги билан одамлар дардига малҳам бўлмоғи, андиша ва эҳтиётлилик чин сўзлаш кундалик турмуш тарзида барқарор бўлмоғи даркор. Ўшандагина у руҳий мукаммаллик даражасига етади. Буларнинг барчаси рационал англаш натижасида вужудга келади.

Моддий ва маънавий борлик ўз табиатига кўра бир-бири билан узвий боғлиқ диалектик жараён бўлганлигидан, уларнинг инъикоси бўлган инсон билишини ҳам диалектик жараён эканлиги фалсафий таълимотларда ифодаланади.



- Инсоннинг билиш жараёни ҳиссий билишдан ақлий билишга, жонли мушоҳадалардан абстракт тафаккурга ва акс томонга боришлардан иборат диалектик жараёндир.

- Билиш инсоннинг табиат, жамият ва ўзи тўғрисида билимлар ҳосил қилишга қаратилган ақлий-маънавий фаолият туридир.

- Инсон билишини шартли равишда бир неча турларга, дастлаб оддий (кундалик) ва илмий (предмет ва ҳодисаларнинг қонуниятларини, уларнинг моҳиятини билишдир. Мантиқий билиш эса инсоннинг предмет ва ҳодисаларни тафаккур орқали умумлаштириб, мавхумлаштириб ва конкретлаштириб, уларни фикрда билишидир. Интуитив билиш ҳиссий ва мантиқий билишлардан фарқ қилиб, у ўз табиатига кўра, ҳеч бир бевосита ҳиссий идроксиз ва мантиқий муҳокамасиз бирор бир янги тасаввур ёки янги фикрнинг бирданига, кутилмагандага туғилишидир.

Тасаввуфнинг гносеологик таълимоти ўзига хос хусуиятга эгадир. Тасаввуф ахли концепцияси бўйича ориф (гностик) нинг асосий вазифаси олий мақсад – Ҳақиқатни билишдан иборатдир. Бу мақсадга ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини такомиллаштириш орқали эришилади. Тасаввуфда билиш муаммосининг қай даражада эканлигини ўрганиш кўп тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортган. Ҳали 1885 йилда рус шарқшуноси В.А.Жуковский ўзининг тадқиқотини шу соҳага бағишлиган. Унинг 8 февраль 1885 йил Санкт Петербург шахрида императорнинг Санг Петербург Университети йиллик акт (мажлис)ида ўқиган нутқи «Человек и познание у персидских мистиков» («Форс мистиклари таълимотида инсон ва билиш муаммоси») номи билан аталади. У шу нутқида таъкидлайдики, «руҳ ва тана яхлитлигидаги инсонни яратилишининг асосий мақсади – билишдир».

Абдулхолик Фиждувонийнинг фикрича факатгина яхши қалб ва табиий тана ҳиссиётлари ўлдирилган танада самоъ мумкин

Таъкидлаганимиздек, сўфийлик билиш назариясида марказий муаммо инсон ва унинг томонидан мутлақ ҳақиқатни билишдир. Инсоннинг руҳи мутлақ руҳнинг бир заррачasi бўлганлиги учун шу ўз руҳини аниқлаш орқали инсон Мутлақ Руҳ – Мутлақ Ҳақиқатни англай олади. Дискурсив яъни (ҳиссий ва ақлий тафаккурий) ва интуитив (қалбий, ботиний, рўъё) билиш демакдир. Фалсафа луғатида дискурсга қўйидагича таъриф берилади: «**Дискурс** (discursus: лотинча discere – сарсон – саргардонликда юрмоқ) – мазмунини оғзаки талаффузда ифодалаш формаси деб келтирилган.

Биз дискурсив билишни рационал ва интуитив билишни иррационал билиш сифатида олиб таҳлил қилиб, уларнинг диалектикасини ёритишга ҳаракат қиласиз. Ақл-рационаллик муаммоси доимо файласуфлар диққатида



бўлган. Бизга маълумки, жамият, цивилизациялар ривожи рационаллик билан боғлиқдир. Шарқ мусулмон файласуфлари инсоннинг дунё билан турли жиҳатлардан боғлиқлигини фақат рационаллик орқали ифода этиш мумкин эмаслигини қайд этганлар. Рационал фаолият бу инсон томонидан мақсад қўйиб амалга ошириладиган фаолиятдир.

Илмий билишда рационализмни тан олиш билан бир вақтда иррационализм ёндашуви мавжуд¹. Иррационализм ақлнинг билиш жараёнидаги имкониятларини чеклайди ёки инкор этади Фалсафа тарихида рационализм ва иррационализм мутаносиблигини тадқиқ этишда бир қанча ёндашувлар мавжуд. Рационаллик, бу-предмет ҳақида мантиқий асосланган, назарий жиҳатдан англанган, тизимлаштирилган универсал билимдир.



- Тасаввуф гносеологиясининг ўзига хослиги инсон ўз-ўзини билиш воситаси орқали ҳақиқатга етишади. Рационал билиш натижасида интуиция вужудга келади. «Интуиция» сўзи таржимаси диққат билан кўрмоқ, яъни мантиқий мулоҳаза қилмасдан туриб, бевосита ҳақиқатга етишиш қобилияти,»деган маънони билдиради. Файласуф ўзининг ақлий нигоҳини ташки ва ички дунёларга қаратиб, «қалб қаърини ўрганади. «Интуиция ўз-ўзига синчиклаб диққат билан қараш, тикилиш», ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини кузатишга йўналган.

Хожагон тариқатида амал қиласидан мақомларнинг ўзи инсонни олий билиш даражасига етказади. Тариқатнинг биринчи мақоми, яъни манзили, «бекати» **тавба** ҳисобланади. Хожай Жаҳон Абдулхолик Ғиждувоний: «Билгилки, йўлнинг ибтидоси (боши) тавбадир. Тавбанинг маъноси-қайтиш, яъни камолотга, олий аҳлоқий сифатларга, Тангрининг ризолигига қарши бўлган барча сўз ва ишлардан қайтишдир», деб таъкидлайди².

«Вараъ» (парҳез, такво) мақомида, бўлган ишлардан, маънавий зарар келтирадиган шубҳалардан сақланиш, зикрда бўлиб, руҳий қувватни юксалтириш лозим. Доимо қалбини тоза тутиш, оламнинг аслини қўриш ва бунинг учун эса, Тангри яратган нарсаларга меҳр-муҳаббат билан қарашга даъват этади. Ғиждувоний солик тарбиясида устознинг ўрни алоҳидалиги, шайхда ладуний илм бўлиши, унда Тангрининг зот ва сифатлари ҳақида етарли билим бўлиши кераклиги ва шунда Ҳақ таълими ҳосил бўлиши ҳақида огоҳлантиради. «Дилнинг саломат бўлиши», яъни Аллоҳ рози бўлмаган нарсалардан узоқ бўлиш, сабрли бўлиб ризоликка эришиш, муроқаба (ботин оламини нурли қилиш) ва мусоҳаба (ҳар бир ўтган вақтни

¹ Ойзерман Т.И. Рациональное и иррациональное. – М., 1984-С.39.

² Маслак ал орифин. – В. 12а.



хисоблаш)¹ дир. Муроқабадан мақсад руҳнинг хижобдан халос бўлишидир. Мусоҳаба нафсни нигоҳдошт, яъни сақлаш билан изоҳланади. Токи ғафлат билан бекор ўтмасин»² Кейинги руҳий-маънавий камолот-тавфиз ва таслим ҳақида фикр юритилади. Бу борада Хожай Жаҳон «ўз ишингни Худога топширсанг, Худо хиёнат қилмайди» дейди³. Кейинги мақом Тангрининг маърифати ҳақидадир. Мазкур бобда «Билгилки маърифат-танимоқдир»⁴ дейилади. Кейинги мақом «Ихлос ва риё» деб аталади. Ихлос холис бўлиб, нарсаларни, ўз амалларини поклаш холис бўлмоқ эканлиги, риё амалининг эса тамаъ билан қилиниши, унинг кибр доирасига мансублиги ва нақадар ёмон иллат эканлиги айтилади. Кейинги мақом «Мушоҳада ва муоина», дейилади. Хожай Жаҳон мушоҳада ва муоина ҳақида фикр билдириб: «Мушоҳада будирки-банда дийдаси, яъни қалб кўзи (интуиция-Ш.О.) билан Ҳақни кўради. Муоина ҳам кўриш, фақат мушоҳида бошдаги дида, яъни ақл (дискурсив-Ш.О.) билан кўриб, ботиний моҳиятни англаш бўлса, муоина руҳ дидаси орқали кўриш. Кўриш учун шавқнинг ўрни каттадир»⁵.

Юқоридагилардан шундай бир фикр келиб чиқадики, инсон ҳаёти давомида доимо жамиятда ҳам, ўзининг руҳиятини мукаммаллаштиришида ҳам билишнинг юқори босқичи ҳисобланган олтинчи сезги орқали тушуниб, мушоҳада қилиб, бир тўхтамга келиб фаолият олиб боради. Хожагон тасаввуфий тариқатининг таълимотида, тариқат одобида барча амаллар, ўгитлар ақлий ва ноақлий, яъни дискурсив ва интуитив билишнинг ўзаро боғлиқлиги, ақлий билиш, яъни фалсафий, ақлий, тафаккурий билишнинг интуитив яъни қалбий, ботиний, рӯёга асос бўлиши эътироф этилади.

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ: «ТАХОФУТУ-Л-ФАЛОСИФА» ВА ТАХОФУТ АДАБИЁТИ.

Музafferov Ф.Д. – БухДУ доценти, (PhD)

Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари томонидан Имом Ғаззолийнинг диний-фалсафий дунёқарashi, сиёсий-давлатчилик, фиқхий-ахлоқий меъроси, у яшаган XII-XIII асрлардан бошлаб то шу бугунги кунга қадар, ҳали ҳамон ўрганилмоқда. Унинг 400 га етадиган бой, улкан меъроси, ибратомуз ҳаёт йўли, мўъжизакор, жозибали тасаввуфий-ирфоний изтироблари, тавба-тазаррулари, ислом, шариатга қайта ҳаёт бағишлигаран жасорати доимо бутун


¹ Абдухолик Ғиждувоний Маслак ал орифин. – В. 89 а.

² Ўша ерда.

³ Абдухолик Ғиждувоний Маслак ал орифин. – В. 110а.

⁴ Ўша ерда.

⁵ Ўша ерда – В. 137а.



инсоният афкор оммаси, илғор илм-фан, фалсафа, дину-ирфон вакиллари диққат марказида қизғин ўрганилиб, талқин этилиб келинганига қарамай ЮНЕСКО илм-фан, маданият қўмитаси ташаббуси, ҳомийлигида 1962 йилда Дамашқда ўтказилган Имом Газзолийнинг 600 йиллик таваллуд кунига бағишланган нуфузли халқаро анжуман бурилиш нуқтаси бўлган эди. Зоро, мазкур анжуманда Имом Газзолий ғоялари, қарашлари вориси бўлган етакчи араб давлатлари фаол, ташаббускор иштирокида ўтказилганига қарамай, бу буюк мутаафкиримиз дунёқараши, фаолияти, меъросига илк бор жиддий, ҳозирги замон исломшунослиги, шарқшунослиги, илм-фан тарихчилиги ғоя, принциплари асосида ёндашилганлиги, етакчи мавқеъ қозонганлиги билан диққатга сазовор бўлган эди.

Ислом маданияти тарихи давомида фалсафага нисбатан ҳам салбий, ҳам ижобий муносабатни кузатиш мумкин. Ислом оламидаги фалсафа тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор илоҳиётшунослар, фикрхунослар ва муҳаддислар мазҳаб доирасидаги қарашларидан қатъий назар, фалсафа ва бошқа фикрий илмларга ижобий муносабатда эмасликларини кўриш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам «Тахофуту-л-фалосифа» ва «Масари ал-фалосифа» асарларининг мавжудлиги муаммонинг ислом оламидаги шаклини етарли даражада очиб беради. Бундан ташқари Шахобиддин Сухравардий ва Абу Валид Ибн Рушд каби файласуфларнинг ҳаётий ҳикоялари, ўз фикрларига кўра бошдан кечирган таъқиблари ва ҳоказолар мусулмон файласуфларининг ҳар доим ҳам қулай тарзда фалсафий фаолият билан шуғуллана олмаганинги кўрсатади. Бироқ бу муносабат турли даврларда турли кўринишларда пайдо бўлган, кўтарилиш ва пасайишларни бошидан кечирган. Ибн Таймийя номи билан машҳур Абул Аббос Такияддин Аҳмад ибн Абдулҳалим ва Мулла Мұхаммад Амин Астрабодий каби олимлар фалсафий тафаккурга нисбатан кескин позицияга эга эканлиги маълум¹.

Имом Газзолий ўзининг фалсафий қомусий шахси нуқтаи назаридан ҳам, фалсафа ва файласуфларга қарши туришининг ўзига хослиги жиҳатидан ҳам беқиёс фарқли ва муҳим шахсиятдир. Гарчи бу ислом оламида бу борадаги биринчи ёки охирги асар бўлмасада, Имом Газзолийнинг «Тахофуту-л-фалосифа» асари ислом тафаккуридаги аҳамияти жиҳатидан бошқалардан анча олдинда туради. Ибн Ҳазм Газзолийдан аввал ислом оламида машҳоиййун фалсафасининг асосчиси Абу Исҳоқ Киндийнинг фалсафий қарашларига қарши ёзган рисоласини биламиз. Аммо «Тахофуту-л-фалосифа» дан кейин илоҳиёт олимлари орасида фалсафа ва

¹ Griffel, Frank, Al-Ghazali's Philosophical Theology, (New York: Oxford University Press, 2009), s. 4.



файласуфларни рад этиш анъанага айланиб, янги жанр «Тахофут адабиёти» пайдо бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Имом Ғаззолий ўзининг «Тахофуту-л-фалосифа» асарини ёзишда «Ал-Милол ван-ниҳол» (Динлар ва эътиқодлар) асарининг муаллифи Мухаммад ибн Абдулкарим Шахристонийдан, шунингдек, «Мусарият ал-Фалосифа» (Файласуфлар билан кураш) асарларидан илҳомланган. Абдулвалид Ибн Рушд Имом Ғаззолийга «Тахафутут-тахофут» асари билан жавоб берганидек, Носириддин Тусий ҳам Шахристонийга «Масориул-мусорий» (Полвоннинг ҳалокати) билан жавоб қайтарган¹.

Бундан ташқари, Имом Ғаззолийнинг номи билан аталган яна икки китоб мавжуд. Улардан бири Алоуддин Тусий муаллифлигидаги «Тахофут ал-фалосифа» асари бўлиб, «Аз-Зохира фил-муҳокамати байнал-Ғаззолий» (Ғаззолий ҳукми ва фалсафа бўйича манба) номи билан ҳам машҳур.² Иккинчиси Муслиҳиддин Хўжазода томонидан ёзилган шу номдаги асардир. Қолаверса бошқа бир «Тахофут ал-фалосифа» Қутбиддин Абул Ҳасан Ровандийга ишора қилинса-да, бу асар ҳақида етарлича маълумот йўқ ва асар бизгача етиб келмаган.

Юқоридаги «Тахофут»лардан фарқли ўлароқ Имом Ғаззолийнинг «Тахофути» ва у нда илгари сурилган ғоя – қарашлар, далиллар тез орада ўз таъсирини ўtkаза бошлади, ҳеч бўлмаганда кейинги ўн йилликларда ислом оламида фалсафий фаолият билан шуғулланувчи ҳар бир киши Ибн Сино фалсафий тизимининг икки қутблилиги ва унда Ғаззолийнинг эътиrozларига дуч келди.

Ғаззолийни «Фалсафа душмани» сифатида эътироф этган бу асар ҳам турли тахминларни келтириб чиқарди. Бу асар туфайли мутафаккир узоқ йиллар давомида Ғарб оламида ислом географиясида фалсафанинг ёмирилишига сабаб бўлган йирик шахс бўлди ва ушбу асар асосий омиллардан бири, балки биринчиси ҳисобланди.

Ғарб илмий доираларидан ташқари, ҳатто мусулмон файласуфлари орасида ҳам Ғаззолий мусулмон оламида Аристотел фалсафасининг таназзулга учрашининг сабабларидан бири сифатида кўрилган. Бунга унинг давридан кейин ислом оламида асосий фалсафий оқим бўлган мазҳабчиликнинг заифлашиши ва бу дунёқарашни танқид қилувчи янги тафаккур тизимларининг пайдо бўлиши сабаб бўлди.

¹ Nasr, Hüseyin, İslamda Bilim ve Medeniyet, tərc., Nabi Avcı, Kasım Turhan, Ahmet Ünal, (İstanbul: İnsan Yayınları, 2015), s. 26.

² Griffel, Frank, Al-Ghazali's Philosophical Theology, (New York: Oxford University Press, 2009), s. 7-8.



«Тахофуту-л-фалосифа» муқаддима, тўртта сўз боши, йигирмата фалсафий муаммони ўз ичига олган асосий матн ва фалсафа ҳақидаги фикҳий хукмнинг якуний қисмидан иборат. Имом Ғаззолий муқаддима, кейинги тўрт сўз бошида файласуфлар, файласуфлар ва уларнинг ғоялари манбаларига қарши «Тахофут» асарини ёзишга туртки бўлган сабабларни, улар ўртасидаги зиддиятларни, фалсафанинг турли бўлимлари ва улар билан дин ўртасидаги муносабатни, уларнинг ўзаро муносабатларини тушунтириб беради. Шунингдек, номувофиқликлар ва аниқ фанлар, мантиқ ва фалсафа ўртасидаги муносабатларни мухокама қиласи ва китобда ўзи қўриб чиқадиган йигирмата фалсафий муаммоларни баён қиласи.

Ғаззолий китобнинг биринчи муқаддимасида файласуфларнинг тахмин ва фараз асосида иш юритишларини яна бир бора таъкидлаб, улар ўртасидаги тафовут ва келишмовчиликларга асосланган фикрлари умумий асосга эга эмаслиги билан изоҳлайди. Масалан Аристотелнинг ундан олдинги дунёқараши, ҳатто файласуфлар буюк Афлотун деб атайдиган Афлотуннинг «Афлотун мен учун азизроқ, лекин ҳақиқат ундан ҳам азиздир» деган фикрига қарши чиқиши файласуфларда умумийлик йўқлигидан далолат беради, дея қайд этади.

Имом Ғаззолий ўзи таъкидлаганидек, унинг асосий мақсади сунний илмларнинг эътиқодларини ҳимоя қилиш, уларни бидъатчилар тажовузидан ҳимоя қилишдан иборат эди. Аллома асарнинг учинчи муқаддимасида «Тахофут»ни ёзишдан мақсад файласуфлар ҳақида ижобий фикрда бўлганларни ўзларининг қарама-қарши фикрларини билдириш орқали, нотўғри фикрда бўлганларни эса фалсафий тафаккур, тўғрироғи файласуфлар усули эркинлигидан огоҳлантириш эканлигини таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ғаззолий «Тахофут»даги мухокамасида файласуфлар ўз фикрларини асослаш учун илгари сурган далилларнинг бирортаси ҳам улар қабул қилган гносеологик далиллар меъёрларига тўғри келмаслигини, яъни уларни гносеологик меъёрлар сифатида қабул қилиб бўлмаслигини кўрсатишга ҳаракат қиласи.



БУХОРОИ ШАРИФ – ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ МАРКАЗИ.

*Исмоилов С. – ГулДУ доценти, ф.ф.н.,
Кураматов М. – 2-курс магистранти*

Бухоро шахри исломнинг етти: Макка, Мадина, Бағдод, Басра, Дамашқ, Қоҳира, Куфа каби шариф шаҳарлари жумласига киради. Унинг тарихи бир неча минг йиллар қаърига сингиб кетади.

Ўтмишда кимлар Бухорони тавоф, таъриф этмади дейсиз. Бухорони илк мадҳини X асрда яшаган Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида: «Бухорони Нумижкат – бу мискат» (Мис шахри), арабча «Мадинат ус-суфрия» (Мис шаҳар), «Мадинат ут-тужжор» (Савдогарлар шахри), «Фоҳира» (Фаҳрли шаҳар), деб аталганлигини қайд этиб, «Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан машҳурроқдир. Хурросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга эмас», – деб ёзади.

Амир Сайид Олимхон ўз «Бухоро халқининг хасрати тарихи» асарида «Сомонийлар салтанати даврида Бухоро улуғвор ва буюклика эришди», – деб хотирлайди.



XIII асрда яшаган араб сайёҳи Ибн Баттута ўзининг Марказий Осиёга қилган саёҳати қайдларида: «Бу шаҳар (яъни Бухоро) Жайхун ортидаги шаҳарларнинг энг улуғи эди», деб таърифлайди.

Аҳмонийлар даврида Бухоро Эрон таркибида, кейин Александр Македонский империяси таркибида, кейин Кушонлар таркибида, кейин Турк ҳоқонлиги таркибида, VIII асрда араб халифалиги таркибида фаолият кўрсатди. 873 йил Бухоро мустақил Сомонийлар давлатининг пойтахтига айланди. XI асрда Салжуқийлар таркибида, 1219 йил мўғуллар тасарруфида, 1383 йил Амир Темур давлати таркибида, 1505 йилдан Муҳаммад Шайбонийхон давлати таркибида бўлиб, 1533-1539 йилларда Убайдуллохон даврида Шайбонийлар давлати маркази бўлган. 1557 йил Абдуллохон даврида Бухоро узил-кесил хонлик пойтахти, 1753 йилдан то 1920 йилгача амирлик маркази, 1920-1924 йиллар Бухоро шўро республикаси маркази, 1924 йилдан вилоят маркази сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Бизнинг фикри ожизимизча, сўнги ўн бир асрнинг қарийб беш асрида Бухоро Марказий Осиё маркази мақомида турган.

Бу даврда Бухоро ўзининг шарифлик мақомига эришган. Уни бир неча омилларни қайд этиш мумкин:

Биринчидан, Бухоро музофоти то исломгача ҳам муқаддас жой бўлган. Бухорода то ислом давригача оташпарастлик вағнлари, будда храмлари



мавжуд бўлган. «Ҳар бир асрда Бухоро ўша давр дин олимларининг йиғилиш жойи бўлган», – деб ёзилади Ҳ.Ниссорий ўзининг «Музаккири Ахбоб» асарида. Бизнингча бу жиҳат Бухорони исломий ва тасаввуфий шарифликка эришишига ҳам сабаб бўлган.

Иккинчидан, Бухоро Марказий Осиёга ислом эшиги вазифасини ўтаган шаҳар ролини ўйнаган. Араблар Амударёдан бу томонда илк йирик кўнимгоҳни Бухорода қуради. Ҳ.Ниссорий ёзади: «Дейдиларки ислом Бухородан кейин Самарқандга етган...», «Бухоронинг дастлабки фатҳ этилиши хижрийнинг 54 йили содир бўлган»¹.

Учинчидан, араблар Бухорони босиб олгандан сўнг бу ерда ислом динига киргизишнинг энг «уста» йўлидан фойдаланган. Наршахийнинг қайд этишича, араблар бухороликларни масjidга жалб этиш учун жума номози учун икки дирҳамдан пул тўлаб турганлар, шу билан бирга бухоролик аҳоли хонадонларини ярмига араб оиласари жойлаштирилган. Ушбу тарихий воқелик Херман Вамберида: «Арабларга маълум бўлишича, ислом динини қабул этган баъзи бир иккиланувчи одамлар эски маъбудаларига ҳамон ибодат айлаб, яширин жойларда ва ертўлаларда сажда қилардилар. Шу сабабли ҳар бир бухоролик ўз ҳовлисининг ярмисини арабларга бериши амр қилинди. У араб уй эгаларига ислом шариатидан таълим берди, ҳамда уларнинг ислом одобига риоя қилишларини кузатиб турди. Агарда исён этсалар, араб маъмурларига чақар эди. Жума куни Қутайба жомеъсига номозга келган кишилар икки дирҳам мукофот олардилар», – деб қайд этилади. Бу ҳол келгусида эса исломни Бухоро ҳалқи орасида чукур илдиз отишига, ёйилишига олиб келди.

Тўртинчидан, Ниссорий ёзади: «Дейдиларки, коинотнинг энг афзали пайғамбар алайҳиссалом меъроj кечасида Бухоро уламоси нурини мушоҳада қилганларким, ул нур буюклик олами сари имом Исмоил Бухорий... факиҳлар сардафтари хожа Абу Ҳафи Кабир..., назар аҳлининг сардори Шайхур раис (Ибн Сино) Бухоро музофотидандир». Демак, Бухорони шарифлиги дастлабки буюк Бухорийлар ва қолаверса кейинги Буюк Бухорийлар номи билан бевосита ва билвосита чамбачас боғлиқдир.

Бешинчидан, Бухорода қатор буюк кишилар хоки пойлари ётибди, бу ҳам шарифликдан дарак. Шу билан бирга у ерда ислом тарихи ва рамзи билан алоқадор бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд. Аввало мозоротларни ўзи табаррук жой. Буюклар мозорати эса икки карра табаррук. «Бу шаҳарда табаррук мозоротлар жуда кўп, хусусан, хожагон шариф силсиласига – Оллоҳи таоло руҳларини муқаддас қилсин – тааллукли улуғларнинг қабрлари

¹ Ниссорий Ҳ. Музаккири Ахбоб. -Т.: 1993. 27-бет.



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти*



анчагина. Ва ҳазрат пайғамбарнинг – унга Оллоҳнинг саломи ва солоти бўйсин - бир неча тола соchlари ҳам Бухоронинг муazzам мақбараларидадир», – дейди Ниссорий ўз асарида. Яна шу муаллиф Жувайнининг (1224-1283) «Тарихи жаҳонқушо» асаридан «Бухоро куббатул исломнинг машриқий шаҳарларидан биридир. Ўлкадаги ноҳиялар орасида Бухоро «мадинатул-ислом» – «ислом шаҳри» мақомида туради», деган далилни келтиради.

Юқоридаги омиллар асосида шу хulosага келиш мумкинки Бухоро шаҳрини шарифлик мақомини эришиши билан бирга ислом ва тасаввуф маркази ҳам эканлигини далилаб турибди.

Бухоро «қуббатул ислом», яъни «ислом динининг гумбази» ва буюк уламолар сўзи билан айтганда «қуввати дини ислом» деб тан олиниши Бухоронинг жаҳонда, бугунги Шарқ минтақасида мусулмон дунёсининг мўътабар исломий ва тасаввуфий марказларидан бири эканлигини эътирофдир.

«Бухорои шариф», «қуббатул ислом», «етти пир» каби тушунчаларини теран англаш, тушуниш ҳар бир ватандошимизда Ватанга муҳаббат, буюк ислом ва тасаввуф вакилларига ҳурмат ва эътибор қаратиш ҳамда исломий-тасаввуфий ғояларини қалбимизда жо этишга хизмат қиласи.

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ТУРКИЙ ИЛДИЗЛАРИ.

*Исмоилов С. – ГулДУ доценти, ф.ф.н.,
Машарипов У. – 2-курс магистранти*

Барча ижтимоий-сиёсий ва диний-фалсафий таълимотлар каби тасаввудаги нақшбандийлик тариқати ҳам ўзнинг бир қатор илдизларига эга. Шу илдизлар бири бу туркий илдизлардир.

Бу тариқат ҳақидаги қатор адабиётлар, айниқса, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг эвара авлоди Муҳаммад Боқир «Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақомоти» асарида, турк қария ҳақидаги нақлда келтиришича: «Шунда қария туркий тилда хожага: «Сўзланг» деди. Хожа тиз чўкиб ўтириб, туркча сўз бошлидилар ва унга: «Ул олам бул оламдин яхшироқдур», дедилар»¹, - дейилади. Бу эса Баҳоуддин Нақшбанднинг соф туркийча билганлигини англатади. Шу билан бирга Нақшбанд ҳазратлари турк Шайхи Қусам, Шайх Халил Ота қўлида тарбия олганлиги маълум. Ҳазрати Нақшбанд айтадиларки: «Хар кимда турк машойихларининг сифатини таниш бўлмаса, у

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али. Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Т.: 1993. -Б. 66.



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввух таълимотининг ўрни ва аҳамияти*



одам буларнинг тариқидан бутунлай ноумид бўлиши ва юз ўгириши лозим»¹. Бу қалом туркий ҳалқларга, қолаверса яссавия тариқатига нисбатан айтилган хурмат нишонасидир.

Туркий ҳалқларга нисбат бериладиган хуннлар хукмдори Аттила (434-453) нинг ботирлиги, довюраклиги, чаққонлиги, сулҳпарварлиги тўғрисида қатор манбалар хабар беради. Масалан, Зиё Гўкалп: «Аттила ҳам бир Элхон, яъни дунёда сулҳни таъмин этишга ўзини бағишлаган бир фидойи эди, оврўпаликлар унга «Тангри қуту» (яъни –Тангрининг яширин сири) унвонини берганлигини»², – ёзган эди. Бундай унвонлар фақат «ўз-ўзини англаган» буюк инсонларгагина берилади, холос.

Нақшбандий таълимотидаги «эзгулик» мавзуси зардуштийлик, буддавийлик билан бирга қадимги туркий тафаккурда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Алп Эр Тўнга жангномасидаги (эр. авв. VII аср):

*Қўшини - қўнум агиида, қўни - қўшини қариндоши,
Қилғил ангар ағирлик, кўрсинг сендан яхшилиқ³
Яй кўркинга инанма,
Сувлар ўза таянма,
Эсизлигиг ануна,
Тилда(н) чиқар эзгу сўз.
Ёз кўркинга ишонма,
Сувлар ўза таянма,
Ёмонликка отланма,
Тилдан чиқар эзгу сўз⁴.*

Қадимги туркларнинг Йир-Суб, яъни Ер-Сувни, аждодларни эъзозлаш каби удумлари нақшбандийликнинг ушбу мавзудаги фазилатларига мос келади. Ҳатто, Нақшбанд ҳазратларининг «Дўстнинг уловига яхши хизмат ва тарбият лозим, негаки бу жонивор дўстнинг ташриф буоришига сабаб бўлган»⁵, дер эканлар. Бу нақшбандиёна эзгулик ва адолат таърифи бежиз айтилмаган. Чунки қадимдан туркий ҳалқларда жониворларни эъзозлаш, уларга топиниш анъаналари мавжуд бўлган. Турклар қадимдан отга, итга, бўрига, кийикка сиғинишган. Бежиз Алп Эр Тўнга милоддан олдинги VII асрда асос солган давлатни форсийлар Сак давлати дейишмаган. Насимхон Раҳмоннинг таъкидлашича, «эронийлар Алп Эр Тўнга ҳалок бўлган кунни «Сак байрами» ёки «Саклардан қутулиш куни» деб хурсандчилик қилган».

¹ Ўша асар, –Б. 51.

² Зиё Гўкалп. Туркчилик асослари. – Т.: 1994. –Б. 30.

³ Алп Эр Тўнга жангномаси ёки Афросиёб жангномаси. – Т.: 1995. –Б. 8.

⁴ Ўша асар, – Б. 31.

⁵ Абул Муҳсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али. Юқоридаги асар. – Б. 57



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти*



«Туркийларнинг энг нуфузли Ашин уруғи ўзларини бўридан келиб чиққанмиз, деганлар»¹. Бу номлар уларнинг тотемидан келиб чиққан. Бу азалий анъана ҳозиргача туркий ҳалқлар удумида мавжуд. Ушбу туркий анъана тадрижий, анъанавий таъсири давоми сифатида Нақшбанд ҳазратлари фаолиятини олиб қараш мумкин. Алишер Навоий ўзининг «Лисон-ут тайр» достонида Баҳоуддин Нақшбанднинг итга нисбатан билдирган муносабатини, ҳазрат тилидан: Деди:

«Ул аҳли вафодур, мен – эмон,
Ўзи онинг бирла эмди тенг демон,
Ул худовандига қилмас жуз вафо,
Лек менди зоҳир ўлмай жуз жафо»².

иккинчи бора, деди:

«Мен ортуғ эканму ё бу из?»
Яна ўзини деди: «К-эй инсофсиз,
Ул вафо аёғидан нишон,
Сен вафосизлиг сари доманкашон»³ -деб ёзади.

Яъни, ҳазрат биринчи бора ўзини ит билан қиёслайди ва ўзини у билан тенглаштиради ва ўзи жавоб беради. У вафодор ит изи, мен эса шу изчалик эмасман. Нақадар буюк таъриф. Демак бу ерда Нақшбанд ҳазратлари бежизга итни мисол қилиб олмаган. Бу тукий ҳалқлар анъанасини тажаллий давомидир.

ДИДАКТИК АСАРЛАРДА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ.

*Избуллаева Г.В. – БухДУ нинг Педагогика институти, (PhD)
Педагогика, психология ва технологик таълим кафедраси доценти*

Ўрта асрларда таълим турларининг бири сифатида тасаввуф ҳам тилга олинади. Ислом цивилизациясининг Ҳижоз, Ироқ, Шом, Миср, Хуресон каби йирик марказлари қаторида қадимий Мовароуннаҳр ҳам тасаввуф бешикларидан бири сифатида машҳур. VIII-IX асрларда Мадина, Басра, Кўфа ва Хуресон зоҳидлик мактаблари билан бир вақтда Марказий Осиё зоҳидлик мактаби, шунингдек, IX-XI асрларда Нишопур, Миср, Дамашқ ва Бағдод сўфийлик мактаблари билан бирга Марказий Осиё сўфийлик мактаби ҳам фаолият кўрсатди. XII асрдан бошлиб ислом дунёсининг турли бурчакларида вужудга келган элликдан ортиқ сўфийлик тариқатидан тўрттаси – яссавия,

¹ Насимхон Рахмон. Турк хоқонлиги. - Т.: 1993. -Б. 7.

² Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. - Т.: 1991. -Б. 225.

³ Ўша асар, – Б. 225.




хожагон-нақшбандия, кубравия ва ишқия тариқатлари Марказий Осиёда вужудга келди.


Тасаввуф, сўфийлик исломда инсонни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимотдир. Тасаввуф ислом шариати талабларини ихлос билан бажарган ҳолда зухд, тақво, камтарлик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этиб, нафсни поклаш йўли билан комил инсон даражасига эришишга ҳаракат қилишдан иборат.

Дидактик асарларда тасаввуф борасида сўз борар экан, тасаввуф илмидан сабоқ берувчи шахс – шайх, муршид, пир, эшон, имом, воиз, хожа, мавло, мавлоно, маҳдум каби унвонлар билан танилган. Тасаввуфдан сабоқ олувчи шахс эса мурид, солик, ахли дил, ахли ҳол, мутасаввиф каби номлар билан аталган. Тасаввуф бўйича олий мақомларга эришган соҳибкаромат пирлар – валий, авлиё, кутб, актоб, автод, чилтан, абдол, аброр, ахрор, нужабо, нуқабо, сиддиқ, ғавс ва ҳоказолар дейилган. Тасаввуф ахли эса баъзан суфий, ошиқ, факир, хақир, дарвеш, қаландар, жунун, зоҳид, ориф, девона, ахли муҳаббат, ахли сулук, рижолул ғайб, савдойи, гадо каби атамалар билан ҳам ифода этилган.

Ушбу даврда Нажмиддин Кубро тасаввуф таълимотининг буюк вакили сифатида тасаввуфда сўфийлик қоидаларини асослаб беради. Унга кўра: «Шариат ва диннинг пойдевори сабр ва ишонч; ибодатларнинг энг афзали фарзларни адо этиш; одатларнинг энг маъқули ва чиройлиси гуноҳлардан, одамларга озор беришдан тийилиш; ўлимдан оғирроқ қулфат ўтган ишга пушаймонлик экан, дейилади. У XIII аср бошида Хоразмда тасаввуфнинг «Кубравийлик» тариқатига асос солган. Унинг асарларида тариқатнинг моҳияти, ўзига хос талаб ва қоидалари баён қилиб берилган. Кубронинг тасаввуфий таълимотига кўра, инсон ўз моҳияти билан кичик оламдир, у катта олам бўлган коинотдаги барча нарсаларни ва сифатларни ўзида мужассамлаштиради. Аммо илохий сифатлар юқори самовий доираларда бирин-кетин ўзига хос мақомларда жойлашганлигидан, ҳақиқат йўлини қидиувчилар бундай камолга эришиш учун маълум риёзатли йўлларни ўтишлари зарур. Бу йўлда унга пири комил раҳнамолик қилиши керак. Кубро хонақоҳда мурид тарбиялашнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқади, ўнта талаб асосида тариқат манзилларини босиб ўтиш ва покланиб, марифатга эришиш йўллари борлигини кўрсатади. «Ал-усул ал-ашара» («Ўн асос» ёки «Ўн усул») номли рисоласида соликни тарбиясида йўл ва амаллар белгилаб берилиб, Тавба, Зухд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Зикр, Таважҷух, Сабр, Муроқаба, Ризо каби ўнта талабнинг муҳимлиги қайд этилади. Шайх «Аллоҳга элтувчи йўлларининг адади маҳлуқотнинг нафаслари қадар



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти*



бехисоб. Биз изоҳламоқчи бўлган йўл эса йўлларнинг энг ойдини ва энг мукаммалидир», – дейди ва уларнинг ҳаммасини уч асосий гурухга бирлаштиради ва солик тарбиясида йўл ва унинг моҳиятини очиб беради. Қуида Нажмиддин Кубронинг солик тарбиясида йўл ва унинг моҳияти келтирилган.

1-жадвал:

Соликнинг тарбияси борасида йўл ва унинг моҳияти

№	Йўл	Моҳият
1.	Тариқи ахёр	ибодат ва амали солиҳ соҳибларининг йўли
2.	Тариқи аброр	мушоҳада ва риёзат соҳибларининг йўли
3.	Тариқи шуттор	ишқ, жазб ва муҳаббат соҳибларининг йўли

Бу йўлларнинг тамал қоидаларини эса юкорида келтирилган ўн асосда жамлаш мумкинdir. Ушбу асослар тариқатда мақом, манзил деб ҳам номланади. Нажмиддин Кубронинг камолотга эришиш асослари моҳиятини шогирд (солик)лари Нажмиддин Розий, Нажмуддин Доя, Мажиддин Бағдодий, Бобо Камол Жандий, Сайдиддин Ҳамавий, Сайфиддин Боҳарзий ва Баҳовуддин Валад илмий меъросларида кузатиш мумкин. Жумладан, Баҳовуддин Валад Жалолиддин Румийнинг отаси бўлиб, у ўглини ўз таълимотига асосланиб хат-саводини чиқаради. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, Жалолиддин Румий тасаввуфий қарашларининг бир илдизи Нажмиддин Кубро тасаввуфий таълимотига келиб тақалади, иккинчи илдизи эса албатта Фаридуддин Аттор билан боғлиқ. Румий тасаввуфни қуидагича талқин қиласи: Сўрдилар: устоз, тасаввуф не эмиш?

Деди: ғам келганда феълни кенг қилиш. Аллома инсонга тасаввуфнинг асосий тушунчаларини англатишида дўстлик Аллоҳда, ёр Мухаммадда, далил Қуръонда, хузур намозда, бойлик қаноатда, душман нафсада, шараф исломда, ибрат ўлимда деб келтиради. Румий тасаввуфда Аллоҳга етишмоқнинг З та шартини шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларида, деб кўрсатади. Жумладан: «Шариат шамга ўхшар, йўлингни ёритар, то қўлга шам олмагунча йўл юрмоғинг маҳолдир. Бас, йўлга тушдингми, ул Тариқатdir. Йўл босиб мақсадга етганинг, қўлга киритганинг Ҳақиқатdir... Ёхуд шариат тиб илмига ўхшар, Тариқат тиб илмига кўра парҳез айламак, дору-дармон ичмақdir, Ҳақиқат эса, соғаймоқ, абадий сиҳҳат топмоқdir, тиб илмидан ҳам, дору-дармондан ҳам бир йўла қутулмоқ демақdir... Шариат илмдир, тариқат амалдир. Ҳақиқат Аллоҳга етишмоқdir», – дейди.

Азизиддин Насафий ҳам «Комил инсон» китобида «шариат, тариқат ва ҳақиқат ҳақида» «Билгилки, шариат анбиё (набий ва пайғамбарлар)нинг



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти*



айтганлариридир, тариқат анбиёning қилганлариридир ва ҳақиқат анбиёning кўрганлариридир», – дейди ва шариат, тариқат, ҳақиқат аҳли фазилатини келтириб: «Эй дарвеш! Кимки пайғамбари айтган сўзларни қабул қилибdir, у шариат аҳлидандир, кимки пайғамбари қилган ишни қилибdir, у тариқат аҳлидандир ва кимки пайғамбари кўрган нарсани қўрибdir, ҳақиқат аҳлидандир. Кимдаки (бу уч фазилат) бор, ҳар учала (фазилат) эгасидир, кимдаким иккитаси бор – у икки (фазилат) эгасидир ва кимдаким биттаси бор бир (фазилат) эгасидир. Кимдаки (булардан) бирортаси бўлмаса, ҳеч нарсаси йўқdir», – дейилади. Демак, Румийда, Насафий ҳамда Маҳмуд Шабустарийда ҳам тасаввуф З та босқич шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичлари орқали таснифланади. Қуйида алломалар фикрларидан фойдаланиб тасаввуф босқичлари тарифи келтирилган.


2-жадвал:

Тасаввуфда босқичлари таърифи

Сўфий файласуф	Шариат	Тариқат	Ҳақиқат
Румийда	Илм	Амал	Аллоҳ
Насафийда	анбиёning айтганлари	анбиёning қилганлари	анбиёning кўрганлари
Шабустарий	кўйлак каби кийилади, пўст (зоҳир)	яктак каби кийилади, кўприк	мақомга эришилади, мағз (ботин)

Азизиддин Насафий «Комил инсон» асарнинг бешинчи рисоласини иккинчи фасли «Соликнинг нияти» деб номланади. Унда соликнинг илму маърифати борасида фикр юритилади. Бунга кўра: «Билгилки, пайғамбарлар даъвати, валийлар тарбияти одамлар эзгу сўз, эзгу амал, эзгу ахлоқ соҳиби бўлиши ва шу орқали зоҳирлар тўғри бўлиши учундир. Зоҳир тўғри бўлмагунча, ботин тузалмас. Чунки зоҳир қолип каби, ботин эса қолипга солинадиган нарсадекдир. Қолип тўғри бўлса, унга солинадиган нарса ҳам тўғри чиқур, агар эгри бўлса, ундаги нарса ҳам эгри бўлур», – дейди. Ушбу фикрдан шу нарса аёнлашадики Насафий тан ва рух уйғунлигига инсон камолотини кўради. Қачонки тан парваришланмас экан рух унда камол топмайди, деган фикр Жалолиддин Румий қарашларида ҳам мавжуд. Бу мутафаккирлар инсон камолотини тан ва рух тарбиясининг бирлигига, деб биладилар.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида номлари келтириб ўтилган сўфий файласуфлар ва уларнинг тасаввуфий қарашлари бугунги



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти



кунда ҳам тасаввуф таълимотини ўтганишда таълим мазмуни сифатида хизмат қилиб келади. Айниқса, улар томонидан яратилган дидактик асарларда дин ва тасаввуф моҳиятининг назарий ва амалий асослари тўла ёритиб берилган. Бундай типдаги дидактик асарлар ўзида комил инсон тарбиясини мужассамлаштирган ва булар инсон маънавиятини шаклланиши ва тарбияланишига яхши манба сифатида хизмат қиласади.

АҲМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙНИНГ ТАСАВВУФДАГИ УСТОЗЛАРИ.

Гуламова М.Т. – Бухоро давлат тиббиёт институти доценти, к.ф.н.

Мустакиллигимиз туфайли ислом тарихини ўрганиш халқимизни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, диний ҳаётини тубдан ўзгартириди. Бундай ўзгаришларни юртимизда ислом унверситети, ислом институтлари, ўрта маҳсус ислом билим юртлари, араб тили ва қуръон курсларини фаолият кўрсатаётганидан кўришимиз мумкин.

Ислом тараққиётида тасаввуф илмининг ўрни бекиёсдир. Бухоролик аждодларимиздан шайх ал-Колободий (туғилган йили маълум эмас, милод. 991 йил вафот этган) биринчи бўлиб тасаввуф фанига илмий асос солган буюк мутафаккирдир¹.

Тасаввуф-Қуръони карим, Расулуллоҳ (с.а.в.) ва у кишининг саҳобаларини йўлидир. Шариат ва бошқа илму фанларни ўрганиш йўллари турли-туман бўлганидек, тасаввуфда ҳам турли-туман тариқалар мавжуд. Ҳар бир тариқат ўзига хос йўлдан ҳақиқатга эришмоқчи бўлади. «Тариқанинг» лугавий маъноси йўл-йўриқ.

Тасаввуфдаги машҳур тариқатлар: яссавия, хожагон, кубравия, нақшбандия, қодирия, шозилия, чаштия, мавлавия ва бошқалар. Тасаввуфи тариқалар хилма-хил бўлса-да, уларнинг асосий мақсади битта, яъни ҳақиқати мутлаққа эришиш, илоҳий зот ҳақида маърифатга эга бўлиб, унинг розилигини ҳосил қилиш ва аҳадият зотига яқинлашишдир².

Тасаввуф таълимоти ҳалқни ягона мақсад сари бирлаштирган жамиятнинг турли табақалари ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарини боғлаган. Тасаввуф тариқатларидан бири Баҳоуддин Нақшбанд номи билан

¹ Шайх ал Колободий «Тасаввуф сарчашмаси» таржимон Отакул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отакул кизи. Т.:Faafur Fулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти. 2002. -144 б.

² (<https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/din/abdul-akim-zhuzzhonij-abdulholi-izhd/>)



машхур Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Бухорий (1318-1389) томонидан асосланған нақшбандия таълимотидир¹.

Нақшбандий тасаввуф таълимотини дунё бўйлаб кириб боришига сабабчи бўлган «Силсилаи шариф» «Олтин занжир»да 32 - ҳалқанинг пири муршиди Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий бўлади. Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий беш ёшида ўқишини бошлаб, саккиз ёшида Куръони каримни ёд олиб, «Ҳофизи Куръон» бўлган, «Далоили хойрот», «Қасидаи Бурда» ва «Ҳизбул Аъзам» каби китобларни кироат килишга устозлардан руҳсат олган².

Манбаларда қайд этилишича, болалигидан олган таълим-тарбияси туфайли сўфийлик ҳаётига яқин бўлган. Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий илм олиш даврида ҳам, Истанбулдаги ўқитувчилик фаолиятида ҳам, тасаввуфи илмни ўзида камлигини доимо ҳис этган. Чунки у диний илмлар билан шуғулланган. Зоҳирий илмлар тўғрисида билса ҳам, мукаммал бўлиши учун, комил устоз кераклигини англаған.

1845 йилда Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий мажлисларнинг бирида Мавлоно Холид ал-Боғдодий (қ.с)нинг ҳалифаларидан бири «Муфтий Траблусшама» номи билан машхур бўлган Абдулфаттоҳ Мавлонони кўриб муриди бўлиш истагини билдирганида³. У зот: «Сизнинг тариқатдаги насибингиз ва тақдирингиз менинг воситам билан эмас. Маъно оламингизни нурлантиromoққа вазифадор бўлган бошқа бир зот бор. Вақту соати келганда унга интисоб қиласиз ва файзингизни ундан оласиз. Кутинг», – дедилар⁴. Ҳазрат Кумушхонавий интизорликда устоз билан учрашув умидида юрди. Мавлоно Холиди-ал Бағдодий Кумушхонавийнинг тасаввуфда қандай мавқе ва катта таъсирга эга бўлишини олдиндан кўра олгани учун унга раҳбарлик қилган: ўз ҳалифаларидан бирига «Эй дўст Истанбулга бор ва фалон кишини иршод қил. Чунки у биздан кейин соҳиби замон ва раҳбари тариқат бўлгайдир. У гул ҳали очилмаган ғунчадир. Ул шаҳарга бошқа ҳар қанча ҳалифалар жўнатилган бўлса-да, унинг насиби азалдан сенга омонат топширилган. Боргил, ҳасрат оловида куйиб, пири муршид қидираётган ўша мушку анбар ҳидли валоят ғунчасининг очилмоғига хизмат қил. Бу хусусда саодати киром Ҳазратнинг руҳониятлари сенга мададкор бўлгай», деб буюрди⁵.

¹ Наврӯзова Г.Н. Нақшбандия-камолот йўли. –Т.: «Фан», 2007. 189 б. (Naqshbandi perfection path)

² Гуламова М.Т. Мушку анбар ҳидли валоят ғунчаси Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий // Имом Бухорий сабоклари журнали. – 2020. - № 2. –Б. 28-29

³ Fevzî, Hediyye, s. 32; Vassaf, Sefine-i Evliyâ, s. 341; Gündüz, Gümüşhânevî Ahmed Ziyâiddîn, s. 31-34.

⁴ Зиёуддин Аҳмад Ал-Кумушхонавий, таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. Т.:Мовароуннахр; 2000й. -313 б.

⁵ Гуламова М.Т. Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий //»Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, нақшбандия тасаввуфи таълимотлари илмий-маънавий меросининг



Яна бошқа бир манбага қуидагича ёзилган: Шу орада Мавлоно Холиди ал-Боғдодий ҳазрат Аҳмад Сулаймон Арводийга: «Эй дўст! Порлаш Шимолий Африкани, Бухорони, Мисрни, Маккани, Мадинани, Ҳиндистонни ва Узоқ Шарқни мунаввар қиласиган инсон. У билан сизнинг исмингиз кўпроқ эшишилади ва у билан сиз кўпроқ эшишиласиз, таниш бўласиз. Чунки у биздан кейин замоннинг соҳиби ва тариқатнинг бошловчиси бўлади», деган¹.

1845 йил вазифа буюрилган шайх Аҳмад Сулаймон Арводий Истанбулга келган. Кумушхонавий ҳазратлари пири муршидларининг келишларидан илоҳий илҳомлар, ҳақиқий тушлар билан хабардор бўлган. Улар шайх Адулфаттоҳ ҳазратнинг кулбасида кўришган. Кумушхонавий ҳеч қачон кўрмаган бу одам, Кумушхонавийга деди: «Эй Аҳмад! сизнинг қайсарлигиниз ва сизнинг раҳбарлигиниз азалдан менга ишониб топширилган ва фақат сиз учун Дамашқдан Анадолуга саёҳат қилишга келдим». Кумушхонавий бу сирли нотаниш одамдан номини эшишган заҳоти юраги қизиб кетди жуда ҳайратда қолди. Унинг ҳузурига қўл қовуштириб турди. Абдулфаттоҳ Кумушхонавийга юzlаниб, бу сизнинг шайхингиз. Буни дарҳол ҳал қилинг. Орамизда бегона йўқ, биз бир шайхдан илҳомланган бир дарахтнинг икки атиргулимиз. Кумушхонавий шайхга интисоб қиласи.

Кумушхонавий шайхини Маҳмуд пошо мадрасасидаги ҳужрасига олиб бориб, у ерда қирқ кунлик раҳмат ва мағфират даврини бошлаган. Шайх Кумушхонавийга бир қанча тариқат, зикр ва сайру сулук йўлларини таълим берган. Шайх ва шогирд Мавлоно ва унинг ўртасидаги иршот фаолиятида ҳам фавқулодда ҳодисалар бўлган. Шамси Табризий мисолида бўлгани каби, тасаввуфий ва фавқулодда муҳит содир бўлади. Шайх Арводий ҳам худди Шамс Мавлонони тарқ этганидек, Кумушхонавийни бирдан тарқ этади.

1848 йил устоз Арводий иккинчи марта Кумушхонавий билан ёлғизлиқда унга нақшбандия, қодирия, сухравардия, кубравия, шозилия, чаштия, мавлавия тариқатларига ижозат берган. Тасаввуф яъни, тариқат йўллари жуда нозик, башар аҳлини ростлигу покликка, касб-хунар эгаллашга, маърифатга ва Ҳақ йўлга ҳидоят қиласиган зотларнинг йўлидир.

Холоса қилиб қуидагиларни айтиш мумкин:

1. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг тасаввуфда устози Мавлоно Холиди ал-Боғдодийнинг шогирди шайх Аҳмад Сулаймон Арводий бўлган.

умумбашарий аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2 – китоб, – Навоий: «НавДПИ», 2019. -Б. 8-9

¹ Kılıç, Ruya, "Osmanlı Devletinde Yönetim-Nakşibendi ilişkilerine Farklı Bakış Halidi Sürgünleri", Tasavvuf: İlmî ve Akademik Araştırma Dergisi, Sayı: 17, Sayfa: 103-119, Ankara, 2006.



2. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийга тасаввуф йўлидаги нақшбандия, қодирия, сухравардия, кубравия, шозилия, чаштия, мавлавия тариқатларнинг муршиди сифатида фаолият юритишга устози томонидан ижозат берилган.

НАҚШБАНДИЙЛИК ТАРИҚАТИГА ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ.

*Тешаев Н.Н. – БухДУ «Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими» кафедраси доценти, ф.ф.н.*

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд улут мутасаввиф файласуфларнинг асарларини, хусусан, ибн Арабий асарларини мutoала қилишга ҳам кўп вақтини сарфлаган. Тасаввуф устозларидан бири, андалусиялик файласуф Муҳийиддин Абу Абдуллоҳ ибн ал-Арабийни қўпчилик олимлар «ваҳдат ул-вужуд» (борлиқнинг ягоналиги) ҳамда «ваҳдат ул-шуҳуд» (эътиқод бирлиги) таълимотларининг асосчиси ҳисоблашади. Уни «Шайх ул-акбар» ёхуд «Ибн Афлотун» (Афлотун ўғли) деб хурматлашади. Муҳийиддин ёшлигидан сўфийлар тариқатига кириб, Андалусия, Тунис, Марокаш, Сурия ва бошқа юртларини кезиб замонасининг фозилларидан таълим олган. Мусулмон шарқи илоҳиётчи олимлари Ал-Харроҳ, Ҳаким ат-Термизий, ал-Муҳосибий, Мансур Халлож, Абу Ҳамид Ғаззолий, Абу Исҳоқ ал-Исфароний асарлари билан танишган. Замонаси фузалосидан Ибн-Рушд, Шаҳобиддин Суҳравардий, Фахриддин ар-Розий, Ибн ул-Фарид каби алломалар сұхбатига етишиб, улар билан хат ёзишиб турган. 1223 йилдан умрининг охиригача Дамашқ шаҳрида яшаб ижод қилган.

Ибн Арабийнинг машҳур асарларидан «Фусус ал-ҳикам» («Ҳикматлар жавоҳироти») ва «Футухот ул-Маккия» («Макка қашфиётлари») ислом фалсафаси дурдоналаридан саналади. Ҳазрат Жомийнинг устози Ҳожа Муҳаммад Порсо «Фусус-жондур», «Футухот кўнгил» деган экан. Демак, Нақшбанднинг асҳобларидан бири Муҳаммад Порсо ҳар иккала асарни жуда юксак баҳолагани замирида кўп маънолар бор. Айниқса, «Фусус-ул-ҳикам»га машҳур олимлар томонидан 150 марта шарҳ ва тавзих –изоҳлар ёзилган.

Машҳур Навоийнинг замондоши Абул Восеъ Низомий «Мақомати Мавлоно Жомий»да ёзишича, султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротнинг Жомеъ масжидида Ибн Арабийнинг «Фусус» и ва унинг «куфр»и мавзууда диний-фалсафий баҳс уюштирилган.

Е.Э.Бертельс мазкур Абул Восеъ Низомий асарларига суюниб ёзишича, Жомий «Бу асарнинг асл маъноларини камдан-кам одам тушунади» дер



эканлар. «Фасус ал-ҳикам»ни күпчилик олимлар муалифнинг шогирди ва тутингандың ўғли Садриддин Күнёвий тавсири орқали тушунишга уринганлари ҳақида маълумотлар бор.

Аслида Хожа Баҳоуддин ибн Арабий асарларини ўқиганлиги ва энг муҳими, унинг таълимотини қабул қилгани ҳақида бизнинг қўлимиизда аниқроқ маълумот йўқ. Аммо Ибн Арабийнинг илми ғайб олимларидан бири сифатида ўрганишгани сир эмас. Имом Исмоил Бухорий таъкидлаганидек, илми ғайбнинг ягона устози ҳақ-таълонинг ўзидир. Айни вақтда ҳадиси шарифда айтилганидек, пайғамбар ворислари саналмиш илоҳиётчи олимлар, айниқса валий олимлар илми ғайбдан воқиф эканликлари табаррук манбаларда, хусусан, Фариуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий асарларида таъкидланган.

Хожа Баҳоуддин замонасининг етук олимлари қаторида мадрасаларда ўқитилган ва ўқитилмаган машхур фалсафий асарлар билан танишган бўлиши мумкин. Аммо Ҳазрат Баҳоуддин, ибн-Арабийнинг издоши дейиш тўғри эмас.

Табаррук манбаларда ёзилича, Хожа Баҳоуддин қирқ кунлик хилватда тоат-ибодат қилиб юрганида шундай мзъжиза юз берган. Хожанинг кўзига Туркистон машойихларидан Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) кўринган. Ҳаким ота аслида Хивалик бўлиб умрининг охирида Оққўргон (Тошкент вилояти) қишлоғига келиб қолган. Ҳаким ота Баҳоуддинга кўриниб айтганки, «Бундан буён тарбият таҳсил учун дарвеш Ҳалил қошиға сафар қил унинг йўлидан борғил». Шундай деб, Ҳаким ота ёнига дарвеш Ҳалилни чақириб, унга Баҳоуддинни танитган. Бу гаройиб учрашувни Хожа Баҳоуддин бобосига гапириб берганида, у неварасига: «Бўтам, сенга азизлик ва авлиёлик Туркистон шайхларидан келур деган. Шундан сўнг Баҳоуддин дарвеш Ҳалилни излаб топган, унга мурид бўлиб, билим олишни давом эттирган.

Еттисув томонларда (Туркистон ёки Сирдарёning нариги томонидаги Қошғар атрофларида давлат бўлса керак) хуумронлик қилган султон Ҳалил ёки Ғазанфар султон саройида хизмат қилган йиллари Баҳоуддинга билим, маърифат таҳсилига кенг йўл очилди. Олим ва султон мулозими Баҳоуддин сарой кутубхонасидаги жуда кўп нодир китоблар, қўлёзмалар билан танишиб чиқди. Туркий ва форсий тилларида ёзилган бу китобларда ажам ва араб фалсафасига, сўфийлик тариқатларига доир, шунингдек табиёт ва тарихга доир билимлар жамланган эди.

Дарвеш қаландар султон Ҳалил хукумдорлик қилган йиллари сарой кутубхонасини Искандария, Бағдод, Дамашқ, Маккаи Мукаррама каби жаҳон маданияти марказларидан олиб келтирилган жуда кўп китоблар билан



бойитди. Бу китоблар орасида араб, форс ва турк олимлари юонон ва лотин тилларидан таржима қилган китоблар ҳам бор эди. Кутубхонада, шунингдек, араб ва форс олимларининг фалакиёт, риёзиёт, ҳандаса, кимё ва табобатга оид асарлари ҳам кўп эди.


Хожа Баҳоуддин бу китобларнинг кўпчилигини мутолаа қилиб, ўрганиб чиқди. Табиийки, у диний-фалсафий асарларга қўпроқ эътибор берган. У «Анал-ҳақ» дегани учун оёқ- қўли чопилган Мансур Ҳаллож, Абу Ҳомид Ғаззолий, Аҳмад Ясавий, Жалолиддин Румий, Ибн-Арабий, Ибн-Можжа асарларини катта эътибор билан ўқиди. Ибн –Арабий (1164-1240)нинг «Футухоти ал-Маккия» ва «Фусус ал-ҳикам» фалсафий асарлари Мағриб ва машриқ олимлари ўртасида маълум ва машхур эди. Бу асарлар узоқ асрлар давомида Шарқ ва ғарб олимлари , руҳонийлар ўртасида қизғин баҳс- мунозалар уйғотди. Баъзи сўфийлар Ибн-Арабийни авлиёлар устози, пайғамбар даражасидаги улуғ сиймо деб билишса, бошқалар уни ислом динининг душмани деб ҳисоблайдилар. Е.Э.Бертельс манбалар асосида ёзишича , буюк мутафаккирлар Абдураҳмон Жомий ва ундан аввалги улуғ олимлар Ибн Арабий асарларини тасаввуф илмида Қуръон ва хадиси шарифдан кейинги асосий қўлланма деб билишган. Ибн Арабий умри давомида 400 га яқин асар ёзган, дейишади. Унинг энг машхур асарларидан бири «Футухоти ал-Маккия» («Маккада очилган қашфиётлар») бўлиб, худоитаъоло қудрати ва мўжизаларини, илми ғайб сирларини фақат валий одамларга очувчи қомусий асар ҳисобланади. Мазкур асарда Ибн Арабий Ҳақ Таъология етишишнинг манзиллари ва мақомлари ҳақида, ҳол илми¹ ҳақида ёzáди. Унинг таълим беришича, Ҳақ – таъология етишиш йўлларида 19 мақом, 360 манзил ва карvonсарой бор. Манзиллардан бири – ишонч-эътиқод; иккинчиси-сабр; учинчиси-итоат; тўртинчиси- шукр қилмокдир.

Шу асарда Ибн-Арабий тасаввуфнинг икки қутби ал-фикр ва ал-зикр² ҳақида гапиради. Ибн-Арабий фикрларича, Иблис худонинг душмани ҳам, дўсти ҳам эмас. Иблис фақат инсонга душмандир. Мусо пайғамбар билан олишаги Фиръавн ҳам худонинг душмани эмас. Ибн Арабийнинг шундай зиддиятли фикрлари кўп олимларни ўйлантириб, саросимага солган.

Хожа Баҳоуддин бундай мураккаб, зиддиятли мулоҳазаларнинг каердан келиб чиққанлигини билишга уринди. Ва шундай хулосага келдики,

¹ Ҳол илми- Қадимда аниқ фанлар ёки илми ҳол (атраномия, физика, математика, математика-риёзиёт, геометрия-ҳандаса, алжабр, кимё жуғрофия ва бошқаларга нисбатан фалсафа ва руҳий оламни тадқик этувчи илмий ҳол юқори баҳоланар эди. Подшоҳлар ва сultonлар мана шу илми ҳол вакиллаи, шоир, мутасаввиф авлиёларни ўзларига устоз деб уларнинг маслаҳатларига амал қиласа.

² Ал-фикр ва ал-зикр –Бу сўзлар маъносида ҳам кўринадики олий тушунчалар ҳақида фалсафий фикр-мушоҳада қилиш ва аллоҳ Каломи –Қуръони Карим оятлани, шу билан боғлик азиз-авлиёларнинг килмишларини ёд этиш ҳақида гап беради.



дилида доимо Аллоҳни ёд этиб яшайдиган одамларга Иблис заар етказолмайди. Аксинча, дилида шайтоний ўйлар билан яшайдиган одамларни, Иблис йўлдан оздириши табиийдир. Кўпчилик сўфиylар ўзлари чуқур билим маърифатга эришмай туриб, бошқаларни ўзига эргаштиришга уринадилар, турли-туман мураккаб фикр- мулоҳазалар уммони орасида ўзлари ҳам адашиб қоладилар ва сезмаганлари ҳолда ислом динидан узоқлашадилар. Ахир Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифда чин инсонлар, баркамолликнинг йўллари аниқ-равshan кўрсатилганку! Қуръоннинг 11-сурасида Баҳоуддин ўз саволларига аниқ жавоб топди: «Ёки: уни (Қуръонни) Муҳаммад тўқиб чиқарган, дейдиларми? Айтинг: « у ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга, кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб, шунга ўхшаш ўнтагина «тўқилган» сура келтирингиз! Бас, агар улар (яъни Аллоҳни қўйиб, сифинадиган бутларингиз) сизларга жавоб қиласалар, у ҳолда билингизки, албатта (бу Қуръон) Аллоҳнинг илми азалийси билан нозил қилингандир ва ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир».

Хожа Баҳоуддин «Қайси фирмадан бўлсалар ҳам куфр кетгувчиларнинг борар жойлари дўзахдир», деган сўзларни ўқиркан, сўфиylарнинг турли-туман тариқатларига қўшилмай, фақат Каломи шариф ва унга амал қилувчи пайғамбар ҳадислари йўлидан беришга аҳд қилди.

Ёш Баҳоуддин пайғамбар Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёлғиз худодан бошқа ҳеч қандай раҳбари йўқлигини эаслаб султон Ҳалилга хизмат қилишдан воз кечди. У саройни, ҳашаматли ҳаёти тарк этди. Муҳаммад пайғамбар изидан боришга аҳд қилди.

Хожа Баҳоуддин шариат қонун-қоидаларига қаттиқ ёпишиб олмаган. У хурофотни қоралаш билан бирга, янги билимларни ўрганишга интилган. Ва шу аснода инсоннинг оламдаги ўрнини, Ҳақ Таолога мухаббати муаммоларини кўп ўйлаган.

Боғдодга биринчи сафари вақтида Хожа Баҳоуддин тасаввуфнинг иирик олими, Боғдод фалсафий мактабининг асосчиси Абу Абдуллоҳ ал – Муҳосибий хотирасини ёдлаб, қабрини зиёрат қилди.

Ал-Муҳосибий фикрига кўра, инсоннинг дилидаги ниятлари, ички ва ташқи дунёси орасидаги мутаносиблик, уйғунликнинг бузилмаслигини текшириб туриш керак. Ҳаққа етишиш йўлида сўфиининг олам сирларини тушунадиган ҳолга кириши, илми ҳол тушунчасини ҳам Муҳосибий ихтиро этган эди.

Боғдодда Хожа Баҳоуддин, шунингдек, бутун дунё сўфиylари устоз деб хисоблайдиган Жунайд Боғдодий қабрини зиёрат қилди. Аҳмад Яссавий



эслатишича Жунайд Боғдодий фано филлоҳ¹. (Аллоҳ ҳузурида фано топиш) назариясини қашф этган. «Фано» тушунчаси мусулмон мистицизми, илми гойбнинг, сўфийлик мақоматининг асосий истилоҳларидан биридир. Худога муҳаббат, ҳақиқатга чин ошиқлик бу йўлда барча машаққатларга, хорзорликларга сабр-матонат юилан чидаш улуғ мутасаввиғларгагина насиб этади. Хожа Аҳмад Яссавий айтади:

*Жондин кечган чин ошиқлар дунё эмас,
Нафси ўлик обу таом ҳамин емас,
Бу дунёда суду зиён бўлса билмас,
Дунё келиб, жилва қилса боққони йўқ.*

*Ишқсиз келди одам эрмас, англасангиз,
Бемуҳаббат шайтон қавми, тингласангиз.
Ишқдан ўзга сўзни агар сўзласангиз,
Илкингиздан иймон, ислом кетти бўлгай.*

Устоз Жунайд Боғдодий шунинг учун ҳам «Ана-л-ҳақ»- «Мен худоман» деб такаббурлик қилган Мансур Халложни қоралаган². Ҳақ васлига етишиш, чин ошиқлик, ваҳдат (ягоналик) «май»идан маст бўлиб, жазавага тушишни деярли барча сўфийлар эътироф этадилар. Каъба атрофини айланганларида мукаддас оstonани тавоф қилиб ўпишлари идрок этилди. Мастрлар деганда зикри сано қилувчиларнинг бор оламни унутишлари англашилади. Дунёдаги машҳур шоир ва файласуфлар олим Умар Хайём рубоийларида май ҳам худди шундай диний ташбех, мажоздир:

*Дунёдаги улуғ сўз- Қуръон ўқилур,
У ҳам мудом эмас, ахён ўқилур.
Пиёла четида бир оят борки,
Ҳар жойда, ҳамиша , ҳар он ўқилур....*

Жунайд Боғдодий сўфий дарвешларнинг ваҳдат майдан маст бўлиши ғоясидан аввалроқ «фано», яъни тириклиқда «йўқдай» яшаш, худои таъоло жамолига етишиш йўлида бу дунё ҳавасларидан кечиш ғоясини илгари сурди. Жунайд Боғдодий фикрича, ҳаққа етишув йўлидаги биринчи босқич шариат ҳукмларига амал қилиш (шариатда ҳар ишда ҳалоллик, поклик

¹ «Фано-филлоҳ»- Аллоҳ даргоҳига сингиб, Ҳақ таъоло васлига етиб, йўқ бўлиш. Ер юзидағи барча гуноҳлардан юкланиш, тирик туриб, йўқдай хеч нарса тиламай, търма қилмай, факат Аллоҳ даргоҳига кетишини талаб қилиш маъноларини англатади. Аҳмад Яссавий айниқса бу таълимотга қаттиқ амал қилган.

² Машҳур сўфий Мансур Халложнинг “Ана-л-ҳақ” деган иборатини турлича талқин қиласидар ва тушунадилар. Халлож замондошлари ҳам уни нотўғри тушуниб коғирга чиқарганлар. Аслида – “Ана-л-ҳақ”- “Мен худоман” дегани эмас. “Ҳақиқат менинг ўзимдадир, виждоним буоргани ҳақиқатдир” дегани. Ахир худо кўнгилга солса эътиқод пайдо бўлади. Бу ўринда Мансур Халлож шу маънони ифодаламоқчи бўлиши керак.



буюрилади, макрух-ҳаром ишлар манъ этилади¹). Бунга барча мусулмонлар амал қилишлари зарур. Иккинчи босқич тариқат, асосан сўфийлар йўлидир.² Сўнгги босқич ҳақиқат бўлиб, бу юксакликка нодир ва комил инсонларгина эришади. Ҳақиқат мақомида Аллоҳ таъоло васлига етишган ҳисобланади.

Боғдод шаҳрида ўша вақтда 20 дан зиёд кутубхона бўлиб, Баҳоуддин уларда сақланаётган тасаввуфга доир асарларни синчиклаб ўрганди. Табиийки, Хожа Баҳоуддин бу ерда ислом оламига донғи кетган Мансур Ҳаллож ҳаёти ва таълимоти билан ҳам қизикди. Унинг асарларини топиб ўқиди. Бошқа мутасаввифлар ҳаққа етишиш йўлларини, илми ғайбни илоҳий сир деб, ҳар кимга билдирилар эдилар. Мансур Ҳаллож эса айрим нодир зотларгина эмас, балки оламдаги ҳамма мавжудот Аллоҳнинг тажаллийси-қўриниши, илоҳийлик инсонга ҳам хос деб эълон қилди. Бу фикр билан «ваҳдати- вужуд» таълимотига йўл очган. Ҳаллож ўз ғояларини Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Ироқ ва бошқа мамлакатларга тарғиб қилган ва муҳлислар ортирган. Мусулмон олимлари Мансур Ҳалложни бидъатчиликда ва шаккокликда айблаб, қатл этиш хукм чиқарганлар.

Хуллас, Хожа Баҳоуддин уни бутун умри двомида айрим олимлар ва шайхлар сўфийликнинг турли тариқатлари, турли мазҳаб вакиллари ислом динини чалкаштириб юборганикларини аниқлади. Энди исломни асл ҳолига, тозалик даврига қайтариш, уни турли-туман чалкашликлардан ва расмиятчиликлардан тозалаш зарур, деган фикрга келди ва шу шиорни ўртага ташлади. Шарқ мамлакатларидаги барча софдил мусулмонлар бу чақириқقا қизғин жавоб бердилар. Шу тариқа Бухорода исломни мусаффолаштиришга, инсонийлигига қайтаришга аҳд қилган ғоят кучли нақшбандийлик сулуки-ижодий мактаби вужудга келди. Оқибатда Мувароуннаҳр, Ҳурросон, Эрон, Усмонли туркия, ҳатто Олтин Ўрда давлатларидан Бухорога, Баҳоуддин ҳузурига минглаб шогирдлар оқиб кела бошлади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифати, табиий шириңсуханлигини, самимияти, оташин воизлиги, ибодатда покизалиги унинг таълимоти довруғини оламга таратди.

Нақшбандлик таълимотида муҳим янгилик тарки дунёчиликдан воз кечиб, ҳалол меҳнатнинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиб яшаш, дунёвий ҳокимият билан ҳалқ манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилиш,

¹ Тариқат- йўл маъносида. Тасаввуфга кўра покланишнинг турли босқичларидан ўтиб, ҳақиқатга етишиш йўллари турличадир. Ислом тарихида кубравия, Нақшбандия, Суҳравия, Яссавия, Қодирия каби тариқатлар бор.

² “Ваҳдати вужуд”- Бу таълимотга кўра , моддӣ олам нарсалар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат факат Аллоҳда мужассамлашган, моддий олам Аллоҳнинг нури, шуъласидир. Ваҳдати вужуд намояндалари (Ибн Арабий ва б.)худо бутун борлиқни яратиб туради, деб ҳисоблашган. Ваҳдати вужуд айникса 17-19 асрларда Ҳиндистон ва Туркистонда тасаввуфнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган.



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти



хукумдорларни илму-маърифатга, адл-инсофга чакириш яхши самаралар бера бошлади. Шунинг учун ҳатто подшолар ҳам нақшбандийлик билан яхши муносабат ўрнатишлари зарур бўлиб қолди.

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА РУҲИЙ КАМОЛОТ МАСАЛАСИ.

Каримов Б.Х. – БухМТИ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

Инсон ва унинг камолоти масаласи ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлган. Тасаввуф таълимотлари бу масалага маҳсус эътибор берганлар, чунки уларнинг мақсади инсон руҳини олий ҳад даражасига юксалтиришдир.

Баркамол авлодни тарбиялаш сиёсатимизнинг устувор вазифаси бўлиб турган бугунги кунда камолотга етакловчи йўл, воситаларни излаш, тадқиқ этиш илмий жамоатчиликнинг асосий вазифаларидан биридир.


Таниқли тасаввуфшунос олима, профессор Гулчехра Наврӯзова ўзининг «Нақшбандия – камолот йўли» номли китобида ҳазрат Азизоннинг камолотнинг ўн шартини қуидагича келтиради.

Тасаввуфнинг хожагон тариқати инсоний камолотга етакловчи мўътадил, меъёрдаги мақбул йўлни топган. Хожагон тариқатининг пири Баҳоуддин Нақшбанд устозларидан бири, Ҳазрат Азизон номи билан машҳур ва у яшаган йилларни Ҳазрат Азизон даври дейиш даражасига муносиб зот. Ҳазрат Хожа Али Ромитаний ҳам инсон камолоти масалалари ҳақида тафаккур этган. «Рисолаи Ҳазрат Азизон»да у инсонни Ҳақиқатга етишига ёрдам берувчи, комил инсон бўлиши учун лозим бўлган ўнта шартни кўрсатган. Рисолада риоя этиш, бажариш керак деган шартлар инсонни ўз-ўзини англашга, ўз-ўзини бошқаришга ёрдам беради.

Биринчи шарт таҳоратли бўлиш ёки покланишдир. Ҳазрат Азизон покланиш ёки таҳоратни тўрт хилга - зоҳирий, ботиний, дил ва бош таҳоратига бўлиб, инсонни пок зот - Аллоҳ файз ва нурларини олишга тайёр бўлишга ёрдам берувчи шарт деб қарайди. Зоҳиран таҳоратли бўлишга ҳаракат қилиб инсон ўз жисми, либоси, манзилу маконини поклайди. Ботин таҳорати или ҳалол луқма ва ичимликларга риоя этиб, вужудидаги барча ҳужайраларигача поклайди. Бош ва қалб таҳорати или маънавийолами покланиб, зоҳиран ва ботинан камолотга тайёр бўлади.

Рисолада ёзиладики, инсон покланиб, ҳам халққа, ҳам холиққа мақбул бўлсагина бу шартни мукаммал бажарган бўлади.

Иккинчи шарт ношоиста сўзлардан тилнинг хомушлиги. Бу шарт инсонни ўзига берилган гапириш қувватларини бошқаришга ўргатади. Инсон бошқа мавжудотлардан фасоҳатли нутқи билан ажralиб туради. Бир оғиз



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввух таълимотининг ўрни ва аҳамияти*



яхши сўз билан инсонни ўлимдан сақлаш ва ёмон сўз билан ўлишга етаклаш мумкин. Шунинг учун тилни бошқариш масаласи бутун инсониятни хотиржам, барқарор яшашга таъсир этувчи глобал муаммодир.

Ҳазрат Азизон инсонни тана ва жон, яънируҳдан иборат мураккаб ҳилқат эканлиги ва танадаги ҳар бир узв бирмақсадда яратилганлигини таъкидлаб, инсонни ўз-ўзини жисми ва руҳини, нафси ва жонини ўрганишга, тафаккур қилишга чақиради. Алишер Навоий ҳам шу маънода таъкидлаган:

*Ўз вужудингни тафаккур айлагил,
Ҳар на истарсен, ўзингдан истагил.*

Учинчи шарт хилват ва узлатдир. Бу шарт инсонга кўз, кўриш, назар солиш қувватларини бошқаришни ўргатади. Ёмон нарсага назарни Ҳазрат Азизон заҳарли ўқ билан тенглаштиради ва шундай мисраларни келтиради:

*Зи тири макри шайотини бад бинўши ду чаим,
Ҳалок гардй, агар тири коргар ёбй¹.*

Мазмуни:

*Ёмон шайтон макри ўқидан кўзингни юмгин,
Ҳалок бўласан агар унинг ҳаракатдаги ўқини топсанг.*

Шунингдек, узлат, хилват деганда қўл, оёқ, қулоқ ва нафс қувватларини бошқариш ҳам назарда тутилади. Яъни қўл ва оёқларни ношоиста иш билан машғул этмаслик, ношоиста гапларни эшитмаслик ва нафснинг макрларини ўрганиш бу узвларнинг қувватларни эзгулик йўлига бошқаришга олиб келади.

Тўртинчи шарт рўзадир. Бу шарт нафс қувватларини ўрганиш ва уни бошқариш, меъёрга солиш, жиловлашга қаратилгандир. Рўза тана қувватларини бошқариш ва покланишининг асосий воситасидир.

Бешинчи шарт зикрдир. Ҳазрат Азизон Ла Илаҳа Иллаллоҳ – Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ зикрини айтиш лозим деб, инсонни ўз аслини, ҳаёт мазмуни ва моҳиятини билишга бутун оламга тафаккур назари билан қараб, ўткинчи ва абадий, фоний ва боқий, ўзгарувчан ва ўзгармас нарсаларни ажратиб, шунга яраша муносабатда бўлишга чақиради. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам бу маънида айтган эди:

*Дил чу моҳи, зикр чу об аст,
Покий дил зи зикри Ваҳҳоб аст².*

Мазмуни:

*Юрак, қалб балиқ каби, зикр эса сувдир,
Юракнинг поклиги Ваҳҳоб (Аллоҳнинг бир номи) зикридандир.*

¹ Ўша жойда. 18-бет.

² Баҳоуддин Балогардон. 104-бет.



Демак, зикр юрак ҳолатини бошқаришга ёрдам беради. Юрак бутун вужуд маркази бўлганлигидан зикр натижасида вужуд устидан шаҳаншоҳ каби бўлиб, уни ўз тасарруфига олиб билади.

Олтинчи шарт хотирани сақлаш. Айтиш мумкинки, инсон камолоти учун энг зарурий восита хотирадир, чунки инсон хотирасидаги қувватлар унинг ҳолатига таъсир этади. Ҳазрат Азизон хотирани тўрт хил эканлигини айтиб, шайтоний ва нафсоний хотираларни йўқотиб, малакий ва раҳмоний хотираларни сақлаш лозим дейди. Демак, бу шарт хотира қувватини бошқаришни тавсия этади.

Еттинчи шарт ризодир. Бу инсонни уйғунлик, мувофиқлик, муроса ва мадорага олиб келувчи бир зарурий ҳолатdir. Ризо шартида Ҳазрат Азизон инсон ўзини меъёрда сақлаши, таназзулга тушмаслиги учун зарур бўлган хавф-қўрқув ва рижо-умидни тавсия беради. Яъни инсон доимо ҳар бир қилган амали, ҳаракатини назорат этиб туриши, гуноҳ қилишидан қўрқиши, яхши, хайр ишнинг баракаси, файзига умид қилиши лозим. Ризо шарти инсонни ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришга ёрдам беради.

Саккизинчи шарт соликлар – Ҳак йўлидан борувчилар сухбатини ихтиёр этиш ва ёмонлардан узоқда бўлиш. Бу шарт инсонга берилган ихтиёрни бошқаришга қаратилган. Инсон, дарҳақиқат, мавжудотлар ичida энг шарифи бўлишига сабаб, унга танлаш эркинлиги берилгандир. Инсонга ақл-идрок, фахм-фаросат билан ихтиёр берилганки, ўзи ҳамсуҳбатини танлайди. Хожа Али Ромитаний шундай киши билан ҳамсуҳбат бўлишни тавсия этадики, унинг баракотидан инсонда илоҳий сифатлари кўпайсин.

Тўққизинчи шарт уйғоқликдир. Бу шарт билан Ҳазрат Азизон инсонга берилган вақтни бошқариш, уйқу, ғафлат ҳолатидан бедорлик, ҳушёрлик ҳолатига ўтишни тавсия беради:

Тунда ҳам олиб билувчи давлатни истасанг, тунни тирилтиргин.

Ётган киши кўрдир, давлат эса уйгоқларгагина етар.

Ўнинчи шарт луқмани сақлаш. Бу шарт инсон тўққиз шартга амал қилиб қўлга киритган покланган вужуд ва камолотга етган рух қувватларини сақлаш, асраш, бошқаришга қаратилгандир. Чунки ҳаром луқма барча риёзатни йўқ қиласди. Ҳазрат Азизон луқмани сақлашни қуйидаги асосларини кўрсатган:

1. Ният қилиш, токи ҳалол рўзи насиб этсин. Чунки ҳадисда ёзилганки, «Ибодат ўн қисмдан иборатдир. Унинг тўққиз қисми ҳалол рўзи талаб этиш, қолган бир қисми барча ибодатлардир.» Демак, ҳалол луқма, ҳалол ризқ қилиб берган нарсалар билан яшаган, кишининг намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқа Қуръон ўқишу ибодатлари қабул бўлади. Шунинг учун ибодатли



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти



бўлиш учун бир шартни бажариб, тўққизтасини бажармай қолганлар, ўз охиратини кўйдиради.

2. Ҳалол луқма огоҳлилик билан қилинган меҳнат ила топилган луқмадир. «Даст ба кору, дил ба Ёр» – «Қўл меҳнат билан, қалб Ёр – Аллоҳ билан» шиорининг моҳияти ҳам шудир.

3. Луқмани истеъмол этишдан мақсад ибодатини мукаммал бўлиши, яъни ибодатнинг тўққиз қисми бўлган ҳалол ризқ-рўз топиш учун меҳнат қилишга куч-қувват йиғиш бўлиши керак. Нафсга қул бўлиб, луқмани истеъмол этиш инсонни ғафлатга етаклайди ва у ҳалол бўлмайди.

4. Ҳалол пок луқма исроф қилинмайди.

5. Луқмани истеъмол қилаётганда зикр билан, огоҳ ҳолатида, берилган неъматларга шукур этиш лозим.

6. Луқмани яхши кишилар билан бирга истеъмол этиш, ёмон кишилар билан ҳамтовоқ бўлмаслик лозим.

7. Таом пишираётганда огоҳ, хушёр, Аллоҳ зикри ва шукурига, неъматларни тафаккурида бўлсин, бўлмаса ўзи ва бошқаларни ғафлатга олиб келади.

8. Таомни пишираётган киши таҳоратли бўлиши лозим. Хожа Хизр бир таомни емабтилар ва айтибдилар – «Хамир қорган киши таҳоратсиз бўлган, бундай луқма бизга лойик эмас». Баҳоуддин Нақшбанд ҳам битта капкир газаб, ғафлат билан таом тайёрлашда урилган бўлса, уни емаганлар¹.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.

Эватов С.С. – Фарғона давлат университети(PhD)

Тасаввуф VIII аср ўрталаридан бошлаб бир неча диний, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий-ақидавий сабаблар туфайли вужудга келган ҳодиса бўлиб, дастлаб зоҳидлик ҳаракати сифатида шаклланган тасаввуф кейинчалик кенг қамровли ижтимоий ҳодисага айланган. Аллоҳдан қўрқиши, тақво асосий ғоялари бўлган сўфийларда энди онтологик ва гнесологик ғоялар шакланаётган эди. Анъанавий ислом тафаккурида метафизик ҳодисалар ҳақида фикр юритиш бироз чегараланганлиги кўпгина хорижий тадқиқотчиларнинг бу таълимотлар илдизларини бирмунча ҳурфикарликка ўйл берадиган бошқа эътиқод ва манбалардан қидиришлари учун туртки бўлган. Бу қарашларда баъзан чегарадан чиқиши, мутаассиблик, мавзу

¹ Г.Н.Наврӯзова. Накшбандия – камолот йўли. “Фан”. Т. 2007. 66-75-бетлар.



моҳиятини чуқур тушунмаслик натижасида келиб чиққан хулосаларига ҳам дуч келамиз. Шунинг учун янги давр тадқиқотларидан бу масалаларда чуқур изланиш ва қиёсий таҳлиллар асосида мавзуни тўлиқ ёритиш талаб қилинади. Шарқшунослар томонидан тасаввуф тарихи ва унинг ғоялари ҳақида билдирилган хулосалар кўпинча ўз мамлакатлари ёки илмий-маданий муҳитларида устун бўлган ёндашувлардан келиб чиққанлиги аён бўлади. Лекин бу фундаментал тадқиқотларнинг илмий аҳамиятини эътироф этган ҳолда уларнинг фикрларини ўрганишга, тасаввуф таълимотларининг туб негизларини топишга, уларни қиёсий таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш заруратга айланмоқда.

Тасаввуфнинг шаклланиш илдизлари бўйича изланишлар олиб борган тадқиқотчилар турли қарашларни илгари сурадилар. Масалан, араб, турк ва янги давр ўзбек тадқиқотчиларидан иборат биринчи гурух¹ тадқиқотчилари тасаввуфни фақат исломий негизлардан келиб чиққанлигини таъкидлашади. Гарб шарқшунослари ва эронлик олимлардан иборат иккинчи гурух² тадқиқотчилари эса тасаввуф генезисида бошқа эътиқодлар – буддавийлик, зардуштийлик, яҳудийлик, насронийлик, монавийлик динлари ва юонон фалсафасига оид таълимотлар илдизларини ҳам кўришади³. Инглиз шарқшуноси Ж.С.Тримингэм тасаввуфни умуман ислом динига боғлиқ эмас деб ҳисоблаб, «Тасаввуф мусулмон манбаларидан деярли ҳеч нарса олмасдан, ислом ичидаги ривожланди, шу билан бирга, шарқий христианликнинг аскетик ва мистик амалиёти ҳамда фалсафасини ўзлаштириди»,⁴ – деб ёзади. Швейцариялик шарқшунос Адам Мең ҳам тасаввуфни насронийлик гностицизми таъсирида пайдо бўлган, деб хулоса чиқаради.

Баъзи тадқиқотчилар генезис масаласида ўрта йўлни тутишган. Эронлик тадқиқотчи Р. Биринжкор шулар жумласидан бўлиб, «тасаввуф асосий тушунчаларини исломдан олган, аммо назарий ва амалий жиҳатлари учун аниқ тизим ва қоидалар ишлаб чиқиши асосида бошқа халқларнинг мистик ва фалсафий қарашларидан ҳам фойдаланган»,⁵ деган фикрни билдиради.

VIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, юонон фалсафасига оид асарларнинг таржима қилиниши зиёли қатлам дунёқарашининг бутунлай

¹ Абдулқодир Исо, Джон А. Субхон, Усмон Турар, Хасан Комил Йилмаз, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва Қосим Гани, Е.Э.Бертельс, М.Т.Степанянц кабиларни киритиш мумкин.

² Сайийд Нафисий, Абдулхусайн Зарринкўб, А.Д.Кныш, А.Шиммелъ, Адам Мең ва бошқалар.

³ Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr”, 2020. – Б.16-17.

⁴ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордени в исламе. – Москва: София. Д. Гелиос, 2002. – С. 27.

⁵ Биринжкар Р. Знакомство с исламскими науками: калам, фалсафа, ирфан: в 3 ч. / пер. с перс. С. Ходжаниёзова; предисл., comment. и общ. ред. И.А. Таировой. – Москва: ООО «Садра» 2014. – С.205-206.



ўзгаришига олиб келган. Бу ўзгаришлар асосан илмий соҳаларда кўзга ташланса ҳам, лекин фалсафий қарашларга ҳам таъсир кўрсатганини инкор қилиб бўлмайди. Хусусан, тасаввуфий-фалсафий таълимотлардаги таъсир, биринчидан, қадимий адабиётларни таржимаси орқали бўлган бўлса, иккинчидан, фалсафий-ақидавий жамоаларнинг кенг ҳудудларга ёйилганлиги билан ифодаланади. Халифалик ҳудудларининг кенгайиши натижасида турли халқлар, турли эътиқод вакиллари ҳам ислом динини қабул қила бошлаган.

Юонон фалсафасига оид илмларни Фаззолий олти турга: риёзат, мантиқ, табиий илмлар, сиёsat, илоҳиёт ва ахлоқ илмларига ажратди. Тасаввуф таълимотларида юонон фалсафасининг ахлоқ ва илоҳиёт илмига оид унсурлар учрайди. Фаззолий ахлоқ илмига оид ғояларни исломга камдан кам ҳолатларда қарама-қарши келадиган йўналиш сифатида баҳолаган бўлса, илоҳиёт илмида жуда кўп файласуфлар адашганини, шунинг учун улар орасида бу илм ҳақида ихтилофлар кўпайиб кетганини¹ таъкидлайди. Тасаввуфий асарларга диний-фалсафий ва метафизикага оид қарашлар киритила бошланди. Нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти, Аллоҳнинг зоти ва сифатлари ҳақидаги онтологик ва гнесеологик қарашларни сўфийлар ўз ички тажрибаларига суюниб изоҳлай бошладилар. Тасаввуфни тадқиқ қилувчи мутасаввифлар томонидан кейинчалик «сунний тасаввуф» ва «фалсафий тасаввуф» тарзида тақсимлаб талқин қилинганлигини кузатиш мумкин. Тасаввуфни бу тарзда бўлиш ва унда соф исломий ғоялардан ташқари бошқа таълимотларнинг ҳам таъсири борлигини рад этиш, бу таълимотлардаги инсон ўз-ўзини ва борлиқни, рух ва унинг яратувчисини, фонийлик ва боқийликнинг моҳиятини тушуниб этишга бўлган сўфийларнинг интилишларини назарга илмасликка олиб келиш мумкин. Унга инсоний ирфоний-фалсафий таълимот сифатида қараш орқали тарихийadolat тамойилларига амал қилган бўламиз.

Хуллас, Марказий Осиё тасаввуфи ҳанафийлик анъаналари асосида шаклланган. Бу эса ҳудудда муҳаддислар, муфассирлар, фақиҳлар, мутакаллимлар, уламоларнинг аксарияти зоҳид бўлганликлари билан изоҳланади. Бу таълимотларнинг шариатда ўз ўрни бўлиб, улар ортодоксал ислом анъаналари доирасида талқин қилинган. Марказий Осиёда яшаб ижод этган мутасаввифлар ислом таълимотининг марказий муаммоларини ўз ғоя ва қарашларининг асосий нуқтасига айлантиришган. Уларнинг инсон камолотида мақомлар, тана ва рух поклиги, ахлоқий поклик ва нафс тарбияси ҳақидаги ғоя ва қарашлари ҳозирги кунда ҳам устувор ғоялар ҳисобланади.

¹Аҳмад Муҳаммад Турсун. Абу Ҳомид Фаззолий Ҳужжатул-ислом ва қалблар табиби. –Тошкент: “Qaqnus media”, 2017. –Б.46.



ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДА НАФС МАСАЛАСИННИГ ЁРИТИЛИШИ.



Норматова Д.Э. – ФарДУ Фалсафа кафедраси доценти

Тасаввуф сўзи ва унинг луғавий маъноси ҳақида турличи ёндашувлар бор. Баъзи манбаларда уни «аҳли суффа» сўзидаги «суффа»дан, баъзилар «софа», баъзилар эса «сувф» сўзидан олинган ва жун чакмон кийган кимсалар дея талқин қилганлар. Кўплаб мутасаввиф олимларнинг фикрига кўра жун деган маъно ҳақиқатга яқин эканлигини биламиз. Буюк тасаввуф шайхлари, тариқат пирларининг ислом дини аҳлига қийин даврларда динимизни, ислом илмини сақлаб қолишидаги меҳнатлари ҳамда хиссалари чексиздир. «Тасаввуф – нафс тарбияси, -исломнинг ҳақиқати, асоси, жон томиридир. Нафс тарбиялангач, киши савобталаб ва фойдали бир инсонга айланади. Тасаввуф тақво йўлидир. Бу – қўрқиши, сақланиш дегани... Киши Аллоҳдан қўрқиб, гуноҳлардан, ҳаромлардан, Аллоҳ ёқтиргмаган ишлардан ўз нафсини тийгани учун тақво йўли дейилади...»¹.

Инсон бу дунё, бу ҳаёт, кунларимиз ва умримиз ўткинчи ва абадий эмаслигини англаб етади. Лекин ана шу қисқа умрни ҳар ким бир хил тушунмаслиги натижасида хатоликлар алданишлар юзага келади. Умримизни ҳалол луқма асосига қуриш, ҳалол ризқ йиғиш, ҳаромдан ҳазар қилиш ҳаётий шиоримиз бўлиши даркор. Тасаввуфда ҳам нафс билан жиҳод қилиш, нафсни тарбиялаш энг асосий масалалардан бири эканлигини кўрамиз. Демак, биз нафсимизни тарбиялайдиган бир йўл топишимиз, уни енгишга ўргатадиган усулларга суюнишимиз керак. Савобли амалларни ўрганишимиз ва уларни машаққатли бўлса ҳам, бажаришимиз зарур. Ёшларга Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам: «Энг катта душман – нафс!...» – деб буюрганликларини, нафс ёмон ишлар қилишга ундаши ҳақида тушунтириш лозим. Тасаввуфнинг асоси ҳам нафс тарбиясидир. Нафс тарбияланса, инсон таскин топади, хузур-ҳаловатга эришади, ёмон хулқу-одатларини ташлаб, яхши ахлоқ ва фазилатларга, савобли ишларга ошиқадиган фойдали инсонга айланади. Тасаввуф нафсни ахлоқий жиҳатдан тараққий эттирадиган ҳаётий фалсафа бўлиб, у муайян амалий риёзат воситасида олий ҳақиқатга сингиш ҳиссига олиб боради.

Ўрта Осиёлик йирик мутасаввиф олим Аҳмад Яссавий нафс билан курашишни ўз шеърий асарларида ифодалашга ҳаракат қилган. У ислом дини ақидалари ва ўз асосланган ғояларни муқаддас манбалардаги ғоялар билан


¹ Маҳмуд Аъсад Жўшон. Ислом, Тасаввуф ва ахлоқ. –Т. Истиклол. 2000. 168-б



уйғунлаштиришга ҳаракат қиласи. Аҳмад Яссавий маънавий-ахлоқий хислатлар – муруват, саховат, қаноат ва ростгўйликни тарғиб қиласи. Унинг ҳикматларида панд-насиҳат, нафсу-дунёдан воз кечиш, инсон руҳи ва онгини ҳар қандай иллат, қабоҳатдан озод этиш кераклиги ана шундагина инсоннинг ахлоқида кўзга ташланувчи айрим нуқсонлар юзага келмаслигини таъкидланади. Яссавия тариқатининг йирик намояндаси Аҳмад Яссавий ўзининг «Ҳикматлар» номли асарида поклик, ҳалоллик, тўғрилик, меҳр-шафқат, ўз қўл кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечириш, Аллоҳ таоло васлига етишиш йўлида инсонни ботинан ва зоҳирان ҳар томонлама такомиллаштириш қаби илғор умуминсоний қадриятлар ифода этилган. А.Яссавий фикрича, «нафсни енгган қул – бу шоҳдир». «нафсга мағлуб бўлган шоҳ эса – қулдир». «...Бутун дунёда гўзал ахлоққа эҳтиёж бор... Тасаввуф инсонни хушхулқ, хушахлоқли қилиб тарбиялайди... Нафсни ислоҳ қиласи, қалбни нурлантиради, гўзал ахлоққа етказади... Юнус Эмро, Мавлоно Жалолиддин Румий, Аҳмад Яссавий қаби авлиёлар ва биз севган, ҳурмат билан тилга оладиган барча зотлар шу йўл билан камолга эришганлар...»¹ Олимлар китобларида гўзал ахлоқ турларини санаб, уларни биринчи ва иккинчи даражага бўлганлар. Хўш, гўзал ахлоқ деганда нималарни тасаввур қиласиз. Жавонмардлик, марҳаматлилик, ширинсуҳанлик, саҳоватпешалик, адолат қаби тушунчалардир. Маълумки, Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ал-Бурсавийнинг 5-жилдлик «Тасаввуфий ахлоқ» китобида, Имом Ғаззолий ҳазратларининг «Иҳёу улумиддин», «Тариқати Муҳаммадия» қаби китобларида гўзал ахлоқ турлари тасниф қилинган. Жамиятни ахлоқийлик жиҳатдан юксаклиги унинг маънавий, иқтисодий, сиёсий, маданий даражасини белгилайди. Демак, оилада ҳам, жамиятда ҳам, бутун дунёда ҳам гўзал ахлоққа эҳтиёж бор. Ахлоқсизликни бирон бир дин ёки жамият оқламайди. Насронийлик, яҳудийлик ва бошқа динларда ҳам ёвузылкка нафрат бор. Буддизм динида унинг ўзагини ташкил этадиган тўрт масалада ҳам айнан кишилар нафслари, орзулари ва истаклари туфайли азоб чекиши ҳақидаги фалсафа мавжуд. Фарзандлар тарбиясида эса ҳалимликни қурол қилишимизни муқаддас манбалар айтиб турибти. Гўзал ахлоқни биз адабиёт, тарих китобларидан, мўътабар манбалардан ўрганамиз. Пайғамбарларнинг, саҳобалар ҳаётларини, олим, фозил, етук авлиёларнинг

Тасаввуф таълимоти тарихида силсила ва тариқатлар ўртасида айрим жузъий тафовутлар мавжуд бўлса-да, ҳеч қачон инсон маънавияти тариқат аҳли диққат-эътиборидан узоқ бўлмаган. Тасаввуф аҳли ҳамма вақт инсоннинг ботиний олами, ички зиддиятлари билан қизиқиб келган. Улар инсон-

¹ Маҳмуд Аъсад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. Т.”Истиқлол”,2000. 198-6



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти*

нинг хаётдаги ўрни, жамият бўлиб яшаш тартибларига шу мавқедан туриб қараганлар. Жамиятда мавжуд бўлиб турадиган ижтимоий низолар, урушлар, иқтисодий тенгсизликнинг туб моҳияти, бош сабабини ҳам бу таълимот аҳли инсон табиати ва сифатидан излаганлар. Инсоннинг ахлоқини ислоҳ қилишни унинг табиатидаги салбий, ҳайвоний хислатларни бартараф қилишдан бошламоқ лозим, деб тушунтирганлар. Тасаввуф ахли инсон табиатидаги салбий ҳолатларни, кўринишларни «нафс» деб атадилар ва унга қарши кураш олиб бориш воситаларини тавсия этдилар. Бу воситалар моддий бойлик тўплаш, нафс эҳтиёжига қараб ҳаракат қилиш, хирсу хавас мутлақо қораланди. Инсон зотини ҳар қандай фалокатлардан ҳоли бўлишининг ягона йўли – нафсни ўлдириб, сабр билан ҳалол-пок яшаш, иродани мустаҳкамлаб бориб, одамзотда инсонийликни жойига қўйиш маънавиятнинг асоси деб билдилар.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ВУЖУДГА КЕЛИШИННИНГ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ АСОСЛАРИ.

Эватов С.С. – Фарғона давлат университети (PhD),

Эватов Б.С. – Фарғона шаҳар 20-мактаб тарих фани ўқитувчиси

Ислом тасаввуфи ўз тарихи, шаклланиш ва такомиллашиш жараёнига эга бўлиб, унинг ривожланишига оид тарихий-маданий асослар ҳам ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади.

Марказий Осиёнинг қулай географик ўрни, қадимдан дунё маданиятлари кесишган нуқтада жойлашганлиги, ушбу ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг юқорилиги ва бошқа кўплаб омилларнинг барчаси Марказий Осиёга ислом кириб келгандан сўнг тез фурсатда буюк алломаларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди.

Ислом дини Марказий Осиёга кириб келганда бу ерлардаги юксак ривожланган цивилизация билан тўқнаш келди. Бу маданиятга қадимги Юнонистон, Ҳиндистон, Парфия, Эрон, Хитой ва бошқа маҳаллий маданиятларнинг ўзаро синтезлашуви муҳим омил бўлган. Чунки, Марказий Осиё шарқдан Хитой ва Ҳиндистон, гарбдан Кичик Осиё ва Европагача бўлган ҳудудларни боғловчи кўприк бўлиб, қўшни давлатларнинг илм-фан ва маданий ютуқларидан баҳраманд бўлган. Хоразмда қадимдан давлатчилик анъаналари шаклланган бўлиб, у ўзининг қадимий маданий илдизларига эга бўлган. Араблар кириб келишига қадар минтақада хоразм, сўғд, шунингдек, ўрхун ёзувлари мавжуд эди. IX асрда минтақадаги аниқ фанлар ривожи



Хоразм, Сўғд, Марғиёна ва Бақтрия каби иқтисодий ривожланган худудлардаги мавжуд миллий анъаналар асосида тараққий топган¹.

Худуддаги илмий билимлар ислом маданияти билан қўшилиши натижасида янада ривожланди. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Марв, Балх каби шаҳарлардаги маданий ривожланиш натижасида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур ибн Ироқ, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Машъар Балхий, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий, Абу Бақр Розий, Яҳё ибн Мансур каби алломалар етишиб чиқди ва илмий билимлар ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

«Байт ал-ҳикма» даги араб, эрон, юнон олимлари қаторида Марказий Осиёлик олимлар ҳам фаолият юритган. Бу даврдаги маданий жараёнларни ўрганган тадқиқотчилар Маъмун академиясида фаолият юритган алломаларнинг қўпчилиги Мовароуннаҳр ва Хуросондан эканлигини қайд этишган. Ушбу маданий алоқалар бошқа исломий илмлар қатори тасаввуфнинг Марказий Осиёда ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Маълумки, Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий таълимотлар ривожининг маданий асосларида халқларнинг маънавий мероси ва муқаддас қадриятларининг катта қисмини ислом маънавияти ва миллий анъаналар-удумлар ташкил этади. Диний қадриятларнинг манбалари эса Куръони карим, ҳадиси шариф, тафсирлар, шариат аҳкомларида ўз ифодасини топган. Исломий меросимизнинг муҳим қисмини ирфоний мерос бўлмиш тасаввуф таълимоти ва қадриятлари ташкил этади.

Марказий Осиёда тасаввуфнинг ривожланишига сабаб бўлган омилларнинг ўзига хос жиҳати ушбу худуддаги зоҳидларнинг ижтимоий фаол ҳаёт тарзини ёқлаганликлариdir. Зоҳидларнинг қўпчилиги асосан ислом оламидаги қўпгина шаҳарлар билан савдо-сотик ва маданий алоқалар ўрнатишган эди.

Масалан, Марказий Осиё зоҳидлигининг асосчиларидан бири бўлган Абдуллоҳ ибн Муборак (ваф. 797 й.) машхур савдогар бўлиб, Шом, Ироқ, Миср ва бошқа араб давлатлари билан савдо алоқаларини ўрнатган эди². Бундан ташқари, зоҳидлардан яна бири Фузайл ибн Иёзниң Самарқандда туғилгани айтилган бўлса³, кейинги фаолияти Марв билан боғлиқ бўлган.

¹ Абдуҳалимов Б.А. “Байт ал-ҳикма” ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). Масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. – Т.: “O’zbekiston”, 2010. – Б. 11.

² Аҳадкули Холмуҳаммад ўғли. Савдогарлар устози ёҳуд ҳақиқий омад калити. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2018. –Б.19.

³ Кушайри Абдулкарим. Рисолаи Кушайрия. Инглиз тилида. Александр Кныш томонидан нашрга тайёрланган. 8 Southern Court UK, Garnet, 2007.-P.20.



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётидаги
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти*



Бухоро зоҳидлик мактаби вакиллари Хушном аш-Шаъроний (VIII аср)¹, Жулвон ибн Самура Понабий (VIII аср)ларнинг Марв ва бошқа бошқа шаҳарлар зоҳидлик муҳитлари билан алоқада бўлганликлари манбаларда келтириб ўтилган. Бу маданий алоқалар таъсирида IX асрга келиб Бухородан Исо ибн Мусо Ғунжор (ваф.801), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салом ибн Фарж ал-Пойкандий² (IX аср), Аҳмад ибн Исҳоқ Сурморий (ваф.856), Хошид ибн Абдуллоҳ Бухорий (ваф.860) каби зоҳидлар етишиб чиқди.

Абдулкарим Қушайрийнинг «Рисолаи Қушайрия» асарида Марказий Осиё зоҳидлари қаторида қашқадарёлик Абу Туроб Нахшабий (ваф.834)нинг ўз замонасининг машҳур илм марказларидан бўлган Балх, Басра шаҳарларида таълим олганлиги³ эслатилган.

Буларнинг барчаси Марказий Осиё тасаввуфи вакилларининг ислом оламининг кўпгина шаҳарлари билан чуқур маданий алоқага эга эканлигини кўрсатади. Марказий Осиё тасаввуфи бу мактабларнинг ғояларидан таъсиранган ҳолда ўзига хос ҳусусиятларни ҳам намоён этган.

ЯЪҚУБ ЧАРХИЙ АСАРЛАРИДА ЖАЛОЛИДИН РУМИЙ ВА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЛҚИНИ

Рахмонов С.М. – Самдҷти фалсафа доктори (PhD)

Яъқуб Чархий ибн Усмон ибн Маҳмуд ал-Ғазнавий тахминан 1363 йилда Ғазна (ҳозирги Афғонистон) яқинидаги Чарх қишлоғида таваллуд топган. Айнан шу сабабли мутафаккирга Чархий тахаллуси берилган. Манбаларга кўра, кўнглида тасаввуфга нисбатан хоҳиш пайдо бўлган Яъқуб Чархий 1380 йилда Бухоро шаҳрига келиб мадрасада таҳсил олган ва Баҳоуддин Нақшбандга шогирд тушган. Баҳоуддин Нақшбанд Яъқуб Чархийни бир неча синовлардан ўтказгач шогирдликка қабул қилиб, тасаввуф таълимоти билан таништирган. Кейинчалик, Яъқуб Чархийни ўзининг шогирди ва куёви бўлмиш Ҳожа Алоуддин Атторнинг тарбиясига топширган. Натижада, Бухорода тасаввуф соҳасида тез орада маънавий камолот топган Яъқуб Чархий ўз фаолиятини Чагониённинг Хулғату қишлоғида давом эттирган. Ушбу воқеаларнинг тафсилоти Яъқуб Чархийнинг «Рисолаи унсия» («Дўстлик ҳақида рисола») номли асарида тўлиқ баён этилган.

¹ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамими ас-Самъоний. “Ал-Ансоб” (“Насабнома”). Таржимонлар: Абдулғафур Рассоқ Бухорий ва Комилжон Раҳимов. – Тошкент: “Hilol-Nashr” 2017. –Б.80.

² Ал-Ансоб. –Б.28.

³ Рисолаи Қушайрия.–Р.40.



Яъқуб Чархий устози Баҳоуддин Нақшбанд кўрсатмасига мувофиқ халқни Ҳақ йўлига даъват қилиш билан шуғулланган. Яъқуб Чархий асосан темурийлар даврида аникроғи, Мовароуннахрда Улуғбек, Хуросонда Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлик қилган давларда фаолият юритган бўлиб, етиштирган шогирдлари ва ёзган асарлари туфайли шуҳрати ортиб борган. Нақшбандия тариқатининг XV асрдаги энг йирик намояндаси сифатида танилган Ҳожа Аҳрори Валий 1431 йилда Яъқуб Чархийнинг шон-шуҳратини эшишиб унга шогирд тушган ва нақшбандия тариқатининг асосларини Яъқуб Чархийдан ўрганган. Ушбу воқеаларнинг тафсилоти эса Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ал-хаёт» («Обиҳаёт томчилари») асарида батафсил баён этилган.

Яъқуб Чархий XV асрда темурийлар давридаги тасаввуф таълимотининг намоёндаси ва нақшбандийлик таълимотининг йирик вакили сифатида шуҳрат қозонган. Бу ҳақида асосан ўша давр манбаларида жумладан Абдураҳмон Жомийнинг «Нафоҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс» асарида маълумотлар келтирилган. Мазкур асарда Яъқуб Чархий фаолияти ва тасаввуф таълимотинитарғиб қилишдаги хизматлари ҳамда Ҳожа Аҳрор Валий билан пир-муршидлик муносабатлари алоҳида эътироф этилган.

Мавлоно Яъқуб Чархий ўз устози Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанднинг «Мендан нимаики сенга етган бўлса, уни бошқаларга етказ», деган сўзларига амал қилиб тасаввуф, фикҳ, Қуръон тафсирига доир ўндан ортиқ илмий асарлар ёзиб қолдирган. Ушбу асарлардан еттитаси бизгача етиб келган. Мавлоно Яъқуб Чархий асарлари қўйидагилардир:

1. «Тафсири Чархий» («Чархийнинг Қуръонга қилган тафсири»)
2. «Рисолаи унсия» («Дўстлик ҳақида рисола»)
3. «Ар-рисолат ул-абдолия» («Абдоллар ҳақида рисола»)
4. «Рисола дар сийрати Мустафавия ва тариқаи мустақимия» («Мустафонинг сийратлари ва тўғри йўллар ҳақида рисола»)
5. «Рисола дар илми фаройиз» («Фарз нарсалар ҳақида рисола»)
6. «Рисола дар ақоид» («Ақоид илми ҳақида рисола»)
7. «Рисола фи-л-ҳисоб ва-л-фаройиз» («Ҳисоб ва мерос тақсими ҳақида рисола»)
8. «Мухтасар дар баёни силсилаи Наҳшбандия» («Нақшбандия сулуки ҳақида қисқача рисола»)
9. «Шарҳи асмоуллоҳ» («Аллоҳ исмларининг шарҳи ҳақида рисола»)
10. «Шарҳи нуваду нуҳ ном» («Аллоҳнинг тўқсон тўққиз исми шарҳи»)
11. «Фаройизи манзума» («Назмий фарз нарсалар ҳақида»).



Яъқуб Чархий Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ҳам тасаввуфий қарашларидан етарлича хабардор бўлиб, деярли ҳар бир асарида зарур ўринларда Жалолиддин Румийнинг байтларидан фойдаланган. Жумладан, «Рисолаи унсия» («Дўстлик ҳақида рисола») асарида ҳам бир неча ўринларда Жалолиддин Румий байтларидан иқтиbosлар келтириб «Орифи Румий» деб эътироф этган. Яъқуб Чархий Жалолиддин Румийнинг шеъриятига алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлиб, «Маснавий»нинг байтларидан иқтиbosлар келтирган ва ўзи ҳам «Най ноласи» номли рисола яратган. Манбаларда келтирилишича, Яъқуб Чархийнинг «Най рисоласи» Шайх Ҳасан Хоразмийнинг «Жавоҳирул асрор» асаридан сўнг Жалолиддин Румий «Маснавий»сининг иккинчи шарҳи саналади.

«Яъқуб Чархийнинг «Най рисоласи» маснавийшуносликда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, барча маснавийшунос олимлар ҳозирга қадар ушбу асарга мурожаат этадилар. Рисола тариқат соликлари тафаккур даражаси ва дунёқарашини назарда тутиб ёзилган. Чунки, асарда айrim тасаввуфий атамалар борки, уларнинг моҳиятини фақат тариқат назариясидан тўла хабардорларгина тушунади. Яъқуб Чархий Шайх Камолиддин Ҳасан Хоразмийдан кейин биринчилардан бўлиб «Маснавий»ни шарҳлаган бўлса, ундан кейин Абдураҳмон Жомий ва Воиз Кошифийлар бу ишни давом эттиришган. Энг муҳими, Яъқуб Чархий ва Абдураҳмон Жомий «най» тушунчасини нақшбандия тариқатининг талаблари асосида талқин ва таҳлил қилишган. Рисола қачон ва қаерда ёзилгани маълум эмас.

Бугунги кунда Яъқуб Чархий асарларнинг аксарияти Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Яъқуб Чархийнинг асарлари ҳануз мукаммал тарзда тадқиқ этилмаган. Яъқуб Чархийни кўпроқ фақат Куръони каримга тафсир ёзган олим сифатида эътироф этишган. Ўша даврдаги анъанага қўра, унинг рисолаларида Қуръон оятлари, ҳадислар ва машойихларнинг айrim ҳикматли сўзлари араб тилида келтирилган. Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳрида жойлашган алломанинг мақбараси пештоқига «тафсирчи олим» деб қайд этилган. Яъқуб Чархий ҳижрий 1447 йилда Чағониён вилоятининг Ҳалғату қишлоғида вафот этган. Яъқуб Чархий Мовароуннаҳр ва Хурросонда тасаввуфнинг ҳаётий йўналишларидан бўлмиш нақшбандия тариқати таълимотининг кенг ёйилишга улкан ҳисса қўшган алломадир.



ҲАДИС ВА ТАСАВВУФ МУШТАРАКЛИГИ.

Исақова З.Р. – Наманган давлат университети доценти, ф.ф.н.

Тамаддун (цивилизация) инсоният тарихининг бир-бирига боғлиқлиги, бирлиги ва бутунлигини англаш томон ташлаётган илдам қадами ирфоний билимларнинг бугунги даврда ҳам ўз фалсафий ва маънавий қудратга эгалигини кўрсатадики, ирфоний тафаккур инсониятни ягона мақсад сари интилишга, синтезлаштиришга ва ўзаро ҳамжиҳатликка йўналтирган.

«Ўлмасдан бурун ўлинг»¹ ҳадиси тасаввуфнинг бош ғояларидан бири, инсоннинг жисмонан ўлмай туриб, нафсини жиловлашидир. Ориф учун илоҳий дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган «Ўлмасдан бурун ўлинг» ҳадиси ҳақиқатни англашнинг негизини ташкил этадики, ўлмасдан аввал ўлишнинг сифати ва ҳолини камолга етказмасдан ирфоний ҳаёт ва ахлоқда ҳам, ишқу ошиқлиқда ҳам олий мақомга юксалиб бўлмайди. Ўлмасдан бурун ўлим ҳақиқатга айланмагунча, Аллоҳ васлига етиб бўлмайди. Бу фано ҳоли валоят (валийлик) мартабаларига ташланадиган илк қадам ва ишнинг аввалида ҳосил бўладиган камолот даражасидир. Демак, «Ўлмасдан бурун ўлинг» ҳадиси рух тарбиясининг асосини ташкил этади.

Орифнинг асосий вазифаси олий мақсадга эришиш учун «Ўлмасдан бурун ўлим» ҳақиқатини билишдир. Ўз моҳиятини билиш жараёнида ориф ўзида илоҳий унсурлар мавжудлиги, Аллоҳни билишнинг бирдан-бир тўғри усули ўз-ўзини билиш, яъни ўзликни англаш эканини билади, «Ўлмасдан бурун ўлинг» ҳадисини «жон ва танни «ғайр нақши»дан озод этиш, Аллоҳ ризолигидек буюк оқибатга этишиш» деб тушунади ва унга амал қиласди.

«Ўлмасдан бурун ўлиш» руҳий покланиш жараёни бўлиб, муроқабага берилган ориф ҳар қандай инсоний истакдан кечади, ақлига келган нарсаларни бир ёнга суриб, фикрлашдан тўхтайди. Шу «ҳол» ичida ўлим ҳукми келган ва фоний дунёни тарқ қилган вужуд аъзоларини жонсиз ҳисоблаб, кўзини юмади. Ўзини қабрда тасаввур этади. Қабр ҳаёти ҳақида муроҳада қиласди. Жасади чириб, вужуди тупроққа қоришгани, ундан номнишон қолмагани, фақат руҳи билан ҳисоб-китоб давом этишини бир неча соат давомида муроқаба қиласди. Шу орқали орифга «Ўлмасдан бурун ўлинг» ҳадисининг сири ошкор бўлади.

¹ Ўлмасдан бурун ўлингиз ҳадисининг моҳияти шажараси Али ибн Абу Толибининг ўғли Имом Ҳасанга бориб тақаладиган Абдулқодир Жазоирийнинг кўйидаги сўзларида мужассамдир: Икки ўлим бордир. Биринчиси муқаррар ўлим ва у барча мавжудотларга хос бўлиб, иккинчиси ихтиёрий бўлиб, айримларга хосдир. Иккинчи ўлим Аллоҳ Расулийнинг кўйидаги ҳадислари билан буюрилган: Ўлмасдан бурун ўлинглар.



Юкоридаги фикрлардан англашиладики, ориф учун ҳақиқат «фано»нинг ибтидосида мужассам бўлган, Ҳақ эса Аллоҳdir. Яратганга рост сўзлаган ҳамда унга қатъий амал қилиб яшаган ҳолда қайтиш ва боқийликка қовушиш ориф орзуидаги манзилдир, Ориф бу йўлда у ёки бу ҳолатда ва суръатда ҳаракат қилиб, интилади. Бу йўлда орифнинг ўзи учун кашф қилган ҳақиқати Мутлақ ҳақиқат йўлидаги нисбай ҳақиқатдирки, Жунайд Бағдодий дейди: «Ҳақнинг сени сенда ўлдириши ва ўзига боғлашидир».

Ҳар бир нарсанинг ички хусусияти (имманентлиги) ва ташки алоқадорлиги негизида ҳар сафар янги ва бетакрор муқобил йўлни танлаш мужассам. Рационал турмуш тарзида яшайдиган бугунги кун кишиси ҳаётининг ҳар бир жараёнини назорат қилишни ҳамда келажакни олдиндан кўришни истайди. Мантиқийлик, аниқлик, автоматлаштириш, олдиндан режалаштиришга одатланган замонавий инсон учун барча нарса-ҳодиса тушунарли ва хавфдан холи бўлиб кўринади. Хавфдан холилик инсон имкониятининг чекланишига олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, ҳамма нарсани назорат қиласидиган, ҳар бир тийинини ҳисоб-китоб қиласидиган, олдиндан керакли чораларни кўриб, келажакка замин яратиб қўядиган инсон Аллоҳнинг унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб тургани ва унинг эртаси учун қандай режа тузиб қўйганини билмайди, Инсон «ўлмасдан бурун ўлиш» ҳақиқатини англаши учун рационал тузилган режа иш бермайди, инсоннинг худбинлиги, кибри, ўз-ўзига маҳлиёлиги унинг ҳақиқат йўлидан анча тубанда эканини кўришга имкон бермайди¹.

Инсоннинг қалб кўзи очилмагани учун, ҳақиқатни кўра олмайди, дунё ҳақиқатини англашга уринади, аммо дунё ҳақиқатини кўра олишга қалб кўзи юмуқлиги имкон бермайди, азалий ҳақиқат, Аллоҳнинг ҳақиқати, ўлим ва ундан охират ҳақиқати, дунёнинг интиҳоси ва ибтидоси, қазои қадар, ҳисоб куни англанганда бу дунёнинг ҳақиқати аёнлашади, бу дунёнинг қадри қанчалик экани у дунё билан ўлчанади ва бу дунёнинг нархи арzon, ўзи эса ўткинчилиги маълум бўлади.

«Ўлмасингиздан бурун ўлинг» ҳадисининг замирида ўлмасдан бурун ўлимни бўйинга олиш, у орқали фонийликни тушуниш, бу мақомда дунё ҳақиқатларини англаш, унинг ўлчовида яшаш ва ижод қилиш, ҳаёт машаққатларини енгиш мужассамдир. Мазкур ҳадис ҳақиқатининг ирфоний интерпретацияси (талқини)дан англашиладиган мақсад, барқарор онгдан бошланган ва онгнинг энг олий сарҳадини қамраб олган онгни инсон ва унинг Аллоҳ ва «мен»лиги билан боғлиқ моҳиятни трансмутациялаш (бошқа тўзон энергиясига айлантириш)дир. Мушоҳада орқали англашиладиган

¹ Эдвард де Боно. Параллельное мышление. Пер. с английского П.Самсонов. – М.: Попурри, 2007. 312-стр.



«ўлмасдан бурун ўлиш» ҳақиқатининг тавсифи қуйидагича: орифнинг нафсадан озод бўлган қалби ишқ билан тозаради ва юксак руҳоний, акмеологик даражага кўтариладики, натижада илоҳий оламни билишнинг дарчаси очилади ва ўн саккиз оламнинг шакл-шамойили намоён бўлади: Нафсингдан озод бўлсанг, Аллоҳдан ўзга ҳамма нарсадан озод бўласан¹.

Ўлмасдан бурун ўлим» ҳақиқатга айланмагунча, муқаддас Зот (Аллоҳ)га етиб бўлмас... Бу фано ҳоли валоят (валийлик) мартабасига ташланадиган илк қадам ва ишнинг ибтидосида ҳосил бўладиган камолот даражасидир. Ҳадисда «Ичига нур кирган қалб очилади ва кенгаяди. Бунинг аломати ўткинчи дунёдан узоқлашиш, абадийлик бўлган охират дунёсига кўнгил бериш ва ўлмай туриб ўлимга ҳозирланишдир² дейилган.

Хуллас, тасаввуф мафкурасининг шаклланиши ва жадал тараққий топишида ҳадислар муҳим ўрин тутган. Илоҳий дастур ва амалий ҳаёт низоми бўлган «Ўлмасдан бурун ўлиш»нинг сифати ва ҳолини камолга етказиш орқали ориф юксак ахлоқ, комиллик, пок ишқ, олий мақомга юксалган.

Орифнинг «Ўлмасдан бурун ўлиш» ҳақидаги ғояларини унинг концептуал яхлитлиги ва аниқ тўлиқлигига юклашга ўрин йўқ. Шу билан бирга, бу қараш орифнинг мазкур ҳақиқати ҳақидаги билимларини инкор қилмайди, аксинча, мураккабликдаги соддаликни, хаос (тартибсизлик)даги тартибни, тасодифдаги заруриятни, ўтмишдаги келажакни детерминик аниқлаш орқали, ҳақиқатнинг ирфоний интерпретацияси янги ва юқори босқичларда илмий-назарий тадқиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.


ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ – МАҶНАВИЯТ ФАЛСАФАСИНИНГ ПИРИ.

*Сафарбоев М. – Фалсафа фанлари номзоди, доцент,
Сафарбоев О. – Ҳоразм вилоят Янгибозор туманидаги № 1-сонли УЎТМ
директори, ф.ф.н.*

Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асари жаҳон фалсафасида маънавият фалсафасининг қомуси сифатида эътироф этилган. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, бу асар маънавиятнинг тамал тошидир, маънавиятнинг йўлини ёритувчи йўлчи юлдуздир. «Маснавийе маънавий», «Ичиндаги ичиндадир» («Фиҳи мо фиҳий»), «Мактубот» асарлари мана неча

¹ Абдулқодир Гийлоний. Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониши. I-китоб. 112-бет.

² Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис 1. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. Ишонарли тўплам / Профессор Н.Иброҳимов ва шоир Мирзо Кенжабек таҳрири остида. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, Ҳадис 4. 1996.



асрдирки Ғарбу Шарқ тафаккурини жунбушга келтириб, инсониятнинг маънавий йўлини ёритиб турибди. Бу асарларни ўқиб, моҳиятини англар экансан ҳайрат оламида сархуш бўлиб кетасан. Баъзан ўйлаб қоласан: мавлавия тариқатининг фалсафий асослари қаерда экан? Мавлавия фалсафаси қаердан озиқланган?

Жавобни тасаввуф тарихидан топамиз. Алишер Навоий ўзининг тасаввуф тарихига бағишлиланган «Насийим ул-муҳабbat» асарида мутасаввифларнинг силсиласи ҳақида қимматли маълумотларни келтириб ўтади. «Авлиёуллоҳға воқеъ бўлғон хаворики одату каромот баёни» сарлавҳаси остидаги 472-тартиб рақамидан бошлаб Нажмиддин Кубро тўғрисида кенг маълумот беради. Шу билан бирга Шайхнинг бу даражада улуғ тасаввуф арбоби бўлиб етишишига сабаб бўлган устоз ва унинг таълимотини давом эттирган шогирд авлиё зотлар ҳақида ҳам маълумотни йўл-йўлакай бериб ўтади.

Алишер Навоий Нажмиддин Кубронинг жаҳонга машҳур шогирдларини номма-ном санаб, Жалолиддин Румийнинг оталарига келганда:»Ва баъзи дебтурларки, Мавлоно Баҳоуддин Валадки, ҳазрати Мавлоно Жалолиддин Румийнинг волиди бўлғай ҳам алардиндур», деб ёzádi.

Бундан англашиладики, Баҳоуддин Валад Нажмиддин Кубронинг етук шогирдларидан биридир. Баҳоуддин Валад Балҳда замонасининг етук уламолари (баъзи манбаларда 300 та уламо) билан баҳс қилганида ғолиб бўлганлиги ҳақида маълумотлар бизгача етиб келган. Жалолиддин Румий дастлабки билимни отасидан олганлиги маълум.

Алишер Навоий Жалолиддин Румийнинг силсиласини Нажмиддин Куброга боғлайди: «ҳазрати Мавлоно Жалолиддин Румий ғазалиётида ишорат бу қисса ва ўз интисобини ҳазрати Шайхқа қилиб дебдурки:

*Мо аз он муҳташамонем ки согар гиранд,
На оз он муфлисон холиси имон гиранд,
Ба яке даст май холиси имон нушад,
Ба яке дасти дигар парчами кофир гиранд.*

Таржимаси:

*Биз илоҳи ишқдамиз, назари юксак футувватчиларданмиз,
Биз қўтир эчкига кўз тиккан ул назари пастлардан эмасмиз.
Бу юксак валий аҳли бир қўлида имоннинг соғ майини иссалар,
Яна бир қўлида эса душманнинг байрогига чанг соладилар».*

Демак, Жалолиддин Румийнинг тасаввуфий қарашлари асосида Нажмиддин Кубро фалсафий ғоялари ётади. Маълумки, Нажмиддин Кубро XIII асрда тасаввуфнинг фалсафийлашуvida катта рол ўйнади. У



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти*



биринчилардан бўлиб тасаввуфни илми ҳикмат – фалсафа билан қўшиб, тасаввуфга янги рух, янги нафас олиб кирди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Нажмиддин Кубро тасаввуф тарихида ранглар орқали кашф ҳодисаларини изҳор этишга эътибор қаратган илк мутасаввиф ўлароқ эътироф этилган.

Нажмиддин Кубро ва Жалолиддин Румий тасаввуфий қарашларида умумий ўхшашликлар кўп. Оламни билш услублари, ифода шаклида икки буюк мутасаввифнинг ҳамоҳанглигини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам баъзи тадқиқотчилар Алишер Навоийга асосланиб мавлавия тариқатининг ғоявий илдизларини кубровия тариқати билан боғлашади. Бошқа тарафдан олиб қаралса, биз биламизки Фариддин Аттор Жалолиддин Румийнинг келажакда буюк мутасаввиф бўлишини башорат қилган ва унга «Мантиқ ут-тайр» асарини ўқишга берган. Жалолиддин Румийнинг хотирлашича, у Шамс Табризий билан учрашгунча «Мантиқ ут-тайр» таъсирида бўлган. Ҳатто шундай бир асар ёзишни ният қилган. Кўпчилик тадқиқотчилар Фаридиддин Атторни Нажмиддин Кубронинг фалсафий ғоялари асосида шаклланган мутасаввиф сифатида эътироф этадилар. Фаридиддин Аттор «Мазҳар ул-ажойиб» асарида ўзининг Кубро силсиласига дахлдор эканлигидан фахрланиб, у ҳақида шундай деб ёзади:

*Будам андар пеии Нажмиддин шабе,
Онки жуз мурғон набудаи ҳам лабе.
Буд кабиру у зи Ҳақ огоҳ буд,
Дар тариқи аҳли маъни шоҳ буд.*

Таржимаси:

*Эдимки бир кеча Нажмиддин қошида,
Қуидан бошқа ҳеч зот йўқ эди олдида.
У буюк ва Ҳақ сирридан эди огоҳ,
Маъно аҳли тариқида эди у шоҳ.*

(проф. А. Ўрозбоев таржимасида берилди)

Кўрамизки, Нажмиддин Кубронинг фалсафий ғоялари Баҳоуддин Валад ва Фаридиддин Аттор орқали синтезлашиб Жалолиддин Румийга ўтган. Демак, «Маснавийе маънавий», «Ичиндаги ичиндадир» («Фиҳи мо фиҳий»), «Мактубот» каби асарларнинг ўқ илдизлари бақувват экан. Ана шундай теран маънавий томирлардан озиқ олган Жалолиддин Румий маънавият фалсафасининг пири комили бўлиб етишди. Тасаввуфий ғоялар ривожидаги бундай ворисликка шубҳа қилмаса бўлади.



МИРЗО УЛУГБЕК ВА ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ МУНОСАБАТЛАРИ.

Ҳамдамов И.А. – СамДЧТИ доценти в.в.б., фалсафа доктори (PhD)

Темурийларнинг буюк давлат арбоби ва олими Мирзо Улуғбек ва мутасаввиф Хожа Аҳрор Валий ўртасидаги муносабатларни холисона, илмий баҳолаш ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Синфий мафкурага асосланган шўролар даврида тарих ва жамиятшунослик фанлари мазкур тарихий ҳақиқат – Хожа Аҳрор Валийнинг халқ манфаатларини кўзлаб ҳукмдорлар билан ҳамкорлигига бошқача сиёсий тус бериб, ҳукмрон синф билан муроса қилиш, тил бириктириш каби салбий маъноларда изоҳлаб келган эди. Бу тарихий хато фикрни илк бор илгари сурган олим академик Бартольд¹ ҳисоланади. Бундан ташқари, 1449 йили Мирзо Улуғбек ўғли Абдулатиф томонидан ўлдирилишида Хожа Аҳрор Валийнинг қўли бор, деган уйдирма, ҳақиқатга тўғрикелмайдиган қарашларни шўро тадқиқотчилари² мафкуравий нуқтаи назардан ёзишган. Жумладан, академик В.В. Бартольд Хожа Аҳрор Валий билан Мирзо Улуғбек ўртасидаги муносабатни бузиб талқин қилиб: «Ўн бешинчи аср Ўрта Осиё учун икки дунёқарашнинг кураш замони бўлди. Бу дунёқарашлардан бирининг намояндаси Амир Темурнинг невараси, Мирзо Улуғбек бўлиб, ўтмишда Амир Темурнинг пойтахти Самарқандда ҳукмронлик қилди. Иккинчи дунёқарашнинг намояндаси нақшбандийлар пешвоси Хожа Аҳрор бўлиб, Мирзо Улуғбекнинг ўлимидан сўнг икки йил ўтгач, ўзининг диний обрўсини ишга солиб, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлига олди ва уни Амир Темурнинг ҳақиқий ҳамда сохта авлодлари вакиллари орқали идора қилди»³, - деб ёзган.

Шўро олимларидан яъна бири Ю. Алексеров Хожа Аҳрор Валий шахсини қоралаб, «Улуғбек даври илмий ютуқларини емиришнинг асосий ташаббускори, санъат ва адабиёт душмани», «даврнинг энг йирик олими Улуғбекнинг қонли ҳалокати ташаббускори», «жаҳолатпараст, маърифат душмани ва ўта кетган реакционер эди. Бир неча ўн йил давомида ҳар қандай ҳур фикрни бўғиб келди»⁴ деб қайд этилган бўлса ҳам, ўрганилган манбалар бу фикр-мулоҳазаларнинг нақадар хатолигини, нохолислигини кўрсатди.


Тарихий манбалар таҳлил этилса, Мирзо Улуғбек қатл этилганда эллик беш ёшда, Хожа Аҳрор Валий қирқ беш ёшда бўлган. Хожа Аҳрор бу

¹ Каттаев К. Манба ва таҳлил. Имом ал-Бухорий сабоқлари. - Т.: 2004. № 4.- Б. 263.

² Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор. Уйдирма ва ҳақиқат. Мулоқот. 1991, № 4. 68 б.

³ Улуғбек расадхонаси. Ўз ССР ФА Тарих ва археология институти. 5-том. -Т.: «Фан», 1952. 12-33-бетлар.

⁴ Алексеров Ю. Улуғбек расадхонси. - Т.: «Фан», 1965. 11-бет.



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввув таълимотининг ўрни ва аҳамияти



даврида ҳали Самарқандда нуфузли шахс эмас эди. Тошкентда дехқончилик ишлари билан шуғулланган. Унинг Самарқандга келиши ва у ерда муқим яшаб қолиши Мирзо Улуғбекнинг ўлимидан сўнг, Абу Саъид Мирзо хукмронлик қилган даврга тўғри келади. Хожа Ахрор Валий ва Мирзо Улуғбек орасидаги муносабатларни илмий жиҳатдан ўрганган шарқшунос олим К. Каттаев Хожа Ахрор Валий ҳаёти давомида Мирзо Улуғбек билан мутлақо учрашмаган. Хожа Ахрор Валий эл назарига тушгандан кейин Самарқандга илк бор 1450 йилда кўчиб ўтган¹. Бу нафақат Мирзо Улуғбек, балким унинг ўғли Абдулатиф қатл этилгандан кейин, яъни ҳокимият Абдулла Мирзонинг қўлига ўтган вақтга тўғри келади². Шу омилнинг ўзиёқ Хожа Ахрор Валийнинг Улуғбек фожиасига умуман алоқаси йўқлигини³ кўрсатиб турибди. Маълумот ўрнида, XIX асрда Марказий Осиёга сайёҳат қилган венгер олими ва шарқшуноси Ҳерман Вамбери Мирзо Улуғбек Шоҳрухия қалъасида кенжা ўғли Абдулазиз билан бирга қўлга олинган ва шафқатсиз ўғли Абдуллатифнинг амри билан эронли Аббос исмли бир хизматкор томонидан қатл этилди. Шарқнинг энг ёрқин ҳукмдорларидан бири шу тариқа йўқ қилинди деб ёзган⁴ эди. Аслида, манбларни чуқур таҳлил қилган олимлар Мирзо Улуғбек билан қарама-қарши шахс Хожа Ахрор Валий эмас, балки Мавлоно Низомиддин Хомуш бўлиб, манбаларда тариқат аъзолари чалкаштириб юборилган. Кийинги тадқиқотларни олиб борган шарқшунос олим Н.А.Больдирев юқоридаги номлари келтирилган В.В.Бартольд, Ю.Алексеров каби олимлардан фарқли равишда Хожа Ахрор Валий фаолиятини илк бор илмий, ижобий баҳолаган. Хожа Ахрорни нуфузли ва муҳтарам шайх, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг пири муршиди сифатида қайд этган⁵. Ҳолбуки, мирзо Улуғбек ўлдирилган вақтда ҳали Хожа Ахрор Валий ҳеч қандай диний, ижтимоий-сиёсий нуфузга эга шахс эмас эди. Агар бу фитнада қўли бўлганида темурий сulton Абу Саид Мирзо уни шунчалик юксак мартабага кўтармас, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Бобурлар унинг этагидан тутмас эдилар. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, темурий шаҳзодалар Хожа Ахрор Валийни ўзларига пир деб билишган, ўз даврининг илм аҳли, бу зотни

¹ Хожа Ахрорнинг 1427 йилда Самарқандга қисқа муддатга ўқишига келганини эътиборга олмасак ҳам бўлади, чунки бу вақтда ёш йигитча бўлган Хожа Ахрорни ҳеч ким танимас эди.

² Изоҳ: Абдулло Мирзо ўша вақтда Хожа Ахрорни ҳатто қабул ҳам қилмайди. Демак, ўша 1450 йилда Хожа Ахрор ҳали подшохларга таъсиру тазиик ўтказиши даражасида бўлмаган. Шунга қарамай Самарқанд шайхулисломи вазифасида ишлаб келаётган Хожа Мавлоно ибн Исомиддин бошчилигидаги руҳонийлар Хожа Ахрорни Тошкентга қайтиб кетишига мажбур этганлар.

³ Каттаев К. Хожа Ахрор Валий ва Мирзо Улуғбек муаммолари талкини. Самарқанд, 2004. 23-24-бетлар.

⁴ Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳ тарихи / Нашрга тайёрловчи Сироҷиддин Аҳмад - Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 63-бет.

⁵ Больдирев Н А Хожа Ахрор ҳакида / С Фаниева таржимаси – Т. 1997.



«валийлик осмонининг қутби» сифатида ҳурмат-эхтиром кўрсатишгани, оддий халқ эса «пушти-паноҳи» деб атаганлигини эътиборга олинса, давлат арбоби ва олимнинг ўлимига сабабчи бўлган фикр нақадар хато эканлигини англаб олишимиз мумкин.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛК ТАСАВВУФ АМАЛИЁТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ РАВНАҚИ.

Бердиева Г.А. – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси, т.ф.н.

Тасаввув тарихи ва назарияси масалаларига илмий қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Кейинги йилларда тарихий-этнографик, адабиёт-шуносликка оид бир қатор илмий ишлар чоп этилдики, уларда Ўрта Осиё сўфизмининг айрим қирралари ва хусусиятлари очиб берилди.

Тасаввув – узоқ асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишига, унинг ижтимоий тафаккури эзгу ғоялар асосида шаклланишига хизмат қилиб келган диний ва дунёвий қарашлар уйғунлигидан иборат таълимотдир. Минтақа санъат ва маданияти, адабиёт ва фалсафий фанлари ривожида унинг таъсири беқиёс.

Тасаввувнинг тарихий-фалсафий моҳиятини ўрганишнинг долзарблиги унинг умуминсоний, этник, эстетик ғоялари яшовчан, ҳаётбахш бўлиб, ўзида қимматли гуманистик имкониятларни бирлаштирганлиги учун ҳам ҳозирги замон ахлоқ меъёрларини сақлаб қолган ва уларни янада сайқаллаштиришда, комил инсон тарбиясида ижобий роль ўйнайди. Бугунги кунда тасаввув таълимотининг тарихий шаклланиш жараёнларини тадқиқ этиш, тасаввув адабиётини холисона ўрганиш баробарида унинг бугунги глобаллашув шароитида инсонлар ҳаётида тутган ўрнини кўрсатиб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зоро, диний ва дунёвий қарашлар уйғунлигидан иборат тасаввув таълимотининг тўғри талқини бир жиҳатдан турли мутаассиб экстремистик ғояларга қарши туришга хизмат қиласа, унинг нотўғри талқини турли тариқатчилик ҳаракатларига асос яратиб беради. Узоқ асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишига хизмат қилган Мовароуннаҳр тасаввув таълимоти XVIII асрдан бошлаб ислом мамлакатларида мутаассиб ғоялар асосида шаклланиб, бугунга қадар тобора авж олиб бораётган салафийлик, жиҳодчилик ҳамда бошқа оқим ва ҳаракатларга қарши туришда маънавий тўсик вазифасини бажариб келган. Мовароуннаҳр тасаввуфи бошқа юрт тасаввув таълимотларидан ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва йўналишлари, усул ва услубияти билан фарқланиб турган. Зоро, тарихан Турон заминида шаклланган бағрикенглик тамойилларига йўғрилган ўлка тасаввуфи асрлар



давомида турли дин, миллат ва маданият вакиллари ёнма-ён тутув яшаб келишиларига ўз ҳиссасини қўшиб келган.

Айниқса, Мовароуннахрдаги йирик тариқат ҳисобланган нақшбандияни бошқа тариқатлардан фарқлаб турувчи, таркидунёчилик эмас, ижтимоий фаол ҳаёт тарзига ундовчи «Дил ба ёру, даст ба кор» шиори остида шаклланган илмий-маънавий меросини диққат билан ўрганиш қадриятларимизга юксак эътибор берилаётган бир вақтда жуда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, нақшбандия тариқатида юксак маънавий мезонлар, инсоний фазилатлар ҳақидаги таълимотнинг кундалик ҳаёт ва оддий инсонлар турмуш тарзига яқинлаштирилгани унинг тадрижий тараққиётига ҳамда ҳар қандай замон ва маконга мос келишига. замин яратган дейиш мумкин.

«Тасаввуф», «Сўфизм» ибораси арабча «сўфи» - жундан (юнгдан) қилинган кийим кийган киши, деган сўздан келиб чишдан. Абу Райҳон Беруний эса, сўфизм (тасаввуф) юончча донишманд деган сўздан келиб чиқкан, деб таъкидлайди. Исломда VIII асрда пайдо бўлиб ва ҳозиргача мавжуд бўлган мистик оқимни шундай деб атайдилар. Тасаввуф шимолий-ғарбий Африкадан то Ҳиндистонгача ва Шарқий Туркистонгача тарқаган. Тасаввуфнинг келиб чиқиттиш ва тараққиёти сабаблари кўплаб илмий, илмийликка даъво қилувчи асарларда, диссертацияларда ва илмий мақолаларда ўрганилган.

Тасаввуф – ислом замирида пайдо бўлган ва бу таълимотни мутасавифлар Қуръон ва Ҳадислар билан асослайдилар. Шу билан бирга, у бошқа динлар ва мусулмончиликдан аввалги эътиқодларнинг маълум даражадаги таъсирини ўзида намоён қиласди. «Сўфийлар» расман Қуръонга суюниб, ундаги сўзларнинг мажозий талқини билан қаноатланиб, аслида мусулмончиликдан аввалги таълимотларга анча яқинроқ эдилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тасаввуф ислом шариати талабларини ҳам ихлос билан бажарган ҳолда зухд, тақво, камтарлик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этиб, нафсни поклаш йўли билан комил инсон даражасига эришишга ҳаракат қилишдан иборат.

Тасаввуф тасаввуфнинг ўзига хос истилоҳи мавжуд. Масалан, тасаввуф илмидан сабоқ берувчи шахс – шайх, муршид, пир, эшон, хожа, мавло, мавлоно, маҳдум каби унвонлар билан танилган. Тасаввуфдан сабоқ оловчи шахс - мурид, солик, ахли дил, ахли ҳол, мутасаввиф каби номлар билан аталган. Яъни диний машғулотлар, худо йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлади. Бу ҳол диний амрларни адо этишни ҳар қандай дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти



эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар орасида ҳадис тўпловчи муҳаддислар, илгаридан қашшоқ бўлиб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобалар бор эди.

Шундай қилиб, тасаввуф таълимотининг шаклланиши ва ривожланиб бориши теологик дунёқараш билан бевосита боғлиқ эди. IX-XII асрларда табиий-илмий фанлар мисли кўрилмаган тарзда ривожланиб борган бўлсада, буюк мутафаккир олиму фузалолар оламнинг бирлиги ва ривожланиши, инсон ва табиат уйғунлиги каби масалаларни ягона Оллоҳ, «биринчи сабаб» номи билан боғлаб тушунтирдилар.

ФУТУВВАТ ТУШУНЧАСИННИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ.

Муродов С.А. – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси (PhD)

Футувват – тасаввуфнинг асосий категорияларидан бири бўлиб, у араб тилида «ёшлик» маъносини билдиради ва форс тилидаги жавонмардлик сўзига мос келади. Ҳусайн Воиз Кошифий «футувват» сўзининг луғавий маъноси сифатида «ёш йигитни **фатий** дерлар» деб; шунингдек, «Футувват – элдан яширин равишда бирор иш қилмаслик, ҳамма одамлар билан хушфөйлликда яшашдир», – деб таъриф беради.

Футувват ҳамма инсонларни ўзидан афзал билиб, фақат яхшиликни ўйлаб, ўзини доимо камтар тутиб, нарсаларини ўзгалар билан бўлишиб, эзгу хулқ-атворга эга бўлиб, кибрни тарқ этиб, муҳтоҷлар ҳожатини чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар мажмуидир. Бундай хислатга эга бўлишга интилувчи инсон зоҳирлан ва ботинан пок юриб, қалбини иллатлардан ҳоли қилиши керак.

Инсон тарбияси ва комилликка эришишида муҳим аҳамият касб этадиган футувват масаласи беназир шоир, табиб, машҳур мутафаккир Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», «Футувватномаи манзум», «Асрорнома» асарларида ёритиб берилган. «Асрорнома»нинг йигирма биринчи мақоласидаги фикрлар бошдан-оёқ онг ва ахлоқни поклашга қаратилган.

Жунайд Боғдодий: «Футувват улдурки, дарвешлардан орланмагайсан, бекларга муораза айламагайсан». «Тазкират ул-авлиё»дан олинган ушбу парчада Ф. Аттор Боғдодий тимсолида футувватнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган.

Фаридуддин Аттор футувватнинг тўрт даражасини кўрсатиб ўтади.

Биринчи: ўзида бор нарсани бошқаларга раво кўриш;

Иккинчиси: қалбни манманликдан озод қилиш;



Учинчиси: доим инсонлар, айниқса, хўрланган, бечора кишилар хизматида бўлиш;

Тўртинчиси: нафс устидан ғалаба қозониш.

Жавонмардлик замонавий жамиятда бағрикенглик тушунчасига яқин маънога эга. «Бағрикенглик» сўзи деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб «бағрикенглик» чидамлилик, бардошлилик, тоқатлилик, ўзгача қараашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, муруватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби маъноларга эга дейиш мумкин. Тасаввуфдаги бағрикенгликни шундай тушуниш лозимки, унда инсон тугул ҳайвонга ҳам озор бериш ёки набототга бесабаб зарап етказиш йўқ. Ҳаттоқи, уруш бўлиб турган шароитда, инсон ҳаётига хавф таҳдид солаётган вазиятда ҳам боғ-роғларни бекорга йўқ қилишдан, дарахтларни бехуда кесишдан қайтаришган.

Аттор «Тазкират ул-авлиё»да футувват вакилларидан бир қанча тарихий шахслар-азиз зотларни қаламга олган. Жумладан, сўфий Ҳасан Басрий ҳақида: «Ул футувват ила хулқланган зот, ул илм ва амал Каъбаси, ул ҳилму вараъ Қибласи, ул Соҳиб Садрийдан сабоқ олган зот, ул суннат садри-сардори, Ҳасан Басрий раҳмутуллоҳи алайх», – деб ёзади. Ҳазрат Имом Абу Ҳанифа ҳақида эса: «Муруват ва футувватда беназир зот эди», – дейди.

Ф.Аттор Ҳазрати Имом Шофиъий ҳақида: «Футувват дарахтининг бир бутоғидир. Фаросат ва саховатда беназирдир», – дейди. Ҳазрати Шайх Аҳмад Ҳазравайҳ ҳақида Фаридуддин Аттор шундай ёзган: «Хурросон машойихининг мўътабарларидан ва тариқат комилларидан ва футувват машхурларидан ва валоят султонларидан ва бутун қурбат аҳлининг мақбулларидан эди».

Хуллас, тасаввуф ва футувват бир-бирини тўлдирган ва бир-бирига ёрдам берган. Йирик шайхларнинг ўzlари қаҳрамонлик ва мардлик намуналарини кўрсатганлар.

Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарида футувват талабларига: устоз фикрини доим ҳурмат қилиш ва қадрлаш, оғиздан чиқаётган ҳар бир сўзга эътиборли бўлиш, ғийбат қилмаслик, кишилар устидан кулмаслик ёки масхара қилмаслик, бир гапни олиб иккинчи бир кишига етказмаслик, сабабсиз кулмаслик, ваъдани бузмаслик, айёрлик тўғрисида сухбат қилмаслик, ҳасад қилмаслик, зинокор бўлмаслик, сотқинлик қилмаслик каби ғояларни киритди.



Фаридуддин Атторнинг таълим беришича, футувват ахли элдан яширин иш қилишмайди, одамлар муҳаббатини қозонишни улуг баҳт, деб билишади.

Шайх Аттор ғояларига эътибор берадиган бўлсак, агар одамда тариқча инсоф ёки вафо бўлса, бу унга бир қанча нафл ибодатларидан афзалроқдир, дейди. «Бир соатлик инсоф-адолатинг бир умрлик нафл ибодатларингдан афзалдир. Ҳар икки оламда инсофу адолатдан ўтадиган футувват йўқ».

Хулоса қилиб айтганда, футувват кўнгил қўзини равшан этади, жон боғини сафо қуёши билан парвариш қиласи. Жавонмардлик аҳдга вафо қилишга, барчани ўзидан афзал билиш ва ўзини ҳеч кимдан юқори қўймасликка ўргатади. Фаридуддин Аттор таълимотига асосланиб, таъкидлаш мумкинки, жавонмард одамнинг сўзи ҳам, иши ҳам, нияти ва фикрлари ҳам пок бўлиши лозим. Улар халқимиз ахлоқини тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

МУНИС ХОРАЗМИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИ.

Санаев F.Б. – Давлат бошқаруви академияси ўқитувчиси (Тошкент)

XVIII-XIX асрнинг маърифатпарвар олими Шермуҳаммад Мунис Хоразмий (1778-1829) дунёқарашида нафақат маънавий-маърифий, балки тасаввуфий ғоялар диққатга сазовордир.

Мунис мусулмон бўлғанлиги ва ислом дини фалсафасини яхши билғанлиги унинг дунёқарашига таъсири кўрсатмасдан қолмади. Унинг асарларида диний-тасаввуфий мазмундаги ғазаллари ҳам бўлиб, у ўз фикрларини ижтимоий ҳаёт билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қиласи.

Муниснинг тасаввуфий қарашларига Марказий Осиёда яшаб ижод этган Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Фирдавсий, Жомий, Навоий, Машраб, Сўфи Оллоёр, Бедил каби шоирларнинг ғазал ва рубоийларининг таъсири катта бўлиб, улардан илҳом олган. Зоро, шоир улар ғазалларига муҳаммаслар боғлаган:

*Волийи мулки тариқат гар Низомийдур манга,
Манзили маънига Хизри роҳ Жомийдур манга.
...Қилса ҳосид даҳли бејсо сўз аро йўқтур ғамим,
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга.¹*

Мутафаккирнинг тасаввуфий қарашларида, орифона ғазаллари¹, яъни Аллоҳга бўлган илоҳий ишқ-муҳаббат ифодаланган ғазалларининг ўрни

¹ Шермуҳаммад Мунис Хоразмий. Сайланма. – Т: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 11-бет.



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти*



алоҳида аҳамиятга эгадир. Шоир ижодида бир қарашда инсонга бўлган севгидек кўринган қўплаб илоҳий ишқ тўғрисидаги ғазаллар битган. Ҳатто унинг йирик асарлари, хусусан, илк девон ва мукаммал девони ҳам Худога бўлган чексиз муҳаббатини ифодаловчи ишқий ғазаллар билан бошланган:

Бодаеким, келди ишқ аҳли қадаҳ ошом анга,

Ёраб, эт кўнглум сафолин нашъапарвар жон анга.²

Бу ердаги «ишқ» яратувчига қаратилган бўлиб, «қадаҳ» эса Худога бўлган муҳаббатнинг рамзий образидир. Демак, Мунис энг аввало яратган Худога бўлган муҳаббатини, илоҳий ишқини тараннум қиласди.

Муниснинг тасаввуфга оид қарашларини таҳлил қиласди бўлсанқ, у тасаввуфнинг накшбандия тариқатига ихлоси баланд ва қизиқиши юқори бўлганлигини, ундаги ғояларни қўллаб-қувватлаганлигини англаймиз. Хусусан, шоир илоҳий ишқ аҳли учун энг тўғри йўл деб таърифлайди:

Солики роҳи кўрмас фано сафар ранжиниким,

Нақшбандий мақсаддур аввал ком анго.³

Муниснинг тасаввуфий қарашларида борлиққа оид конкрет фикрларини билдирган. Шоир Аллоҳнинг ягоналигини, борлиқнинг Аллоҳ томонидан яратилганини эътироф этган, тақдир, жаннат масаласида ортодоксал ислом позициясида бўлган. Мутафаккир фикрича, Ер, Осмон, коинот, бутун табиат, ҳайвонот дунёси, минераллар, тирик ва нотирик мавжудотлар, шу жумладан, инсон ҳам Аллоҳнинг иродаси билан яратилган.

Шунингдек, Мунис борлиқни фалсафий тушуниш ва талқин қилишда Нақшбандия таълимоти таянган. Мунис борлиқ, жамият, ҳаёт ва инсон ҳақида фикр юритганда, нақшбандийликдаги ватанпарварлик, ҳаётбахш ва меҳнетсеварлик ғояларига асосланган. Зоро, тадқиқотчи олим Е.Бертельс айтганидек, бу фалсафий йўналиш «хилват дар аржуман», «дил ба ёру даст ба кор» каби мистикага зид қарашлари билан ривожланган ва улар орқали ҳаётсеварлик ғояларини илгари сурганди.⁴

Масалан, бутун олам ва одамнинг ҳам яратувчиси Аллоҳ эканлигини таъкидлаб, инсонни барча яратилганларнинг тожи ва энг азизидир деб таърифлайди:

Халифа айлаб одамни жаҳон мулки уза қўйдунг,

Бошига тоҷскарранову бердинг мансаби иззат...⁵

¹ Қаранг: Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. (Бадиий маҳорат масалалари.) – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991. 55-бет.

² Мунис. Мунис ул-ушиб (мукаммал девон). ЎЗР ФА. ШИ Кўлёзмалар фонди, инв. № 940., 1а-варак.

³ Мунис. Мунис ул-ушиб, 65 б, 60 а-вараклар.

⁴ Қаранг: Бертельс Е.Э. Ибранные труды. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 176.

⁵ Мунис. Мунис ул-ушиб. 53-варак.



Шоир бу каби ғазаллари билан инсоннинг барча мавжудоддан устун эканлигини таъкидлаган. Мунис инсон тангрининг ердаги акси бўлиб, Худо ўзига ўхшатиб яратганлиги, шу сабабли бошқа мавжудодлар ва табиат унга хизмат қилиши кераклиги лозим деб билган. Қолаверса, шоир инсон маънавий олами ва иймони, зулматни ёруғликка айлантирувчи машъала деб ҳисоблаган:

*Имон чароғин инсонга бердинг,
Зулмат ичидаги фош айладинг нур.¹*

Мунис оламни билишда ҳам илоҳий, ҳам ҳиссий сезгилар муҳимлигини таъкидлайди. Хусусан, Мунис Алишер Навоий каби нақшбандийлик тариқати маслагига амал қилиб, дунёни билишда «мажоз» йўлидан борди. Мунис ижодида тасаввуфдаги интиутив (фойибона, илоҳий) билишга алоҳида ургу қилиниб, илоҳий билишга мойилликни кузатамиз:

*Эй соқий, олиб кел менга бир согари нўши,
То сипқорибон они қилай тарки ҳуш,
Ким ақл бериб ҳамиша кўнглумга халал,
Кўймас ани мажнун киби айларга хуруши.²*

Ватанпарварлик масаласида эса, Мунис айрим сўфийларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатининг ифодаси сифатидаги узлатга чекиниш, қаландарона юриш ва таркидунёчиликини қоралаб, ўз Ватанида бўлишни, юртини севиб ардоқлашни, ҳалол меҳнат қилиб, яратган Аллоҳни ўз маконида идрок қилишни тарғиб қиласди:

*Солик эсанг, ватан ичидаги қил сафар мудом.
Беҳуда кезма шаҳр бешаҳр, тарки сайр тут.³*

Демак, Мунис тасаввуфий қарашларида, илоҳий ишқ, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари асосий мавзулар сифатида ўрин эгаллаган.

Умуман, Муниснинг дунёқарашида, айниқса, борлиқ ва гуманистик қарашларига тасаввуфий ғоялари, унинг Марказий Осиёдаги тариқатлари ва пантеизмнинг ўрни катта бўлган.

¹ Мунис. Мунис ул-ушиб (мукаммал девон). И nv. № 940., 78 б-варақ.

² Мунис. Сайланма. – Тошкент: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. Б. 324.

³ Мунис. Мунис ул-ушиб. 65 б, 60 а-вараклар



ТАСАВВУФДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ.

*Наврӯзова Г.Н. – БухМТИ, Ижтимоий фанлар» кафедраси профессори,
Муҳамеджанова С.Дж. – «Хорижий тиллар» кафедраси (PhD)*

Тасаввуф – тадрижий тараққиётга эга таълимот бўлиб, VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган, исломда инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимот. Бу мавзуда мақола ва китоб ёзган кишилар томонидан жуда кўп таърифлар тўпланган. Ҳаммаси ижтимоий, руҳий-психологик ҳаёт билан алоқадор бўлганлиги боис, бундай таърифларнинг микдори бисёр. Кўплаб уламо ва фозиллар тасаввуфга турлича таъриф берганлар. Зоро, ҳар бир таъриф бир гулга ўхшайди, йиғилганда гулдастага ўхшаб, бирининг кўрки-чиройи янада ортади. Масалан, Ибн Халдуннинг «Муқаддима» асарида тасаввуф «сувф» - «жун», пўстин» сўзидан олинган деган фикрни билдирган, зоро қадимдан таркидунё қилган зоҳидлар жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар, бу билан улар башанг кийиниб юрувчи ахли дунёлардан фарқли ҳаёт тарзини ўзларида намоён этганлар, дейди Ибн Халдун. У ўз фикрида давом этиб, саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейинги аср кишиларида хидоят, ибодат, тақво ва зоҳидлик каби ҳис-туйғулар мужассам бўлган. Яна бир файласуф Маъруф ал-Кархий «Тасаввуф – ҳақиқат сари интилиш, одамлардан тамагирлик қиласмаслик ва фақирликни ихтиёр этишдир» – дея фикр берган. Зуннун ал-Мисрий эса, «Суфий бойлик истаб ўзини чарчатмас ва йўқотган бойлигига ачиниб, безовта бўлмас», – деган фикрни билдиrsa, Жунайд ал-Бағдодий тасаввуф тўғрисида – «қалбни соғ тутмоқ, туғма заифлик ва ноҳуш ахлоқлардан фориғ бўлиб, ҳайвоний ва нафсоний туйғулар устидан ғалаба қилмоқ», деб таъриф берган. Яна «Тасаввуф бир уй бўлса, шариат унга кирадиган эшикдир», – деган Сўфи Оллоёр. Биз ҳам Сўфи Оллоёр берган қуидаги таърифни келтирмоқчимиз: «Шариатсиз киши учса ҳавоға Кўнгил берма аниңдек худнамоға» деб ёзади. Демак, тасаввуф биз учун ҳаво ва сувдай зарур. Агар бизни қалбимизда ва танамизда жо қилсак, биз комил инсон даражасига етиша оламиз, десак муболаға бўлмас.

Тасаввуф замон ва макон жиҳатидан теран илдиз отган ва кенг ёйилган бўлиб, асрлар бўйи давом этиб келаётган таълимотдир.

Тасаввуф бўйича олий мақомларга эришган соҳибкаромат пирларни - валий, авлиё, қутб, ақтоб, автод, чилтон, абдол, аброр, ахрор, нужабо, нуқабо, сиддиқ, ғавс деб аташган. Шунингдек, тасаввуф ахли баъзан ошиқ, факир, ҳақир, дарвеш, қаландар, зоҳид, ориф, девона, ахли муҳаббат, ахли сулук, рижолулғайб, савдойи, гадо каби атамалар билан ҳам ифода этилган.



Тасаввуф исломий илмларининг энг шарафлисиdir. Бу илмning шарафи, унинг ичидаги мавзусининг шарафи билан музайяндир. Модомики, тасаввуфнинг мақсади, мавзуси маърифатуллоҳ – Аллоҳни билмак-танимак экан, ўз-ўзидан бу ҳолда «тасаввуф ашрафи улуми исломиядир». Яъни Исломий илмларнинг энг шарафлисиdir.

Нима қилсак Аллоҳ бизни севади? Нима қилсак қалбимизда бўлишини истаганимиз «муҳаббатуллоҳ» (Аллоҳ севгиси) ҳосил бўлади? Тасаввуфнинг тутган йўли – шу. Тасаввуф шундай саволларга жавоб беради. Айни маънода тушунадиган бўлсак, Ислом тасаввуфи Исломнинг ўзидир, руҳидир: Куръони карим ва ҳадиси шарифлар ҳамда ҳазрат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайхи вассаллам) билан саҳобаларининг ҳаёт тарзидир.

Тасаввуф – Исломнинг ички ривожланиши, руҳий ҳаётни англашидан юзага келган илмдир. Демак, тасаввуф асосан инсон камолоти учун кашф этилган иккинчи ўз-ўзини идора этиш йўли асосан қалб тарбияси ва унинг ҳолати масаласига эътибор беради. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд ихтиро этган инсон руҳий камолотининг олий даражаси инсон қалбнинг огоҳ бўлиши ва инсоннинг ҳам қалб ҳолатида хабардорлигини англагади.

Фикримизни давом эттириб, тасаввуф нима эканлигини, унинг мазмун-моҳиятини англаб олдик десак муболага бўлмас. Энди тасавуфда комил инсон ким, қандай инсон комилликка эриша олади. Шу ҳақда фикр юритсак. Комил инсон – Ислом ҳидоятида тарбия кўрган, унинг соф ва пок булоқларидан баҳра олиб улғайган мусулмон киши, жамиятдаги барча инсонларга фойда келтиришга, улардан зарарни даф қилишга ҳаракат қиласди. Чунки у ҳақиқат, яхшилик, фазилат каби одоб-ахлоқ асосида тарбия олган, инсонларга яхшилик қилиш икки дунё саодатига мушарраф қилишини яхши англайди.

Ҳар бир ўзбек хонадонида, фарзандларимизнинг эрталаб турганида салом бериб, хол-аҳвол сўрашидан тортиб, ота ёки онасига қандай мурожаат қилишини кўрсатувчи тартиблар соф исломий тарбиялардан ҳисобланади. Зеро, бу талаблар комил инсонни вояга етказишга қаратилган. Комил инсон нафақат яқинларига, балки бутун жамиятга манфаат келтиради.

Комиллик меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, виждон, ор-номус, ирода, тадбиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатлар мажмуидир.

Озод юртнинг комил фарзанди билимли, яхши ахлоқ, маънавий етуклик билан бирга, мустақилликни англаш ва бу қадриятларни ҳимоя қилиш қобилияtlарига ҳам эга бўлиши керак. Шундагина, биз мақсад қилган фуқаролик жамияти шаклланиб боради.



Комил инсон тушунчаси озод ва обод Ватанга фидойи фарзанд бўлиш масъулияти билан боғланиб кетади. Энди алоҳида-алоҳида етук шахслар эмас, балки комил инсонлар авлоди тарбияланиши зарур. Бугунги кунда, ёш авлоднинг маънан ва жисмонан камол топиши йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Маънавий ва жисмоний тарбия узвий тушунчалардир.

Маънавияти қашшоқ одам жисмоний томондан қанчалик соғлом бўлмасин, ҳаёти, турмуши таназзулга юз тутиб боради. Ёки аксинча, киши қанчалик олим, доно бўлмасин, жисмоний заифлик унинг турмушига шикаст етказиши мумкин. Шунинг учун жисмоний ва маънавий тарбияни уйғун олиб бориш ёшларга таълим-тарбия бериш ишларининг асосидир. Таълимнинг барча йўналишларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг таг замирида комил инсонни тарбиялаш, шу орқали янги, мустаҳкам фуқаролик жамияти қуриш гояси ётгани, бу мақсад йўлидаги эзгу ҳаракатлар халқимизни қувонтиради.

Дарҳақиқат, комил инсон жамият учун фақат яхшиликни раво кўриши, ёмонликлардан тийилмоғи ва бошқаларга азият беришдан узоқда бўлиши керак. Ҳақиқий мусулмон яхши амалларни қилишда бардавом бўлади, у хар вақт Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг ушбу ҳадисларига амал қилиб боради: **«Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунича комил имонли бўлмайди»**

Демак, мусулмон киши ўзига севимли бўлган нарсани бошқа биродарларига ҳам бўлишини яхши кўриши, яъни уларга фойда келтириш ва улардан ҳар қандай зарарни даф қилиши лозимdir.

Бугун мамлакатимизда ҳукм суроётган тинчлик, хонадонимиздаги осойишталиқ, дастурхонимиздаги тўкинлик Яратганинг биз бандаларига кўрсатаётган чексиз раҳмати, фидоий инсонларнинг элим-юртим деб қилаётган эзгу меҳнатининг самарасидир, десак асло янглишмаймиз.

Фикримизга хulosа ясар эканмиз, комил инсонлари қўп бўлган юрт – қудратли ва мустаҳкам бўлиб, тараққий этаверади. Бундай диёрда инсонлар бир-бирига меҳрли, муруватли бўлади.



МУҲАММАД ИБН МУҲАММАД БАҲОУДДИН НАҚШБАНД БУХОРИЙ ВА УНИНГ ТАЪЛИМОТИ.

Раджапова М.З. – АДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Нақшбандия тариқатида ўн бир асосга эга бўлган дастур бўлиб, улардан саккизтасини хожа Абдулхолик Фиждувоний қуддиса сирруҳу ва учтасини хожа Баҳоуддин Нақшбанд раҳматуллоҳи алайҳ йўлга қўйганлар. Сайри сулукка кирган ҳар бир кишига бу дастурни билиш жуда ҳам зарур ҳисобланган.

1. Ҳуш дар дам.¹ «Ҳуш» сўзи «ақл-ҳуш», «хушёрлик» маъноларини, «дам» сўзи «нафас» маъносини билдиради. Бу шиорда ҳар бир олинган ва чиқарилган нафасда ҳушёр бўлиш, Аллоҳ таолони эсдан чиқармаслик маъноси ўз аксини топган. Яъни сўфий ҳар нафасида Аллоҳ таолони ёд этиб туриши, хаёли дунёвий ишларга сочилиб кетмаслиги керак. Солик ҳар бир нафасни олиш ва чиқаришда Ҳақ субҳанаҳу ва таоло билан бирга бўлиши лозим.

2. Назар бар қадам. «Қадамга назар солиш». Бу шиорга биноан, сўфийга юрганида доимо оёғининг учига назар солиб юриш тавсия қилинади. Яъни турли ҳаром нарсаларга назари тушишининг олдини олиш лозим. Шунда соликнинг хаёли сочилмайди, ақли ва фикри Аллоҳ таоло билан бўлади ва дунёнинг жамоли ҳамда матоҳи билан боғланиб қолмайди.

Имоми Роббоний раҳматуллоҳи алайҳ ва бошқа баъзи нақшбандий машойихлар «Назар бар қадам»нинг маъноси ҳақида: «Назар бар қадам» - сайри сулукдаги ҳоллардан бири бўлиб, соликнинг бир мақомдан иккинчи мақомга ўтишда қалб кўзи билан ўша мақомга назар солишидир», дейдилар.

3. Сафар дар ватан. «Ватанда сафар қилиш». Бу шиорда ҳар одимда аслига ва Ҳаққа сафар қилиш маъноси бўлиши кераклиги илгари сурилган. Нақшбандийлар таълимотида сафарнинг уч хил маъноси бор:

Биринчи маъно: ер юзида ибрат учун сафар қилиш. Ер юзида сафар қилиш махлукотларга назар солиш ила тушунчани кенгайтиради ва ибрат олишга сабаб бўлади. Шу билан бирга, банданинг назар орқали Аллоҳ таолонинг буюклигини англаш етишига ёрдам беради.

Иккинчи маъно: етук муршидни ахтариб, сафар қилиш. Бу борада кўпчилик машойихлар ўзларига етук муршид ахтариб, диёrlарни кезганлари мисол қилиб келтирилади.

¹ Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф Накшбандия вазифалар зикрлар Т., 2018. 51-бет



Учинчи маъно: соликнинг башарий сифатдан малакий сифатга ва ёмон сифатдан яхши сифатга сафар қилишидир. Махлукотлар оламидан Ҳақ субҳанаҳу ва таоло томон сафар қилишдир. Бир ҳолдан ундан аълороқ бўлган ҳолга сафар қилишдир.

4. Хилват дар анжуман. «Анжуманда хилват қилиш». Бу шиорда сўфийнинг ўзи халқ ичида турган бўлса ҳам, Ҳақ билан холи бўлиш малакасига эга бўлиши кўзда тутилган. Яъни ташида халқ билан бўлса ҳам, ичида Ҳақ билан бўлади.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қиласи: «...**бири кишиларки, уларни тижорат ҳам, олди-сотди ҳам Аллоҳнинг зикридан, намозни тўқис адо этишдан ва закот беришдан машғул қила олмас. Улар қалблар ва кўзлар изтиробга тушадиган Кундан қўрқарлар**» (37-оят).¹

Бу оятда Аллоҳнинг нурини идрок этишга ва унинг файзидан баҳраманд бўлишга ҳақли кишиларнинг сифатлари келтирилмоқда. Аллоҳ таоло неъматини, нурини кўринганга ато қиласи, албатта. Балки маълум сифатларга эга бўлган зотларгагина ато этади. Ана ўша инсонларнинг сифатларидан бири Аллоҳ таолони эртаю кеч поклаб ёд этиш – тасбех айтиш бўлса, яна бир сифати тижоратга ҳам, олди-сотдига ҳам машғул бўлмасдан, Аллоҳни зикр этишларидир. Яъни улар иш вақтида ҳам Аллоҳни унутмайдилар. Тижорат ва олди-сотди билан машғул бўлиб, намозни, хусусан, жамоат намозини қолдирмайдилар. «Ўзим тижорат қилиб, зўрга топдимку» деб, закот беришдан ҳам қочмайдилар. Чунки «Улар қалблар ва кўзлар изтиробга тушадиган Кундан қўрқарлар».²

5. Ёд кард. «Ёд эт» – «зикр қил». Зикр нафсни поклайдиган ва ахлоқни сайқаллайдиган энг кучли омиллардан бири ҳисобланади. Қуръон тиловатидан кейин банданинг тили учун энг афзал ибодат Аллоҳ таолонинг зикридир. Зикр ила банда Аллоҳ таолога ихлос билан дуо қиласи ва ҳожатларини сўрайди.

«Зикр» сўзи лугатда эслаш, хотирлаш, сўзлаш, тилга олиш, баён этиш, шархлаш, тавсифлаш каби маъноларни англатади. Аммо умумий маънода зикр икки хил бўлади: тил билан ва дил билан зикр қилиш. Буларнинг ҳар бири ҳам икки турли бўлади: унуганини эслаш ва унумаса ҳам, ёдидаги нарсани хотирлаш.

Уламолар истилоҳида: «Зикр – банданинг Роббини тили ва дили билан эслашидир. Бу У Зотнинг Узини, сифатларини, амалларини, хукмларини зикр қилиш ёки Китобини тиловат қилиш ёхуд У Зотга дуо қилиш, У Зотдан бирор

¹ Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф Накшбандия вазифалар зикрлар Т., 2018. 52-54бет

² Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф Накшбандия вазифалар зикрлар Т., 2018. 54-55-бетлар



нарсани сўраш, У Зотга ҳамду сано ай тиш, У Зотни улуғлаш ва У Зотга шукр келтириш каби нарсалар ила бўлади. Зикр ҳар бир бандадан талаб қилинган ва ҳар бир бандага маҳбуб қилинган нарсадир. Зикр ҳар доим қилиниши керак бўлган марғуб ишдир. Фақат шариат истисно қилган, қазои ҳожат ва хутба эшитиш пайтига ўхшаш ҳолатлардагина зикр қилинмайди»¹.

Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримдаги кўплаб оятларда биз бандаларга зикр қилишни амр этган. Зикрни қўп қилиш ва бунда бардавом бўлиш нажот учун шарт қилинган. Аллоҳ таолонинг Ўзи зикр қилувчиларни мақтаган, уларни Ўз оятларидан баҳраманд бўладиганлар деб атаган ва зокирларнинг ақл эгалари эканини таъкидлаган. Баъзи уламоларимиз мазкур оятларнинг сони бир юз етмиш тўртта эканини таъкидлаган².

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида марҳамат қиласи: «Эй иймон келтирганлар! Аллоҳни қўп зикр қилинглар. Ва эртаю кеч Уни поклаб ёд этинглар» (41-42-оятлар)³.

Аллоҳни зикр қилиш қалбни Унга боғлаш ҳамда «У мени кузатиб турибди» деган доимий сергакликда туришдир. Аллоҳнинг буйруқларини бир лаҳза ҳам эсдан чиқармай, холис амал қилишдир.

6. Боз гашт. «Сўнгра ўт». Бу шиорда мақсад ва матлаб фақатгина Аллоҳ таолонинг розилиги бўлиши кўзда тутилган. Бунда солик зикр қилиб бўлгач, «Илоҳий анта мақсуди ва ризока матлуби», дейди ва бу жумланинг маъносини хаёлидан ўтказади. Унинг маъноси эса «Илоҳим, Сен мақсудимсан ва розилигинг матлубимдир» деганидир.

7. Нигоҳ дошт. «Нигоҳ сол». Бу шиорда қалбни хавотирдан сақлаш кўзда тутилган. Бу орқали қалбга Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан бошқа нарса кирмаслиги таъминланади. Мурид қалбига бир лаҳза бўлса ҳам ҳақми, ботилми, ҳеч нарса кирмаслиги чорасини кўриши керак. Агар қалбига бирор хотира кирса, дарҳол зикрни тўхтатади. Хотирани қувади ва зикрни янгитдан бошлайди. Бу тўхташ ила солик давомли зикр ила эришган баракаларнинг ҳосилини муҳофаза қиласи, зикрда мустақим бўлиш ила ҳосил бўлган ҳузур ва мушоҳада даражаларини муҳофаза қиласи. Қалбига турли хотираларнинг суқилиб киришига йўл қўймайди.⁴

Шайх Фаридуддин Аттор раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Албатта, хаёл ва хотиранинг қалбга суқилиб киришини ман қилиш жуда ҳам оғир ва машаққатлидир. Аммо сизлар уларни ҳайдашга ва боқий қолмаслигига ҳаракат қилинглар. Мен қалбимни хотира ва хаёллардан йигирма йил

¹ Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф Нақшбандия вазифалар зикрлар Т., 2018. 56-бет

² Ўша манба Т., 2018. 57-бет

³ Ўша манба 57-58 бетлар

⁴ Ўша манба 70-71-бетлар



күриқладим. Шунга қарамасдан, улар қалбимга мазкур муддатдан кейин ҳам сұқилиб кирдилар. Аммо қарор топа олмадилар».¹

8. Ёд дошт. «Ёдга ол». Бу шиорда ҳар лаҳзада Аллоҳ таолони ёдда тутиш кўзда тутилган. Бундан Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан доимо завқ йўли билан огоҳ бўлиб туриш ирова қилинади. Ушбу шиорни мушоҳада ва хузурни муҳофаза қилиш ҳам дейилади. Бунда Аллоҳ таолонинг Зотини мушоҳада қилишга хос юзланиш бордир. Уни мушоҳада ва айнул яқийн ҳам дейилади. «Ёд дошт» соликнинг амали самарасидир. У муриднинг ғоятига етганидан кейинги ҳолидан иборатдир. Гоҳида у зикр, муроқаба ва муршиднинг кўмаги самараси бўлиши ҳам мумкин. Солик унга барча тўсиқларни ошиб ўтиш орқали етишади².

Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг юқорида зикр қилинган саккиз қоидасига хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуйидаги учтани қўшганлар.

9. Вуқуфи замоний. «Замондан воқиф бўлмоқ». Бу шиорда солик ўзи яшаётган замонни билмоғи ва ундан унумли фойдаланмоғи кўзда тутилган. Бундан солик доимо ўзининг ҳолини билиб туриши ирова қилинган. У турган замон шукр замоними ёки узр замоними, яхши билсин. Қабз – торлик ҳолатида истигфор айтади ва баст – кенглик ҳолатида шукр қиласди. Бу икки ҳолга риоя қилиш вуқуфи замонийдан иборатдир.

Вуқуфи замоний ўзини ўзи қалбий тергашдан иборат бўлиб, унда солик ҳар икки ёки уч соатда мазкур соатларда қалбининг ҳолати қандай бўлганини текшириб қўради. Агар ўша вақт ичида қалби Аллоҳ таоло билан ҳозир бўлса, бунинг учун Ҳақ субҳанаҳу ва таолога шукр қиласди. Агар ўша вақт ичида ғофиллик ҳолатида бўлса, истигфор айтиб, тавба қиласди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (р.а.) айтадилар: «Вуқуфи замоний – соликнинг ўз ҳолини англамоғи ва ўзи турган замонни яхши билмоғидир. Шукр келтириш керакми ёки узр айтиш лозимлигини ажратмоғидир. Агар яхши бўлса, шукр қиласди, бошқача бўлса, узр келтиради»³.

10. Вуқуфи ададий. «Ададдан воқиф бўлмоқ». Бу шиорда сўфийнинг зикр қилишда талаффуз қилинадиган лафзларнинг ададига алоҳида эътибор бериси қўзда тутилган.

Қалб билан зикр қилишда ададни риоя қилиш фикрни бир жойга жамлаш учун хизмат қиласди. Зокир бир нафасда калимаи тоййибани уч, беш, етти маротабадан то йигирма бир ва ундан зиёда ададда айтсин ва тоқ бўлишини таъминласин.

¹ Ўша манба 72-73 бетлар

² Ўша манба. 74-бет

³ Ўша манба 74-75-бетлар



Машойихлар: «Зикрни кўп айтиш шарт эмас, воқифлик ва ҳузур билан айтиш шартдир, ана шундан фойда бўлади», дейдилар.

«Вуқуфи ададий» асосан нафий ва исботда, яъни «Лаа илаха иллаллоҳ»ни зикр қилишда ишлайди. Зикр тоқ сонда – учдан йигирма биргача бўлади. Зикр ҳам, санаш ҳам қалб билан бўлади, тил билан эмас. Бундай зикрнинг улкан самараси бордир. Буни барча машойихлар тажрибадан ўтказганлар¹.

11. Вуқуфи қалбий.

«Қалбдан воқиф бўлмоқ». Бу шиорда қалбни Аллоҳнинг зикри, фикри ва амри ила машғул қилиш ҳақида сўз боради. Зокир ўз қалбининг ҳолини, яъни қалб Аллоҳ таолонинг зикридами-йўқми эканини доимо кузатиб туриши лозим. Зокирнинг қалби Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг Зотига қаратилган бўлиши керак. Вуқуфи қалбий қалбнинг Аллоҳ таолони доимо зикр қилиб туришини кузатиб боришдан иборатдир. Зикрдан мурод сўз эмас, зикр қилинаётган Зот бўлиши керак. Солик зикрнинг баракасини Аллоҳ таолонинг Ўзидан кутади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд раҳматуллоҳи алайҳнинг таъкидлашларича, вуқуфи қалбий вуқуфи замоний ва вуқуфи ададийдан афзалдир. Чунки барака ҳосил бўлишида аҳамиятли бўлган вуқуфи замоний ва вуқуфи ададий мабодо ғойиб бўлса ҳам, зокирнинг сулукига таъсир қилмайди. Аммо вуқуфи қалбий зарурийдир. Агар зокирда вуқуфи қалбий бўлмаса, унинг зикри қуруқ тилнинг қимирилашидан иборат бўлиб қолади ва бунда ҳеч қандай барака бўлмайди².

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Нақшбандия музейи ташкил этилди, Бухоро давлат университети ҳузурида Нақшбандия илмий маркази иш бошлади. У ерда тасаввуфий-ирфоний меросни тадқиқ этиш йўлга қўйилиб, кўплаб асарлар чоп этилди³. Б.Нақшбанд мажмуаси марказининг «Нақшбанд» илмий журнали 2008 йилдан буён нашр қилина бошлади.

¹ Ўша манба 80-бет

² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Накшбандия вазифалар зикрлар Т., 2018. 81-82-бетлар

³ Садриддин Салим Бухорий Баҳоуддин Накшбанд ёки етти пир Т., “Ёзувчи” 1993; Насафий Ҳазрат Баҳоуддин Накшбанд Т., 1993; Хожа Муҳаммад Ориф ар – Ревгари Орифнома Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси Т., “Наврӯз” 1994; Фойиллар ҳаёлидан ёнган чироклар (тўплам). Т., “Ўзбекистон” 1994; Муҳаммад Сиддиқ Рушдий Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. Табдил этиб, нашрга тайёрловчи И.Остонакулов Т., “Камалак” 1995; Комилов Н. Тасаввув ёки комил инсон ахлоқи 1-китоб Т., “Ёзувчи” 1996; Султонмурод Олим Накшбанд ва Навоий Т., “Ўқитувчи” 1996; Комилов Н. Тавҳид асрори иккинчи китоб. Т., “Ўзбекистон” 1999; Баҳоуддин Накшбанд Аврод (Авроди баҳоя) Г.Наврӯзова таржимаси Бухоро “Бухоро” нашриёти 2000; Ориф Усмон Бухорои шарифнинг етти пири Т., 2003; Фахруддин Али Сафий Раشاҳот айнил ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) Форс тилидан Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад таржимаси нашрга тайёрловчи М.Ҳасаний , Б.Умрзоқ Т., Абу Али ибн Сино номидаги тибиёт нашриёти 2003; Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний Сўз боши ва таржима муаллифи Маҳмуд Ҳасаний Т., “Ўзбекистон” 2003; Наврӯзова Г. Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси Т., “Фан” 2005; Наврӯзова Г.Н. Накшбандия –камолот йўли Т., “Фан 2007” С.С.Бухорий Ҳазрат Баҳоуддин



2017 йил 15 декабря Үзбекистон Республикаси Президентининг Үзбекистон Ислом академиясими ташкил этиш чора тадбирлари түғрисида»ги қарори қабул қилинди. Үзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай сўзлар бор: «Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақл – заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу илмсизликлиқdir!» Мамлакатимизда «жаҳолатга қарши – маърифат» деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади.

Жорий йилда ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илмий асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абу Муин Насафийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишлиланган ҳамда диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этилди.

Имом Бухорий бобомизнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини бу мўътабар зотнинг мусулмон дунёсидаги улуг мақомига мос равища мутлақо янги лойиҳа асосида қайта барпо этиш ишларини ҳам бошлаймиз. Шунингдек, буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг 700 йиллик таваллуд айёмини юқори савияда ўтказишимиз керак»¹.

Дарҳақиқат, Ислом дини – миллий меросимизнинг таркибий қисми ҳисобланади. Жаҳон тамаддунини ислом маданиятисиз тасаввур қилиб бўлмагани каби, ислом маданиятини Үзбекистонимиздаги бой маънавий мероссиз тасаввур қилиб бўлмайди. Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган сиёsatни миллий маънавий меросга бўлган муносабатнинг янги босқичи деб баҳоласак муболаға бўлмайди албатта. Миллий-маънавий меросни эса халқ, унинг вакиллари яратади. Бунда буюк-буюк зотларнинг ҳиссаси ҳамиша катта бўлган. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам ана шундай буюк-буюк зотларнинг биридир.

Нақшбанд (Дилда ёр) Т., “Ўқитувчи” 2007; Наврӯзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ўшлар тарбиясидаги аҳамияти Бухоро “Бухоро” нашриёти 2008; Донишмандлар тухфаси (Рубоийлар) таржимон, нашрга тайёрловчи, Сўз боши ва изохлар муаллифи Э.Очилов. Т., “Ўзбекистон” 2009; Сайфиддин Сайфуллоҳ Ҳазрати Нақшбанд Рубоийлари Т., Тошкент ислом университети нашриёти, 2009. ва б.

¹ “Халқ сўзи” // 2020 йил 25 январь, №19 (7521)



АҲМАД ДОНИШ ВА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР.

Рахмонова М.А. – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси


Маълумки, шўролар хукумати дахрийликка асосланган бўлиб, ўша даврда чоп этилган китобларда деярли барча аждодларимиз динсиз, атеист қилиб кўрсатилган. Худди мана шундай ҳолатни Аҳмад Дониш тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Маърифатпарвар бобокалонимиз янгиликлар, замонавий маданият, ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик қилиш тарафдори бўлсада, бу унинг аждодларимиз муборак мероси – **тасаввуф тариқатлари, мистик таълимотлар, таваккул назарияси, калом фалсафасига** тан беришига, уларга хайриҳоҳлик билан ёндашишига халақит берган эмас. Масалан, унинг шоҳ асари бўлмиш «Наводир ул вақое»да шундай очиқ эътироф бор: «Умримнинг учинчи манзилида (Ҳар манзил бир мучал ёшига, яъни 12 йилга teng; демак 37-49 ёшлар оралиғи – М.Р.) Фаззолийнинг «Кимёи саодат» ва «Эҳёи улумид-дин» китобини мутолаа қилганимдан сўнг, ислом динининг усуллари кўнглимга ўринлашди. Қарасам, одамларнинг дини ва дунёвий ишлари бутунлай тўғри эмас экан. Шундан бери ҳар ишга киришсам, ундаги хатоликлар дарҳол кўзимга кўринарди. На уламо ва машойихларнинг сұхбатларидан, на балоғатли, фасоҳатли шоирларнинг улфатчилигидан, қисқаси шулки, ҳеч бир нарсадан кўнглим очилиб, руҳимроҳат топмас эди. Лекин халқнинг расм-одат ва тақлидларидан ажralиб кета олмас эдим»¹.

Мана шу парчадан ҳам кўриниб турибдики, Аҳмад Дониш 50 ёшга яқинлашиб қолган бир пайтда қўнгли тасаввуф фалсафасига, илоҳиёт илмларига мойил бўлади. Унда бу мойилликни ислом оламининг буюк мутафаккирларидан бири, «Хужжат ул-ислом» рутбаси билан машғул бўлган абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Фаззолийнинг китоблари пайдо қилган экан. Фаззолий асарларини мутолаа қилгач, Дониш кўнглида руҳий инқилоб рўй беради ва у бутунлай бошқа одамга айланади.

Маълумки, Аҳмад Дониш жуда серқирра одам бўлган. Олимнинг замондоши «Наводири Зиёя» тазкираси муаллифи Садри Зиё Донишни шоирликда Саъдий Шерозийга, мусавирликда Беҳзод ва Монийга, фалакиёт илмида Улуғбек Кўрагонийга, табобатда ибн Синога ўхшатади.² XIX асрнинг тазкиранавис шоири Афзал Пирмастий эса ўзининг «Афзал ут-тазкор» асарида Донишнинг араб ёзувининг настаълиқ, сулс, куфий, зулфий, райҳон каби турларини ёзишда тенгсиз хаттот эканлигини эътироф этган. Садриддин Айний ҳам ўз «Эсдаликлар» ида «Юсуф ва Зулайҳо» асарининг Дониш

¹ Аҳмад Дониш. Наводир -ул вакое. Т., 1964. -Б.394 - 395.

² Садри Зиё. “Наводири Зиёя” Душанбе, 1991. 47 –с.



томонидан кўчирилган қўлёзмаси 300 пуд буғдой нархига тенг келадиган баҳога сотилганлиги ҳақида гувоҳлик беради¹.

Хуллас, хушнавис хаттот Дониш ҳар ойда бирор китобни кўчириб, суратлар билан безаб сотиб, дурустгина даромад қиласар эди: «Шундай қилиб, емай-ичмай юриб, икки йил ичида 600 тангага эга бўлдим. Бир қадар пул кўпайган эди, менда баҳиллик шундай ғалаба қилдики, агар ёлғиз бўлсам, куруқ нон ва сувга қаноат қилиб, бошқа нарса емас эдим.»

Бу турмушнинг паст-баландини ҳали яхши билмаган, баҳтни бойлиқда деб билган ғўр йигитнинг эътирофи. Бироқ, ақли тўлишиб, ҳаётий тажрибаси ошиб борган сари, Аҳмад Дониш бутунлай ўзгара боради. Бунга туртки бўлган воқеани у шундай хотирлайди: «Минг шукрки, кўнгилларни оздирувчи бундай ишлардан Оллоҳ мени тез қутқарди. Бир куни сахродаги қариндошларимизни йўқлаб, уларнига меҳмон бўлиб бордим. Қайтишимда аммамнинг ўғли мени шаҳарга кузатиб қўймоқчи бўлиб, бирга чиқди. Йўлда яна бир қариндошимизнига тушдик. Шу кун кечаси ҳалиги йигитимизга бир касал тегиб, икки соат ичида вафот бўлди. Йигит соғлом, кучли бўлиб, кетмон урса ерни титратар эди. Бу йигитнинг тўсатдан ўлиб қолиши мени уйқудан уйғотди... мана шу сабаб бўлиб, мол тўплаш ҳирси кўнглимдан кўтарилди»².

Гарчи Аҳмад Дониш юқорида баён қилинган воқеани ўзининг ўзгариб қолишига сабаб қилиб кўрсатаётган бўлса-да, аслида унда тасаввуфга нисбатан қизиқиши, унинг ғояларини амалда қўллашга эҳтиёж пайдо бўлаётган эди. Хуллас, аммаваччасининг ўлими Донишнинг дунёқарашини тубдан ўзgartириб юборади: у илк маротаба одам умрининг мазмуни, ўткинчилиги борасида жиддий бош қотиради. Шу кундан эътиборан у бақосиз нарсалар, жумладан, бойлик тўплаш, ҳузур-ҳаловатда яшаш майлини дилидан чиқариб ташлайди. Факр майли тасаввуф маслагига иштиёқ уйғотди³.

Унинг яна бир эътирофига эътибор берайлик: «Шундай қилиб, умримдан 50 ёшни ўтказганимда катта кенг бир йўл борлигини кўрдим. Бир жамоат одамлар йўлбошчилари билан бу йўлдан юрмоқда эдилар. Шуларга кўшилишни кўнглим севиб, уларга йўлдош бўлишни ихтиёр қилдим. Бу йўлнинг бир қанча эгри-бугрilarини босиб ўтганимдан сўнг мақсадимга етишдан илгари раҳбаримиз вафот бўлди. (Шундан сўнг) мен мақсадга ета олмай, олға босишга журъат қила олмадим. Бу йўлдан қайтишга тоқат қолмай, йўл юришга раҳбаримиз бўлмай, аро йўлда ҳайрон бўлиб қолдик.

¹ Эсонова Ш. “Маърифатпарвар Дониш” “Фан ва турмуш” 1994 йил 1-сон 26 бет.

² Аҳмад Дониш. Наводир -ул вакое. 340 - бет

³ Иброҳим Ҳаккул. “Аҳмад Калла”. “Бухоро мавжлари”, 2006 йил, 4 –сон, 9 – бет.



*Ман хостамики, рўйиман буди моҳ,
Лекин чи кунам, маро дар ин нист гуноҳ.*

Яъни:

*Истардимки, юзим бўлсин ойдай,
Лекин начора, бу ишда гуноҳим йўқ».¹*

Аҳмад Дониш бу байти билан ўзининг катта, кенг йўл - тариқат йўлига киргани ва раҳбари вафот этгач, аро йўлда қолганига ишорат қиласапти. **«Ҳақиқатга эришиш мақсадида бир неча марта тариқат йўлига кирдим. Лекин йўлим тўсилиб қайтишга мажбур бўлдим»².** Аҳмад Дониш бу ўринда ҳам ўзи кирган тариқат пирининг вафот этганини кўрсатади, бироқ бу пирининг қайси тариқатга мансуб эканлиги, унинг исм-шарифи ҳақида ёзмайди. Демак, ҳақиқатни - Ҳақ Таоллони таниш, ҳаётда тўғри йўл топиш мақсадида Аҳмад Дониш тариқат йўлига кирганлигини бир неча маротаба эътироф этаяпти. Хўш, у қайси тариқатни танлаб, унинг кўрсатмаларига амал қилган эди? Ўша даврларда Бухоройи Шарифда қайси тариқат кенг тарқалган эди?

Маълумки, **нақшбандия** тариқатининг Ватани Бухоройи Шариф бўлиб, унинг асосчиси бўлмиш Баҳоуддин Накшбанд «худога эришиш ва ҳақни таниб олиш учун жамиятда яшаш, халқ билан бўлиш ва халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйишни уқтириб, соликнинг кўнгли ҳар доим худо билан ва қўли иш билан банд бўлишини тавсия қилган эди».³

Бироқ, ҳар қандай мукаммал дин ҳам, ҳар қандай тариқат ҳам замон тақазоси билан ўзгаришларга учрайди, унда янги шохчалар пайдо бўлади. Худди шунингдек, бутун Шарқ олами, ислом дунёсида машҳур бўлган ва кенг тарқалган нақшбандия тариқати ҳам жузъий ўзгаришлардан бенасиб қолмади. Шунинг учун ҳам XVII асрда афғон миллатига мансуб бўлган бир киши, «Мужадди迪 алфи соний» (иккинчи минг йиликнинг янгиловчиси, тикловчиси) ва «имоми Раббоний» лақаблари билан шуҳрат қозонган шайх **Аҳмад Форуқий Нақшбандий Ахрорий Сарҳиндий**, нақшбандия тариқатининг бир шоҳчаси сифатида **«Мужаддиция»** тариқатини юзага келтирди.

Имоми Раббоний Афғонистон ва Туркистондаги машҳур давлат ва сиёsat арбоблари, ўз халифалари, шунингдек, буюк олимлар ва мутасаввифлар билан доимий алоқада бўлиб, Ҳиндистондан туриб уларга ҳар доим мактуб ёзиб турган ва турли мавзулардаги мураккаб масалалар ва янги

¹ Аҳмад Дониш. Наводир -ул вақое.395.

² Аҳмад Дониш. “Наводир -ул вақое”. Т., 1964. -Б.396.

³ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний “Тасаввух ва инсон” тошкент, 20001 йил., 51 -54 бетлар.



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти*



топилган фалсафий, тасаввуфий ва ақидавий муаммоларни ечиб беришга интилган.

У мовароуннахрлик Хожа Мухаммад Қосим Имкаганийга юборган 268 та мактубида, нақшбандия тариқатининг бешиги бўлган Мовароуннахрда топилган бидъатлар борасида ачиниб сўзлайди, у ерда ривожланиб бораётган жаҳр, рақсу самоъ, нафл намозларини жамоат билан ўқиш ва чиллада ўтиришга қаршилик билдиради ва ушбу бидъатларни нақшбандия тариқатини бузишга қаратилган бузғунчилик деб қоралайди.

Имом Раббоний ёзган мактублар ичida 11 мактубдан кўпроғи нақшбандия тариқатининг мақтоби, унинг хусусиятлари, камолоти, юксаклиги ва бу тариқатнинг машоихларига бағишлиб ёзилган. Базилари унинг «ваҳдатуш-шуҳуд» назариясини ёритишни қаратилган.

Шундай қилиб шайх Аҳмад Сарҳиндий нақшбандия тариқатининг давоми бўлгани ҳолда, айрим масалаларда у билан фарқ қилган мужаддиция тариқатига асос солиб, унга доир ирфоний таффакурни ваҳдатул – вужудга эмас, балки «ваҳдатуш-шуҳуд» яъни «Ҳамма нарса ундандир» деган қоидага асослантириди. Ушбу назария кейинги тасаввуф тарихда ўзига хос ўрин тутган.

Имоми Раббоний 291 мактуб охирида бундай деб ёзади: Бу фақир бу вақт авлодлари ва толиблар тарбияси учун Ҳожаи Нақшбанд тариқатини ихтиёр қилганман. Шариат арконлари суст бўлган шундай бир пайтда, нақшбандия илму маърифати, шариатнинг зоҳирий илмлари билан кўпроқ муносабатдадир.

Шайх Аҳмад Сирҳиндий мужадиддияга доир ирфоний таффакурни ваҳдатул вужудга эмас, балки «ваҳдат-уш-шуҳуд» яъни **«Ҳамма нарса ундандир»** деган қоидага асослантириди. Ушбу назария кейинги тасаввуф тарихда ўзига хос ўрин тутган.

Ўша даврда мужаддиция Ўрта Осиёда анча кенг тарқалган бўлиб, 1898 йилда Андижондаги миллий озодлик ҳаракати раҳбари Мухаммад Али ибн Собир, яъни Дукчи Эшоннинг ҳам шу тариқатнинг пири муршидларидан бири бўлганлиги ҳақида т.ф.д., профессор Б.Бобоҷонов ўз илмий мақоласида таъкидлаб ўтади ва уни **«Мужадидиянинг Туркистон кўриниши»** деб атайди.¹ Бу тариқатга нафақат замонанинг энг илгор, хур фикрли инсонлари, олиму фозиллари, ҳаттоқи, иймонли ва адолатли подшоҳлар ҳам амал қилишган. Жумладан, эл-юрт орасида пок эътиқоди, адолатли сиёсати ва маърифати билан донг таратган амир Шоҳмурод ҳам мазҳабда сунний,

¹ Б.Бабаджанов. “Андижансское восстание 1898 года: “дервишский газават” или антиколониальное выступление?” “Ўзбекистон тарихи” 2001 йил, 2-4 сонлар . 4-сон Б. 66.



тариқатда мужаддидий-нақшбандий бўлиб, у Аҳмад Дониш билан тариқатнинг битта занжирига банди қилинган эдилар.¹

Хуллас, бу маълумотлар нақшбандия тариқатининг мантиқий давоми сифатида пайдо бўлган мужадиддиянинг Бухоро амирлигида кенг ёйилганлиги ва халқимизнинг маърифий тараққиётига сезиларли улуш қўшган қомусий олим – Аҳмад Донишнинг мана шу тариқат илгари сурган гояларга қатъий амал қилганлигидан дарак беради.

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ.

Раджапова М.З. – АДУ, Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

«Дин» сўзи араб тилидан «ҳисоб», «жазо», «мукофот» деган маъноларни билдиради². «Илм» сўзи эса араб тилидан «бир нарсани бошқасидан ажратиб турадиган белгиси» маъносини англатади³. Ислом дини буйруқ майлидаги «Икроъ» – «Ўқи!», «Қироат қил!» маъносидаги сўзлар билан бошлангандир. Унинг илоҳий, мўжизаси «Қуръон» («ўқиши») деб номланишида ҳам катта маъно бор. «Бу дин илмга, маърифатга асосланган динdir, бу Калом илмга, маърифатга асосланган Каломдир» деган маъно бор бунда⁴.

Ислом дини З та катта илмдан иборат бўлиб, буларнинг биринчиси Ақоид илми, иккинчиси Шариат илми, учинчиси Эҳсон илмидир. Имом Фаззолий ўзларининг машҳур «Ихёу улумид-дийн» номли китобларида: «Ақоид» тавҳид идрок этиладиган, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зоти ва сифатлари билинадиган илмдир» деганлар⁵.

«Ақида» сўзи арабча «ақада» феълидан олинган бўлиб, «бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш» маъносини англатади. Ислом ақидаси мусулмон инсонни маълум бир насралар билан маҳкам боғлаб турадиган эътиқодлар мажмуасидир. Муайян илм бизнинг фикримиз, ҳис-туйғуларимиз ва ҳаракатларимизни бошқарадиган холга етганда, ақидага айланган бўлади. Демак, ақида илмга асосланган бўлиши лозим⁶.

Шариат сўзи арабча сўз бўлиб, остона ва сув ичиш жойи, тўғри йўл, ислом ҳукмлари, қонун қоидалари қонунчилиги, Аллоҳ таолонинг Каломи асосида жорий қилган ва шаклланган амалий ҳукмлар мажмуаси, ислом

¹ Абдусаттор Жуманазар. “Хилват аҳли” Тошкент, 2004 йил., 139 – 140 бетлар.

² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Куръон ва суннатдаги илмий мўжизалар Т., 2019. 135-бет

³ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Рухий тарбия Покланиш 1-жуз. Т, 2010. 29-бет

⁴ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Куръон ва суннатдаги илмий мўжизалар Т., 2019. 48-бет

⁵ Имом Фаззолий Ихёу улумид-дин Т., 2015, 206 -бет

⁶ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Ақоид илми ва унга боғлик масалалар Т., 2013, 10-бет



хукуки тизими каби маъноларни англатади. «...Шариат-Аллоҳ томонидан ўрнатилиб ва пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.) орқали инсонларга юборилган сўзсиз бажарилиши шарт бўлган меъёрлар ва кўрсатмалар йифиндиси» —»Аллоҳнинг қонуни», «Фалакнинг ажрими ва амри»¹.

«Эҳсон» арабча сўздан олинган бўлиб – яхшилик, самимилик, муруват, бирор нарсани ҳадя қилиш, ҳайр-садақа маъноларини англатади.² Қуръонда диний мажбуриятларни ўташдаги самимилик, риёкорликнинг зидди Умар ибн Ҳаттоб (р.а)дан келтирилган ҳадислардан бирида:^{*} «Эҳсон – Роббинга худди уни кўриб тургандек ибодат қилишингdir. Агар сен Уни кўрмаган тақдирингда ҳам, У сени кўриб турганидек ибодат қилишингdir», дейилади. Ғаззолий «Эҳсон» атамасини «адл-адолат» сўзи билан бирга қўллаганки, булар биргаликда «адолат ва виждон» мазмунини касб этган.

Эҳсон сўзи ақидавий тушунча сифатида ислом ва имон тушунчалари билан бир қаторда умумий диний тушунчани ташкил қиласи. Бунда эҳсон барча диний ақидаларни тўлиқ, шак-шубҳасиз ва қайта талқинсиз қабул қилишни билдиради, яъни унинг барча кўрсатмаларига чуқур садоқатни англатади. Эҳсон тушунчасидан диндор маъносидаги мухсин сўзи келиб чиққан. Кундалик истилоҳда эҳсон атамаси – ихлос: қалб тозалиги, фикр ва хатти-ҳаракатларда самимиликнинг маънодошидир.

¹ Ислом энциклопедия Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида Т., 2017. 567-бет

² Ўша манба. 586-бет

* Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Бир куни Расулуллоҳу соллаллоҳу алайхи васалламнинг ҳузурларида эдик. Бирдан, устимизда оппок кийимли, соchlари коп-қора одам пайдо бўлди. Унда сафарнинг асари кўринмас эди. Уни биронтамиз танимас ҳам эдик. У келиб, Набий соллаллоҳу алайхи васалламнинг тўғриларига ўтиради. Икки тиззасини у зотнинг икки тиззалирига тиради. Икки кафтини сонлари устига қўйди ва: “Эй Мұхаммад, менга Ислом ҳақида хабар бер”, -деди. Расулуллоҳу соллаллоҳу алайхи васаллам: “Ислом: Ла илаҳа иллаллоҳу ва анна Мұхаммадан Расулуллоҳ”, деб шаҳодат келтирмоғинг, намозингни тўқис адо қилмоғинг, закот бермоғинг, Рамазон рўзасини тутмоғинг, агар йўлга қодир бўлсанг, Байтни ҳаж қилмоғинг”, -дедилар. “Тўғри айтдинг”, -деди у. Биз ундан ажабландик. Ўзи сўрайди, ўзи тасдиклади. “Менга иймон ҳақида хабар бер”, -деди. Ул зот соллаллоҳу алайхи васаллам: “Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Расулларига ва охират кунига иймон келтирмоғинг, яхшию ёмон қадарга иймон келтирмоғинг”, дедилар. “Тўғри айтдинг”, -деб тасдиклади ва: “Менга эҳсон ҳақида хабар бер”, -деди. Ул зот соллаллоҳу алайхи васаллам: “Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилмоғинг”, -дедилар. “Менга (қиёмат) соатидан хабар бер”, -деди. Ул зот соллаллоҳу алайхи васаллам: “Сўралувчи бу ҳақда сўровчидан билимлироқ эмас”, -дедилар. “Унинг аломатларидан хабар бер”, -деди. Ул зот соллаллоҳу алайхи васаллам:”Чўри ўз хожасини туғиши, ялангоёқ, яланғоч, камбағал ва чўпонларнинг бино қуришда бир-бирларидан ўзишга уринишларини кўрмоғинг”, -дедилар. Сўнгра ва қайтиб кетди. Бас, мен анча пайт (Расулуллоҳнинг ҳузурларида) бўлдим. Сўнгра у зот соллаллоҳу алайхи васаллам менга: “Эй Умар, сўровчи кимлигини билдингми?”, -дедилар. “Аллоҳ ва Унинг Расули билувчирок”, -дедим. Ул зот соллаллоҳу алайхи васаллам: “Албатта, у Жаброилдир. Сизларга дийнларингиздан таълим бергани келибди”, -дедилар. Бешовлари ривоят қилишган. Оятга амал қиласиган бўлсак, Қуръон тўлиқ нозил бўлгандан сўнг дийнга заррача бўлса ҳам янгилик олиб киришга ҳеч қандай хожат қолмаган. Бунга ҳеч кимнинг ҳакки ҳам йўқ. Мусулмонлар юқоридаги ҳадисда айтилган уч асосга, яъни илм-иймон, амал – ислом ва ихлос –эҳсонга риоя этсалар, бас. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонлардан фақат битта нарсани – Ўзига ва яратган нарсаларига тўлиқ иймон келтирган ҳолда ихлос билан ибодат қилишни талаб этган. Иймонимиз-илмимиз. Исломимиз- амалимиз ва эҳсонимиз –ихлосимиз тўғри ва гўзал бўлиши учун йўл кўрсатувчи комил бир инсонни Ўзининг элчиси сифатида танлаб, бизга раҳбар этиб қўйган. (Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф Тасаввур Т., 2011 58-60-бетлар)



Тасаввуфда эса Эҳсон эътиқоднинг олий босқичи бўлиб, ундан кейин иймон, сўнг ислом туради, бу шариат-тариқат-ҳақиқат тушунчаларига мос келади. Эҳсон одатда, тасаввуф тушунчаси билан чамчарчас боғлиқ. Яъни, - бу рухий тарбия, покланиш, гўзал ҳулқ, нафсни сайқаллаш, гўзал ахлоқ (ва ҳ.) демакдир. Муҳаммад (с.а.в.) ва сиддиқлар –хулафои рошидинлар, илк саҳобалар йўлидан оғишмай борган, пархезкор, ўта тақводор, тарки дунё қилган, зоҳидликка юз бурган Аллоҳнинг азиз бандалари –»сўфий», улар юрган йўлга эса «тасаввуф» дейила бошланди.

Тасаввуф сўфийликнинг гўзал таълимоти бўлиб, унинг турли йўллари «тариқат» «сулук» деб аталади. Тасаввуф Қуръон ва Суннат ҳақиқатига етиб, унга бутун вужуд билан амал қилишни ўргатади. Тасаввуф Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарийнинг «Тасаввуф сирлари» асарида шундай таърифланади: «Инсоннинг маънавий оламини ислоҳ этадиган, бузилган қалбларнинг муолажаси учун энг таъсирли бўлган, инсонни ҳақиқатлар атрофига тўплайдиган ўта фойдали ва мустақил илмдир».¹

Тасаввуф «қалб», «руҳ», «ақл» ва «нафс» каби маъноларини алоҳида эҳтимом ила тушунтиради ва уларнинг ҳар бирига мусулмон банда қандай муносабатда бўлиши зарурлигини баён қилиб, ўша баённинг татбиқ қилинишини ҳам йўлга қўяди². Машойихлар, мутасаввуфлар тасаввуфга хилма-хил, бир-биридан гўзал таърифлар беришган. Қуйида Шайх ҳазратларининг «Тасаввуф ҳақида тасаввур» асарида келтирилган бир қанча таърифларни баён этамиз. Тасаввуф – бир мазҳаб бўлиб, мақсади қалбни Аллоҳдан бошқадан холий қилиш, Холиққа ихлос ила ибодат қилиш ҳамда Ундан бошқасидан ажралиш ила руҳни қудсият оламига олиб чиқишидир.

Тасаввуф нафсни ахлоқий жиҳатдан тараққий эттирадиган ҳаётий фалсафа бўлиб, у муайян амалий риёзат воситасида ҳақиқатга айланади ва баъзи вақтларда олий ҳақиқатга сингиб кетишга, ундан завқ ва ақл ила маърифат ҳосил қилишга олиб боради. Тасаввуф бир илм бўлиб, у ила нафснинг аҳволи – яхши ва ёмони, унинг ёмонини поклаш йўли, яхшисини зийнатлаш йўли, Аллоҳ таолога томон юриш кайфияти ва Унга томон қочиши услуби ўрганилади. Яъни, Ўзидан бошқадан паноҳ сўрамаслик.³

Тасаввуф Аллоҳга муҳаббат қўймоқ ва унинг васлига етиш йўлида риёзат чекмокдир. Тасаввуф ақлдан устун турувчи илмдир. Тасаввуф илми Аллоҳдан келадиган илм, илҳом, кашфу холдир. Тасаввуф ботин ила ғайб олами билан ошноликдир. Тасаввуф бу рухий тарбиядир.

¹ Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий Тасаввуф сирлари Т., 2000 4-бет

² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Тасаввуф ҳақида тасаввур Т., 2011 66-бет

³ Ўша манба. 31-32 -бетлар



Хулоса қилиб, шуни айтиш мүмкінки. тасаввұфнинг ғояси-Жаноби Ҳақнинг розилигига эришмоқ учун нафсни поклаб, гүзәл ахлоқ әгаси бўлишга интилмоқ. Яъни, Аллоҳ ва унинг Расулининг хулқи билан ахлоқланишдир. Инсон камолоти фақатгина рухнинг соғлигини муҳофаза қилиш орқали бўлиши мумкин, бу эса рухнинг тана устидан ғалаба қозониши учун чора – тадбирлар қўришга боғлиқ бўлади. Ислом тасаввұфи ҳеч қандай ташқи таъсирга асосланмаган холда бевосита исломий тамойиллар заминида курилган бир йўлдир.

ЯССАВИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДА МАҶНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МЕЗОНЛАРИ.

Хамзаев Ш.А. – Самарқанд давлат чет тиллар институты үқитувчиси.

Яссавийлик тариқати жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ғоявий ифодаси сифатида, ҳаёт муаммоларига жавоб топиш, камолотга эришиш йўлларини топишга интилиш сифатида вужудга келган. Хожа Аҳмад Яссавий мураккаб ижтимоий-тарихий шароитда яшаб ижод этган ҳамда ўз даврининг сиёсий, тарихий, иқтисодий, маънавий даражасини ҳикматларида акс эттирган. Мутасаввұф шоир инсонга ўз қалбининг энг чуқур жойларига назар ташлаш, қаллоблик ва риё пардаларини йиртиб, ёмон одатларни асло яширмасликни тарғиб этади. Шунинг учун ҳам унинг маънавий-ахлоқий таълимотида шахснинг маънавий илоҳий камолотига тўсиқ бўладиган салбий хусусиятлар ошкоралашиб боради. Унинг асосий хусусияти шундаки, ислом дини, шариат меъёрларини бузмасдан, ижтимоий ҳаётдан, меҳнат қилишдан чалғитмасдан, инсонарни турли қирғинларга бошламасдан норозилик билдиришдадир. Яссавийнинг бу ғояси билан Маҳатма Ганди ва рус ёзувчиси Лев Толстойлар таълимотига яқин туришини айтиб ўтиш ўринлидир. Хусусан, Лев Толстой « ёвузликка зўрлик билан қаршилик кўрсатмаслик », сабр-қаноат ва тақдирга тан бериш ғоясини илгари сурган эди.

Хожа Аҳмад Яссавий бутун ҳаёти давомида инсонларнинг баҳтсаодати, маънавий поклиги учун курашиб, ҳикматлари орқали инсондаги салбий ҳаракатлар, жамиятнинг бекарор бўлишига сабаб бўлиши, уларни тартибга солиш учун эса Аллоҳни тушуниб етиш, одоб-ахлоқни ўртага қўйиш, қизу жувонларни ҳаёли қилиб тарбиялаш лозим, деб ҳисоблайди:

«Улуғ-кичик ёронлардин одоб кетти,
Қизу заъиф жувонлардин ҳаё кетти
«Алҳаёу мин ал-имон» деб Расул айтти,



Хаёсиз қавм ажойиблар бўлди, дўстлар»¹.

Демак, бу мисраларда инсонни одоб-ахлоққа, огоҳликка чорловчи қарашлар акс этган. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари орқали инсоннинг руҳий ҳолати, тасаввуфий ҳол лаззатини очиб беради. Хожа Аҳмад Яссавий тасаввуф илмидаги тасаввурга кўра, Аллоҳга чин ошиқ -сўфийдир, яъни ишқ – илоҳни севиш, унга сифинишдан ташқари, балки шахснинг камолотга етишишининг энг афзал йўлидир:

*Ишқ богини меҳнат тортуб кўкартмасанг,
Хорлик тортса, шум нафсингни ўлдурмасанг,
Аллоҳ дебон ичга нурни тўлдирмасанг,
Валлоҳ, биллоҳ сенда ишқни нишони йўқ²*

Бу сифатлар маънавий-ахлоқий тарбиянинг муҳим мезонлариdir. Аммо, Хожа Аҳмад Яссавийнинг руҳий кечинмаларида ошиқ бўлган инсон таъма ва манфаатдан, яъни тинчлик бермас хаёллар, ҳаваслардан воз кечмаса, нафсидан халос бўла олмайди. Хожа Аҳмад Яссавий ишқ дардига мубтало бўлган инсонни «Ошиқ куяр, жондин тўяр, хақни суяр», дея таърифлайди. У «чин ошиқларнинг кўзи гирён, дили бир ёндири», деб ёзади. «Чин ошиқ», деб хақиқатнинг мағзини жонидан қила олган, муҳаббат шавқидан «уч юз олтмиш томири» тебранган, яъни тананинг ҳамма аъзоларига ишқнинг таъсири ўтган одамни «Ҳикматларида» қайд этади. «Ҳикматларда» дунёроҳатини, дунё бойлигини афзал билган одамни ошиқ деб билмаслик керак, у мунофик, «ёлғон ошиқ»лигини таъкидлайди:

*«Ишқ даъвосин менга қилма, ёлғон ошиқ,
Ошиқ бўлсанг, бағринг ичра кўз қони йўқ,
Муҳаббатни шавқи бирла жом бермас,
Зое кечар умри ани ёлғони йўқ»³*

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида ифодаланган тасаввуфий қарашларининг маънавий-ахлоқий, диний-фалсафий мазмун-моҳияти ниҳоятда теран ва маънога бойлиги билан ажralиб туради. Мутасаввифнинг бой мероси билан шуғулланган тадқиқотчи олимлар Яссавий танлаган йўлнинг ўзига хослигини қайд этиб, бу йўл кишилардаги салбий иллатларни йўқотиш учун кураш эканлигини таъкидлайдилар. Яссавий инсонларни дунёдан бутунлай юз ўтиришга даъват этмайди, балки инсон ҳаёти учун ноз-неъматлар, кийим-кечаклар, туаржой

¹ Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. - Тошкент.: F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. - Б. 62.

² Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. - Тошкент.: F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. - Б.129.

³ Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. - Тошкент.: F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. - Б.129.



*Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти*



кабиларнинг зарур эканлигини ҳикматларида доимий таъкидлайди. Инсондаги нодонлик, баднафслик, молу дунёга ҳирс қўйиш, жаҳолат ва уларни шакллантирадиган омиллар қораланади¹.

Хуллас, Яссавий бутун ҳаёти давомида инсонларнинг баҳт-саодати, маънавий поклиги учун курашиб, ҳикматлари орқали инсондаги салбий ҳаракатлар, жамиятнинг бекарор бўлишига сабаб бўлиши, уларни тартибга солиш учун эса Аллоҳни тушуниб етиш, одоб-ахлоқни ўртага қўйишни ўзининг қарашлари марказига қўяди. Унинг ирфоний қарашлари диний, маънавий-ахлоқий мазмун ва маънога бойлиги билан ажralиб туради.

ЯССАВИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДА НАФС ВА САБР МАСАЛАСИ.

Хамзаев Ш.А. – Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси.

Аҳмад Яссавий ва у асос солган яссавия таълимотида ирфонга етишиш, маърифатли бўлиш, ҳақиқатни англаш, бу ошиқлик йўлидир. Унингча ошиқ ишқ воситасида Ҳаққа етади, Аллоҳни кўради ва ўзини аслини англайди. Аҳмад Яссавий ишқ йўлига асосий тўғоноқ деб нафс, ғафлат, кибру-ҳаво, дунёга боғланишни таъкидлайди. Шунинг учун нафсга қарши кураш, огоҳ бўлиш, тавба, сабру-тавакул инсонни бу фоний дунёдан ўзилиб бақо ҳолатига етишига ёрдам беради.

Хожа Аҳмад Яссавий инсондаги ёмон иллатларни келтириб чиқарадиган асосий сабаб нафс эканлигини ва унга қарши кураш лозимлигини уқтиради. Инсондаги ёмон нафсни, мол дунёга ҳирс қўйиш, тамагирликни қоралайди. Мутасаввуфни таърифича нафс «ябон қушидек қўлга қўнмас» бир нарса. Бу «қуш» ўз хоҳишича «парвоз» этаверса, инсонни, одамийликдан чиқараверади, улкан гуноҳларни қилишга сабабчи бўлади. Таъкидлаш керакки, нафсга берилган инсон ҳеч нарсадан тап тортмайди, ҳаромдан ҳазар этмайди, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлайди. Оқибатда одам золим, бераҳм, риёкор кишига айланади. Хожа Аҳмад Яссавийнинг таъкидлашига кўра:

«Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тоийб, гумроҳ бўлур.
Ётса-қўбса, шайтон била ҳамроҳ бўлур,
Нафсни тебгил, нафсни тебгил, эй бадкирдор».

Инсон нафснинг душманлигини билиш орқали ўзини англаши керак.

¹ Мўминов И. М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан /Танланган асарлар. -1-том. – Тошкент.: Фан, 1969. – Б.116 – 117.



Чунки, нафс балоси инсон қалб ва вужудини банд этиб олганидан сўнг банда Аллоҳ номини зикр этмайди. Шунинг учун нафсни енгмоқ энг катта жасоратдир. Хожа Аҳмад Яссавий болалигидаёқ нафсни жиловлаш инсон учун муҳимлигини англаб етади ва қуидаги мисраларида изоҳлади:

«Ўн учимда нафс, ҳавони қўлга олдим,
Нафс бошига юз минг бало қормаб солдим.
Такаббурни оёғ остида босиб олдим».

Хожа Аҳмад Яссавий қатор ҳикматларида нафсга нисбатан золим сифатини қўллаган: «Золим нафсим ҳеч қўймайин ўтга солди».

«Нафсим мени йўлдун уруб, хор айлади,
Термултуруб халойиқга зор айлади,
Зикр айтурмай, шайтон билан ёр айлади,
Ҳозир сан, деб нафс бошини янчдим мано».

Хожа Аҳмад Яссавийнинг фикрига кўра, нафсга берилмаслик бу «такаббурнинг ерга уриб босиб олиш» нинг асосий йўли сабр ва таваккулдир. Чунки, сўфийнинг душмани бўлган нафс сабр орқали жиловланади, тоатдан ҳаловат топиш эса таваккул билан бўлади, сабр унинг инсонийлик қадрини сақласа, таваккул илоҳий қудрат бағишлидай. Сабр этувчи: ўзи ва оиласи учун зарур бўладиган барча неъматларни Аллоҳдан сўрайди, ундан ўзгага мурожат қилмайди; турмушдаги етишмовчиликлар пайтида Аллоҳга суюнади. Натижада сабр иймоннинг ярмига, таваккул илоҳий файзга, эътиқодли кишининг иймонига тенглашади.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг таъкидлашича, позитив фазилатли инсон бўлиш учун нафсни назорат қилиш, яъни одам ўзини-ўзи бошқара олиши лозим.

Ҳикматларда ҳам нафсини жиловлай оладиган фарзанд ўзидағи салбий одатларни йўқотиши ҳақида айтиб ўтилади. Аллоҳни танимаслик, риёдан тилини тиймаслик, нодонлик, такаббурлик каби инсондаги салбий сифатлар Яссавийнинг анропологик қарашларида, золим нафснинг қилмишларидир. Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Аллоҳ дедим, шайтон мендин йироқ қочди, ҳою ҳавас, муомунлик турмай кўчди» мисраларидағи, «ҳою ҳавас ва барча манманлик, Аллоҳ» деганда енгилади. Яъни, «Аллоҳ сари талпинмоқ» нафсдин қочмоқдир. Шунинг учун ҳам Хожа Аҳмад Яссавий: «нафс бошига юз минг бало» ёғдириш ташвишига тушганларга қаратади «Золим агар жафо қилса Аллоҳ дегин. Илкинг очиб зоре айлаб бўйин сунгил», мисраларида нафсдан кечиб, Аллоҳ сари талпинмаган ишқи илоҳийдин маҳрум кимсаларга бир насиҳат бўлган.



Шу ўринда мутасаввуфнинг нафсга нисбатан қаттиқўллиги ва ботиний покланиш ҳақида фикр юритиши кўзга ташланади. Доктор Маҳмуд Асьад Жўшоннинг нафсга берилган таърифида: «Нафсни тийиш, оз нарсаларга сабр-қаноат қилиш Ислом динининг тасаввуфнинг соликларга кўядиган энг асосий талабларидан бири эканлигини таъкидлайди. Олим фикрича, нафс – инсоннинг ўзлигидир. Нафснинг қули фақат ўзининг роҳати, тинчи, кайфу сафоси ва манфаатини ўйладайди. Шу боис у бошқалар билан рақобат қиласди, ўзига душман орттиради, зиддият қиласди. Бундай киши худбин, манфаатпарамт бўлиб, жамият, юрт ҳақида ўйламайди. Нафсни тиймаслик қандай оқибатларга олиб келишини билмаслиги туфайли разолат ботқогига ботади. Бундай кишилар дангаса, текинхўр, мағрур, худбин, тантиқ, ярамас, ҳасадгўй, жаҳлдор, кек сақловчи, золим, ғаддор, вафосиз, сабрсиз, қонхўр бўладилар. Нафснинг қули бўлган кишилардан инсоният ва жамиятга асло фойда етмайди. Чунки, ҳавои нафсга эргашган киши бенажот, икки дунёси ҳам харобдир».

Хожа Аҳмад Яссавий тариқатнинг дастлабки мақоми бўлган «Тавба» даёқ сўфийдан дунёвий ҳавасдан воз кечишни талаб этади. «Фақрнома»да «агар сўфий дунё неъматини тиласа, сўфий эмас, агар дуо ва зор билан меҳнат қилса, сўфи турур, агар сўфига бало келса, оҳ-воҳ демас ва сабр қилур, агар сўфи оч бўлса ва бараҳна бўлса, хушнуд бўлгай ва сабрдин ўзгани ихтиёр қилмагай, хуш тавозеълик бўлгай».

Демак, сўфий қалбини дунё неъматларига эмас, балки Аллоҳга топширган. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида «сабрга» қуйидагича тасаввуфона таъриф берган: «Сабр, – дейди у – аччиқ, аммо фойда берувчи, у қаттиқ, аммо зиён-захматларни даф этувчи. Сабр, шодликлар калитидир – бандларни ечувчидир. Сабр ўртоқдир, суҳбати зерикарли, аммо мақсадга олиб борувчи, сабр – улфатдир, узоқни кўзлаган, аммо охирида истакка етказувчидир. Сабр – уловдир, секин юрадиган, аммо манзилга элтувчидир. Сабр – туядир оғир қадам, лекин бекатга олиб борувчидир. Сабр – насиҳатгўй, ачитиб гапирадиган, киши табиати ундан озор чекади, лекин амал қилган охирида муродга етади. Сабр – табиб, бадхўр дори, бемор ундан озор тортади, аммо сўнгига соғлиққа эришади».

Таъкидлаш керакки, Хожа Аҳмад Яссавий нафс ёки сабр деганда фақат моддий неъматларга ҳирс қўйиш ёки қўймасликни назарда тутмаган. Балки «бу дунё», яъни ўткинчи дунё эканлигини қуйидаги мисраларида сўз юритади:

«Бешак билинг, бу дунё барча ҳалқдин ўтаро,
Инномағил молингга, бир кун қўлдин кетаро,



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти




Ота-она, қариндоши қаён кетти, фикр қил,
Тўрт оёқлик чўбин от бир кун сенга етаро».

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аёнлашадики, ҳикмат истилоҳи исломий ва тасаввуфий асосларга бевосита алоқадор бўлиб, алломанинг шариат асослари ва тасаввуфий тариқатлари талқини учун ифодаланган ва кейинчалик диний-ирфоний тафаккурдаги мустақил бир назм турига айланган. Мутасаввуф инсоннинг ахлоқий такомили, яъни комиллик босқичлари ва ижтимоий мавқеини маънавий-руҳоний, диний-ирфоний нуқтаи-назардан ҳал қилиш йўлида тасаввуфона шаклда, моддий-маънавий қадрият ва тадбирларни унутмаслик каби инсоний хусусиятлар тўғрисида кенг фикр юритган.

МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИДЛАРНИНГ ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИ.

Ғуломов А.Б. – Фарғона давлат университети ўқитувчиси (PhD)

Оlamдаги барча мавжудотларнинг барқарор ҳаёт кечиришида ҳаво, сув, тупроқнинг соғлиги муҳим аҳамиятга эга. Инсоният цивилизациясининг ҳозирги тарихий ривожланиш босқичида бир қатор ижтимоий-иқтисодий, маънавий муаммолар алоҳида аҳамиятни касб этган. Туркистон XIX аср охири-XX аср бошида сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий жиҳатдан оғир холатга тушиб қолган эди. Туркистонда зиёлилар чор Россиясининг мустамлакачилик зулмидан қутулиш, барча соҳаларда мустақил тараққиётга йўл очиш, халққа маърифат тарқатиш мақсадида жадидчилик ҳаракатига асос солдилар. Жадидчилик миллий демократик ҳаракат бўлиб, рус мустамлакачилигига қарши Туркистондаги оғир иқтисодий, ижтимоий ва маданий аҳволда яшаётган миллатни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислоҳотлар ўтказиш, миллий мустақиллик ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйди. Уларнинг ҳаракатида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллар ёрдамида кенг кўламдаги танглик таҳдидини барҳам топтириш, баркамол ёш авлоднинг интелектуал салоҳияти ривожланиши учун зарур бўлган ахлоқий жиҳатдан мусаффо ҳаётий муҳитини яратиш имконини берди. Шахснинг ҳаётий зарур манфаатларига инсоннинг ҳаёт фаолияти учун оптимал шароитларни таъминлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, жамиятнинг ҳаётий зарур манфаатларига барқарор вазиятни қарор топтириш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, соғлом авлодни шакллантириш масалалари кирав эди. Маърифатпарварлик ҳаракати табиий равишда миллатнинг ўз-ўзини англаши




жараёнини бошлаб берди ва юртимизда миллатпарварликнинг, исломий тушунчаларнинг жонланишига катта таъсир кўрсатди. Уйғониш жараёни фақат жадид матбуотидагина намоён бўлмади, балки улар томонидан яратилган бадиий адабиётнинг барча турларини қамраб олди. Шеъриятда, насрый асарларда, драматик асарларда янги бошланаётган даврни характерловчи, эскилиқ билан янгилик ўртасидаги курашни акс эттирувчи адабиёт намуналари пайдо бўлди. Ҳамза, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Сиддиқий–Ажзий шеърлари, Беҳбудийнинг «Падаркуш», Абдулла Қодирийнинг «Жувонбоз», «Бахтсиз куёв», Фитратнинг «Чин севиш», «Ўғузхон», «Ҳинд ихтиолчилари», «Темур сағанаси» каби асарлари шулар жумласидандир. Жумладан, Фитрат «Чин севиш», «Ҳинд ихтиолчилари» асарларида Ҳинdistон халқларининг эрк ва Ватан озодлиги учун инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган курашлари орқали Туркистон халқларининг дард–ҳасратларини бадиий тасвирлади. Адибнинг «Сайёҳ ҳинди» асарида Бухоронинг майший–сиёсий турмуш манзаралари дунё кўрган бир кишининг нигоҳи орқали тасвирланди.

Жадидлар булар билан кифояланмай, педагогик асарларида ҳам она Туркистон ва унда яшовчи халқлар тарихи, миллатни миллат қилиб турувчи омиллар, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, ахлоқий, тарбия турлари ҳақида маълумот беришни лозим деб топдилар. Жумладан, Абдулла Авлоний асосий эътиборни бошланғич синфларга қаратиб, дастлабки сабоқлар беришга мўлжалланган «Биринчи муаллим», унинг узвий давоми бўлган «Иккинчи муалим» дарсликларини яратди. Унинг педагогикага доир асарлари ичida «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китоби асримиз бошларидағи педагогик фикрлар тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Мухими, уларда барчамиз учун азизу мукаррам бўлган муқаддас тупроқ, ер ва сув, табиий бойликлар ҳақида ҳам фикр юритилиб, она Ватан тушунчасининг нақадар кенг маъно–мазмун ифодалаши, уларни асраб–авайлаш зарурати изоҳланади.

Жадид намояндалари илм-фаннынг қайси соҳасига доир масалалар юзасидан фикр юритмасинлар, инсон ва унинг мукаррамлиги, ақл–идроқи, ноёб фазилатлар эгаси эканлигига эътибор қаратиб, инсон омили муаммосини ўrtага ташладилар.

Бу йўналишдаги фикр-мулоҳазалар орасида айниқса комил инсон ҳақидаги фикрлар диққатга сазовордир: «Айтган эдикки, комил мусулмон ҳам дунё саодатини, ҳам охират саодатини талаб этувчиdir. Дунёни тарқ этиб охират талабида бўлиш ҳам шаръий хукмларга мувофиқ келмайди. Аллоҳ, ер юзидаги нимаики бўлса, сизларнинг фойдаларингиз учун яратган



зотдир. Эй одамлар, билмайсизларми, Худо ер ва осмонда бўлган ҳамма нарсаларга сизларни фармонбардор этиб тасхир этган. Худо зоҳирий ва ботиний бўлган неъматларини ҳам сизларга берган. Зоро, само ва ерда бўлган ҳамма мавжудот сизларнинг манфаатларингиз учун яратилди,»шу оятлардан маълум бўладики, Худо бу оламни бизларнинг фойдамиз ва манфаатимиз учун яратиби, оламда мавжуд бўлган ҳамма нарсани бизга маҳкум ва фармонимизга бўйсунувчи қилибди»¹.

Бундан келиб чиқадики, Туркистон жадидлари мусулмон мамлакатларида содир бўлаётган муштарак ўзгаришларни кузата бориб, Муҳаммад Абдо, Малкомхон, И smoил Гаспирали, Намик Камол, Зиё Кўкалп, Маҳмуд Тарзи, Жамолиддин Ағғоний ва бошқа таникли маърифатпарвар файласуфлар ҳамда ислоҳотчилар томонидан олға сурилган илғор уйғониш ва бирлашувчилик ғояларини аввало тўғри англаб олишга, тушунишга ҳамда энг муҳими уларни қўллаб–қувватлашга ва ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Исм– номлари санаб ўтилган юқоридаги жадидлар гарчи турли мамлакатлар фуқаролари бўлса ҳам, бир мақсад, бир маслак учун курашдилар. Яъни Шарқда, хусусан Марказий Осиё мамлакатларида XVIII–XIX асрларда вужудга келган қолоқлик, биқиқлик, онгсизлик, билимсизликка тарқоқликка барҳам беришга, илм–фанни ривожлантиришга, техникавий тараққиётдан ортда қолмасликка чақирдилар. Тасаввухшунос олим Н.Комилов ибораси билан айтганда, улар, худди тасаввух таълимоти намояндалари сингари, ўзлари яшаган давр, жамиятнинг тирик виждонлари эдилар².

Юзлаб, минглаб одамлар уларга қараб хушёр тортар, давр суръатларига баҳо берар, тараққиётнинг қаёққа қараб кетаётганини тушуниб олар, қалбларида эркесварлик ғояларига қизиқиши ва ҳавас уйғонар эди.

Жадидчилик ҳаракати вакиллари жамият маданий ҳаётида инсон ва унинг тутган ўрни, инсон феномени моҳиятини белгиловчи омиллар, унинг камолотга эришувдаги олға қилган ҳаракати, инсонга берилган фазилатлар, хислат ва имкониятлар, онгли инсоннинг бу имкониятлардан фойдаланиш даражалари ҳақида асар ва мақолалар ёздилар. Бу ҳақдаги манбаларга эътибор берилса, жадидларнинг жаҳон маданий ривожланиши қонуниятларидан келиб чиқиб фикр юритишга интилганлари, ўз тадқиқотларида ижтимоий-фалсафий масалаларга аҳамият бериб, қиёсий-тарихий усуллардан моҳирона фойдаланишга уринганларининг гувоҳи бўлиш мумкин.

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 5 жилд. Илмий рисолалар, Тошкент: Маънавият. 2010, -Б. 76

² Комилов Н. Тасаввух. Тошкент: Мовароуннахр. 2009. –Б. 131.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ АСАРЛАРИДА БАГРИЕНГЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ.

Воҳидова М.Т. – Бух МТИ, «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти

Ўзбекистондаги ижтимоий тараққиётнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиши глобал аҳамиятга эга бўлган жараёнлар билан бевосита боғлиқ. Бу жараёнлар миллий турмуш тарзига кириб бориб, дунёнинг барча мамлакатларида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Айнан шу жараёнлар турли уюшмалар ва муайян индивидларнинг халқаро майдонга чиқиши заруратини яратиб, улар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликнинг усул ҳамда воситаларини меъёрий жиҳатдан тартибга солувчи характерини белгилаб бермоқда.

Марказий Осиё халқларининг ҳозирги замонда ҳар хил нуқтаи назарлардан ишлатилиши мумкин бўлган бағриенглик ғоялари Шарқ алломалари асарларида яққол намоён бўлган. хусусан, Абу Наср Форобий қарашларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Форобий йирик файласуф, тилшунос, мантиқчи, риёзиётчигина бўлиб қолмай, шу билан бирга социолог, филолог, тиббиёт соҳасида, руҳшунос, мусиқа илмининг назариётчиси ва амалиётчиси ҳам бўлган.

Форобий ўз илми ва заковати билан катта обрў қозонган бўлса ҳам, жуда камтар бўлган, фақирликда, муҳтожликда яшаган, дунёга, пулга эътиборсиз бўлган.

Унга кўрсатилган илтифотлардан қўп холларда воз кечган. Ўрта аср фанининг барча соҳаларини чукур билимдони, заковатли олим, олийжаноб инсон бўлганлиги учун ҳам уни «Ал-Муаллим ас-Соний» (иккинчи муаллим) яъни иккинчи Аристотель деб атаганлар.

Арасту изидан бориб, Форобий ҳам фалсафани иккига – назарий ва амалийга бўлади ҳамда ахлоқшуносликни амалий фалсафа таркибига киритади. Ахлоқий муаммолар унинг «Бахтга эришув йўлини кўрсатувчи китоб», «Бахтга эришув ҳақида», «Давлат арбобининг ҳикматлари», «Фозил одамлар шахри» сингари асарларида кўтарилиган. Уларда инсон бахти энг асосий муаммо сифатида ўртага ташланади. «Бахт – ҳар бир инсон интиладиган мақсад, зеро у муайян комиллик ҳисобланади», дейди Форобий. Айни пайтда аллома ўз қарашларида фазилатга ҳам жуда катта ўрин беради. Чунки, унинг фикрига кўра, кимда-ким фазилат нималигини билсагина, ҳақиқий бахтга эриша олади. Арастуга ўхшаб, у ҳам фазилатларни икки кисмга – фазоили нутқия (ақл-идрокка асосланган фазилатлар) ва фазоили



хулқия (хулқий фазилатлар)га ажратади ҳамда уларнинг ўрталиқ хусусиятларини таъкидлаб ўтади.

Буюк ватандошимизнинг фикр қилишича, инсонга уни гўзал аъмоллар қилиш учун йўналтирадиган одат маҳсули бўлмиш етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги хатти-ҳаракатларда меъёр қай даражада сақлангани билан боғланади. Одобни эса мутафаккир бадавлатнинг давлатини безайдиган ва камбағалнинг камбағаллигини ўғирлайдиган ахлоқий ҳодиса сифатида таърифлайди.

Фаробий инсонларнинг ўзаро ҳамкорликка чақиради, давлатни ҳар томонлама етук ўзида энг яхши инсоний фазилатларни намоён қилган кишилар ёрдамида бошқариш зарурлигини қайд этади.

Шунингдек, у ҳар томонлама етук аҳолини илму маърифатга олиб борувчи идеал жамоат ҳақидаги фикрини олға суради. «Фозил одамлар шахри» китобида Фаробий давлатни бошқарувчи ҳоким табиатан ўн иккита ахлоқий хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур дейди ва уларни бирма-бир санаб кўрсатади:

- 1) Одамнинг барча аъзолари мукаммал тараққий етган бўлиши;
- 2) Барча сезги аъзолари ва хотирасини бақувват бўлиши;
- 3) зийрак ва ҳушёр бўлиши;
- 4) мулоҳазани аниқ баён қила билиш;
- 5) эҳтиёжига яраша овқатланиш;
- 6) қимор ўйинидан йироқ бўлиш;
- 7) руҳининг ғурури ва виждонини қадирлайдиган бўлиши;
- 8) тилло ва танга каби буюмларга меҳр қўймаслиги;
- 9) адолатли бўлиб, адолатсизликка қарши нафрат ила қараш билан бирга адолат олдида қайсалик қилиб, ўзбилармонликка берилемаслиги;
- 10) ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъиятлик кўрсатиши;

11) қўрқмас бўлиши;

12) жасур бўлиши билан биргаликда қўрқиш ва ожизликни билмаслиги;

Фаробийнинг «Фозил одамлар шахри» асаридан келтирилган юкоридаги фикрлари ҳозирги мустақиллик шароитида яшаб фаолият кўрсатаётган шаҳар, туман, вилоят раҳбарларига, олимларга, зиёлиларга, талабаларга, катаю-кичик барча кишига бевосита тааллуқлидир. Фаробийнинг илмий-фалсафий таълимоти инсонларни ўзаро ҳурмат, ишонч олийжаноблик ва бағрикенгликка чорлаб, инсониятнинг мисилсиз маънавий бойлиги ва маданий – маънавий камолоти йулидаги дастур-амалдир.




Ҳозирги замонда бағрикенглик ғояларини ривожлантириш учун Форобийнинг кишилик жамиятининг келиб чиқиши, мазмуни ва моҳияти ҳақидаги таълимоти катта аҳамиятга эга. Атоқли форобийшунос олим академик М.М.Хайруллаев ёзганидек, «Форобий жамиятнинг келиб чиқиши устида мулоҳаза юритар экан, зўравонлик ва мажбурлаш таълимотини инкор этиб, инсон жамоасининг келиб чиқиши асосида табиий эҳтиёж ётганлиги ҳақидаги назарияни олға суради. Табиий эҳтиёж кишиларни бир-бирлари билан бирлашишга, жамоага уюшишга, ўзаро ёрдамга олиб келади. Ана шу ўзаро ёрдам туфайли эҳтиёж қондирилади. Кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдам инсон жамоасини келтириб чиқаради»¹.

Форобий таълимоти бўйича одамлар ирқий, ижтимоий, миллий, руҳий, катта жуғрофий хусусиятлари туфайли ҳар хил динларда бўлишлари мумкин, лекин уларни бирлаштирадиган мақсад баҳт-саодатга эришишдир, бу эса уларнинг умуминсоний хислатларини, уларга асосланган умуминсоний қадриятларни белгилайди. Форобийнинг қуйидаги хulosasi айнан ҳозирги замон терроризми ва диний экстремизмига қарши қаратилган, деб айтсак бўлади: «Одамларга нисбатан уларни бирлаштириб турувчи ибтидо инсонийликдир, шу туфайли одамлар одамзод туркумига оид бўлганлиги учун ҳам ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим»². Форобий бағрикенгликнинг ушбу назарий-концептуал асосларини ишлаб чиқсанлиги жаҳон фалсафасининг кейинги ривожланишида, бағрикенглик ғояларининг қарор топишида катта роль ўйнади.

Форобий таълимотида ижтимоий ва шахсий бағрикенглик муаммоларининг нафақат юқорида ёритилган назарий-концептуал, балки услугбий-амалий жиҳатлари ҳам ўз аксини топган. Ижтимоий бағрикенгликни ўрнатиш услугбий-амалий чоралари, унинг назарида, жамиятни бошқариш услуг ва воситалари, илм-фаннынг аҳамиятини ошириш, жамиятда маърифатни кенг тарқатиш, дин, хусусанисломнинг аёл ва ҳақиқий бағрикенглик руҳида бўлган ва зўравонликка қарши қаратилган ғояларини тарғиб қилиш ва бир неча бошқа услугбий-амалий чоралари чукур ишланган. Алломанинг бағрикенгликни ўрнатиш ҳақидаги таълимотида инсоннинг шахсий бағрикенглиги ва зўравонликка қарши йўналтирилган эътиқоди таркибий ва ажралмас қисмни ташкил қилгани учун, шу билан боғлиқ чоратадбир ва усуллар ишлаб чиқилган. Улар инсон маънавиятини бағрикенглик руҳида шакллантириш, бунда уни ўқитиш ва тарбия қилиш жараёнларидан

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 49.

² *Фараби*. Трактат о взглядах жителей добродетельного города // Григорян. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII–XII вв. – М., 1960. – С. 158.



унумли фойдаланиш, зўравонликка берилимаслиги учун уни касб-хунарларга ўргатишга катта эътибор бериш, бошқа халқлар ва динларга мансуб одамларга хурмат билан қарашни ўргатиш ҳамда шахсий бағрикенгликни ривожлантиришнинг кўпгина бошқа усул ва йўлларини қамраб олади. Буларнинг аксарият бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Бағрикенгликнинг энг ёрқин ифодасини илм-фан соҳасида, хусусан Муҳаммад Хоразмий, Фарғоний каби алломаларнинг илмий фаолиятида кузатиш мумкин. Улар қаторида Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам ўзига хос ўрин тутган. Олимнинг дунёқарashi ўз даврида кенг тарқалган қадимги юонон фалсафаси, шунингдек Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, Абу Наср ал-Форобий, Абу Бакр ар-Розий ҳамда Ўрта Осиёда кенг тарқалган мұтазилийлар таъсирида шаклланди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бизгача етиб келган ягона асари «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калитлари»)дир. Бу асар ўрта асрларда фанларнинг ривожланиши тарихига молик камёб манба сифатида кўпгина олимларнинг эътиборини тортган. Асарнинг 1160 йилдаги қўлёзмага асосланган матнини 1895 йилида голландиялик шарқшунос Ван Флотен нашр эттирган.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг бағрикенглиги аввало шундан билинадики, улар қадимги юонон файласуфлари, асосан Арасту асарларида кўтарилиган ғоя ва масалаларни ўз даври ва шароитига мослаб такомиллаштирганлар. Хоразмий диққат-эътиборини фанларни, айниқса фалсафани ўрганишга қаратган. У «Мафотиҳ ал-улум»да ўрта асрлардаги фанларнинг ривожланиши ва ҳолатини анча мукаммал акс эттирган. «Илмлар калитлари» ўзига хос қомусий асар бўлиб, ўша даврдаги асосий илмнинг деярли ҳамма соҳаларини қамраб олган. Муаллиф асарда ўз давридаги ҳар бир фаннинг мазмунини унинг атамаларини шарҳлаш орқали тушунтириб беради. Ушбу асарда фалсафа, мантиқ, тиб, илму нужум, мусиқа ва бошқа даврда юқори даражада ривожланган фанларни маълум тартибга тушириш, яъни таснифлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Олимнинг бағрикенглиги ушбу муаммони ҳал қилишда ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Асарнинг кириш қисмида «...мен бу асарни («Мафотиҳ ал-улум»ни. – Р.Б.) икки қисмдан иборат қилиб туздим. Биринчи қисм шариат ва у билан боғлиқ араб илмларига, иккинчи қисм эса араб бўлмаган, яъни юононлар ва бошқа халқлар илмларига бағишлиланган...»¹, – деб ёзади.

¹ Цитата манбай: Баходиров Р.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Мафотиҳ ал-улум. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 99.



Ууман олганда, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг фалсафий қарашлари ўз даври илмий маданияти ва дунёқарашининг ривожига маълум ҳисса бўлиб қўшилди.

Бу борада Берунийнинг илмий мероси ҳам ниҳоятда бой имкониятларга эга бўлиб, муваффақиятли ишлатилиши мумкин. Аввало, буюк мутафаккир ижтимоий ҳаётнинг моҳиятини тушунишда бағрикенглик принципига асосланган бўлиб, зўравонликка қарши чиққан: «...(инсон) ҳожатларининг кўплиги ва қаноатининг камлиги, душманларининг кўплигига қарамасдан мудофаа қуролларининг йўқлиги унинг ўзига ўхшашлар билан бир-бирига ёрдамлашиш ва уларнинг ҳаммасининг унга ва бошқаларга етарли бўлган хизмат билан машғул бўлиш мақсадида жамоат бўлиб тўпланишга мажбур бўлди»¹.

Бағрикенглик анъаналари ўзининг умумлашган ва амалий ифодасини Хоразмдаги Маъмун академиясининг фаолиятида топди. Маъмун академияси илмий фаолиятининг муҳим соҳаларидан бирини фалсафа ташкил этган. Шу даврда Хоразмда рўй берган қулай ижтимоий-маънавий шароит, диний бағрикенглик, сиёсий барқарорлик туфайли табиий ва ижтимоий фанларнинг ривожланиши учун ҳам имконият анча ошган. Албатта, бунинг муҳим омилларидан бири сифатида ушбу академияда тўпланган машҳур олимларнинг, хусусан, ёш бўлишига қарамасдан донғи кетган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, кўпчилик тан олган тажрибали олимлар Абу Наср Мансур ибн Ироқ, Абу Саҳл Исо ибн Яҳъё ал-Масиҳий, Абу-л-Хайр ибн ал-Хаммарнинг қомусий билимларга эга бўлганликлари, аксарият замонавий фанларни ўзлаштирганликлари, шу билан бирга фалсафа билан чуқур шуғулланганликларини қайд этиш мумкин.

Ууман олганда, тарихий мерос ва ҳозирги ижтимоий жараёнлар тўлалигича илмий-маънавий парадигамаларнинг ўзгаришини ҳам умуммаданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлар (жумладан толерантлик)нинг янгиланишини ҳам белгилайди².

¹ Абу Райҳон Беруний. Туар жойлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш (Геодезия) // Танланган асарлар. II жилд. – Т.: Фан, 1982. – Б. 63.

² Ширинов Т.Ш. Ўзбекистон цивилизацияйи тарихий тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятлари // Ҳозирги давр цивилизацияси ва ижтимоий интеграция муаммолари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Самарканд: Самарканд давлат университети, 2006. – Б. 5–8.



АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ ИСЛОМ ДИНИГА МУНОСАБАТИ.

**Рахмонова М.А. – БухМТИ, Ижтимоий фанлар кафедраси катта
ўқитувчиси**

Мустақиллик эълон қилиниши билан истибодод мағкураси туфайли атайин бузиб кўрсатилган тарих саҳифалари, жумладан, маърифатчи – жадидлар асарларини холисона ўрганиш, ёритиш имкониятига эга бўлдик. Аммо уларнинг диний қарашлари, исломга бўлган муносабатлари ҳали - ҳануз кам ўрганилган масалалар жумласига киради. Бу масалага бизнинг қизиқаётганимизнинг сабаби маърифатчи – жадидларнинг ислом динига муносабатларини янада теранроқ ўрганиш, уларнинг фаолиятига баҳо беришда янада одилроқ мақомда туришдир.

Маълумки, шўролар хукумати даҳрийликка асосланган бўлиб, ўша даврда чоп этилган китобларнинг деярли барчасида, аждодларимизнинг кўпчилиги, жумладан, жадидчилик ҳаракати намояндалари ҳам атеист қилиб кўрсатилган. Даҳрийлик «тамғаси» босилганлардан биттаси - биринчи ўзбек профессори, файласуф, адаб ва шоир Абдурауф Фитрат ҳам эди.

Фитрат асарларининг, бутун ижодининг умумий ғояси - жадидчилик, ислоҳотчилик, зўрлик билан ўрнатилган тузум моҳиятини фош қилиш, маърифатпарварлик ғоялари ва ниҳоят ислом динининг инсонпарварлиги, одамларга ҳақ йўлни, нажот йўлини кўрсатишини эътироф этишдан иборатдир. Шундай экан, муаллифнинг барча асарлари ана шу ўқ илдиздан ўсиб чиқмаслиги, ана шу булоқдан тўйинмаслиги мумкинми? Йўқ, албатта. Фитратни даҳрий деб даъво қилувчилар, унинг диний мавзудаги асарларини адибнинг умумий ижоди контекстидан юлиб таҳлил қилишга уринганлар. Ҳолбуки, бу маърифатпарвар чуқур билим ва юксак маънавият соҳиби бўлиб, миллий ва диний қадриятларга амал қилган, тасаввуф ғоялари, таваккул назарияси, калом фалсафасини яхши билган. Олимнинг ирфоний мавзудаги асарларини таснифлар эканмиз, уларни шартли равищада уч гурухга бўламиз:

1. Моҳиятан бевосита ислом дини билан боғлиқ асарлар. Ушбу биринчи гурухга адибнинг «Мухтасар ислом тарихи», «Мунозара», «Сайёхи хинди» «Мавлиди Шариф ёки муръоти хайрул башар» каби асарлари мансуб.

2. Тасаввуф намояндаларига бағишлиланган асарлар. Бу гурухга муаллифнинг Навоий, Фирдавсий, Умар Хайём, Яссавий, Муҳаммад Солих, Машраб, Бедил тўғрисидаги тадқиқотлари¹ киради.

¹ Фитрат. Танланган асарлар, 2 – жилд. Тошкент, 2000 йил.



3. Ислом моҳиятини мажозий талқин этувчи асарлар. Учинчи гурухга ислом моҳиятини мажозий талқин этувчи: «Шайтоннинг Тангрига исёни», «Қиёмат», «Меърож», «Йиғла, ислом», «Захронинг имони» каби асарлари шулар жумласидандир.



Айниқса, «Мұхтасар ислом тарихи»рисоласи унинг ҳам тарихчи, ҳам диншунос олим сифатида ўзини намоён қила олганлигини англатади. Шунингдек, 1937 йилда В.Л. Вяткин архивида сақланган қозиларга оид ҳужжатларни Б.С. Сергеев билан биргаликда ўрганиб, рус тилида «Казийские документы» китобини нашр эттирганлиги факти¹ ҳам фикримиз далили бўлиб хизмат қиласди.

Фитратнинг ирфоний мавзудаги асарлари ўзи босиб ўтган йўл пиллапояларини яққол кўрсатиб туради: у аввалига жадидчиликни ҳимоя қилиб, мутаассиб руҳонийларга қарши «Мунозара» асарини ёзади. Ижтимоий фаолияти якун топгач эса, сиёsatга бўйсунган ҳолда «Худосизлар» журналида қатор ривоятларни эълон қиласди. Мазкур журналнинг чиқиши ҳам, омма орасида тарқалиши ва қизиқиб ўқилиши ҳам мафкуравий янгиланиш, қолоқликдан маърифатга томон одимлаш деб ҳисобланган. Қизиғи шундаки, даҳрийлик маслаги инсонга ҳеч бир шараф келтирмаслигини яхши англаган Фитрат ҳам ўзининг бир қатор асарларини шу журналда чоп эттирган. У ўз асарларида, бир томондан, шу йилларда рўй берган сиёсий – ижтимоий воқаеларга муносабатини ифодалаган бўлса, иккинчи томондан, мусулмон олами учун ўз аҳамиятини йўқотмайдиган маънавий - маърифий қадриятларни тушунириб, ҳар бир мусулмон билиши лозим бўлган масалаларга ойдинлик киритади.

Фитрат миллатни қолоқлик гирдобидан кутқармоқчи бўлиб, замонаси учун асосий ва ягона ғоя мақомини эгаллаган ислом динига мурожаат қиласди, «**нажот йўли**» деб Қуръонни билади ва ўзининг шоҳ асарини ҳам худди шу ном билан, яъни **«Раҳбари нажот» (Нажот йўли)** деб номлади. У миллатни ушбу муқаддас китоб, умуман, ислом дини ғоялари атрофида жипслashiшга даъват этади. Унинг фикрича, «Қуръон - бу илм ва маърифатdir; ота-боболаримиз илм ва маърифатда олам аҳли учун ибрат ва намуна бўлганлар, улар ҳар бир илмнинг асосий фойдаларини яхши билиб, ундан яхшигина истифода ва истеъмол қилганлар. Бора-бора замона ўзгариб, илмга бўлган интилишлар сусайиб, «ижод қилмоқ заарсиз ва ахлоқсиз манзумалар чордеворида» қолиб кетгани Фитратни ташвишга солади...

Фитрат ўз юртдошларига мурожаат қилиб, «миллатимизнинг тарқоқлиги ва қолоқлигининг сабаби недир?» деган саволни кўндаланг қўяди:

¹Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8 – том. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004 йил. 469 – бет.




«Банда маълум муддат Ватан ва миллатимнинг хароблиги сабабларини излаб топиш учун ҳар тарафга югуриб, ҳар кимни сўроқ қилдим, аммо қониқарли жавоб топмадим» деб ёзиб, оқибат «биз туркистонликларнинг мусулмонлигимиз ва муқаддас китобга эга эканлигимиз, шу китобни ягона раҳнамойимиз деб тасдиқлашамиз хотирамга келди» – деб, мамнуният билан «энди шу муаззам ва мукаррам дастуруламал бўлмиш китобга таважжух (мурожаат) қилишдан бошқа чора қолмади, шу хусусда Қуръон бизга раҳнамо...» деган хулосасини беради. Зеро, Фитрат ҳам ўз замонасининг фарзанди. Ислом дини ғоявий ҳукмронлиги даврида Фитрат учун миллий тафаккурни шакллантириш асосий ғоялардан бири бўлиши табиий бир ҳол. Айни дамда, Фитрат «Раъд» сурасидаги «Албатта, неъмат берилган қавм ўзларини ўзгартиргунча Оллоҳ уларнинг холини ўзгартирмас» оятини шарҳлаб, **миллатнинг тақдири ўз қўлида** эканлигини уқтиради.

Шуни таъкидлаш жоизки, Фитрат ҳар бир фикрини асослаш учун «Қуръон»дан зарур оятлар ва ҳадислардан мисоллар келтириб ўқувчини ишонтиради. «Оллоҳ томонидан Инсон яратилиб, барча махлуқлар устидан мукаррам этилган. Оллоҳ инсонга энг буюк ва энг қиммат бўлган қурол, яъни ақлни берган», – дейди Фитрат. Бас, инсон шу ақли орқали «Саодати дорайн» – **икки дунё саодати** учун курашиши лозим. Бу эса ҳар бир инсоннинг «ҳаёт ғоясига» айланиши даркор. Фитрат «бу дунё деб охиратни ва охиратни деб бу дунёни қурбон қилманглар, – деган фикрни илгари суради. Оллоҳ сариъ ул-хисобдир, – оятини шарҳлар экан, Фитрат «ҳар ким ўз амалига, саъй-ҳаракатига муносиб насиба оладур», – деб ёзиб, одамларни боқимандалик ва дуо қилиб ўтиришга эмас, балки ҳаракат қилиб билим ва касб эгаллашга даъват этади. Шундагина «Туркистон миллатлари ҳаёт сахнасидаги олишувларда ғолиб чиқишли мумкин» – деб хулоса қиласи.

«Нажот йўли»нинг кейинги қисмida Фитрат «инсонларнинг ҳаёт ғоялари икки дунёning саодати экан, унга бошловчи ва йўналтирувчи ақли комилдир. Ақли комил эса илм таҳсили ва билим олмоқ натижасидир» – дейди ва Қуръоннинг «Таҳо» сурасидаги: «**ё Раббим, менинг илмимни зиёда қил**» мазмунидаги оятни келтириб ўтган. Фитратнинг бу талқинлари ҳозирги давр талабларига жуда ҳам ҳамоҳанг. Фитратнинг орзу-умидлари гўёки бугунги кунларда амалга оширилаётгандай. Ўқувчи-талабаларимиз ҳозир кўп соҳаларда жаҳон миқёсига чиққанлари, турли фан соҳаларида ўз истеъдодларини намойиш қилаётганлари айни ҳақиқатдир.

Шу асарнинг «Турли вазифалар» номли бўлимида олимнинг диний бағрикенглик масалаларига ёндашуви ўз аксини топган. Фитрат инсонлар ўртасида «Умумий биродарлик»нинг зарурияти ҳақида фикр билдириб, унга



эришиш йўлини ислом дини асосида кўрсатиб берган. Жумладан, олим бу борада қуйидагича эътироф этади: «**Ҳеч шубҳа йўқки, одамлар қайси дин, қайси мазҳаб, қайси қавм, қайси миллатда бўлмасинлар, бир ота - онанинг фарзандлари, яъни, бир-бирларига биродардирлар!**».¹

Фитрат, Қуръон ҳукмига мувофиқ барча аҳли ислом миллатидан, ирқидан қатъий назар, бир-бирларига дўсту меҳрибон бўлишлари лозим, – деб уқтиради. Адиб шу тариқа ислом дини умумбашарий саодат йўлини тайин қилганлигини, агар бутун дунёнинг донолари ҳаракат қилсалар ҳам, бундан яхшироқ йўл топа олмасликларини, ислом дини томонидан инсониятнинг саодат йўли мана шундай гўзал этиб тайинлаганлигини эътироф этади.

Фитрат асарларини варақлар эканмиз, унинг ислом динига, тасаввуф таълимотига, тариқат аҳлига қизиқиши ва муҳаббатини хис этамиз. Маърифатпарварнинг уч жилдлик танланган асарларининг иккинчи жилди тасаввуф адабиётига бағишлиган бўлиб, Навоий, Фирдавсий, Умар Хайём, Мухаммад Солих, Машраб, Бедил тўғрисидаги мақолалари шу давр ўзбек адабиётшунослигига бир воқеа, бир давр бўлиб тарихга кирган. Хусусан, унинг «Яссавийда тасаввуфнинг даражаси», «Нажот йўли», «Киёмат»², «Мухтасар ислом тарихи»³, «Шайтоннинг Тангрига исёни»⁴ асарларида тасаввufий маърифат, тариқат, ҳақиқат масалаларига кенг ўрин берилган. Жумладан, Фитрат ҳассос ўзбек шоири Машрабнинг Румий таъсири остида ижод қилгани⁵, у «кўбрак Румийдағи сўфиёна ҳаяжонни ўз шеърларида акс этдиришға» тиришганини таъкидлаб, Машрабнинг «Мабдаи нур» маснавийси **Жалолиддин Румий** «маснавийсиға ўзбек тилиға шарҳ каби ёзилғандир»⁶, – дейди. Кўриниб турибдикি, Жалолиддин Румий сиймоси, унинг асарларидаги фалсафий ғоялар шоирни жуда ҳам қизиқтирган.

Бундан ташқари, мутафаккир асарларида тариқат аҳлига хос хислатлар – шукр этмоқ, сабр қилмоқ хусусида насиҳатлар кўплаб учрайди. Фитрат **сабр** хусусида «Раҳбари нажот» асарида шундай дейди: «Ҳар бир мушкулотга рўпара бўлганимизда, уни сабр-матонат билан даф қилиб, янада завқу-шавқ билан мақсад сари интиламиз».⁷ Фитратнинг ўзига хос томони шундаки, у ўзининг ҳар бир фикрини Қуръони Карим оятлари билан кувватлантириб, муштарийларни ўзига янада жалб қила олади: «Фақат иймон

¹ Фитрат. Нажот йўли. (Раҳбари нажот) (Тожик тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Шодмон Воҳидов), Т, «Маънавият», 2001, 159-бет.

² Фитрат. “Киёмат”. ». Танланган асарлар, I жилд Т.: Маънавият, 2000 йил. 180 – 220 бетлар.



³ Фитрат. “Мухтасар ислом тарихи”³. Т.: Янги аср авлоди, 2004 йил.

⁴ Фитрат Шайтоннинг Тангрига исёни. Танланган асарлар, I жилд. Т.: 2000 йил. 220 – 231 бетлар.

⁵ Э. Очилов. Жаҳон адабиётининг муazzзам сиймоси. // Ж. Румий. Сўзбоши. Т.: Шарқ НМАК 2008 й. 14 – 6.

⁶ Фитрат. Машраб. Танланган асарлар, 2 – жилд. Т.: Маънавият, 2000 йил. 102 – бет.

⁷ Фитрат. Нажот йўли. (Раҳбари нажот) (Тожик тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Шодмон Воҳидов), Т, «Маънавият», 2001 йил, 93 – бет.



келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ йўлни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳақ йўлида) **сабр-тоқат** қилишни тавсия этган зотларгина нажот топгувчиidlар». Шунингдек, Абдурауф Фитрат **қаноат** хусусида шундай ёзади: «Биз мусулмонлар ўзимиз учун фойдали нарсаларнинг талабида саъй-ҳаракат қилишимиз, шу ҳаракат орқали топганимизнинг оз-у кўпига хурсанд бўлиб, ношукрлик қилмаслигимиз лозимдир. **Қаноатнинг маъноси** шунда экан».

Фитрат илм аҳли ва олимлар хусусида жуда кўп ёзган. Масалан, Фитрат «Жоҳиллар билан олимлар баробар бўла олмаслар» оятининг Қози Байзовий томонидан келтирилган икки хил тафсирини баён қиласди: «Оятнинг тўғри маъноси шуки, агар одам олим бўлса, Оллоҳдан қўрқади (зеро қўрқув барча нарсанинг асли ва ғайри аслини фарқлагандан пайдо бўлади). Кўчма маънода эса худо олимларни улуғлайди, – деган маъно келиб чиқади. Шу ҳар икки тафсирдан қай бирини ихтиёр қилсангиз ҳам илмнинг иззату-шарафи ва ҳақиқий уламоларнинг юқори мартабада эканликлари кўз олдингизда зоҳир бўлади... Ҳазрати расули акрам ўз ҳадисларида изҳор қилдиларки, илм олишнинг камайиб кетиши, жаҳолатнинг ўрин олиши қиёмат аломатларидандир. Оламнинг низоми ва интизоми ҳам ақл бўлмаганида хароб бўларди...» кўриниб турибдики, Фитрат миллатнинг келажагини фақатгина ақл ва идрок билан иш кўришда, диний ва дунёвий илмларни баробар ўрганишда, илму – урфонда кўради.

Илмдан узоқ бўлган одам турли ёмон сифатларни ўзида жамланганини ўзи ҳам билмай қолади. Фитрат нодонлик ва жаҳолатни, айёрлик, фирибгарликни, исрофгарчилик, зиёнкорлик, саркашлиқ, ғазаб, пасткашлик, хирс, ҳаёсизлик ва хушомадни қоралайди. Ҳар бир салбий хислат эгасига тавсиф берар экан, одамларни улардан узокроқ юришга, эҳтиёт бўлишга чақиради. Масалан, унинг: «Мунофиқ уч нарсада билинади: гапирса ёлғон гапиради, ваъдасига хилоф иш қиласди, омонатга хиёнат қиласди. Мунофиқларга бу дунё, у дунёда роҳат ва нажот йўқдир. Оллоҳ Қуръони Каримда уларни кофирлардан ҳам баттар маломат қилган...» каби тавсифлари одамнинг қалбида шу салбий хислатга нисбатан нафрат уйғотиб, уни ижобий хислатлар эгаси бўлишга чорлайди. Фитрат шижаат, карам, жасорат, сабот, ҳилм каби сифат эгаларини мақтайди. Бу масалалар таҳлили талқинида Фитрат яна Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларидан кенг фойдаланган.

Маърифатпарвар, диншунос олим Фитрат асарларига хос нарса – бу танқид бўлиб, у ўз асарида қозиларни шундай танқид қиласди: «...Бундан бир неча йил муқаддам бизнинг идора тизимимиз уламолар қўлида эди, лекин улар бизга раҳбарлик қилишга ожиз қолдилар, бизни **ҳалокат гирдобидан**



нажот соҳилига чиқариш ўрнига, улар нажот соҳилидан ҳалокат гирдобига ташладилар».¹

Шундай қилиб, Фитрат халқнинг маънавий даражасини юксалтириш ва ёшларга замон талабларига мос равишда билим бериш йўлида бутун ҳаётини бахшида этди. Муҳими, Фитрат бу йўлда диний ва дунёвий билимларни ўғун ҳолда олиб боришни тавсия қилган эдик, унинг бу ҳаракатлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Иймон – эътиқодининг кучлилиги, тасаввуфий ғояларга муносабати, одамларга икки дунё саодатига эришиш йўлларини кўрсатиши билан Фитрат домла ўз салафлари ва замондошларидан янада юксак мақомда тургандек туюлади...

РУДАКИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР.

*Азимов А.А. – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси катта
ўқитувчиси*

Форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси мутафаккир-шоир Абу Абдуллоҳ Рудакий яшаган йиллар сомонийлар ҳукмронлик қилган даврга, мамлакатимиз халқлари мустақилликка эришуви оқибатида унинг хўжалик, маданий ва маънавий хаётида чуқур ўзгаришлар юз берган даврга тўғри келди. Бу даврда ижтимоий хаёт, хўжалик ва маданият соҳалари қатори ҳам ривож топиб борди. Сомонийлар ҳукмронлиги давридан яшаб ижод этган Рудакий ижодиётида ҳам ижтимоий хаёт уз аксини топди.

Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий ўзининг ижодида фалсафий ғоялар билан бойитиши ва уни ҳаётий мисоллар билан боғлашга ҳаракат қилди. «Май онаси» қасидасида IX-X аср ижтимоий ҳаёт, борлиқ, уруш ва тинчлик масалалари талқин этилди. Бу қасида ўзининг реалистик ёзилиши билан ажralиб турилади. Бертельснинг ёзишича, «Май онаси» қасидаси ўзининг оддийлиги ва реаллиги билан ажralиб турари ва бутун яқин Шарқ ва Марказий Осиёда яна шундай қасидани топиш қийин бўлиб хисобланади.

«Май онаси» қасидасида Рудакий борлиқ, ҳаёт ва ўлим ғоясини илгари суради, узум шарбатини тайёрлаш поэтик кўринишида акс эттирилади. Метофизик образлар талқинида шарбат тайёрлаш учун, унинг онаси – узум курбон қилинишини ва бунинг натижасида шарбат тайёрланиши трагедияси ифодаланиши, инсонни борлиқقا яшами ва борлиқнинг абадий эканлигини хис этиш масаласи кўтарилди.

¹ Ўша асар, 128 – бет.



Қасидадаги яна бир ижтимоий мавзу Бухорода Наср ибн Аҳмад саройидаги қабул мавзуси ёритилган. Рудакийнинг «Май онаси» қасидасидаги ғоялар XI аср ўрталарида номаълум ёзувчи томонидан ёзилган «Ситан тарихи» да ёритилади. Мовароуннахр ва Хурросон хокими Наср ибн Аҳмад саройида базм уюштирилганда келгандар учун ичамиз «Муаллиф Абу Жаъфар амир, лекин орамизда ўзи йўқ келинглар, уни хотирлаймиз ва унинг соғлиги учун ичамиз» – деган сузлари қайд этилган. Кейинчалик Рудакийнинг «Май онаси» қасидаси учун кириш қисми бўлди деган ғояни келтирилиши мумкин. Рудакий бу базмда иштирок этган кўплаб санъат ва маданият арбобларининг саройда хурмат ва иззатда булишганини, олимлар, шоирлар ва мусиқачиларнинг саройда ўз мақомига эга эканлиги тўғрисида ёzádi.

Рудакий ўзининг «Май онаси» қасидасида сомонийлар саройидаги базмда барча табақа вакилларининг борлиги ва улар билан сарой аъёнлари ўртасида тенглик хукм сурганлигини мисол келтиради. Булар: дехқонлар, ҳунармандлар, факиҳлар яъни қонуншунослар, табиблар, мунажимлар, олимлар.

Рудакийнинг яна бир қасидасида ижтимоий ҳаёт мавзуси кўтарилиган. Бу қасида «Қариликдан шикоят» номи билан бизнинг замонимизгача етиб келган. Бу қасидада инсон ҳаётидаги ҳар бир босқич ўз аҳамияти билан ажralиб туришини таъкидланади. Қасида ғояси асосан фалсафий қарашлар билан ёзилган десак бўлади. Рудакий қасидада ҳамма нарса ўткинчи эканлигини ёzádi. «Сен ўзингнинг ёшлигинг ва чиройлилигингни кўз-кўз қилма, билиб қўйки, бошқалар ҳам ёш, чиройли ва бақувват бўлишган, жуда катта бойлик беҳисоб пуллар, канизак ва қуллари бўлган, лекин буларнинг ҳаммаси ўткинчи. Вақт ўтди, ҳаёт ўзининг қонунлари асосида олдинга қараб интилади ва сен ҳам қарийсан, соchlаринг оқаради ва ҳаммаси ўтади деб айтади.

*Кўзингни соққасидек айланиб турувчи жаҳон
Хамиша айланади, ҳамма вақт гардон эди
Қачонки дори дармони оғриқ ўрнидадур
Кезида оғриги ҳам дори бирла дармон эди
Ва қонча боғлар ўрни бурун биёбон эди.*

Низоми Арузи Самарқандий ўзининг «Нодир ҳикоятлар ёки тўрт ҳикоя» асарида Рудакийнинг Наср ибн Аҳмадга қаратада юқоридаги ғазални айтганлигини ҳикоя қилади.

Инсон ижтимоий мавжудот, шунинг учун яқинлари билан узок айрилиқни жуда оғир кечади. Шунинг учун Рудакийнинг қарашларида ватанпарварлик хисси ва яқинларини соғиниш ҳисси жуда кучли. У ўзининг



поэтик «Бухоро» қасидасида Рудакий жамиятнинг ижтимоий моҳиятини илмий асослашга ҳаракат қилади, инсоннинг жамиятдаги муносабатини изохлаб беради.

Рудакий ижобий хиссиётларни олқишлийдиган шоир бўлиб, яшаш керак деб таъкидлайди, чунки хаёт қисқа ва ташвишларга тўла. Шоирни фикрича ўтмишни эслаб қайғуриш керак эмас, келажакда учрайдиган қийинчиликларни ўйлаш керак эмас баҳт олийжаноблиқдан келиб чиқади, ана шу гоя билан яшаш керак дейди. Рудакий олижаноблик ғоясида инсонийлик, нафсни тийиш, юксак ахлоқ одоб қарашларини ҳам илари суради.

Хулоса қилиб айтганда Рудакий ижоди ўз замонасининг фалсафий ғоялари билан сугорилган фикрларини бугунги кунда ёш авлод тарбияси учун жуда зарур дастурамал сифатида хизмат қилади.

ТАСАВВУФДА КОМИЛ ИНСОН МАСАЛАСИ.

Равшанова Г. – БухДУ мустақил тадқиқотчиси

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки ўзининг юксак маънавияти билан ҳам кучлидир.

Президент Ш.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда парламентга йўллаган мурожаатномасида шундай таъкидлаб ўтган эди: «Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азизавлиёлар етишиб чиқкан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди.

Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Хусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлатуриб, уларни ҳар томонлама ўқиши-ўрганиш, халқимиз, аввало, унибўйсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича, етарли иш қилмаганимизни ҳам очиқ тан олиш керак».



Комил инсонни тарбиялашга тасаввуф таълимотида алоҳида эътибор қаратилган. Тасаввуф том маънодаги инсонпарварлик таълимотидир, десак муболага бўлмайди. Е.Э.Бертельс: «Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин», – дея алоҳида таъкидлайди.

Шайх Абдулқодир Гийлонийнинг комил инсон тўғрисидаги айтган фикрлари диққатга сазовордир. Мутасаввиф қодирия тариқатининг асосчиси бўлиб, «Девони Ғавсул Аъзам», «Мактуботи Гийлоний», «Тухфатул қодирия», «Сиррул асрор. Мактубот», «Қасидаи ғавсия» каби асарлар Гийлоний қаламига мансубдир. Мутасаввифнинг «Сиррул асрор. Мактубот» асари ўзбек тилига таржима қилинган. Ушбу асарда Гийлонийнинг комил инсон тарбияси ҳақидаги фикрлари баён қилинган. У комил инсонни ҳақиқий инсон номи билан ҳам атайди. Олимнинг назарида,

Комил инсон – руҳи олий ҳад даражасида юксалган инсон.

Комил инсон – фақирлик мақомидаги инсон.

Комил инсон – ўз нафсини жиловлаган инсон.

Комил инсон – тана ва руҳи уйғун инсон.

Комил инсон – ҳақиқатни англаган инсон.


Комил инсон – нурий инсон.

Комил инсон – илоҳий-ладуний илмни эгаллаган инсон.

Қодирия таълимотининг асосчиси Гийлоний ҳақиқий инсонни тарбиялаш учун илм олиш, маърифатли бўлишни биринчи асос деган. Унга кўра, инсон кўриш, эшлиши, ақлни ишлатиш воситасида билиш қобилиятига эга бўлади, дейилган. Ушбу талқин Гийлонийнинг «Сиррул асрор» асарида яқкол очиб берилган. Асарда инсонга илм икки қанот сингари зарурдир дейилади. Яъни инсон камолотида илмлар икки кўринища: зоҳирий ва ботиний бўлади, дейилган. Илмни эгаллаган, маърифатли бўлган шахс жаҳолатга қарши туради ва камол топади. Огоҳлик ўз навбатида илм, ақл, тафаккурга таянади. Инсонни ғафлатдан уйғотиб, огоҳлик руҳида тарбиялаш фояси Гийлонийнинг «Раббонийликни англаш» асарида яқкол тасвирланган.

Хуллас, Гийлонийнинг фикрича, «комил инсон ҳақиқат илмини эгаллаган, руҳи қудсий, илоҳий зотни тажаллий этадиган, ақли куллдан баҳраманд бўлган, руҳи Лоҳут олами даражасидаги олий ҳадга камол топган, факр ҳолатига етган улуғ, муборак, нурли, файзли ва баракотли зотdir».

Инсон ва инсонпарварлик, комил инсон масалалари ислом дини ва тасаввуфда марказий ўринни эгаллайди. Инсон қандай яратилган, унинг бу дунёга келишдан мақсади нима? У камолотга эришиш ва комил инсон



даражасига етиш учун қандай хайрли ва савоб ишлар билан машғул бўлиши лозим? Ана шунга ўхшаш саволлар ислом дини намоёндалари, уламо ва фузало, авлиё ва анбиё, мутасаввиф, машойихларнинг эътиборида бўлди. Дарҳақиқат комил инсон деганда, ислом дини пешволари ҳам, мутасаввифлар ҳам ҳар томондан етуқ, яхши ахлоқ билан безаниб покланган, нуқсонлардан холи, нафсини тия олган, сабр-қаноатли, бойлик ва мол-мулкка ҳирс қўймаган шахсни тушунгандар. «Комил инсон, – Н. Комиловнинг айтишича, – бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга тулаш, файзу кароматдан сероб, сийрату сийрати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот».

Ҳазрат Алишер Навоийнинг умуминсоний мазмунга эга бўлган гуманистик қарашлари ислом фалсафасидан озиқланган бўлиб, аллома ўзининг асарларида унинг диний ва дунёвий жиҳатлари, зоҳирий ва ботиний томонларини ҳар томонлама ривожлантирган.

Алишер Навоий кишиларга меҳр-мурувват кўрсатишга, солих амалларни бажаришга, нафсни тийишга, камбағалларга хайр-эҳсон қилишга, раҳмдил ва шафқатли бўлишга, доимо ҳалқ ғамини ейишга, улар ташвишида яшашга инсонларни даъват қилди, инсонийлик ва одамийликни ҳар нарсадан юқори қўяди:

*Одамий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ ҳалқ ғамидин ғами.*

Ҳазрат Навоий ўзининг насрый ва назмий асарларида комил инсон учун пойдевор бўлиб хизмат қиладиган одамийликка, инсонпарварликнинг турли жиҳатларига эътибор беради.

Ҳазрат Навоий карам ва эҳсонни жуда кенг маънода тушунади. Шоирнинг таъкидлашииича, карам бирорвнинг оғир юкини, мashaққатли турмушини енгиллаштиришни англатади. Лекин инсон ўзининг қилган яхшилигини, ёрдамини миннат қилмаслиги, юзига солмаслиги, эсдан чиқариши даркор. Эҳсон эса, одамгарчиликнинг асоси, бутун инсоний сифатлар, гўзал хислатлар ва малакаларнинг мажмуидир, «у барча яхшиликларни ўзида тўплаган ва бари яхшиликлар ҳақиқатан унга тегишлидир».

Хуллас, Навоийнинг дунёқарашида карам, эҳсон, меҳр-мурувват, тавозеъ, камтарлик, нафсни жиловлаш, хайрли ишлар, адаб, солих амаллар бир-бирига боғлиқ тушунчалар сифатида талқин қилинади, бир-бирини тўлдиради, уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Ушбу ахлоқий қадриятларнинг ҳаммаси бирлашиб, инсонпарварликни ташкил қилади. Улар инсонни комил инсон қилиб тарбиялашда, баҳтли, саодатли бўлиб етишишида муҳим асос, пойдевор бўлиб хизмат қилади.



Хулоса қилиб айтганда, комил инсон таълимоти халқнинг орзуистаклари, фикр-ўйларини акс эттирган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад халқни комил инсон қилиб тарбиялаш, жамиятга фойда келтириш, турли ақида ва тоифага мансуб кишиларнинг онги-шуурига илоҳий хислатлар, иймон-эътиқод, ҳамида ахлоқ, гўзал фазилат ва хулқ-одоб қоидаларини сингдириш бўлган. Мутасавифлар томонидан комил инсонга хос хусусиятларнинг очиб берилиши кейинги алломалар, файласуфларнинг асрлари, қараш ва ғояларининг маънавий асоси бўлди.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ «БАЁНУЛ КАСБ» АСАРИДА КАСБ ВА РИЗҚ МАСАЛАСИ.

Хайтов Л. – Бухдұ таянч докторанти

Инсоният тарихи ва ривожида касб-хунар эгаллаш ва меҳнатсеварлик умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилган. Касб ва ризқ масаласи мусулмонлар орасида жуда кўп баҳсларга сабаб бўлган мавзулардан бири ҳисобланган. Бу икки тушунча бир-бирига чамбарчас боғланган. Ризқнинг кўпайиши касбу-кор ва меҳнат билан диалектик алоқадордир. Касби бўлган, ҳалол-меҳнат қиласиган кишининг ризқи кўпаяди. Ризқ ва касб тушунчаларини меъёрга солишда таваккул тушунчаси асосийдир. Тасаввүфда ризқ ва касбга бўлган муносабатларни қўйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Аллоҳга таваккул қилинг, у ризқни беради. Бу ғоя тарафдорлари касб-кор билан шуғулланиш керак эмас, фақат ибодат қилиш керак деган ғояни қўллайдилар.

2. Меҳнат қилинг, ҳаракатда бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг. Бу ғоя тарафдорлари Аллоҳ ризқни беради, аммо ҳаракат қилиб ҳалол меҳнат қилиш керак, деб ҳисблайдилар.

3. Фақат касбу-кор билан шуғулланиш керак, югурсанг ризқнинг кўпаяди. Яъни Фақат ўзинг ризқингни топасан, деган ғояни қўллайдилар.

Ҳаким Термизийнинг касб, ризқ тушунчаларига муносабати «Баёнул касб» («Касбнинг баёни») асарида ёритилган бўлиб, мазкур асарда илм-маърифатли бўлиш, муайян касб-хунарни эгаллаш, ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратиш, ўз меҳнати билан ризқ-рўз топиш фазилатлари каби миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳақида сўз юритилган.

Ҳаким Термизий Қуръони Карим оятлари ва Ҳадиси-Шарифлардан кўплаб далил ва ҳужжатлар келтириб, унда мавзуни яхшироқ тушунтириш учун ҳаётий мисоллар ва ўхшатмаларни ҳам бериб ўтган.



Мутасаввиф «Баёнул касб» асарида касб ва маош борасидаги сўзни биринчи инсон Одам а.с. бошлаган. У кишини **«ризқ талаб қилишга чақирилган биринчи киши»** сифатида эслатган. Қуръони Каримнинг Тоҳо сурасидан келтирилган оят мисолида Одам Атога жаннатда тўрт нарса-таом, ичимлик, кийим ва маскан берилганини айтган.¹ Ризқ талаб қилиш машаққати Одам а.с. (эркак киши) вожиб қилинган. Чунки Одам а.с. тоатни тарқ қилганлари учун маош талаб қилишга мубтало бўлиб, Ҳаким Термизий шу масалада «Ким роббига итоатлироқ бўлса, ризқи осонроқ бўлади» деган хуносага келган. Ҳаким Термизий «Баёнул касб» асарида биринчилардан бўлиб, **хотиннинг нафақаси эрга вожиблигини таъкидлаган**.²

Сўнгра Ҳаким Термизий кимларнинг **ризқи таъминотсиз келиши** хақида сўз юритган. Бу ерда биринчи гурух сиддиқлар деб аталади ва уларнинг вакили сифатида Марямни зикр қилган. Сиддиқларга ризқнинг ўз-ӯзидан келиб туриши уларнинг сиддиқликларини тасдиқлаш учун бўлган. Аслида улар худди бошқалар каби касб билан шуғулланиб, ризқ топиб юришган. Жумладан, Марям маош талаб қиласиган кимсалардан бўлиб, у киши ип йигириш билан шуғулланган, Исо алайҳиссалом у кишининг мана шу касб билан топганларидан ризқланар эдилар.

Ҳаким Термизийга **касб қилишдан қўзлаган бош мақсадлардан** бири нима деб савол берадилар ? Жавобларида: Яхши таомга эга бўлишdir деб фикр билдирадилар. Мутасаввиф фикрларини давом эттириб, «Таомнинг қай бири яхши?» деган саволга: «Таомнинг яхшиси ва Аллоҳга маҳбуби киши қўли билан касб қиласиганидир» – деб жавоб берган. Бу фикрларга далил сифатида пайғамбар Довуд а.с. қўли билан қилган касбидан ер эди деган Расуллуллоҳ с.а.в ҳадисларини мисол қилиб келтирадилар.

Зоро, пайғамбарлар фаолиятларида буни тасдиқлаганлар, кишиларни амалга ва касб қилишга унданлар. У киши одамларни қўл меҳнатига ундан, қўл меҳнати ихлос билан қилинса кўп барака келтиришини таъкидлаганлар.

Ҳаким Термизийнинг ҳалол ризқ ва касбу корга бўлган муносабати кейинчалик Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбандга таъсир этиб, «Дил ба Ёр-у, даст-ба кор» – яъни, «кўнглинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг эса ишда» деган шиорни илгари сурган.

Хуроса қилиб, куйидагиларни таъкидлаш мумкин:

¹ Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / А. Мансур тарж. – Т.: ТИУ, 2004. – Б. 326.

² Нафақа изоҳли лугатда “яхшиликка маблағ ажратиш” деган маънени билдиради. Шариатда эса “ўз қарамоғидаги кишини етарли кийим бош, таом маскан (уй), тозалик ва рўзгор асбоб-анжомлари билан таъминлаш” нафақа дейилади. Нафақа эрга хотинлик ва қариндошлик йўли билан вожиб бўлади. Нафақанинг эрга вожиб бўлиши Куръон, суннат, ижмо ва ақл ила собит бўлган. Демак, нафақа юкорида зикр қилинган таом, ичимлик, кийим ва маскан каби тўрт нарсадан иборатdir.



1. Ҳаким Термизийнинг инсон камолотига асос сифатида илгари сурган ризқ ва касб ҳақидаги ғоялари унинг «Баёнул касб» «Касбнинг баёни» рисоласида очиб берилган. Аллома томонидан асос солинган «Ҳакимийя» таълимоти аҳли касб-ризқ тушунчасини, таваккул қилишни тўғри англаб, ҳалол-мехнат ва касбу-кор билан шуғулланишган.

2. Ҳаким Термизий Одам Атодан бошлаб, инсон меҳнат қилиб, ҳалол ризқ топиши лозим, деган бунёдкор ғояни илгари суриш билан бир қаторда инсонларни ҳалол касб эгаллаш, ҳалол касбда барака борлиги, эзгу-ният билан, ҳалққа фойдаси тегиши, таъмасиз, холис меҳнат қилишга чақирғанлар.

3. Ҳаким Термизий ризқнинг Аллоҳ томонидан берилиши, унинг тақдирида ёзилғанлигини тан олиш билан бирга, лекин «Ҳаракатда барака» борлиги, инсонга қўл-оёқ, ақл-идрок беҳудага берилмаганини, касб-кор билан шуғулланишни инкор этувчи кишиларни ўтурувчилар деган ном билан таъна-маломат қилиб, бундай инсонларни аёвсиз танқид қилган.

АҲМАД ҒАЗЗОЛИЙ ТАСАВВУФИНИНГ ҒОЯВИЙ ВА НАЗАРИЙ МАНБАЛАРИ.



Ходжасева Ф.Н. – БухДУ 2-босқич таянч докторанти

Аҳмад Ғаззолий тасаввуфининг моҳиятини тушуниш учун биринчи навбатда унинг ғоялари пайдо бўлган манбалар тўғрисида аниқ тасаввур эга бўлиш лозим. Мутафаккир дунёқарашига турли мафкура ва манбаларнинг таъсирида, шунингдек, турли хил фалсафий-теологик мактаблар ҳамда диний эътиқодлар таъсирида кириб келган ҳар хил унсурларни кўриб чиқиши, шубҳасиз, Аҳмад Ғаззолий тасаввуфий таълимотининг шаклланиш жараёнини тушунишга аниқлик киритади.

Аҳмад Ғаззолийнинг тасаввуфга оид асарларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унинг қарашлари тизимининг шаклланиши ва ривожланишига унинг давридаги кўпгина илм-фан ва диний эътиқодлар чукур из қолдирган. Унинг тасаввуфий тизимининг асосий манбаларидан бири Қуръон ва Сунна ҳисобланади. Диний аҳкомлар ва ижтимоий қоидалар, мусулмонларнинг ахлоқий-маданий меъёрларининг асосий манбаи сифатида Қуръон Аҳмад Ғаззолий қарашлари тизимининг шаклланишида улкан рол ўйнади.

Мутафаккир томонидан тасаввуфнинг ҳар қандай масалаларини таҳлил ва муҳокама қилиш фақат ақл ёки сезги нуқтаи назаридан эмас, балки Қуръон ва Суннага мурожаат қилиш орқали ҳам амалга ошириларди.

Қуръон асосида Аҳмад Ғаззолий Аллоҳ таолонинг образини, инсоннинг Аллоҳга интилишининг зарурлигини, тавҳид масаласини, дунёдаги



ашёларнинг уйғунылиги ва бирлиги тушунтиришга, оламнинг пайдо бўлиши-нинг ягона манбаи сифатида Худонинг чексиз қудрати, унинг адолати, ирода эркинлиги муаммолари, қазо ва қадар, пайғамбарлар келтирган хабарлар, уларнинг таълимотлари, вахийларнинг зарурлиги, қайта тирилиш, дунёнинг яратилганлиги ва бошқалар нарсаларни исботлашга ҳаракат қилган. Бироқ, Аҳмад Ғаззолий Муқаддас Китобнинг оддий шархловчи бўлмаган, чунки у тасаввуфнинг аксарият масалаларини таҳлил қиласи экан, у ўзининг ғоялари ва бошқа мутасавифларнинг концепцияларидан келиб чиқарди.

Аҳмад Ғаззолий тасаввуфида Сунна хулқ-автор манбаи ва Куръонни тўлдирувчи манба сифатида эъзозланади. Шунинг учун мутафаккир Суннага амал қилишни мусулмон ҳаётининг асосий мазмунидан бири деб, уни ўрганишни эса мусулмон таълим-тарбиясининг муҳим таркибий қисми деб ҳисоблайди. Аммо буни ўзининг тасаввуфий дунёқарashi руҳида тушунади.

Энди унинг таълимотининг асосий манбасига, яъни Аҳмад Ғаззолийга сезиларли ва ҳал қилувчи таъсир кўрсатган тасаввуфига мурожаат қилайлик. Бизга маълумки, мутафаккир ҳаёти ва ижоди даврида тасаввуф Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тез ривожланди. Албатта, тасаввуфнинг асосий ғоялари яширин ижтимоий норозиликдан ўзига хос схоластик фалсафа даражасигача ўтиб, Аҳмад Ғаззолий ғояларининг дунёни англаш асосига таъсир этмай қолмасди.

Маълумки, тасаввуф ўз тараққиётининг дастлабки босқичида ҳам, ундан кейин ҳам моҳиятан ягона оқим бўлмаган. У уйғун, аниқ шакллантирилган ва қатъий белгиланган қарашлар тизимига айлана олмади, шунга қарамай, Аҳмад Ғаззолий тасаввуфий таълимотининг асосий муаммоларини таҳлил қилиш унинг тасаввуф соҳасида Абу Абдуллоҳ Ҳорис ибн Асад ал-Аназий ал-Муҳосибий (ваф. 857), Ҳаким Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ат-Термизий (ваф. X аср охирида), Абу Язид (Боязид) Тайфур ибн Исо ибн Одам ибн Сурушон ал-Бистомий. (ваф. 875), Абу Муҳаммад Саҳл ибн Абдуллоҳ ат-Тустарий (818-896), Абул-Қосим Жунайд ал-Бағдодий (ваф. 910), Абу-л-Муғис ал-Хусайн ибн Мансур ибн Маҳамма ал-Байдавий ал-Халлож (858-922), Абул-Қосим ибн Муҳаммад ибн ал-Жунайд ал-Ҳаззоз (ваф. 911), Абу Бақр Дулаф ибн Жаҳдар аш-Шиблий (861-946), Абу Толиб ал-Маккий (ваф. 996) ва бошқаларнинг йўналиши ва услубига эргашиб, уларнинг асосий қоидаларини ижодий ривожлантирди.

Аҳмад Ғаззолий асосан Абу Толиб ал-Маккийнинг ижтимоий адолат, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ахлоқий-этик идеаллар, виждонлилик, одамлар ўртасидаги биродарлик, илмлар таснифи ва ҳоказоларда таълимотидан келиб чиқсан бўлиб, булар унинг тасаввуфий рисолаларида ўз аксини топган.



Аҳмад Ғаззолий ҳам кўплаб туб тасаввуфий -фалсафий муаммоларни таҳлил қилишда ал-Муҳосибийга таянган: ўзини ўзи кузатиш усуллари, инсоннинг ташқи ҳатти-ҳаракатлари ва қалbidаги ниятларининг ўзаро мос келиши, ҳол – экстатик ҳолат, маънавий-ахлоқий покланиш йўналишида ботиний ҳаётни ташкил этиш усуллари ва бошқалар. Айниқса, Аҳмад Ғаззолийга катта таъсирни Муҳосибийнинг «Ар-риоя ли-хуқук Аллоҳ» (Аллоҳ ҳақларига риоя қилиш) китоби кўрсатган.

Аҳмад Ғаззолийнинг тасаввуф йўналишидаги дунёқарашининг шаклланишида Тусдаги дарвешлик тариқатининг етакчиси Абу Бақр ан-Нассож, Нишопурдаги Абу Али Фармадий, устози ал-Жувайнининг ғоялари ҳам жиддий ва самарали таъсир кўрсатган. Бироқ, Муҳаммад ибн ал-Жунайд, Боязид Бистомий ва Мансур ал-Халлож қарашларининг Аҳмад Ғаззолийга ўзига хос таъсири бўлган. Боязиднинг ғояларидан Аҳмад Ғаззолийни хусусан, ишқ ва нафсни поклаш муаммолари ўзига жалб қилган.

Айтиш жоизки, Аҳмад Ғаззолий кўпгина масалаларда у ёки бу сўфиининг йўлини тутган бўлса-да, аммо унинг ўз позицияси бўлган ва у баъзи бир олимларнинг фикрига кўра, мутафаккирнинг индивидуал маънавий маърифий қарашлари тизимида ифодаланган.

MARKAZIY OSIYO TARIQATLARINING INSON HAYOTIDAGI O`RNI

Xolikova D. – Kogon shahar kasb-hunar maktabi

Tasavvuf g`oyalarining tarqalishi, darveshchilik harakatining rivoj topishiga turli pirlar, atoqli shayxlarning nomi bilan bog`liq tariqatlarning ahamiyati katta bo`lgan. Tariqat (yoki suluk – yo`llar) bir-biridan, avvalo, yuqorida aytganimiz, islomdagi ikki mazhab – shia yoki sunnaga rag`bati bilan, ikkinchidan, shariatga munosabati bilan, uchinchidan, muayyan tariqat tarqalgan aholining qadimiy tasavvur-odatlari, madaniy darajasi bilan va, nihoyat, to`rtinchidan har bir piri murshidning tarbiya usuli, ma`qul deb hisoblagan ruhiy-ma`naviy ta`sir vositalari bilan o`zaro farqlangan. Masalan, Mesopotamiya va Eron, Xurosonda tafakkuriy-falsafiy yo`nalish, Turkiya, Afrika mamlakatlari, qisman Hindistonda shariatga zinch bog`langan yo`nalish, Movarounnahrda ham falsafiy va ham shariat izmidagi yo`nalishlar birgalikda yoyilgan. Tariqatlarning soni elliktadan ortiq. Chunonchi, tayfuriya, zahabiya, hurufiya, hallojiya, shozaliya, junaydiya, suhravardiya, safariya, qodiriya, ne`matullohiya, chishtiya, nizomiya, bektoshiya, nurbaxshiya, mavlaviya, malomatiya, qalandariya, ma`rufiya, firdavsiya, nuriya, qushayriya, xalvaltiya, adhamiya, ahmadiya va hokazo.



Bulardan tayfuriya (Tayfur Boyazid Bistomiy nomi bilan bog`liq), hakimiya (Hakim Termiziy nomi bilan bog`liq), hallojiya (Mansur Hallojga nisbat beriladi), suhravardiya (Yahyo Suhravardiy nomi bilan bog`langan) oqimlar ko`proq nazariy tomonlari bilan ma`lum. Chunki Bistomiy, Hakim Termiziy, Junayd Bag`dodiy, Yahyo Suhravardiy kabi shayxlar maxsus xonaqo tariqatini tuzib, solik tarbiyasi bilan shug`ullanmaganlar. Ammo ularning ergashuvchi tarafdoirlari ko`p bo`lgan. Qalandariya, malomatiya kabi oqimlar esa biror shayx nomi bilan bog`liq bo`lmagan, alohida yo`nalishlardir.

Markaziy Osiyoda quyidagi tariqatlar qadimdan keng tarqalgan: qodiriya, yassaviya, kubraviya va naqshbandiya (yoki «xojagon»).

Qodiriya tariqati eronlik shayx Giloniy (1077-1166) nomi bilan asoslangan. U asosan Bag`dodda yashab karomatlar ko`rsatish, ilmu riyoza bilan mashhur. Sunniy mazhabidadir. Abulqodir Giloniy Junayd Bag`dodiyning «sahv» (hushyorlik) kontseptsiyasini rivojlantirgan, u muridlari orasida «Buyuk madadkor» (G`avsul a`zam) nomi bilan mashhur bo`lgan. Uning tariqati hozirgi Arabiston mamlakatlari, Turkiya va O`zbekistonda tarqalgan. Abdulqodir Giloniy Movarounnahrda bo`lgan emas, ammo shunga qaramay uning tariqatining Farg`ona vodiysi, Samarqand, Qashqadaryo tomonlarda ixlosmandlari va izdoshlari bor.

Yassaviya ulug` shayx va shoir Xoja Ahmad Yassaviy (vafotи 1166 yil) asoslagan tariqat. Shuni aytish kerakki, yassaviya bilan naqshbandiyaning ildizi Xoja Ya`qub Yusuf Hamadoniya (1048-1140) borib taqaladi.

Ahmad Yassaviy ilk ustozi Arslonbobdan xirqa kiyib, tasavvuf yo`liga kirgach, Buxoroga borib Hamadoniydan tariqat ta`limini oladi. Abduxoliq G`ijduvoni bilan birga Hamadoniyning eng ishongan xalifasiga aylanadi. Hamadoniy vafot etgach, uning o`rniga uchinchi bo`lib shayxlik maqomiga ko`tari-ladi, ammo ko`p o`tmay Buxorodagi ishlarini birodari Abduxoliq G`ijduvoniya topshirib, o`z vatani Turkistonga qaytadi va bu yerda yangi tariqatni ta`sis etadi. Uning ko`p sonli muridlari turkiy xalqlar orasida yurib, tasavvuf g`oyalarini yoyganlar. Yassaviy ovoz chiqarib zikr aytish («zikri jahriya») va karomatlar ko`rsatib murid tarbiyalash, hilvatda suhbat qilishni yo`lga qo`ygan. Uning o`zidan keyingi silsilasini quyidagi shayxlar davom ettirganlar: So`fi Muhammad Donishmand, Suylamon Boqirg`ony, Mansur bin Arslon bobo, Luqmon Paranda, Abdumalik Tojxoja, Ishoq bobo, Zangi ota bin Abdumalik, Said Xorazmiy, Xalil ota, Xoja Bektosh Valiy, Uzun Hasan, Sadr Xoja, Badr Xoja, Ahmad Sayyid, Kamol Iqoniy, Hazrati Bashir va boshqalardir. Yassaviya tariqati hozirgi Markaziy Osiyo, Turkiya va Rossiya hududlarida tarqalgan.

Kubraviyaning asoschisi xorazmlik ulug` shayx Najmuddin Kubro (1145–1221) dir. U kishining ismi Ahmad, otasining ismi Umar bo`lib, Najmuddin Kubro,



shayxi Valitarosh, Abuljannob so`zлари u kishini sharaflovchi kunya va laqablardir. U kishi Misr, Eron Iroq, Shom mamlakatlarini kezib, turli ilmlarni egallaganlar. Shayx Ro`zbehon Vazzon, Bobo Faraj, Shayx Yosir Ammor, Shayx Ismoil al Kasriylardan so`fiylik sirini egallab, Xorazmga qaytib, xonaqo qurbanlar. Juda ko`p muridlari bo`lgan. U kishining nazari tushgan odam albatta ilohiy fayzu barakot topar ekan. Ulug` shayx shogirdlariga ilohiy haqiqatlar sirini ochish, poklik va ruhiy-ma`naviy yuksalishni ta`lim bergan. Najmiddin Kubro bir necha kitoblar ta`rif etgan, ularda inson va koinot, inson ruhiyati tadqiq etiladi. O`ziga xos tariqat yo`li («usuli ash`ora» – o`nta usul) bayon etiladi. Najmiddin Kubro mug`ul bosqichilariga qarshi jangda qahramonlarcha halok bo`lgan, qabri Ko`hna Urganchdadir.

Naqshbandiya Buxoroi sharifda shakllangan bo`lib, dunyoda eng ko`p tarqalgan tariqatidir. Asoschisi Bahovaddin Muham-mad bin Burhon bin Muhammad al-Buxoriy (1318-1389). «Naqshband», «balogardon» ul zoti sharifning muborak sifatlaridir. Bahovaddin Naqshband silsilasini yuqorida keltirdik. Ammo bu bir shoxasidir. Naqshbandiyaning Hindiston, Malaziya, Filippin, Eron, Pokiston, Afg`oniston, Turkiya, Rossiyada yana ko`plab tarmoq silsilalari bor. Hatto g`arbiy Yevropa va AQShda ham bu tariqat tarafдорлари bor. Lekin shuni qayd etish kerakki, xorijda yashovchi «naqshbandiy»larning bir qismi asl Naqshband tariqatidan uzoqlashib qolganlar. Naqshband zikri xafiy (sokin zikr) tarafдori, u kishi suhabatni tarbiyaning asosiy quroliga aylantirib, xilvatnishinlikni ham, samou raqsni ham qabul qilmaganlar. Balki botiniy olamni rivojlantirish, shariatdan uzoqlashmasdan so`fiylik maqomini egallahni talab qildilar. Naqshband hazratlari amal qilgan «Safar dar vatan», «Xilvat dar anjuman», «hush dar dam», «nazar dar qadam», «dil ba Yoru dast ba kor» shiorlari odamni ham ma`naviy yuksalishga ko`maklashadi va ham jamiyatda bahamjihat yashab o`zaro bir-biriga yordam berish, mehnat, bunyodkorlik bilan yurtni obod qilishga safarbar etadi.



ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ПИРИ

Наврӯзова Г.Н. – БухМТИ профессори, ф.ф.д.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига ташрифлари чоғида Абдулхолиқ Фиждувоний, Ориф Ревгарий, Маҳмуд Фағнавий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Сайид Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаларини ўз ичига олган «Етти пир» зиёратгоҳларини замон талаблари даражасида реконструксия қилиш ва уларни боғловчи янги сайёҳлик йўналишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эдилар. Яъни, юртбошимиз ташабbusлари билан, юртимизда зиёрат туризми жорий қилинди. Шунга мувофиқ, «Етти пир» зиёратгоҳларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Бухоро шаҳрида 53-сонли Маҳмуд Торобий номли маҳалла худудида яна бир зиёратгоҳ мавжудки, бу масканда халқ орасида саккизинчи пир дея довруқ таратган Хожа Алоуддин Фиждувоний ҳазратларининг мақбаралари, масжид, айвон, хуллас, ажойиб бир мажмуа қад ростлаб турибди.

Ҳазрат Алоуддин Фиждувоний 1336 йилда Фиждувонда таваллуд топганлар ва хожагон-нақшбандия тариқатининг хос пирларидан бўлиб етишганлар. Йигитлик чоғларидаёқ бул зот Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг назарларига тушганлар ва мурид бўлганлар. Баҳоуддиннинг вафотларидан сўнг, Амир Калоннинг муридлари ҳазрат Вошўй ва Хожа Муҳаммад Порсадан таълим тарбияни давом эттирганлар. Алишер Навоий ҳазратлари ўзларининг «Насойим-ул муҳаббат» асарларида Фиждувоний ҳақларида: «азим истиғроқи фикрга чўмиш, сермулоҳазалик) бор эрмиш. Ва бағоят ширин такаллум эрмиш» – деб ёзадилар.

Бу сифатлар ҳазратнинг аҳли дониш, илми ҳол кишилар жумласидан эканлигини ифода этади. Бинобарин, замондошлари, жумладан Хожа Порсо ҳам, бу зот кексайиб қолганларида ҳам ҳурматларини бажо келтириб, Ҳаж сафарига бирга олиб борган эканлар.

Фиждувоний ўтган азизларни, хусусан, Б. Нақшбандни ёдга олишлари эътиборга лойикдир. Демак, илму хулқда бул зот шогирдларига улуғликларини сингдирган ва тарқатган эканлар.



Хожа Аҳорори Валий ҳам 22 ёшларида Хожа Алоуддин Ғиждувонийни излаб, топиб борганларида ул зот 90 ёшда бўлганлар. Ул зот шундай ёзадилар: «Қалбимда кўп изтироб бор эди. Хожа Алоуддин Ғиждувоний билан ҳамсухбат бўлганимдан сўнг, улар ўз-ўзидан йўқолди ва қалбим ором олди».

«Рашаҳот»да яна бир нақл борки, унинг мазмуни қол ва ҳол илмида мартабага етган инсоннинг сифати хусусида рўй-рост жавоб бўлади, яъни Хожа Аҳорори Валий йўлда Хожа Алоуддин Ғиждувонийга йўлиқади. Иккалалари бир мозорга бориб зиёрат этадилар ва хожа дейдилар: «Бу кечани бедор ўтказинг!» Ўзлари шу чўкка тушгандан бомдодгача бедор ва бир зайлда ўлтириб, зикрда бўладилар. 22 яшар йигитга 90 ёшли чолнинг бу ибрати камоли тарбия мактаби эди. Шунинг учун ҳам Абу Наср Порсо 1428 йилда Хожа Алоуддин Ғиждувонийнинг жанозаларида: «Биз шу вақтгacha ҳазрат Алоуддининг соялари ва ҳимояларида эмин ва осуда эдик. Бу кун ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний Ҳақ Субханаҳу Таоллонинг жавори раҳматига кетди. Энди ул маҳал туурким, қўрқаман!».

Хожагон нақшбандия тариқатининг 7 пири бўлмиш Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг бевосита халифалари, яъни шогирлари бўлмиш Хожа Алоуддин Ғиждувонийнинг қабрлари Бухоро шаҳридаги машҳур Намозгоҳ масжиди жанубида, Пирмарза тепалигида жойлашган. Ушбу мозор 5-микрорайонда, халқ орасида Фишт заводи номи билан машҳур бўлган мавзеда жойлашган.

Менинг таклифим шундан иборатки, Етти пир зиёратгоҳлари бўйлаб қилинажак саёҳатлар Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг бевосита шогирдлари бўлмиш Хожа Алоуддин Ғиждувонийнинг руҳлари мангу қўним топган жой – Бухоро шаҳридаги саккизинчи Пир зиёратгоҳида ўзининг қиёмига етиб якунланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.





ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА ЁШЛАР

Зоиров Э.Х. – БухМТИ доценти, ф.ф.н.

Дунёда муқаддас ва мўътабар юртлар, шариф шаҳарлар кўп. Маккай Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Қуддуси Шариф, Баҳдоди Шариф, Шоми Шариф, Мозори Шариф, Бухорои Шариф. Уларнинг орасида бизнинг шаҳримизнинг ҳам борлиги инсонга суур ғурур бағишлади. Ўзбекистонимиз заминида шундай улуғ шаҳарнинг борлиги, унинг ислом тафаккури, маданияти, илм-фани, фалсафаси, фиқх ва Ҳадис илмининг шаклланиши, тараққий этишига улкан ҳисса қўшган бу шариф заминда олиму фузалолар, донишмандларнинг туғилиб-ўсиб, ижод қилгани билан ҳар қанча фахрлансак, ғуурлансак арзиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таъбирлари билан айтганда, ислом тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк алломалар Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замаҳшарий, Муҳаммад Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрор валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган. Айниқса, биз учун кўхна тарих ва маданият, миллий ўзлик, эзгулик, илм-маърифат, дину диёнат, ватанга муҳаббат ва садоқат рамзига айланиб кетган Бухорий шариф ҳақида қанчадан-қанча китоблар битилмаган, қанчадан-қанча таъриф-тавсифлар айтилмаган дейсиз...

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилаётган сўнгги ийлларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Бухоро вилоятининг маданий, маънавий-маърифий ривожланишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган қисқа вақтда кўплаб масжид ва мадрасалар, тарихий обидалар тубдан қайта таъмирланди, халқимиз ўртасида «Етти пир» номи билан машҳур бўлган табаррук зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Хожагон-нақшбандия тариқати Етти Пирлари орасида Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари алоҳида ўрин тутади. Ул зотнинг «Даст ба кору, дил ба ёр», яъни «Қўлинг меҳнатда, кўглинг эса Ёр (Аллоҳ) да бўлсин» деган таълимотларининг асосий ғояларидан бугунги қун ёшларини тарбиялашда унумли фойдаланса бўлади. Шунинг учун ҳам бизнинг БухМТИ да Етти



Пирлар, хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига тез-тез экскурсиялар ўюширилиб турилади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг асли исмлари – Мұхаммад ибн Мұхаммад Жалолиддин бўлиб, насаблари Пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в) га бориб туташади. Бу мўтабар ном асрлар оша мусулмон оламида инсонларга «Шайх Нақшбанд», «Хожай Бузург», «Шоҳ Нақшбанд» номлари билан маълум ва машҳур бўлиб, у зот асос солган сўфийликнинг Нақшбандия тариқати ҳануз кўплаб муҳлисларга эгадир.

Ул зот 1318 йили Бухоро вилоятининг Қасри Ҳиндувон қишлоғида таваллуд топдилар. Ўша вақтларда Бухоро шаҳри яқинидаги бу мавзеда ҳинд савдогарлари карvonсаройи ҳам жойлашган эди. Кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд барокотларидан бу қишлоқ Қасри Орифон деб юритилган. Оталарининг исмлари Мұхаммад Жалолиддин бўлиб, бу зот Ҳажга борган вақтларида Мадинада вафот этиб, ўша ерда дағн қилинганлар. Волидаларининг исмлари Орифа бўлиб, оталари вафот этганларидан сўнг, Баҳоуддин Нақшбанд тарбияларини ўз зиммаларига олганлар. Солиҳа, илмли аёл бўлганлар. Баҳоуддин Нақшбанд волидаларининг муборак қабрлари ҳам Қасри Орифондадир.

Хожа Мұхаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари Сайид Амир Кулолга шогирд тушган бўлсалар ҳамки, манбаларда у кишининг ўзларидан бир неча саналар илгари ўтиб кетган Хожа Абдухолик Ғиждувоний ҳам устозлари эканликлари қайта-қайта таъкидланади. Бу хилдаги маънавий тарбияга тасаввуф оламида «увайсийлик йўли» деган ном берилган.

Хожа Мұхаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг олий мақомлари у кишининг ёшлиқ чоғлариданоқ зоҳир бўла бошлади. У зот ўта зеҳнли ва идрокли эдилар. Аллоҳ таоло бу кишига улуғ зотларга шогирд бўлиш баҳтини берди. Хожа Мұхаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари гўдаклик чоғларида Мұхаммад Бобойи Самосий ҳазратларининг ҳузурларида тарбия олдилар. Хожа Баҳоуддин Мұхаммад Бобойи Самосий ҳузурларида шогирд сифатида келишлари билан дарҳол у кишининг суҳбатларида иштирок этганлар.

Мұхаммад Бобойи Самосийнинг вафотларидан кейин Хожа Баҳоуддин Амир Кулол суҳбатларидан баҳраманд бўладилар ва у кишининг вафотидан сўнг яна етти йил Хожа Ориф Диггаронийдан таълим оладилар. Сўнгра Хожа Халил Ота ҳазратларининг ҳузурларида ҳам ўн икки йил хизмат қилдилар. Бул зот икки марта пойи пиёда ҳажга бориб келганлар. Б.Нақшбанд оиласи бўлиб, бир қиз ва бир ўғилнинг отаси бўлганлар. Ўғиллари ёш, вояга



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввув таълимотининг ўрни ва аҳамияти



етмасдан вафот этган, қизлари эса вояга етганидан кейин ўзларининг хос шогирдлари бўлган Алоуддин Аттор ҳазратларига узатганлар.

Ҳазрат Хожа Бухоуддиннинг сифат ва унвонлари жуда қўп бўлган, жумладан: «Аш-Шайхуш-шуюх» (Шайхларнинг шайхи), «Ал-Ажал ал-кабир» (Буюк даҳо), «Муҳйис-сунна» (Суннатни тирилтирувчи), «Моҳиул-бидъа» (Бидъатни йўқ қилувчи), «Қошиф ул-ҳақоик» (Ҳақиқатни кашф қилувчи), «Музҳир уд-дақоик» (Дақиқ маъноларни зоҳир қилгувчи), «Хужжат ул-Ҳаққи вад-дин вал халқ» (Ҳақ таоло ва диннинг бандаларга хужжати), «Баҳо ул-Ҳаққи ваш-шаръи вад-дин» (Ҳақ таоло, шариат ва диннинг нури)» деган мақтовларга эга бўлганлар.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари ҳамда нақшбандий шайхлар тўғрисида талайгина асарлар яратилган. Биргина Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида нақшбандийликка доир 195 та китоб мавжуд.

Энг муҳими, Баҳоуддин Нақшбанднинг нафақат ўз даври, балки бугунги кун талабларига ҳам жавоб бера оладиган, **«Даст ба кору, дил ба Ёр»**, яъни «қўлинг меҳнатда, қалбинг эса Аллоҳда» (яъни унинг зикри ила машғул бўлсин) инсонларни тарқидунёчиликка эмас, балки, доимо жамиятда яшашга, ватанпарварликка, меҳнатсеварликка чорлайдиган бош ғояларига асосланган буюк аждодимизнинг таълимотларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва ёшларга ўргатиш – биз олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагоглар учун ҳам қарз, ҳам фарздири. Бунда биз талаба-ёшларга нафақат назарий билим берибгина қолмасдан, уларнинг том маънода баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун руҳий тарбия масканлари бўлмиш азиз-авлиёларимизнинг муқаддас зиёратгоҳлари ва қадамжоларига олиб боришимиз зарур бўлади.

ZIYORAT TURIZMI: MUAMMO VA YECHIMLAR.

Bafoyev F. – BuxMTI dotsenti, s.f.n.

Bugungi kunda turizmni rivojlantirish mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda muhim o`rin tutadi. Mamlakat o`zining salohiyati, geografiyasi, tarixi va bugungi kunidan kelib chiqib turizmning turli yo`nalishlarini rivojlantirishga urinadi. Salomatlik turizmi, tibbiyot turizmi, ekoturizm, ekskursiya turizmi, sport turizmi, ekstrimal turizm, ziyorat turizmi singari yo`nalishlarni rivojlantirish imkoniyati yuzaga keladi.

Hisob-kitoblarga ko`ra, har 30 nafar sayyoҳ mamlakat turizm sohasida bir, unga turdosh bo`lgan tizimda esa ikki yangi ish o`rnini yaratilishiga sabab bo`ladi.



Har yil O`zbekistonga jahoning 70 ga yaqin mamlakatidan ikki millionga yaqin sayyohlar tashrif buyuradi. Ushbu miqdorni 5 millionga yetkazish salohiyatimizni qanchalik targ`ib qilishimizga bog`liqdir.

O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 16 avgustdagи «2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo`yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to`g`risida»gi qarori hamda 2021 yil 9 fevralda «O`zbekiston Respublikasida ichki va ziyorat turizmini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida» farmoni qabul qilindi. Ularda turizm bozorining turli segmentlariga yo`naltirilgan turizm mahsuloti va xizmatlarini diversifikatsiya qilish, ularning raqobatbardoshligini yanada oshirish, maqbul va qulay ichki va xalqaro ziyorat turizmi muhitini yaratish, transport yo`nalishlarini kengaytirish, transport xizmatlari sifatini oshirish, turizm mahsulotlarini keng targ`ib qilish, shuningdek, mamlakatimizning sayohat va dam olish uchun xavfsiz manzil sifatidagi imijini mustahkamlashga yo`naltirilgan vazifalar belgilab berildi.


O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 3 fevraldagи «2017-2021 yillarda O`zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo`nalishi bo`yicha Harakatlar strategiyasini «Yoshlarni qo`llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturi to`g`risida»gi farmoniga muvofiq, O`zbekiston bo`ylab sayohat qilish uchun xarajatlarning bir qismini qaytarish tartibi joriy qilindi.

Shu bilan bir qatorda tashkiliy, iqtisodiy-ijtimoiy masalalar yuzasidan sohani qo`llab-quvvatlashda Moliya vazirligi, bank moliya tizimi, transport logistikasi hamda soliq tizimlariga tegishli ko`rsatmalar berildi.

Bu o`z navbatida, ichki turizmning jadal rivojlanishi hamda fuqarolari-mizning hordiq chiqarishlariga qulay imkon yaratadi. E`tiborli jihatlaridan yana biri, bu buyuk allomamiz Imom Moturidiy yodgorlik majmuasini ziyorat markaziga aylantirish hamda atrofidagi 8 nafar buyuk ulamonning qabrini tiklash va obodonlashtirish ishlari konsepsiysi «Yo`l xaritasi»ni ishlab chiqilishi va amalga oshirilishidir. Natijada milliy va xalqaro turistlarning oqimi yanada kengayadi.

Farmonning yana bir muhim jihatni sifatida Imom Buxoriyning bebaho merosini keng ko`lamda ommalashtirish va targ`ib qilish maqsadida xorijiy tillarda «Imom Buxoriy» ziyorat turizmi yo`ldosh telekanalini, xorijiy mamlakatlarda uning muxbirlari faoliyat olib borishini nazarda tutgan holda tashkil etish va uni rivojlanirish konsepsiyasining yaratilishi hisoblanadi.

Mazkur loyihani amalga oshirishda O`zbekiston xalqaro islom akademiyasi markaziy o`rnlarni egallashi va mamlakatimizda ziyorat turizmining jadal rivojlanishiga xizmat qiluvchi yetuk mutaxassislarini yetishtirib berishda, ilmiy tadqiqot ishlarini amalga oshirishda o`z o`rniga ega bo`ladi. O`zbekiston turizm



industriyasiда ziyorat turizmi sub`ektlarining faoliyatı, talab va taklif qonunining ustuvorligi, tashkiliy-iqtisodiy jarayonlarni muvofiqlashtirishning ma`muriy mexanizmlarini yaratish holati kabi mavjud ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlar jamiyatdagi turli ixtisoslashgan institutlar va ularning faoliyat yuritish tartibiga to`g`ridan-to`g`ri bog`liq bo`ladi.

Shunday ekan, O`zbekistonda turizm industriyasining bugungi holatini o`rganish bilan bir qatorda, bozor mexanizmlaridan ham ustun turuvchi jamiyatning madaniy, ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, diniy, huquqiy mexanizmlari majmuasi sifatida namoyon bo`lувчи mavjud institatlarning jarayonlarga ta`sir darajasini o`rganish muhim ahamiyat kasb etadi.

Prezidentimizning mazkur farmonlari yuqorida qayd etilgan jihatlarni to`liq qamrab olgani bilan diqqatga sazovordir. Ta`kidlash joizki, so`nggi yillarda yurtimizda olib borilayotgan islohotlar natijasi o`laroq O`zbekiston «Jahon musulmon sayyoohlari indeksi» reytingida 10 pog`ona (32-o`rindan 22-o`ringa) ko`tarilib, Islom hamkorlik tashkilotiga a`zo mamlakatlar o`rtasida musulmon sayyoohlarni jalg qilayotgan «Eng jozibador» hamda «Xavfsizlik va bag`rikenglik darajasi yuqori» bo`lgan 10 mamlakat qatoridan o`rin egalladi.

Turizmga e`tibor qaratilgani bekorga emas, turizmnинг jahon iqtisodiyotiga qo`shadigan hissasi 2016 yilda 7,6 trillion AQSh dollarini tashkil etgan. Shundan ko`rinib turibdiki turizm mamlakat iqtisodiyoti uchun foydali. Turizm nafaqat iqtisodiy rivojlanishga, balki aholi bandligini ta`minlashga, turmush darajasini oshirishga xizmat qiladi. Ayniqsa, ziyorat turizmi alohida o`rin tutadi.

Bugungi kunda O`zbekistonda ichki va tashqi turizmga bo`lgan e`tibor, uning rivoji yo`lidagi imkoniyatlarning yaratilishi ziyoratgohlarga kelayotgan ziyoratchilar sonining bir necha barobar oshishiga olib keldi. Yurtimizdagi mavjud turli davrlarga tegishli bo`lgan 4 ming 308 arxeologik, 2 ming 79 me`morchilik, 694 san`at asari, 395 diqqatga sazovor joy, jami 7 ming 476 moddiy-madaniy meros ob`ekti davlat himoyasiga olingan.

1991 yil Xivadagi «Ichan-qal`a», 1993 yil «Buxoro tarixiy markazi», 2000 yil «Shahrisabz tarixiy markazi», 2001 yil «Samarqand madaniyatlar chorrahasi» nomi bilan YUNESKOning Umumjahon merosi ro`yxatiga kiritilgan. Mustaqillik yillarida 1 ming 4 ta tarixiy ob`ektda keng ko`lamli ta`mirlash-tiklash va obodonlashtirish ishlari bajarildi. Xitoy, Yaponiya, Fransiya, Polsha va boshqa davlat vakillari bilan har yili 15 dan ortiq xalqaro arxeologiya merosi ob`ektlarida tadqiqotlar olib borilmoqda.

Madaniy meros ob`ektlarini muhofaza qilish, undan foydalanish borasida amalga oshirilgan ishlar nafaqat tarixni o`rganish, targ`ib qilish, balki o`sib kelayotgan yosh avlodni bebahо tarixiy merosni ko`z qorachig`idek asrab-



avaylash, ularda milliy o`zlikni anglash tuyg`usini yanada kuchaytirish, jamiyatda yuksak ma`naviyatni teran qaror toptirishga xizmat qiladi.

Jahonda 1,6 milliarddan ortiq musulmonlar bo`lib, dunyoning deyarli barcha mintaqasida musulmonlar yashaydi.


Indoneziya (260 mln), Malayziya (32 mln), Pokiston (150 mln) singari mamlakatlarning fuqarolarini ziyorat turizmiga jalb etish O`zbekiston uchun ulkan imkoniyat bo`lishi turgan gap.

Jahon musulmonlarini O`zbekistonga jalb etishda quyidagilarga e`tibor qaratish maqsadga muvofiqdir:


- musulmon mamlakatlarda O`zbekiston salohiyatini ko`rsatuvchi taqdimotlar namoyish etish;
- musulmon mamlakatlarning ko`zga ko`ringan diniy ulamolarini O`zbekistonga taklif etgan holda bepul sayohatlar uyushtirish, ularga O`zbekistonni tanitish;
- musulmon mamlakatlarga imtiyozli charter reyslarni amalga oshirish;
- haj va umra safarlariga borishdan oldin O`zbekistonning muqaddas qadamjolarini ziyorat qilishni tashkil etish;
- islom olamining yetakchi o`quv dargohlari o`rtasida talabalar almashinuvini yo`lga qo`yish.

Hozirgi kunda «ziyorat» o`z ichiga turizmning ikki yo`nalishini – ziyorat va diniy turizmni qamrab oladi. Usmoniylar xalifasining Qur`oni, islom dining eng qimmataho yodgorligini Toshkentdagи Xasti-Imom majmuasi tarkibiga kiruvchi Baroqxona madrasasida saqlanayotganining o`zi bu yerga ko`plab ziyoratchilar va sayyoohlarni jalb etsa, Samarqandagi hazrati Payg`ambarimiz sollallohu alayhi va sallamning amakivachchalari Abu Ja`far Qusam ibn Abbos ibn Abdulmuttalib ibn Hishom al-Qurayshiy, ya`ni payg`ambarimizning amakilari Abbos ibn Abdulmat-talibning o`g`li dafn etilgan Shohi Zinda, dunyodagi eng uzun – 18 metrlik qabrga ega bo`lgan Xo`ja Doniyor, Amir Temur maqbarlari, Buxoro shahrining diqqatga sazovor tarixiy maskanlaridan «Xazrati Baxovuddin Naqshbandiy», «Xazrati Mir Kulol», «Mirarab» madrasasi, «Minorai Kalon» majmuasi, «Samoniylar» maqbarasi, Yetti pir ziyoratgohlari, Surxondaryoda Sulton Saodat majmuasi, Shayx Aloutdin Attor, Iso Termiziyy, Hakim Termiziyy, So`fi Ollohyor maqbaralari ziyorat turizmni riojlantirishning eng yaxshi omillaridan biridir.

Yurtimizda ziyorat turizmi sohasida katta salohiyatga ega. Aynan shu turizm yo`nalishini jozibadorligini va samarador bo`lishini ta`minlash maqsadida Toshkent xalqaro aeroportida namozxona tashkil etilgani, tashrif buyurayotgan ziyoratchilarga qulaylik yaratish maqsadida O`zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo`mitasining «Turistik xizmatlarni sertifikatlashtirish



***Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётидаги
тасаввұф таълимомотининг ўрни ва аҳамияты***



markazi» davlat unitar korxonasi tomonidan yangi davlat standarti ishlab chiqilganligi, o`rnatilgan qoidalarga ko`ra, har bir mehmonxonaning umumiyligining kamida o`ndan birida Qur`oni karim, ibodat qilish uchun joynamoz hamda kamida 30 foizida qibla ko`rsatgichi bo`lishi shart etib belgilanganligi alohida ta`kidlab o`tish lozim.

Bugungi kunda ziyoratni asosan yurtimiz fuqarolari tashkil etayotganini inobatga olsak, mahallalarda, machitlarda ziyorat odobi borasida ma`ruzalar tashkil etish, O`zbekistonda ziyoratgohlarni targ`ib etuvchi o`zbek, arab, ingliz tillarida badiiy va hujjatli filmlar, videoroliklar ishlash, ziyoratgohlarning saytlarini o`zbek, rus va ingliz tillarida tashkil etish, bevosita ziyorat turizmiga ixtisoslashgan turoperatorlarni tayyorlash, tarixiy shaharlarda Tashqi ishlar vazirligi bo`limlarini ochib, sayyoohlarga viza olishni Toshkent orqali emas, joyda hal etish, aviachiptalar narxini kamaytirish, aeroport va vokzallarda xizmat ko`rsatishni yaxshilash, xalqaro to`lov tizimidagi kredit kartalardan foydalanish va valyuta almashtirishni yo`lga qo`yish zarur.

O`zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirish uchun avvalo yuqorida tilga olingan muammolarni zudlik bilan hal qilish, bugungi kunda butun dunyoda qo`llanilatgan masofaviy marketing konsepsiyasidan foydalanish zarur. Sayyoohlarni birinchi galda hududdagi mehmonxonalarning borligi, joylarni onlayn tarzda bron qilish, ularning ziyoratgohdan uzoq yohud yaqinligi, mavjud servis xizmatlar, kommunikatsiya va transportning mavjudligi qiziqtiradi. Bularning barchasini zamonaviy axborot kommunikatsion texnologilarni qo`llagan holda yo`lga qo`yish mumkin. Ziyorat turizmi yurtimizga madaniy, ekologik turizm bilan bir qatorda juda ham ko`p mablag` olib kelishini nazarda tutadigan bo`lsak, bu boradagi asta-sekinlik bilan amalga oshirilayotgan ishlarni jadallashtirish lozim.

ҲАМ ЗИЁРАТ, ҲАМ ИБОДАТ МАНЗИЛЛАРИ

Курбонова М. – БухДУ доценти, т.ф.н.

Бухоро туризм ва зиёрат шахри. Қадимий шаҳарнинг боқий обидалари ва муқаддас қадамжолари томошасига барча ошиқади. Нафақат чет эллик сайдарлар, балки маҳаллий зиёратчилар учун тур маршрутлар ишлаб чиқиш ички туризм ривожига, шунингдек, халқимизнинг ўз тарихига қизиқиши, она шахрига меҳр-муҳаббати ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Вилоятимизда «Бухоро бўйлаб саёhat қил!» дастурида ҳар куни маълум бир таълим муассасалари иштирок этса, фақатгина шанба, якшанба кунлари меҳнат жамоалари учун ташкил қилинади. Яқиндагина Бухоро давлат



университети ходимлари, талабалари Бухоронинг етти пири бўйлаб ўюштирилган саёҳат ана шундай хайрли ташаббуслардан бири бўлди.

Замонавий туристик автобусларда жамоа билан биргаликда зиёратга чиқиш бошқача. Эрталабдан йўлга чиққан автобус Фиждувон туманидаги Хожагон тариқати асосчиси, авлиёлар султони Абдулхолик Фиждувоний қадамжоси томон йўл олди. Шинам ва қулай транспортларда ҳордик чиқариш билан бирга вақт қандай ўтганини ҳам билмайди киши. Тариқатнинг етти олтин занжири ҳақидаги маълумотларни гид-таржимон зиёратчиларга тушунтириб борди.

Бугунги дориломон кунлар етиб келганига шукроналар келтираман. Собиқ шўролар замонида атеизм, даҳрийлик сиёсати авж олиб, пок ислом динига қарши кураш, унинг маърифатга бошловчи ғояларини халқимиз тафаккуридан ўчиришга, ислом оламининг буюк мутафаккирлари зиёратгоҳларини йўқотишга уринилган эди. Истиқлол бизга динимиз, қадриятларимизни, энг асосийси соф эътиқодимизни яна қайтариб берди. Беадад шукрлар бўлсин!

Кун давомида «силсила заҳҳоб» саналган тариқат пешволариниг мўътабар манзилларида бўлдик. Хожа Ориф Ревгари Моҳитобоний, Хожа Маҳмуд Анжир Фагнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саид Амир Кулол ва Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қадамжоларини таълимот одоби бўйича кетма-кет зиёрат қилиш насиб этди. Зиёрат ҳам бир ибодат саналади. Муқаддас қадамжоларда бўлиб, инсон покланади, иймон-эътиқодини бутун, иродасини бақувват, виждонини уйғоқ этади.

Бугун муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари асосида зиёрат туризмини кенгайтириш, мусулмон мамлакатлари сайёҳларини юртимизда чорлаш борасида амалга ошираётган саъй-харакатлар эътиборга молик. Бухорои шарифнинг Етти пири зиёратгоҳларини қайта реконструкция қилиш, бу ерларга зиёратга келадиганлар учун барча шароитларни муҳайё этиш ҳам давлатимиз раҳбарининг диққат-марказида. Жорий йилда Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида ҳам бу борада аниқ қўрсатмалар берилди.

Кечаги кунидан яхши хабардор, ота-боболарининг кимлигини яхши танийдиган, энг муҳими тарих ҳақиқати билан қуролланган авлодни ҳеч вақт енгиб бўлмайди. Бухоронинг ички саёҳат ва зиёрат туризми ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган олий таълим муассасалари фаолияти ҳам таҳсинга сазовордир. Зеро ички туризм, зиёрат туризми ҳам соҳа ривожига муҳим қадам бўлиши билан бирга, ёш авлодни юксак маънавиятли қомил инсонлар қилиб тарбиялашга ёрдам беради.



ШАЙХ САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ ЗИЁРАТГОҲИ.

Воҳидова М. – БухМТИ доценти, ф.ф.н.

Шайхул олам унвони билан машҳур бўлган Шайх Сайфиддин бинни Боҳарзий Мутахарриддин 1221 йилда мўғуллар билан Урганч мудофааси учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган Шайх Нажмиддин Кубронинг шогирдларидан бўлиб ҳисобланадилар. Сайфиддин Боҳарзий ҳақларида: «Зоҳирий улум таҳсили ва такомилидан (диний билимларни мукаммал ўргангандан) сўнгра ҳазрати Шайх (Шайх Нажмиддин Кубро) мулозаматига мушарраф бўлди ва тарбият топди»¹ – деб ёзган эдилар Алишер Навоий ҳазратлари.

Шайхул олам дея довруқ қозонган Сайфиддин Боҳарзий ҳақларида XV-XIX асрларда ўнлаб асарлар ёзилган бўлиб, булар орасида Ирож Афшорнинг «Саргузашти Сайфи ад-дин-Боҳарзий», Ҳамидуллоҳ Қазванийнинг «Нузҳат ал-Кулуб», Аҳмад ар-Розийнинг «Ҳафт иқлим» ва Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ал-унс» асарлари алоҳида ўрин тутади.

Сайфиддин Боҳарзий ҳазратлари XII асрнинг иккинчи ярмида Хуросон вилоятининг Боҳарз мавзеида туғилганлар. Ҳирот ва Нишопур шаҳарларида ўша даврда юксак даражада тараққий топган фиқҳ (диний-юридик) илмларини эгаллаб, сўфийлик йўлига кирадилар. Тасаввуф илмида, тариқатда катта муваффакиятларни қўлга киритиб Хоразмга келиб, Шайх Нажмиддин Кубронинг муридларидан бири сифатида хизмат қиласди.


Шайх Нажмиддин Кубро маслаҳати билан Сайфиддин Боҳарзий Кубравийлик тариқатини тарғиб қилиш учун таҳминан 1218-1219 йилларда Бухорога келади. Маликшоҳ Бухоро таҳтига ўлтурган даврда авлиёи бани одам Шайх ул Олам, яъни Шайх Сайфиддин Бухорога келиб эрдилар, Бухоро одамлари барчаси мурид, мухлис бўлдилар» – деб ёзади Салоҳиддин Тошкандий ўзининг «Темурнома» асарида². Бу даврда Бухорода мўғул истилочиларига қарши тўхтовсиз курашлар давом этади.

Мўғуллар маҳаллий ҳалқни авсиз талай бошлайдилар, мамлакат вайроналик, харобалик, очлик, турли юқумли касалликлар ўлкасига айланган. Аянчли аҳволда қолган ҳалқ қаердан ва кимдан нажот кутишни билмас эди. Мехнаткашлар оммаси ўзининг оғир аҳволини яхшилаш учун дин ҳомийларидан шайхлар, дарвешлар, сўфийлардан нажот кута бошлайдилар.

Маълумки Чингизхон ва унинг яқин меросхўрлари бирор шаҳар ёки вилоятни босиб олганларидан кейин, дин ҳомийларини ўз томонларига

¹А.Навоий, XVт, 145-бет

²Салоҳиддин Тошкандий. "Темурнома ". Т.1990 й, 40-бет.



ағдаришига уринганлар Рухонийлар орқали ҳалқа ўз сиёсатларини ўтказишга ҳаракат қилғанлар. Шунинг учун мұғул хонлари мусулмон руҳонийларини турли хил солиқ ва тўловлардан озод қилғанлар. Ботунинг укаси Беркехон Бухорога келиб Сайфиддин Боҳарзий хузурида бўлган, у билан узоқ сұхбатда бўлган ва ундан ҳалқни тинчтишини сўраган.

XIII асрда араб тарихчиси Жувайнининг «Тарихи Жаҳонкушой» асарида ҳикоя қилишича, Чингизхонни ўғли Тулуйнинг беваси малика (хония) Сиоркуктенибиқа (Мангухон, Хулагухон, Кубилайларнинг онаси) христиан динига мансуб бўлганига қарамасдан, Бухорода мадраса қуриш учун бир минг болиш пул инъом этади. Мазкур Хония (хон аёл, яъни малика) мадрасанинг қуриш мутасаддийси мударриси ва мутаваллиси этиб Сайфиддин Боҳарзийни тайинлайди.

Мұғул ҳукмронлари мусулмон руҳонийларига имтиёз берган бўлсалар ҳам, аммо дунёвий ҳокимиятни уларнинг қўлига топширишдан қўрқар эдилар, чунки мұғул истилолари ўша даврдаги шайхлардан анчаси уларга қарши ҳалқни отлантирибгина қолмай, ҳатто ўзлари ҳам шаҳар мудофаачилари билан ёнма-ён туриб душманга қарши жанг қилған эдилар. Масалан, тарихдан маълумки, Нажмиддин Кубро ҳазратлари Урганчни мудофаа қилишда, шайх Руқн ад-дин Имомзода Бухорони ҳимоя қилишда қатнашиб, жангларда шаҳид бўлган эдилар.

Сайфиддин Боҳарзий мұғул хонларини одил бўлишга, ҳалқа жабрзулм қилмасликка чақирғанлар. У киши муроса фалсафасини илгари сурғанлар, ўта моҳир нотиқ бўлганликлари туфайли, кўплаб мұғул хонлари, ислом динини қабул қилишган.

Салоҳиддин Тошкандий «Темурнома» асарида «Боҳарзий бир юз ўн беш йил умр кўрибдурлар», – деган ривоятни келтирадилар. Алишер Навоий «Боҳарзий 658 йилда оламдан ўтибдур ва қабри Бухородадир», – деб ёзадилар.

Бухоро амирлари таҳтга ўтиришлари билан биринчи навбатда Шайх Сайфиддин Боҳарзий қабрини зиёрат қилиш учун шошилар эдилар. Улар Сайфиддиннинг «Султон Худонинг ердаги соясидир» деган гапларини унутмай ундан миннатдор эдилар. Аммо бу ерда Сайфиддин Боҳарзий яхши, ҳалқ ғамида бўлган, имонли султонларни назарда тутган. Ёмон ҳукмдорларни шафқатли бўлишга, ҳалқа жабрзулм қилмасликка чақиради. Шайхул олам: «дунё мисоли уйдир, унинг икки эшиги бор, бирисидан кирсанг, иккисидан дорулғанодин дорулбақога риҳлат қилишинг табиий ҳодисадир», деб ёzáди.



Сайфиддин Боҳарзий мақбараси ва хонақоси нодир архитектура ёдгорликлари сифатида давлат томонидан муҳофаза қилинади. Асосий бино XIV асрдан олдинрок, кейинги бинолар XIV-XV асрларда мураккаб лойиха ва композиция асосида қурилғандир. X асрдаги меъморлар ва усталарнинг анъаналар XIV-XV асрларда тағин кўпроқ ҳам такомиллашган бўлиб архитектура пропорцияларининг ва конструктив ечимларнинг янги шакллари Бо-ҳарзий мақбарасида ўз аксини топган. Айниқса, қабр устига қўйилган ёғоч тахтга (ҳозир Бухоро музейида сақланмоқда) бой декоратив элементларини кўллаб, ажойиб қилиб безалган ўша даврнинг ягона қайтарилемас ёғоч санъаткорлигининг ажойиб ёдгорлиги бўлиб ҳисобланади. Бу нарсаларнинг ҳаммаси Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган меҳкаткаш халқ вакилларининг юксак санъаткорлик намунасидир.

Албатта, ёшларда тарихий хотирани кучайтириш – давр талабидир. Бунинг учун Сайфиддин Боҳарзий ва бошқа кўплаб авлиёларнинг муқаддас зиёратгоҳларига олиб бориб, ўша ернинг ўзида улар қолдирган таълимотнинг инсонпарварлик ва ватанпарварлик моҳиятини очиб бериш – биз устозларнинг вазифамиздир.

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИДА ЗИЁРАТ ҚИЛИШНИНГ МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ.

*Саматов Х.У. – ТАТУ Самарқанд филиали, Гуманитар ва ижтимоий
фанлар кафедраси доценти*



Туризм – иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Кўплаб уламолар, донишмандлар ва мўтабар зотлар етишиб чиққан ва жаҳонга машҳур қадамжолар ва зиёратгоҳларга эга мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш, халқаро зиёратчиларни жалб этиш йўлида кўплаб залворли ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга мурожаатномаларида зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Жумладан, Ўзбекистон тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёning етакчи ўнта мамлакатларидан бири ҳисобланади. Ана шу жиҳатдан юртимизда зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар мавжуд. Хусусан, 7300 дан ортиқ қадимий ва археологик обидаларнинг 200 дан зиёди ЮНЕСКОнинг номоддий маданий репрезентатив мероси рўйхатига киритилган. Дарҳақиқат,



мазкур зиёратгоҳлар миллий –диний қадриятларимизнинг асл намуналарини ва анъянларини ва анъанавий миллий урф-одатларимизни ҳам ўзида мужассам этган.



Биз мақоламизда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг айнан миллий ва диний қадриятлари билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратмоқчимиз. Аввало, зиёрат тушунчасини таҳлил қиласиган бўлсак, мазкур тушунчага куйидагича таъриф берилган: зиёрат (араб.- бирор ерга ёки шахс ҳузурига бориш) – муқаддас жойларга, мозор ва қабристонларга бориб, муайян расм-русларни бажариб келиш. Ислом динида дастлаб қабрларни зиёрат қилиш ман қилинган эди. Чунки, жоҳилият (исломгача бўлган давр) даврида араблар мусибат етганида Аллоҳнинг тақдиридан норози бўлиб, ғазабланишар, қабр тепасига бориб, оху воҳ қилишарди. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) саҳобаларни фитнадан саклаш учун қабр зиёратидан қайтарган эдилар. Кейинчалик саҳобаларнинг қалбларига имон мустаҳкам ўрнашгандан кейин қабрларни зиёрат қилишга руҳсат берган эдилар. Исломда шахсга сифиниш ширк ҳисобланади. Муҳаммад (с.а.в) бир ҳадиси шарифларида айтганлар: «Қабристонларни зиёрат қилиб турингизлар, зеро, у охиратни эслатади». Шу боис, зиёратларга борилганда, улардан нажот сўраш ўрнига, ҳақларига дуои хайр қилиш, садақа-эҳсон савобларини уларнинг руҳларига ҳадя этиш ўринли амаллардан саналади. Зиёрат туризмни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ва бу борада ислоҳотларни изчил давом эттирилиши ижобий ҳолат бироқ, зиёрат туризмни инфратузилмасини ташкил этилиши бир томондан иқтисодий масала бўлса, иккинчи томондан инсонларни зиёратга бориши, руҳий қувват олиши, ўтганларни ҳақларига дуо қилиш билан биргаликда зиёратгоҳларда айrim бидъат, ширк амалларнинг кўпайиб бораётганлиги турли тушунмовчиликлар ва фитналарга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун зиёрат туризмни тарғиб қилишда маънавий, аҳлоқий, диний жиҳатдан асосланган маълумотларни мунтазам бериб бориш ҳамда зиёрат қилувчиларни зиёрат одоблари, зиёрат қилишнинг фазилатлари, савобли амаллардан эканлиги ҳақида ҳам тарғиботлар қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Исломий адабиётларда зиёрат қилиш, сафар қилиш одоблари ҳақида батафсил маълумотлар борилган. Жумладан, сафар уч хил фарз, фазилат ва мубоҳга бўлинади. Фарз сафари ҳаж қилиш, илм олиш, ота-она чақирса дарҳол бориш, зулмни бартараф этиш кабилардан иборат. Фазилат сафарининг тўрлари кўп. Рўзғор тебратиш учун тижорат ниятида ёки томоша ва қўнгил ёзиш учун сафар қилиш мубоҳдир. Сафарнинг фойдалари кўп. Ҳазрати Али (р.а) сафарнинг беш фойдасини баён қилган. Биринчиси, ғам андуҳни



кетказади; иккинчиси, тирикчилик сармояси ҳосил бўлади; учинчиси, илм ҳосил бўлади; тўртинчиси, одоб-ахлоқ мукаммалашади; бешинчиси улуғлар сухбатида бўлинади.

Исломий адабиётларда сафарнинг 15 одобига риоя қилган инсонларнинг зиёрати ибодат даражасида қабул қилиниши таъкидланган. Жумладан, мусоғир яхши ният қилмоғи керак. Ота-она ва яқинларидан рухсат сўралиши керак. Сафарга суннатга мувоғиқ қунларда чиқсан афзал. Ҳафтанинг пайшанба куни сафарга чиқиш маъқул. Бундан ташқари, зиёратгоҳ ҳудудига таҳоратли, сатри авратда бўлган ҳолда салом бериб кириш, марҳумларнинг ҳаққига Қуръон ўқиб, дуо қилиш вожиб амаллардан саналади. Зиёрат вақтида қабр тошларини ўпиш, уларни силаб юз-кўзга суртиш, қабр атрофини айланиб тавоф қилиш, шам ёқиш, зиёратгоҳ ҳудудидаги дарахт ёки ёғочларга латта парчаларини боғлаш жоиз эмас. Шунингдек, ҳозирги кунда аксарият ёшларнинг қабрларни ёнига суратга тушиши, уни босиб ўтиши тез-тез кузатилаётган ҳолатлардан бири бўлмоқда. Бундай ҳатти-харакатлар мумкин эмас. Афсуски, зиёрат қилувчилар бунга эътибор беришмайди ёки бу ҳақда билими йўқ. Зиёрат қилинаётган мухтарам зот ҳам Аллоҳнинг бир бандасидир. Шунинг учун ундан нажот тилаш ёки бирор ҳожатни сўраш, унга аatab жонлик сўйиш катта гуноҳдир. Қабр устига пул сочиш мумкин эмас, балки ҳар қанча хайрия, эҳсон бўлса маҳсус эҳсон қутиларига ташлаш тўғри бўлади. Зиёратдан сўнг, оҳиста чиқиб кетилади. Чиқиш вақтида қабрга таъзим қилиш мумкин эмас. Мақбара ёнида ўйин-кулгу, шовқин-сурон қилиш ёки ухлаб дам олиш мумкин эмас. Зиёратгоҳ ҳудуди озодалигини сақлаш, бошқа зиёратчиларга халал бермаслик ҳам зиёрат одобларидан саналади.

Мамлакатимизда зиёрат туризмини нафақат ички туризм доирасида балки, ҳалқаро зиёрат туризмни ривожлантиришда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йил 7-14 ноябрь кунлари Ўзбекистонда Малайзиянинг «Умумжаҳон Сўфийлар ташкилоти» ташаббуси билан «Hilal travel» сайёҳлик ташкилоти ҳамкорлигида ҳамда бевосита Вазирлар Маҳкамаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ва Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг, шунингдек Ташқи ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси кўмагида зиёрат туризми йўналишида «Нақшбанд туризм фестивали-2018» номли ҳалқаро тадбир ўтказилган. Ушбу ҳалқаро фестивал доирасида 18 давлатдан 170 яқин меҳмонларнинг ташрифи амалга оширилган (жумладан, Малайзия, Индонезия, Туркия, Буюк Британия, Янги Зеландия, Хитой, Хиндистон, Австралия, АҚШ, Замбия давлатларидан). Мазкур зиёратчилар орасида кўплаб жаҳонга машҳур олимларнинг бўлиши, айтиш



жоизки, бугунги кунда дунё хамжамиятининг Ўзбекистондаги зиёрат туризмига, хусусан, кўхна шаҳарларимиз ва юртимиздан етишиб чиқсан фозилу уламолар, донишмандлар, машойихлар ҳаёти ва асарларини ўрганишга ва ўз кўзи билан кўришга қизиқиши ниҳоятда баландлигидан далолат беради. Шунингдек, мазкур зиёрат доирасида хориждан нақшбандия тариқати вакилларининг келиши ва Бухоро шаҳрида «Етти пир» номи билан машхур бўлган Ҳазрат Абдухолиқ Гиждувоний, Ҳазрат Хўжа Ориф Ревгари, Ҳазрат Хўжа Махмуд Анжир Фағнавий, Ҳазрат Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбандий, Ҳазрат Хўжа Бобоий Самосий, Ҳазрат Хўжа Али Ромитоний ва Ҳазрат Абул Хафс Кабир ҳамда Ҳазрати Саййид Амир Кулол зиёратгоҳ-мажмуаларини зиёрат қилиши тариқат ғояларига мувофиқ келади. Нақшбандия тариқатида тариқат ғояларидан бири «Сафар дар ватан» бўлиб, унга кўра тариқатга кирган солик тариқат пирларнинг руҳониятларига боғланиш учун қабрларга зиёрат қилишга рухсат этилган. Бу тариқат раҳҳасини уч хил маънода тушуниш мумкин. «Ватанда сафар қилиш». Бу шиорда ҳар одимда аслига ва Ҳаққа сафар қилиш маъноси бўлиши кераклиги илгари сурилган. Нақшбандийлар таълимотида сафарнинг уч хил маъноси бор:

Биринчи маъно: Ер юзида ибрат учун сафар қилиш. Ер юзида сафар қилиш маҳлуқотларга назар солиш ила тушунчани кенгайтиради ва ибрат олишга сабаб бўлади. Шу билан бирга, банданинг назар орқали Аллоҳ таолонинг буюклигини англаб етишига ёрдам беради. *Иккинчи маъно:* етук муршидни ахтариб, сафар қилиш. Бу борада кўпчилик машойихлар ўзларига етук муршид ахтариб, диёрларни кезгандари мисол қилиб келтирилади. *Учинчи маъно:* соликнинг башарий сифатдан малакий сифатга ва ёмон сифатдан яхши сифатга сафар қилишидир. Маҳлуқотлар оламидан Ҳақ субҳанаҳу ва таоло томон сафар қилишдир. Бир ҳолдан ундан аълороқ бўлган ҳолга сафар қилишдир.

Умуман олганда, мамлакатимизда ички ва халқаро зиёрат туризми мухитини яратиш, туризм йўналишларини кенгайтириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлаш бўйича алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан, зиёрат туризмини ривожлантиришнинг маънавий-аҳлоқий асосларни такомиллаштириш бўйича куйидаги хулоса ва таклифларни бериш мумкин:

1. Зиёрат туризмини ривожлантириш учун зиёратгоҳларни тарихий жиҳатдан ўрганиш, асл манбаларда келган маълумотларни зиёратчиларга тақдим этиш лозим. Акс ҳолда, айрим зиёратчиларда нотўғри билимлар шаклланиб, ҳар хил бидъатлар кўпашига олиб келади.



2. Нақшбандия тариқатига юртимизда асос солинган. Ҳозирги кунда Малайзия, Индонезия, Туркия ва бошқа давлатларда 40 миллиондан ортиқ нақшбандия тариқати вакиллари истиқомат қилишади. Зиёрат туризмини ҳалқаро даражада ривожлантириш асосида «Нақшбанд туризм фестивали» ҳар йили ўтказиш мақсадга мувофиқ.

3. Зиёратни ташкил қилиш жараёнида аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларида имкон даражасида зиёрат қилиш одоблари ҳақида маълумотларни мунтазам бериб бориш лозим. Шу орқали зиёратчиларнинг билимларини ошишига ҳамда зиёрати ҳам ибодат даражасида бўлиши мумкинлигини тушуниб олишади.

ЧАШМАИ АЙЮБ ЗИЁРАТГОХИ.

Шодиев Ж.Ж. – БухМТИ Ижтимоий фанлар кафедраси, PhD



Бухоро шаҳрининг Сомоний номли истироҳат боғи яқинида жойлашган Чашмаи Айюб қудуғи шифобахш ҳисобланиб, бир замонлар ундан отилиб чиққан сув турли тери касалликларини даволагани учун ҳам бу манзил зиёратгоҳга айланган.

Ривоятларга қараганда, бундан 4-5 минг йил илгари Айюб пайғамбар алайҳиссалом Бухорога келган эканлар ва шу тепаликка асо (ҳасса) ларини бир урганларида чашма отилиб чиқиб, суви дардларга даво бўлибди. Шунинг учун ҳам маҳаллий уламолар бу жойни муқаддас деб ҳисоблаганлар.

Қуръони Каримда ҳам «Оллоҳума ас Собирин» Аллоҳ собирлар билан, яъни сабр-тоқат қилувчилар билан деган сўзлар ёзилган. Аммо кўпчилик бухоролик уламолар кўпгина қадимги қўлёзма асарларга таяниб, «Чашмаи Айюб» пайғамбар Айюб алайҳиссалом номлари билан боғлиқдир, - деб ҳисоблайдилар.

«Китоби назми Муллозода» ёзилишича, пайғамбар Айюб алайҳиссалом ҳам дунёни сайр қилиш ва ҳам касаллиги туфайли одамлар уни ўз юритида сифдирмагани учун йўлга чиқмоқчи бўлади. Аллоҳ таолодан рухсат бўлгандан кейин, Айюб Жайхундан ўтиб, Бухорога етиб келади ва шу жойда қарор топди. Шаҳар аҳли уни иззату икром билан кутиб олдилар. Пайғамбар Бухоро аҳли ҳақига уч дуо ўқиди: Бухоро ахлига хурсандчилик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин, барокат (фаровонлик) ни Аллоҳ таолло ато қилсин ва бу шаҳарда фитна-офат ҳеч бўлмасин деб дуо қилди.

Хуллас, Айюб алайҳиссаломнинг мунаvvар мозорлари Бухорода бўлиб, ўша жой маъруф (маълум) ва машҳурдир ва яна айтганларки, у мозорнинг аломатлари шундаки, у ерда бир дараҳт бор, қишда сазб (қўм-қўқ) бўлиб,



даражтнинг барглари санжид (жийда) дарахтнинг баргига ўхшайди, дарахтнинг остидан чашма оқадики, у биҳишт чашмалардандир. Ҳасан Басрий айтди:

*Бухорога етди Айюб алайҳиссалом,
Шаҳар аҳлига у эди азиз меҳмон.
Айтдилар у ҳақда яхши бир достон,
(Айюб) уларни яхши дуолар қилди,
Килинган бу дуолар мустажоб бўлди.*

Ҳадис илмининг донишманди, ўзининг «Бухоро тарихи» китоби билан шуҳрат қозонган Хўжа Ғунжор Варақа Бухорий ва событ имомлардан Ибн Арзбехлар ўз асарларида Ҳазрат Айюбнинг қабри айни замонда (Х асрда) Бухорода машҳурдир, бу қабр халқ оммасининг хурсандчилик сайлігоҳига айлангани ҳақида ёзганлар. «Китоби назми Муллозода»да бу қабр ҳақида Хўжа Ғунжор Варақа асаридан мисоллар келтириб, жумладан шундай ёзган: Бу мозорда бир дарахт бўлиб, у ҳамма вақт баҳордек гуллаб, сабз бўлиб турагар эди унинг барги жийда баргидек эди, унинг остида чашма бўлиб, сув равона бўлар эди.

Шундай қилиб, кўпчилик муаллифларнинг ҳикоя қилишича, Айюб пайғамбар алайҳиссаломнинг Бухородаги мақбаси қабри ва чашмаси (ҳозирги даврда қудуғи) муқаддас қадамжо бўлган. Ривоятларга қараганда Айюб пайғамбар Бухорога келган ва бир неча вақт у ерда бўлган «Чашмаи Айюб» деб аталган мақбара XII асрда қурилган. Унинг олд қисми XIV асрда Амир Темур Кўрагон фармони билан қурилган.

Ривоят қилишларича, Айюб алайҳиссалом шифо топган вақтларида Раҳима разияллоҳу анҳо ўзларининг шавҳарларига таом топиш учун кетган эдилар. Келган вақтларида кўрдиларки, Айюб алайҳиссалом ўз ўринларида йўқлар. Фарёд кўтариб, ҳар тарафга югурдилар. Айюб алайҳиссалом бир баландлик тепасига чиқиб турган эдилар. Раҳиманинг доду фарёдини эшитиб сўрадилар: «Эй заифа, нега мунча нолаю фифон қиласапсан?» Раҳима айтди: «Эй шайхи нуроний, менинг беморим бор эди, ўн саккиз йилдан бери унинг парваришини қиласиб эдим.

Ҳеч лаҳза унинг хизматидан фориғ эмасдим. Унинг учун таом келтиришга кетган эдим, ҳоло келиб уни ўз жойида тополмадим. Билмадим бўрилар еб кетдими, бошқа нарса бўлдими, менинг шунча қилган меҳнатларим зое кетди». Айюб алайҳиссалом табассум қилдилар. Раҳима ўз шавҳарларини таниб, келиб ўзларини унинг оёғи остига ташлаб, кўп шукроналар қилиб, машаққатли меҳнатларро ҳашатга айланди.



Саъд Ваққос разияллоху анхудан ривоят қиладиларки, Расул алайҳиссалом буюрдиларки, беморлик, хасталик Аллоҳдандир, модомики киши bemор бўлса, Аллоҳ таоло ҳар кун у bemорга етмиш шаҳиднинг савобини ато қилғай, токи bemорликдан сиҳат бўлса, гўё онадан таваллуд топгандай ўрнидан турғай Агар унинг қазоси етган бўлса, жаннатга дохил бўлғай. Чашмаи Айюб кириш дарвозаси (эшиги) да шундай лаҳв (лавҳа) ёзилган:

*Аввал биё зи Чашмайи эшонро зиёрат кун,
Даро дар равзаю Айюби Собирро зиёрат кун.
Агар осон нагардад мушкули ду жаҳони ту.
Бирав аз равзаю ба соқибе шикоят кун.*

Мазмуни: Аввал келиб эшоннинг чашмасини зиёрат қил, Равзаю Айюби Собирни кириб зиёрат қил, Агар сенинг икки жаҳон мушкулинг осон бўлмаса Равзадан чиқиб, ҳазрати Айюбдан Оллоҳ таолога шикоят қил.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоройи Шарифимиз азиз-авлиёларга бой заминдир. Дунёда маънавий инқирозлар юз бериб, глобаллашув авж олиб турган кунларда, ёшларимизни ақлан баркамол, жисмонан соғлом, ахлоқан пок қилиб тарбиялашда юртимиздаги қўплаб зиёратгоҳлар қатори, Бухоро шаҳрида жойлашган Чашмаи Айубга уларни олиб бориб, бу тарихий обида ва унинг билан боғлиқ Айюб пайғамбарнинг ибратли ҳаётини ёшларимизга тушунтиrsак, мақсаддага мувофиқ бўлади.

ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ ЗИЁРАТГОҲИ – ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ.

Муродов С. – БухМТИ, фалсафа бўйича PhD.

Тасаввуф аҳли орасида «Хожа Азизон» лақаби билан машҳур Хожа Али Ромитаний 1191 йилда Ромитанда таваллуд топганлар. Етти пирнинг тўртинчиси бўлган бул буюк зот шариат, тариқат ва маърифат, камолот босқичларидан ўтиб, ҳақиқатга етган шайҳтирлар. Мақомотлари ғоят олий, кароматлари бисёр, касблари тўқувчи бўлган. Ул зот ҳақиқатни шундай юксак даражада англаганликлари учун у кишига «Нури ҳақиқат шаҳпари» деб таъриф берганлар. Хожа Алиниг тўртта машҳур халифалари бўлган: Хожа Муҳаммад Кулоҳдўз, Хожа Муҳаммад Халлож, Хожа Муҳаммад Бовардий, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий.

Ҳазрат ўзларининг «Рисолаи Ҳазрати Азизон» асарларида олий илоҳий ҳақиқатга етишишнинг 10 та шартини келтирганлар: 1. Таҳорат (покланиш). 2. Тилнинг ношоиста (номаъқул) гаплардан тийилиши. 3. Хилват ва узлат. 4.



Рўза тутмоқ. 5. Зикр қилмоқ. 6. Хотирни сақлаш. 7. Ризо (розилик). 8. Ҳақ йўлдагилар сұхбатини ихтиёр этиш. 9. Бедорлик. 10. Ҳалол луқма. Бу 10 шартга риоя этган кишининг камолотга етиши муқаррар, деб ҳисоблаганлар.

Хожа Али Ромитанийнинг «Рисолаи Азизон» китоблари машхурдир. Бу китобни форс-тожик тилидан ўзбек тилига устозимиз, фалсафа фанлари доктори, профессор, Г.Н. Наврӯзова таржима қилиб, нашр эттирганлар.

Хожа Али Ромитанийнинг қўйидаги ҳикмат ва шеърлари машхур: «Агар ер юзида Абдулхолик Фиждувоний фарзандларидан бири бўлганда эди, Мансур Ҳаллож асло дорга осилмас эди».

*Ромитанга кел, Ҳаққа етмоқ истасанг,
Ромитанга кел, дўстни тутмоқ истасанг.
Кел, бошингдан оёқ ясад, аё дўст,
Гар Азизон руҳин шод этмоқ истасанг.*

Ромитанийнинг Кўргон қишлоғида табаррук зиёратгоҳлари бўлиб, мустақиллик шарофати билан обод қилинмоқда. Хожа Али Ромитаний «Рашаҳот»да ёзилишича, 1310 йилда, «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд»да таъкидланишича, 1321 йилда вафот қилганлар.

*Бирор билан суҳбат этдинг, ҳар сафар-
Қалбинг гаш бўлди-ю суҳбат-бесамар.
Азизоннинг руҳи кечирмас сени,
Ундаилар ёнидан қочмасанг агар.*

Хожа Али Ромитанийнинг ёзиб қолдирган ҳар бир мисралари Янги Ўзбекистонда яшаётган, ўқиётган, ишлаётган ёшларимиз учун тарбия ва ибрат мактабидир. Биз ижтимоий фан ўқитувчилари эса шу иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлайдиган устозлар эканимиздан фахрланамиз.

ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ.

Нурматова Н. – БухМТИ, Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

Бухоро шаҳрининг Эски шаҳар қисмида, Корхона маҳалласида Юсуф Ҳамадонийнинг қабри ва мозори бўлиб, бу ерга зиёратчи (асосан тўқувчи)лар келиб, зиёрат қилиб, ўзлари билан бўғирсоқ, нон ва шириналлик келтирадилар. Илгарилари бу ерда «арвоҳи пир» (Пирлар арвоҳини эслаш) маросими ўтказиб, қўй ёки мол сўйиб, қурбонлик қилганлар, нарзхўрларга пул улашганлар. Ҳалқ орасида «жума кунлари очик кўнгил билан келиб қулоқ солса, ҳовуз тагидан Юсуф Ҳамадонийнинг газмол тўқиётган дастгоҳининг овозини эшитишлари мумкин», – деган гаплар бор. Хўш, ҳалқ бу қадар эътиқод қиласидиган, яхши қўрадиган буюк пир Юсуф Ҳамадоний ким бўлган?



Шайх Абу Юсуф Яқуб бин Айюб Ҳамадоний ҳижрий 440 (милоднинг 1048) йилида туғилиб, ҳижрий 535 (милоднинг 1140) йилида вафот этганлар. Юсуф Ҳамадоний Бағдод, Исфаҳон, Бухорода таҳсил кўрган ва Ҳурросон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда зўр эътибор қозонган шайхлардан бири эди. «Тарихи Муллозода» китобида Юсуф Ҳамадоний Бухорода таҳсил олганини ва биринчи суфизм таълимотини Шайх Муҳаммад Исҳоқдан олганлигини таъкидлайди. Мир Алишер Навоий ўзининг «Насоимул муҳаббат» асарида «Хожа Юсуф Ҳамадоний кунияти Абу Яқубдир. Шайх Абу Исҳоқ они кичик ёшлиқ эканида кўп улуғ поялиғ асҳобига тақдим қилур эди ва кўп уламодин Бағдод ва Исфаҳон, Самарқандда Ҳадис истиъмо¹ қилди. Сўнгра барчани тарк қилди ва риёзат² ва муҳоҳадат³ тариқин илгари тутди» деб ёzádi.

В.В.Бартольднинг ёзишича, Мовароуннаҳрда XII асрдан бошлаб Юсуф Ҳамадонийнинг сўфийлик мактаби кенг тарқалган.

Тарихдан яхши биламизки, ўрта асрларда Бухоро ва Самарқандни душманлар ҳужумидан мудофаа қилишда, истилочилар зулмига қарши курашда ҳунармандлар қатлами фаол иштирок этган. Юсуф Ҳамадоний ҳам тўқувчилик ва этикдўзлик ҳунарини яхши эгаллаган ҳунарманд ҳам бўлганлар.

Юсуф Ҳамадонийнинг Ўрта Осиёдаги сўфизм мактаби бир хилда бўлмасдан, турли оқимлардан иборат эди. Масалан, Хоразмда турклар орасида ислом динини тарқатишда шуҳрат қозонган Ҳаким ота ёки Сулаймон Боқирғоний, кубравийлик тариқатига асос солган Шайх Нажмиддин Кубро, Бухорода Ҳожаи Жаҳон лақабини олган Абдулхолиқ Фиждувоний, Яссида (Туркистон шаҳри) да Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Ҳасан Андоқий кабилар айнан Юсуф Ҳамадоний мактабидан етишиб чиққанларига қарамасдан, уларнинг ҳар бири алоҳида мустақил тасаввуф тариқатларига асос солганлар.

Юсуф Ҳамадоний қадамжолари Бухородан ташқари Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларида ҳам мавжуд бўлиб, бу мозор ва қабрларнинг ҳаммаси рамзий қабрлар, яъни уларда Юсуф Ҳамадонийнинг жасадлари йўқ. Бундай рамзий қабрлар қадамжо, яъни буюк шайхнинг қадамлари етган жой бўлиб ҳисобланади. Шундай қабр ва мозорлардан бири Шовот (Хоразм обласи) яқинидаги Беш мерган қишлоғида жойлашган.

Юсуф Ҳамадонийнинг тасаввуфий таълимoti ҳаёт билан чамбарчас боғланган бўлиб, ўз издошларини меҳнатга, касб-хунар эгаллашга даъват этар эди. Шу сабабли бу оқим ўзларининг оғир ижтимоий ва иқтисодий

¹ Истимо - ўрганиш.

² Риёзат - зоҳидлик, дарвешлик.

³ Муҳоҳадат - мазҳаб



аҳволидан қутулишга ҳаракат қилган, дин ва тасаввуфдан нажот излаган омманинг талабларига жавоб берган. Юсуф Ҳамадонийнинг таълимоти асосан қуйидагилардан иборат: **Хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман.**

«Хуш дар дам» нинг маъноси шуки, ичкаридан чиқаётган ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур юзасидан бўлиши керак.Faflat унга ҳеч қачон йўл топмаслиги керак. Кишининг ҳар бир танасида онг, ақл-идрок бўлмоғи керак.

«Назар бар қадам» нинг маъноси шуки, назари доим оёқ панжаларининг устида бўлсин, токи унинг назари кераксиз жойга тушмасин, яъни босган ҳар бирқадамида диққат эътибор бўлмоғи керак.

«Сафар дар ватан»нинг маъноси шуки, Солик (тариқат йўлида юрувчи) одамийлик сифатидан фаришта сифатига ўтади, ёмонлик сифатидан яхшилик сифати томон кўчади. Кўпгина сўфийлар сафар қилиб, бирорта азиз (пир) хизматида бўладилар. Агар ўз юртларида шундай азизни топмасалар, тарки сафар қилиб, бошқа юртдаги пир хизматида бўлишади, малака ҳосил қилғанларидан эса уларга сафару муқимлик баробар бўлиб қолади. «Сафар дар ватан» рашҳасида солик ўз ватанини эсдан чиқармаслиги керак, – деган гоя ётиби.

«Хилват дар анжуман» – зоҳиран ҳалқ билан, ботинан Аллоҳ (Ҳаққ) билан бўлиб, ҳаёт кечирмоғи керак, деган ғояга асосланади. Юқоридаги тўрт ақидага Абдулхолик Фиждувоний яна тўрт ақидани – талабни қўшади: **Ёдкард** – бу тил ва дил зикри бўлиб, «Ло илоҳа иллаллоҳу Мухаммадур Расуллуппоҳ»ни уч марта дилда айтиш, яъни зикр этиши. **Бозгашт** – ҳар хил фикрлардан халос бўлиш, ташқи оламдан ажралишга интилиш. Бунда калимайи тойибони неча марта айтса ҳам хаёлни бошқа нарсага бўлмаслиkdir. Бу фикрни диққатни бир жойга тўплашга ёрдам беради. **Нигаҳдошт** – ҳар хил фикрлардан халос бўлиш, хаёлни бошқа нарсаларга бўлмаслик. Бунда хаёл қуввати ўз амалидан қолиш малакаси ҳосил бўлади. **Ёддошт** Аллоҳ билан доимо бирга эканлигидан завқ олишдир. Ёддошт ҳосил бўлганда ҳақ муҳаббати кўнгилни қамраб олдаи, ҳузур баҳш этади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари эса, ўз навбатида қуйидаги уч талабни қўшадилар: **Вуқуфи замоний** – солик (тасаввуф тариқатини пайрови, зоҳид, обид) ўз йўлида ҳар вақт, ҳар бир нафаси Аллоҳга шукроналик ва узр айтмоқдан воқиф бўлиши керак. **Вуқуф ададий** – бу талаб илоҳий илм марта басининг бошланиши саналиб, «Ло илоҳа иллаллоҳ» калимасини такрорлашдан мақсад уни кўп айтиш эмас, балки ҳақиқатни англаш ва зикр тоқ сонни ташкил этишга эътибор бериш. **Вуқуфи қалбий** – айтилган зикрдан қалбнинг тўлиқ огоҳ бўлиш.



Юсуф Ҳамадоний мозорида кузда ҳосил олингач ҳосил байрами бўлар эди. Бу сайлга кишилар бутун оиласари билан қишлоқма-қишлоқ бўлиб келар эдилар. Улар ўзлари билан бирга қозон-товоқ, озиқ-овқатларни ҳам келтирганлар. Сайлда мусиқачилар, машшоқлар, дорвозлар, масхарабозлар, қўнғирчоқбозлар келиб ўйинлар кўрсатар эдилар. Турли хил мусобақа ўйинлари (кураш, қўчкор уришириш) бўлиб тураг эди. Юсуф Ҳамадоний қабри ҳақида Алишер Навоий шундай ёзадилар:

«Юсуф Ҳамадоний сафарда, йўлда дафн қилдилар, неча вақтдан сўнгра Марвгача нақл қилдилар ва мозори Марвдадур»¹.

Шундай қилиб, Юсуф Ҳамадоний рамзий қабри Ўрта Осиёнинг турли шаҳар ва қишлоқларида мавжуддир. Ҳожагон-нақшбандия тариқатининг буюк 7 Пирларининг устозлари бўлмиш – Юсуф Ҳамадонийнинг Бухоро шахридаги қадамжолари – биз учун маънавият булоғидир. Биз устозларнинг бундай зиёратгоҳларга уюштирадиган саёҳатларимиз ёшларимиз учун камолот пиллапоясида юқорига қараб қўйилган бир қадам бўлиб хисобланади.

КЎҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО ОБИДАЛАРИ – МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАСИ.

Бердиева Г.А. – БухМТИ доценти, т.ф.н.

Барчамизга маълумки, Бухоро ҳамиша қадимий ва навқирон гўзал шаҳримиздир. Бухорода жуда қўп қадимий тарихий обидалар мавжуд. Улар бизнинг миллатимизнинг фахри, ғуруридир.

Тарихий ҳақиқатни тиклаш давлат сиёсати даражасида белгиланди. Бу ҳаётий зарурат эди. Чунки ўз озодлигини, эркини қўлга киритган халқ кўп асрлар давомида босиб ўтган тарихий йўлини аниқ билиши, буюк аждодлари меросидан тўла баҳраманд бўлиши керак эди. Бу миллатимизнинг ўзлигини англаб етиши, истибдод даврида топталган ғурурини тиклаши, юксалтириши, мамлакатимизнинг келажак йўлини белгилаб олиши учун хизмат қиласади.

Юртимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуслари билан юртимиз тарихий обидаларини авайлаб асрар, уларни янада ободонлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шунингдек туризмни ривожлантириш вазифалари белгилаб берилди. Тарихни ўрганиш миллатни эъзозлаш ва ўзликни англашдир. Бухородаги ҳар бир тарихий обиданинг

¹А.Навоий XV том, 1968 ,123-124 бетлар



тариҳи ва уларни зиёрат қилишнинг ўз фазилати бор. Биз уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Исмоил Сомоний мақбараси - Бухородаги кўхна меъморий ёдгорлик (тахминан 864-868 йй.) Сомонийлар давлати нинг асосчиси Исмоил Сомоний ва унинг авлодлари мақбараси. Исмоил Сомоний 4 томони бир хил чордара шаклида, жимжима ғиштин безаклари чивиқли тўсиқ ёки қамиш, буйра тўқимасини эслатади. Бино ичкариси ташқаридаги безак билан узвий боғлик бўлиб, услугуб жиҳатдан бир хил. Ички девор гумбаз ости бағалидаги устмавуст равоқчалар устунчаларга таянган. Равоқчалар 8 қиррали гумбаз асосини ташкил қиласи. Қирралар бурчагига гумбазга тиргаклик қилувчи устунчалар ишланган.

Археологик қазилма вақти 1927 йилда хона саҳнида 2 ёғоч сағона борлиги аниқланган. Ёзма манбалар ва ривоятларга кўра, мақбарани Исмоил Сомоний отаси қабри устига қурдирган. Шарқ томондаги сағона Исмоил Сомоний қабри (849-907 йй.) деб тахмин этилади. Наршахий Бухоро тариҳи китобида Исмоил Сомонийнинг ўғли амир Аҳмад ўз қўллари томонидан ўлдирилган ва мазкур мақбарага қўйилган деб ёзади. Исмоил Сомоний мақбараси шаҳар маданият ва истироқат боғи худудида жойлашган. Исмоил Сомоний мақбараси лойиҳасидан тортиб, ҳажмий тузилишигача геометрик тартиб ва қоида асосида яратилганлиги аниқланган. Уни зиёрат қилган инсоннинг руҳияти покланиб, қалби равшанлашади, хонадони саранжомланади, сайқалланади деган нақллари бор.

Яна бир дунё гавҳарларидан саналган Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси - шайх Баҳоуддин Нақшбанд мозори ёнидаги ҳазира - ансамблидир. Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси Бухоро вилоятида, XVI-асрда бунёд этилган. Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси даҳмалар, яъни Даҳмаи шоҳон ва Баҳоуддин даҳмаси, мақбара, 2 масжид, сақохона, ҳовуз, қудук, минора, Мадраса ва Абдулазизхон хонақоҳидан иборат. Мажмуа кичик гумбазли чорток дарвозаҳонадан бошланади. Дарвозадан ўтгач, ўнгда кичкина масжид, чап томонда зиёратчилар учун турли бинолар бўлганлиги маълум. Йўл давомида чапда хонлар мозори – Даҳмаи шоҳон жойлашган. Даҳмаи шоҳон тўғри тўртбурчак тарҳли, баландлиги 2.5 метр, усти кулранг мармар билан қопланган. Унда мармар ўймакорлиги, хаттотлик санъатининг ажойиб намуналари мавжуд. Мармарларга токчалар, устунчалар, шарафалар, сарв сурати ва бошқа безаклар ўйилган, нақшлар баъзида ёзувлар билан аралаш учрайди. Даҳмаи шоҳондан ўтган йўлак нафис безатилган пештоқقا олиб келади. Пештоқнинг икки табақали эшигига «бағдоди» ва «гули нав» усулида нақшлар ўйилган. Пештоқнинг эшигидан ўтилгач, ўнгда гумбазли мақбара



бор, лекин унга ким дафн қилинганлиги номаълум. Чапда - кираверишда 6 устунли соддагина, олди айвонли Музafferхон масжиди жойлашган. Масжид ёнига 2 устунли Ҳаким қушбеги масжиди тушган. Масжид меҳробида ажойиб мужассамотли намоён бор. Унинг жанубида нақшдор, шимолида нақшсиз айвонлар бор. Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси мармар қопланган каттагина мурабба тарҳли супа бўлиб, атрофи чиройли мармар панжара билан ўралган. Баҳоуддин даҳмаси билан ҳовуз оралиғида қудук, унинг ёнидаги чиройли шиййондан қадимда зиёратчиларга турли шакли идишларда «муқаддас» сув улашилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидақ бошланган хайрли ишлар Республикаизда бугун ҳам давом этмоқда. Шаҳрисабз шаҳрида, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм, Бухоро вилоятларидағи тарихий ёдгорликларда олиб борилаётган қайта қуриш, таъмирлаш, бунёдкорлик ишлари шундан дарак беради. Шубҳасиз, тарихни ўрганиш, тарихнинг бир қисми бўлган ёдгорликлар, обидаларни қайта қуриш, таъмирлаш бундан кейин ҳам давом этади, тарихнинг келажак пойдевори сифатидаги мавқеи ошаверади.

Ҳар бир инсон пири устозимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг Дил ба ёр-удаст ба кор деган нақлларига амал қилсак турмушимиз янада фаровонлашади, ишимиз бароридан келади, юртимиз равнақ топади.


АНЖИР ФАҒНАВИЙ ЗИЁРАТГОҲИ – ЁШЛАР УЧУН ТАРБИЯ ЎЧОҒИ.

Ғафуров Д. – БұхМТИ, фалсафа бүйича PhD.

Ўзбекистон Республикасидаги тарихий шахарлар ва муқаддас зиёратгоҳларга саёҳатлар ташкил этилиши – талаба-ёшларни Ватанга янада мұхаббатли бўлишларига, тарихий хотираси кучайишига, маънавий жиҳатдан юксалишларига самарали таъсир кўрсатади.

Шундай зиёратгоҳлардан бири – хожагон-нақшбандия тариқати Етти Пирларининг учинчиси бўлмиш Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағнавий мажмуаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур Пир хожагон тариқатининг учинчи пири бўлиб, Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Анжир Фағний (бугунги кунда Анжирбоғ) қишлоғида таваллуд топганлар.

Ҳазрат тариқатни давом эттириш билан бирга Вобкент Жомеъ масжидида кўп йиллар халқни иршод қилганлар ва айни дамда касблари гилкорлик (кулолчилик) бўлган. Ул зотнинг Сайийд ва Умар номли икки ўғиллари бўлган. Маҳмуд Анжир Фағнавий илми қол ва илми ҳолни Ҳазрат Ҳожа Ориф Ревгаридан ўрганганлар. Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнул



ҳаёт» китобларида ёзилишича, Хожа Али Рометаний Хизр а.с.дан: «Шу аср уйёнда пир деб кимнинг этагидан тутса бўлади?» – деган саволига Хизр а.с. ул зотга Хожа Маҳмудга мурид бўлишни тавсия қилган эканлар.

Яна «Рашаҳот»да ёзилишича, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан Мир Кулолгача ўтган хожагон-нақшбандия тариқати машойихлари хуфиёна зикр билан жаҳрия (баланд товуш билан зикр этмок) зикрига баравар амал қилишган. Хожа Баҳоуддин эса хуфиёна зикрни давом эттирганлар.

Замонасининг буюк олимларидан бири Ҳофизуддин ҳазратлари бир куни хожа Маҳмуд Фағнавийдан «зикри жаҳрияда ҳақиқий билан соҳтасини қандай ажратиш мумкин?» деган саволига: - «Жаҳрий зикри дилни ёлғондан, гийбатдан, ҳаром луқмадан, қалбни шубҳадан, қўзни хиёнатдан ва ҳаром нарсаларга боқищдан, кўнгилни риё ва манманликдан, ботинни мосиводан тозалаганлар бажара оладилар» деб жавоб берадилар. Фағнавий фикрича, ошкора ёки хуфия зикрдан мақсад бир бўлиб, ҳикмат, маслаҳат ва ҳолат зарурати ҳар икки хил зикрда ҳам мавжуддир, бироқ сайру сулук махфий зикрда асосланган.

«Мақомоти Хожа Абдулхолик Ғиждувоний» китобида дейилганки, ҳар гал Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий: «Ё Раббим!» – десалар, Аллоҳ таолодан: «Лаббайка, ё абди!» (Лаббай, эй менинг бандам!) деган жавобни бевосита эшитардилар. Манбаларда ёзилишича, Оллоҳ Таоло Хожа Маҳмудга қўплаб кароматларни ато этган экан. Ул зот шариф зарурат бўлганда улкан күш шаклига кириб учарканлар ва керакли манзилга бир зумда бориб етарканлар.

Бул зоти шариф XIII асрда яшаб ўтганлар ва 1286 йил вафот қиласидилар ва у кишини туғилган қишлоқларида дағн қиласидилар. Зиёратгоҳ шўролар замонида жуда қаровсиз аҳволда бўлиб, у ердаги масжид колхоз омборига айлатирилган эди. Истиқлол шарофати билан умумий ер майдони 1,5 гектарни ташкил этадиган худудда ободончилик ишлари амалга оширилди ва ҳашар йўли билан Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий мақбаралари таъмирланди, 300 кишини ўзига сифдирадиган уч айвонли янги Жомеъ масжид, ҳовуз, дарвозахона, меҳмонхона, замонавий таҳоратхоналар қуриб битказилди.

Мустақиллик йилларида, хусусан, янгиланиб бораётган Ўзбекистонимизда масжид ҳовлисида манзарали ва мевали дарахтлар ўтказилиб, боғ-роғлар ташкил қилинди. Зиёратчилар учун барча қулай шартшароитлар яратилди. Ушбу зиёратгоҳнинг юртимизда туризмни ривожлантиришда алоҳида ўрни бор.



ҚАДИМИЙ ВА МУҚАДДАС ВАТАНГА ЭЪТИБОР.

Бердиева Г.А. – БухМТИ доценти, т.ф.н.

Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари бой илмий-тариҳий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини оширишни ва малакали кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Бухоро жуда кўп қадимий зиёратгоҳ ва қадамжоларга бой маскандир. Дунё маржонлари қад кўтарган жаннатмакон ердир. Бухорода жуда кўп қадимий ёдгорликлар, мавзелар мавжуд. Биз уланинг бунёд болиш тарихини, уларни зиёрат қилиб, авайлаб асрashingиз зарур.

Тарихий маданий меъморий обидаларимиздан бири Мағоки аттори масжиди ҳисобланади. Мағоки аттори масжиди Бухородаги X-XVI-асрлар меъморий ёдгорлигидир. Мағок чуқурликда ва Аттор бозори яқинида жойлашгани сабабли Мағоки аттори масжиди деб номланган. Қадимда IX-асрда 4 устунли Моҳ масжиди ўрнида XII-асрда эски лойиҳа асосида қайта қурилган. Бу 1934 йилда археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган. XIV асрда таъмирланган, 15 асрда пештоқининг юқори қисми бузилган. Абдулазизхон даврида, яъни 1541-1942 йилларда бинонинг юқори шеми, гумбазлари қайта қурилган. Масжид тарҳи $13,35 \times 17,6$ метр содда ечимга эга, ичкариси 6 устунли, 12 гумбазли, ўрта гумбази баландроқ бўлиб, унинг асоси, пойгумбазидаги дарчалар орқали бино ичига ёруғлик тушади. Шарқий қисмини кенг пиллапояли зина эгаллаган. Бош тарзида пештоқ ғайриодатий равища бинонинг ён томони жанубида жойлашган. Кейинчалик шарқий қисмiga қайта қурилган. Пештоқининг кўринишида ёйсимон чуқур равоқ ва ундаги ўзига хос безаклар муҳим ўрин тутади. Ганч ва майдада ғишт бўлакчаларидан безатилган пештоқ ҳашами г‘оятда нафис ва юксак бадиий дид билан бажарилган. Намоён ўлчамларига мутаносиб равища мураккаб бўртма безаклар ишланган. Устун гўшалари ўйма нақшлар билан, бошаси вазасимон шаклда кўркамлаштирилган. Мағоки аттори



масжиди ҳисобланади. Унинг безаклари XII-аср Бухоро меъморлик мактабининг юксак намунаси сифатида Ўзбекистон меъморлик тарихида алоҳида ўрин тутади. 1939-1949 йилларда пештоқи таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилган.

Бухоро шаҳрида жойлашган Улуғбек мадрасаси Муҳаммад Тарағай Улуғбек томонидан бунёд этилган. У Амир Темурнинг кенжаси Шоҳрухнинг тўнгич ўғли бўлиб, 1394 йил 22-мартда Эроннинг Султония шаҳрида туғилган. У 1409 йил отаси Шоҳрухнинг ёрдамида Мовароуннаҳр таҳтини эгаллайди ва у ерда 40 йил, 1449 йилгача хукмронлик қилган. У буюк олим бўлиб, астрономияга оид «Зижи жадиди Кўрағоний» асарини, тарихга оид «Тўрт улус тарихи» асари ва мусиқага оид 5 та рисола ёзган. Мадраса қурилиши ўрта асрларнинг сўнггига тўғри келади. У 15 асрнинг биринчи чорагида, яъни 1417 йилда қуриб битказилган. Темурийлар сулоласи хукмронлиги даврида бунёд этилган бу обида Бухоро шаҳрининг эски шаҳар қисмида, Абдулазизхон мадрасаси рўпарасида бунёд этилган.



Мамлакатимизда бу тарихий обидаларга эътибор бугунги кунда яна ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Бу эса албатта четдан келадиган меҳмонларни ўзига янада қўпроқ жалб этмоқда. Ички туризмни ривожлантиришда эса, ҳар бир муассаса ва ташкилотнинг ўзи масъулдир.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИДАН ЧИРОЙ ОЧГАН ЗИЁРАТГОХ.

*Ҳамроев А. – БухДУ «Қатагон қурбонлари хотираси»
музейи директори*

Мустақиллик ўзбек халқининг маънавий уйғониши учун тўла имконият яратди. Юрт тарихи, маданият-маърифат, эътиқод масалаларига эътибор, диний арбоблар ва уларнинг илмий-маданий меросига муносабат ижобий томонга ўзгарди. Халқнинг азалий урф-одатлари, маънавий қадриятлари унга қайтариб берилди.

Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимизга эътиборнинг кучайланлигини туман ҳокимлиги томонидан «Абдулхолик Фиждувоний таваллудининг 890 йиллигини нишонлаш тўғрисида» № 266 қарори. (1993 йил 11 октябрь) да ҳам кўришимиз мумкин. 2003 йилда Хожаи Жаҳоннинг 900 йиллик юбилейи кенг нишонланиб, унга хорижий мамлакатлардан давлат ва жамоат арбоблари, йирик олимлар, ёзувчилар, мусиқачилар, санъаткорлар келдилар. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, 1994 йилда юртимизда буюк олим ва давлат арбоби Мирзо



Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Шу муносабат билан Фиждувондаги Улуғбек мадрасасини асл ҳолига келтириш учун маҳсус лойиха ишлаб чиқилди. 1993 йил март ойидан 1994 йил сентябрига кадар таъмирлашишлари жадал суръатда олиб борилди. Ўзбекистон ёдгорликларни кайта таъмирлаши дораси ансамбль таъмири учун 1 миллион сўм пул ажратган. Саудия Арабистонининг Ўрта Осиё бўйича элчиси Абдулқодир Муҳаммад Акбар эса 9 минг 500 доллар ҳадя этган. Бу пул эвазига амалга оширилган таъмирлаш натижасида узоқ йиллар қуриб битказилмаган 10 та хужра ва мадраса ҳовлиси, унинг ғарбидаги катта меҳроб тўлиқ таъмирланди.

Фиждувон шаҳар ҳокимлигининг 1994 йил 12 июнь 137-А қарори билан Жомеъ масжиди ҳудудида суратхона, совғалар ва китоблар дўкони биноларини қуриш учун 40 кв. Метр бўш ер майдони ажратилган.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг миллий-диний қадриятларига йўл очилди. Виждон эркинлиги тўғрисидаги Қонун эълон қилинди. Фиждувон аҳли ҳам замон билан ҳам қадам бўлиб, ўз ҳақ-хуқуқларини таний бошладилар. Фиждувон шахри марказидаги қадимий Жомеъ масжиди (XIX аср) мавжуд бўлса-да, кичик бўлганлиги туфайли одамларни сиғдира олмай қолган эди. Шу сабабли намозхонлар илтимосини инобатга олиб, Жомеъ масжидининг ёнида яна битта янги масжид биноси қуришга рухсат беришларини сураб қилинган илтимос Фиждувон шаҳар ҳокимлиги томонидан ижобий ҳал этилган¹. Фиждувон шаҳар ҳокимининг 1996 йил 3 январь 2 қарори билан Жомеъ масжидидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида унинг ёнида қўшимча бино қуриш учун 400 кв. метр ер майдони ажратилган. 2003 йил қайта таъмирлаш мақсадида ушбу масжид ҳам бузиб ташланган. Ҳозир ҳар иккалаянни, XX аср бошида қурилган ва 1996 йилда хайрия ҳисобидан қурилган жомъе масжидлари ўрнига 1000 дан ортиқ кишига мўлжалланган замонавий Жомъе масжиди қад ростлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев вилоятимизга ташрифлари чоғида Абдулхолик Фиждувоний, Ориф Ревгари, Маҳмуд Фагнавий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Сайид Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаларини ўз ичига олган «Етти пир» зиёратгоҳларини замон талаблари даражасида реконструксия қилиш ва уларни боғловчи янги сайёҳлик йўналишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эдилар. Яъни, юртбошимиз ташабbusлари билан, юртимизда зиёрат туризми жорий қилинди. Шунга мувофиқ, «Етти пир» зиёратгоҳларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

¹ Асос: Фиждувонтумандавлатархиви, Ф. 291, Д.1.



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввух таълимотининг ўрни ва аҳамияти



Жумладан, Абдулхолик Ғиждувоний мажмуасида янги масжид ва ёзги айвон, ҳазира ёдгорлиги ва зиёратгоҳ қошида меҳмонхона қурилмоқда, мажмуа атрофи обод қилинмоқда.

Мухтарам Президентимиз: «**Пирлар таълимотини китобда ўқиш бошқа, зиёрат қилиб, юракдан ўтказиб ўрганиш бошқа. Бу жой маърифат маркази бўлиши, одамлар ўзига илм олиб кетиши керак**», – дедилар.


Етти пир мажмуаларидаги бунёдкорлик ишлари, улуғ алломаларимиз меросини жаҳонга кенг тарғиб этиш ва бу ерга келувчилар учун барча қулайлик яратиш ишлари ягона концепция асосида олиб борилмоқда. Зиёратгоҳлар атрофи ихоталаниб, таҳоратхона, масжид, меҳмонхона, чойхона, музей, автомобиллар тўхташ жойлари, эсадлик буюмлари ва китоб расталари барпо этилмоқда, худудлари ободонлаштирилмоқда.

Энг муҳими, Президентимиз ғоялари асосида юртимизда ички туризм – турли вилоятлардан ташриф буорадиган сайёҳларни «Етти пир» зиёратгоҳлари ва қадимий обидалар бўйлаб тизимли асосда саёҳатга олиб чиқиши йўлга қўйилди. Концепцияга асосан, юбилейга келадиган ҳалқаро миқёсдаги меҳмонлар «Етти пир» зиёратлари битта йўналишдан - Хожа Абдулхолик Ғиждувоний мажмуасидан бошланади.

Давлатимиз раҳбари Етти пирлар ҳақида китблар яратиш, уларнинг илмий меросини тарғиб этиш зарурлигини ҳам таъкидладилар: «Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукаммал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсад - ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин», – дедилар Президентимиз.

Мамлакатимизда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар мақбаратарини обод қилишга қаратилаётган эътибор ҳалқаро миқёсда тан олинмоқда. Хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISESCO томонидан 2020 йилда Бухоро шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдифидир. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳалқаро тадбирни А.Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги; Б.Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги билан ҳамоҳанг нишонлаш, ҳалқаро илмий конференция ўтказиш бўйича қўрсатмалар бердилар.

Хуллас, юртбошимизнинг барча қўрсатмалари бугунги кунда амалга татбиқ қилинмоқда. Хожаи Жаҳон мажмуаларида ҳалқаро миқёсдаги, олий даражадаги меҳмонлар ва юртимизнинг турли гўшаларидан келиши кутилаётган зиёратчилар учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.



А.Фиждувоний мажмуасида янги масжид, ёзги айвон, хазира ёдгорлиги, таҳоратхона ва меҳмонхона қурилиб, зиёратчиларнинг дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун ўриндиқлар, фавворалар, чорбоғлар ва ям-яшил кўнгилочар майдончалар барпо қилинди.

Биз зиёли инсонлар ўз фарзандларимиз ва қўлнимизда таҳсил олаётган талаба-ёшларни вилоятимиздаги Етти пир зиёратгоҳлари, қолаверса бутун Ўзбекистондаги зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжолар тарихини ёзиб, ёшлар ўқишилари учун тақдим этсак ва талабаларимизни экспурсияларга олиб бориш ва айнан ўша масканларнинг ўзида тарихини гапириб берсак, уларнинг тарихий хотираси ва Ватанга, буюк аждодларимизга бўлган меҳрини янада кучайтиришга ҳисса қўшган бўлар эдик.


БУХОРОЙИ ШАРИФ: КЎҲНА ТАРИХ ВА ДИН ТИМСОЛИ.

Рахмонова М. – Бухори шарифининг тарихи

Дунёда муқаддас ва мўътабар юртлар, шаҳарлар кўп. Лекин уларнинг орасида асрлар давомида тарих синовларидан муваффақиятли ўтиб, шарифлик, буюклик мақоми ва қиёфасини йўқотмасдан, келажак сари дадил интилиб келаётганлари кўп эмас. Қарийб уч минг йиллик тарих ва тараққиётни ўзида мужассам этган Ўзбекистонимиз заминида шундай улуғ шаҳарларнинг борлиги, юритимизнинг Ислом цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган диёр эканлиги билан ҳар қанча фахрлансак, ғуурлансак арзиди.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг мустабид тузум даврида қаровсиз ташлаб қўйилган муқаддас қадамжолар обод қилинди, азизавлиёлар, аллома зотларнинг муборак номлари, илмий ва диний мерослари, қадимий меъморий обидалар тикланди. 1997 йили Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Истиқлол йилларида бу қадимий юрт ва унинг мард, олижаноб халқи шарафига «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуаси барпо этилди. Бугунги кунда бу обида Бухоронинг рамзларидан бирига, шаҳар аҳли ва меҳмонлари талпинадиган, зиёрат қиласиган қутлуғ масканга айланиб қолди.

Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташабbusлари билан буюк аждодларимиздан қолган маданий меросни асраб-авайлаш ва чуқур ўрганиш, улуғ авлиёлар қадамжолари ва зиёратгоҳларини ободонлаштириш, муқаддас динимизнинг асл мазмун-моҳиятини бутун дунёга ёйиш каби савобли ишларда салмоқли қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, 2016 йилда Тошкентда «Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл»



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввув таълимотининг ўрни ва аҳамияти



мавзуида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси бўлиб ўтгани, Термизда Имом Термизий, Самарқандда Имом ал-Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказларининг, 2018 йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказининг ташкил этилганлиги, Осиё ва Евроосиё минтақасида ягона бўлган Ўзбекистон халқаро Ислом Академиясининг Тошкентда фаолият қўрсатаётгани – фикримиздалидири.

Бухоронинг ҳар бир тарихий обидаси халқимизнинг буюк заковати ва салоҳиятидан, илму маърифатидан, маънавияти ва маданиятидан, фалсафаси ва дини равнақидан далолат беради. Айниқса, Бухорои Шарифнинг азалдан ислом маданияти ривожига қўшиб келаётган бекиёс ҳиссаси, юртимизда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар илмий-диний меросини оммалаштириш, зиёратгоҳларини обод қилишга қаратилаётган эътибор халқаро миқёсда тан олинмоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича нуфузли халқаро ташкилот - ISESCO томонидан 2020 йилда Бухоро шаҳрининг Ислом олами маданияти пойтахти деб эълон қилингани - шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўрсатмаларига биноан Xожаи Жаҳон таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги нишонланди.

Бухоро вилояти зиёрат туризми бўйича катта имкониятларга эга. Сўнгги йилларда ана шу тармок ривожига берилаётган юксак эътибор туфайли Бухоро юртимизнинг туризм марказларидан бирига айланиб бормоқда. Буни кейинги икки йилда вилоятга 2,5 миллиондан зиёд турист келиб-кетгани факти ҳам тасдиқлайди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳозирги янгиланиш даврида Бухоро вилояти ҳам ўзининг янги тарихий даврига қадам қўймоқда.

Айниқса, мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилаётган сўнгти йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Бухоронинг маданий, маънавий-маърифий ривожланишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Кўплаб масжид ва мадрасалар, тарихий обидалар қайта таъмирланди, ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Азалдан «Етти шариф юртдан бири», «Қуббатул ислом», яъни «ислом динининг гумбази», бошқача айтганда, «ислом динининг қуввати» деб тан олинган Бухоройи Шарифнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISESCO томонидан 2020 йилда Ислом олами маданияти пойтахти сифатида эълон қилиниши унинг



исломий ва тасаввуфий марказларидан бири эканлигининг яна бир карра жаҳоншумул эътироф этилганлигининг далили бўлиб ҳисобланади. Хусусанхожагон-нақшбандия тариқатининг етти буюк пирлари ўгитларини теран англаш, тушуниш, уларнинг руҳи мангу ором олаётган мажмуалар ва қадамжоларни зиёрат қилиш – ҳар бир ватандошимиз онги ва қалбида Ватанга муҳаббат, буюк ислом ва тасаввуф вакилларига хурмат ва эътибор қаратиш ҳамда исломий-тасаввуфий ғояларини қалбимизда жо этишга хизмат килади.

ТУРИЗМ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҚЛАРИДАН БИРИ.

*Султонова Л. – БухМТИ «Ижтимоий фанлар кафедраси» катта
ўқитувчиси*

Бугунги қунда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан қўзланган пировард мақсад мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик обьектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар катта аҳамият бермоқдалар. «Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган туризмни, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, янада такомиллаштириш даврнинг тақозосидир», – деди Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу кўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиши жуда катта. Соҳани янада ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт.

Мамлакатимизда туризмнинг янги истиқболлари очилиб, турли йўналишларда кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда альпинизм, отда, туюда, велосипедда саёҳат қилиш, off-road сайёҳатлари, балиқ ови, рафтинг, хелиски, геотуризм, таълим туризми, тиббий туризм каби янги сайёҳлик йўналишлари оммалашмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни тъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони туризм тармоғини жадал



ривожлантиришни таъминлаш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишда муҳим омил бўлмоқда. Фармонда белгилаб берилган мақсадли вазифалар ҳамда устувор йўналишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекстон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон туризм салоҳиятини комплекс ривожлантиришга қаратилган 16 норматив-хукуқий хужжат қабул қилинди. Ушбу хужжатлар асосида туризм соҳаси субъектларига сезиларли солиқ ва божхона имтиёzlари ҳамда бошқа енгилликлар тақдим қилинди.

Мамлакатимиз туризм тармоғини Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ISO) талабларига мос келишини таъминлаш мақсадида туризм терминологияси ва меҳмонхона хўжаликлари хавфсизлиги талаблари бўйича янги 2 та давлат стандарти ишлаб чиқилди ва рўйхатдан ўtkазилди.



Булардан ташқари, Президентимизнинг тегишли қарори билан худудларда туризм соҳасининг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳамда Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ҳокимларининг туризм масалалари бўйича ўринbosарлари лавозими жорий этилди.

Ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбари топшириқлари асосида Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жizzах ва Фарғона вилоятларида туризм инфратузилмасини яхшилаш, янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этиш ҳамда худудларнинг туризм салоҳиятини кенг тарғибот қилишга қаратилган дастурлар қабул қилинди. Жумладан, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сайёҳлар учун куну тун фаолият кўрсатувчи, ҳар бирининг ҳудуди 10 гектардан иборат «Қадимий Бухоро» ва «Самарқанд сити» туризм худудларини барпо этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Тошкент вилоятининг Бўstonлиқ, Паркент ва Оҳангарон-Ангрен туризм кластерлари худудларида меҳмон уйларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва бугунги кунда амалиётга жорий этилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 16 авгуstdаги «2019-2021 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Қарорга қўра, соҳа олдида турган муҳим масалалар ечимиға бағишланган алоҳида дастур тасдиқланди ва унинг тўлиқ ижросини таъминлаш ва соҳада олиб борилаётган ишларни идоралараро мувофиқлаштириш мақсадида Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштириш



кенгаши тузилди. Дастур асосида юқоридаги каби алоҳида туризм ҳудудлари Тошкент, Урганч шаҳарларида ва Фарғона вилоятида ташкил этилиши белгиланган. Шунингдек, дастур доирасида туризмнинг тиббий, рекреация, агро ва экотуризм йўналишлари бўйича алоҳида дастурлар қабул қилиниши ҳам белгилаб қўйилди. Замонавий туризм истиқболларидан бири – ноёб табиий масканлар ҳисобланади. Ўзбекистон Марказий Осиёда экотуризм энг ривожланган етакчи давлатдир. Юртимиз бой ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, бетакрор ландшафт манзараси, миллий анъаналар ва таомлар ошхонаси билан сайёҳлар эътиборини қозониб келади. Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи, унинг таркибига кирувчи Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси, Айдар-Арнасой кўллар тизими ва Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зоналарида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масалалари доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари йигилишда ҳар бир йўналиш бўйича, яъни Европа, Осиё ва бошқа қитъалардан келадиган сайёҳлар учун маҳсус дастурлар ишлаб чиқиш, чартер рейслар ва темир йўлларда қатновлар сонини кўпайтириш, туризм ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини мукаммал ўзлаштириш, ички туризмни ривожлантириш, сайёҳлик объектларини такомиллаштириш, хизмат ўрсатиш сифатини яхшилаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириди. Мамлакатимизда туризм йўналишида мутахассислар тайёрловчи кўплаб олий ўқув юртлари, жумладан, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда ўндан ортиқ ўрта маҳсус билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси сайёҳлик соҳасида таълим олаётган ёшлар, соҳада меҳнат қилаётган мутахассисларнинг Европа ҳамда Осиёнинг йирик сайёҳлик марказлари ва ўқув юртларида малака оширишига кўмаклашмоқда.

Соҳа истиқболида яна бир муҳим жиҳат – бу ҳудудлардаги барча маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик, миллий қўриқхона ҳудудларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, туризм соҳасидаги норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш, минтақаларда туризмни ривожлантириш учун жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик кучларини бирлаштиришдан иборат. Бу борадаги изчил ишларни амалга оширишда мамлакатимизда мустаҳкам хуқуқий база яратилган бўлиб, ҳудудлар учун маҳсус дастурлар ишлаб чиқилган ва жараён изчил давом этмоқда. Мамлакатимиз туризм индустряси жадал ривожланишида хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир юзлаб тадбиркор ва ҳунармандлар туризм соҳасига жалб қилинган бўлиб, улар сувенир маҳсулотлари ишлаб



чиқариш, меҳмонхона хўжалиги, сайёҳларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Туризмни ривожлантиришда хориж мамлакатларида бўлиб ўтадиган сайёҳлик кўргазма ва анжуманлари муҳим аҳамият касб этади.



Юртимиз миллий маданий меросини чет элларда оммалаштириш, мамлакатимизга хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотлари Мадрид, Рига, Берлин, Париж, Токио, Лондон, Москва, Истанбул каби дунёнинг йирик шаҳарларида қатор кўргазмалар ташкил этмоқда ёки халқаро кўргазмаларда қатнашмоқда. Бу, албатта, ўз самарасини бериб, хорижий сайёҳларнинг юртимизга оқими тобора кўпайиши ва туризмнинг ривожланишига илгари кадам бўлмоқда.

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ РИВОЖИ.

Гиясова Д., Қосимова С. – Бухоро мұхандислик-технология институты

Кейинги йилларда Республикада туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хукуматимиз томонидан соҳани қўллаб-куvvatлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди ва меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилди. Жаҳон туризм бозоридаги инқироздан чиқиб кетишининг асосий йўналишларида туристик хизматлар рақобатбардошлигини ошириш, инфратузилмани такомиллаштириш, туризмда инновацион технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Жаҳон туризм бозорида барча давлатлар ўзи учун қулай бўлган туризм йўналишини, яъни бозорда мавқеини эгаллашга, хизматлар кўрсатишнинг ҳар томонлама қулай бўлган йўналишларини танлашга ҳаракат қиласди. Ўзбекистонга кириб келадиган туристлар оқимини тўхтатиши туризм тармоғининг фаоллигини кескин тушиб кетишига олиб келди. Хусусан, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида туристлар томонидан берилган барча талаблар, иккинчи ярим йиллигида эса деярли ярим таклифлар бекор қилинди.

Туризм бозорининг жозибадорлиги, рақобатбардошлиги ҳамда туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, мамлакатимизнинг туризм учун хавфсиз ҳудуд сифатидаги имижини мустаҳкамлаш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунинг яққол далилидир. Маълумки, жаҳонда коронавирус пандемиясининг тарқалишидан энг кўп талофат кўрган соҳа туризм соҳаси бўлди. Мамлакатимизда ҳам пандемия ушбу соҳани четлаб ўтмади. Шунинг учун




мамлакатимизда фаолият олиб бораётган туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор чоралар кўрилди. Туризм соҳасида туристик обьектларни намойиш қилиш, реклама қилиш муҳим эканлигини инобатга олиб, Республиканинг туризм обьектларини кенг тарғиб қилишга қаратилган ахборот маънавият ва маърифат масалаларига доир ахборотга тенглаштирилди. Президент Фармони асосида амалга ошириш кўзда тутилаётган бу катта ҳажмдаги тадбирлар мамлакатимизда нафақат туризмнинг ривожланиши ва иқтисодиётнинг ўсишига, балки буюк аждодларимиз бизга мерос қилиб қолдирган бебаҳо моддий-маънавий бойлигимизнинг дунё ҳамжамияти олдида намойиш этилишига ҳам кенг имкониятлар яратади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган йиғилишларда ҳам хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чоралар натижадорлиги танқидий таҳлил қилинди. Мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўла туриб, узок йиллар бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланилмади. Туризм ривожи учун қулай иқтисодий ва ташкилий-хуқуқий шарт-шароитлар яратилмади, ҳамма ўз билганича фаолият юритиб келди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан туризмни жадал ривожлантириш тўғрисидаги фармон бу соҳада жиддий ўзгаришлар бўлишига умид уйғотади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қабул қилинган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар билан биргаликда соҳани инқироз давригача бўлган даражага етказиш ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида бир қатор ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: Хусусан, туристик ва турдош инфратузилмаларни ривожлантиришни давом эттириш, барқарор туризмни таъминлашнинг асосий шартларидан бири туризм зоналари ва кластерларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини қайта ташкил этиш (бошқариш, режалаштириш, туризм зоналарини лойиҳалаштириш, инвестицияларни жалб қилиш), пандемия шароитида туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг устувор ва долзарб йўналишларидан бири янги маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, бунда Ўзбекистон бўйлаб хавфсиз саёҳат қилиш асосий элементлардан бири бўлиши лозим.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган мутахассислар, туризм соҳаси вакиллари, туризм агенти, йўриқчи-йўлбошловчи ва гид (гид-таржимон)лар томонидан зиёрат одобига риоя қилган ҳолда фаолият олиб бориши, тарихий маълумотларни тўғри талқин қилиши, туристларни кенг жалб қилиб бориши мақсадида халқаро ва ички бозорни мутассил таҳлил қилиш, фаол тарғибот




ва реклама ишларини олиб бориш, туризм соҳасида кадрлар етишмаслиги ва уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида, туризм соҳасида кадрлар тайёрлайдиган давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг сонини ошириш, таълимнинг халқаро стандартларини тадбиқ этиш ва халқаро мутахассисларни жалб қилиш, амалий ва назарий дарсларнинг нисбатини қўриб чиқиш, амалиёт билан интеграцияни кенг йўлга қўйиш талаб қиласди. Бугун жадаллик билан кечеётган рақамлашув жараёни янги иқтисодиётни шакллантирмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологияларнинг ривожланиши шароитида юртимизнинг иқтисодий тараққиётига рақамли иқтисодиётни ривожлантирмасдан эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан туризм соҳасида алоқалар ўрнатиши ва ривожлантириши, мамлакатимизга туристлар оқимининг кириб келишини қўпайтириш, туристларга хизмат қўрсатиш учун барча шарт ва шароитларни яратиш, хизмат қўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, туристик индустряни ташкил қилиш ва ривожлантириш, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш билан боғлик муносабатларни тартибга солувчи хуқуқий, иқтисодий база яратишимиш, шунингдек туризмнинг рақамлаштирилиши, пандемиянинг туризм соҳаси ривожига бўлган салбий таъсири, уни бартараф этиш чораларини қўриш даркор, деб ўйлайман.

ҲАЗРАТ САЙИД АМИР КУЛОЛ ЗИЁРАТГОҲИ – МАЊНАВИЯТ ЎЧОГИ.

*Султонова Л. – БухМТИ Ижтимоий фанлар кафедраси катта
ўқитувчиси*

Қадим ва ҳамиша навқирон Бухорони биз нафақат «Ислом динининг куввати», балки айни пайтда миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ноёб чашмаси сифатида ҳам яхши биламиз. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев эътироф этганларидек: «Бу қутлуғ заминдан етишиб чиқкан Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Абдулхолик Фиждувоний, Хожа Ориф Ревгари, Анжир Фагнавий, Хожа Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Мир Сайд Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирларнинг номлари, уларнинг бой мероси бутун Шарқ ва Ғарб оламида машхурдир».

Айниқса, таниқли уламоларимизнинг далолат беришларича, муқаддас хадисларда бу улуғ шаҳар ҳақида бундай дейилган экан: «Дунёдаги барча шаҳарларга осмондан нур ёғилади... Фақат Бухородан осмонга нур



таралади». Ҳеч шубҳасиз, бу – илму маърифат нуридир. Дарҳақиқат, бу табаррук юрт асрлар давомида «қуббатул ислом», яъни, ислом дини марказларидан бири бўлиб келгани, мусулмон оламига ҳар бири илму урфон қутблари сифатида тан олинган алломаларни етказиб бергани тарих силсиласидаги ноёб ҳодисадир.

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилаётган сўнгти йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Бухоро вилоятининг маданий, маънавий-маърифий ривожланишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган қисқа вақтда кўплаб масжид ва мадрасалар, тарихий обидалар тубдан қайта таъмирланди, халқимиз ўртасида «Етти пир» номи билан машҳур бўлган табаррук зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Мен ўз мақоламда буюк Етти Пирларнинг олтинчиси – Баҳоуддин Нақшбанднинг бевосита устозлари бўлмиш Сайид Амир Кулол ва у кишининг мероси ва зиёратгоҳлари ҳақида ёзмоқчиман.

Бул зотнинг асл исмлари Сайид Амир Калон ас-Сухорий бўлиб, Бухоро яқинидаги Сухор қишлоғида (ҳозирги Когон туман Янги ҳаёт қишлоғида) туғилганлар. Бу зот тахминан 1281 йилда дунёга келганлар. Кулолчилик ҳунарида машҳур бўлганликлари учун Амир Кулол деб аталганлар. Бу зот – пайғамбар алайҳиссаломнинг наслабаридан бўлганликлари учун саййидлар-дан ҳисобланадилар.

Сайид Амир Кулол (қ.с.) ҳаётларида Бухородан ташқарига чиққан эмаслар, яъни на Макка ва Мадина ва на бошқа жойларда бўлганлар. Ҳижоздан то Туркистонгача муридлари бўлган эса-да, бу муридларига таълим беришликларини ҳеч ким билмаган, яъни каромотлари или бўлган.

Ҳазрат Амир Кулолнинг биринчи устозлари Яссавия тарикатининг пири, турк машойихи Сайид Отадирлар. У киши ҳазратнинг туғилишини башорат қилиш билан бирга, қандай шахс бўлиб вояга етишларини айтиб, номларини ҳам қўйганлар. Кейинчалик бу муҳтарам Шайх Амир Кулолни тарбиялари билан шуғулланганлар.

Ҳазрат Амир Кулолнинг иккинчи устозлари Хожагон тарикатининг иирик мутасаввуфларидан Муҳаммад Бобойи Самосий (ваф.1354) эди. Бу улуғ зот билан Ҳазрат Амир Кулол 15 ёшда бўлганларида учрашганлар ва 20 йил узлуксиз у кишининг хизматларида бўлганлар.

15 ёшларидан Муҳаммад Бобо Самосийга шогирд тушиб, Қуръон, ҳадис, тасаввуф илмларини ўрганиб ўз замонларида «Султонут тарикат» – тарикат султони, «Муршидус соликин» – ҳақ йўлга кирганларнинг пири ва «Сайидул орифин» – авлиёларнинг саййиди унвонларига эга бўлганлар.



Ҳазрат Сайид Амир Кулол силсила омонатини Хожа Мұхаммад Бобо Самосийдан олиб, ҳазрат Абдухолик Фиждувоний асос солган «Хожагон» тариқатининг пирларидан ҳисобланадилар. Ҳазрат Сайид Амир Кулол тасаввуфдаги мұйтадил ғояларнинг тарафдори бўлган. Сайид Амир Кулолнинг 114 та етук шогирдлари бўлган. Улардан машҳурлари: Хожа Мұхаммад Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ориф Деггароний, Амир Кулол Воший, Алоуддин Консуруний, Хожа Шайх Дарзуний, Шамсиддин Кулол, Жалолиддин Кеший. Соҳибқирон Амир Темур ҳам бу зотни ўзига пир-устоз санаган. Амир Кулолнинг муридлари орасида Мавлоно Ориф Деггароний ва Баҳоуддин Нақшбанд ўз истеъоддлари билан бошқалардан ажralиб турганлар.

Амир Кулолнинг 4 ўғиллари бўлган. Тўнғич ўғиллари Амир Бурҳон (у кишини Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) тарбиялаганлар), иккинчи ўғиллари Амир Шоҳ (у кишини Шайх Ёдгор тарбиялаганлар), учинчи ўғиллари Амир Ҳамза бўлиб оталаридан кейин Хожагон тариқатини давомчи пирларидан (у кишини Мавлоно Ориф Деггароний тарбиялаганлар), тўртинчи ўғиллари Амир Умар (у кишини Мавлоно Жамолиддин Дехиосиёбий тарбиялаганлар).

Мақомот китобининг муаллифи ўз китобларида Амир Кулолнинг фақат 2 ўғиллари вафот йилларини аниқ кўрсатганлар, Амир Ҳамза (22 03 1406 й), Амир Умар (1400-1401 й).

Ҳазрат Сайид Амир Кулолнинг тўртинчи фарзандлари Сайид Умарнинг файзли мозори, Самарқанд шахрининг жанубида, шаҳарга туташган Қавола маҳалласидаги ариғнинг ёқасида, чинор остидадир.

Сайид Умар Амир Темур замонасида Самарқандда муҳтасиблик (молия вазири) мансабида эди. 1400 йилда вафот қилганлар. Кейин у кишининг мубоғрак жасадини Амир Темур даҳмасига келтирганлар. Даҳманинг қибла тарафидаги қабр у кишиники эканлиги таъйин қилингандир. Аммо Қавола мавзеидаги чинор тагини у кишининг қадам жойи деб эътиқод қиласидар.

«Сайид Амир Кулол» жомеъ масжиди мустақилликка эришилганидан сўнг қайта 1994 йилда ҳашар йўли билан қурилган. «Сайид Амир Кулол» жомеъ масжиди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бухоро вилоят Адлия бошқармасининг 1998 йил 10 августда диний ташкилот уставини №14 – сонли гувоҳнома билан қайта рўйхатдан ўтказган. Масжид ўз фаолиятини ҳозирги кунга қадар давом эттириб келмоқда.

Масжид биносининг олд ва ўнг томонида айвони бор. Шу билан бир қаторда бинонинг олд томонидан киравериш қисмининг ўнг ва чап томонида 2 та хона мавжуд. Масжид биносининг ташқи ўлчовлари, яъни масжиднинг



баландлиги – 4,70 метр, узунлиги – 24,4 метр, эни – 18,5 метрдан иборат. Масжид гумбазининг баландлиги – 9 метр, майдони $464,5 \text{ м}^2$, хажми эса $2183,2 \text{ м}^3$ дан иборат.

Масжид биносининг пойдевори табиий тош, деворлари пишган ғишт билан терилган. Бинонинг томига тунука қопланган, поли ёғочдан. Масжиднинг икки ён ва олд томонидан деразалари мавжуд бўлиб улар ҳам ёғочдан ўрнатилган. Бинога кириш учун 3 та эшик мавжуд, эшиклар уйма нақшкори қилиб ўрнатилган. Масжид шифтида ганч уймакорлиги ишлари бажарилган. Масжидда бир вақтнинг ўзида, 300 дан зиёд киши намоз ўқиш имконияти бор. Масжиднинг икки айвони девори ва шифтида хам ганч уймакорлиги ишлари бажарилган. Айвоннинг олд томон устунлари ёғочдан, ўнг томон устунлари темир бўлиб, устидан алюкафон қилинган. Масжид минораси 2007 йилда қурилган.

Сайид Амир Кулол жомеъ масжиди мақбараси 2 та хонадан иборат. Иккинчи хонада Сайид Амир Кулолнинг қабрлари жойлашган. У хонага биринчи хона орқали кирилади. Мақбара 2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти ташабbusлари билан ўзимизнинг миллий Бухороча услубда гумбазли қилиб қурилган. Деворлари пишган ғиштдан. Иккала хонанинг ҳам ички узунлиги ва эни 6 метрдан. Мақбара биносининг ташқи ўлчовлари, яъни баландлиги – 12 метр, узунлиги – 15 метр, эни – 8 метр, майдони - 120 м^2 , хажми эса 1440 м^3 дан иборат.

Масжидда аёллар ва эркаклар учун таҳоратхона мавжуд. Иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган. Барча қулайликлар зиёратчи ва намозхонлар учун яратилган. Шу билан бир қаторда масжид худудига кириш учун 2 та дарвозаси бор. Сайид Амир Кулол мажмуаси имом-хатиб хонаси, ошхона, меҳмонхона, қудук, омборхона, қоровулхонадан иборат. Масжид атрофи қабристон бўлиб, шарқ томондан Когон - Қизил тепа йўли ўтган. Масжиднинг умумий ер майдони $20000,0 \text{ м}^2$ дан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, Сайид Амир Кулол мажмуаси каби зиёратгоҳлар ёшларимизни ҳар икки дунё саодатига эришишга ундейдиган, уларни ҳар томонлама баркамол, айниқса, маънавий жиҳатдан пок бўлишларига замин яратиб берувчи маънавият маскани бўлиб ҳисобланади.



ЗИЁРАТ ҚИЛИШ – РУХИЙ ЖИҲАТДАН ЕНГИЛЛАШИШДИР.

*Садуллаева Д. – БухМТИ «ЕСМТ» кафедраси ўқитувчиси,
Джумаева М. – талаба*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичгакўтарди. Қарорга кўра, 2018-2019 йилларда соҳа олдида турган муҳим масалалар ечимиға бағишлиган алоҳида дастур тасдиқланди ва унда туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлаш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, миңтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишда унинг тўлиқ ижросини таъминлашдан иборат.

Туризм – таркиби турли хил ўхшашликлардан иборат бўлган маҳсулот, сервис, хизмат кўрсатув обьектлари, ишлаб чиқариш бирлигига эга бўлган барчаси индивидуал истеъмолчига ёки гуруҳ истеъмолчиларга вақтинчалик, доимий яшаш жойини тарқ этган ва маълум туристик манзилда (дестинация) саёҳат қилувчилар тушунилади.

Туризм ўзининг қўп қиррали таркиби билан жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол таъсир ўтказиб келмоқда. У иқтисодиётнинг кўпгина жабҳаларини ривожлантиришга имкон туғдиради. Жумладан, транспорт тармоқлари, алоқа, йўл қурилиши, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, каммунал хўжалиги, майший хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси, савдо тармоқлари ва ҳ.к. Туризмни ривожлантириш бир вақтнинг ўзида ўзига хос дам олиш, хордик чиқариш, кўнгил очар масканлар индустрисини ташкил этиб, ўз ўрнида сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор соҳаларни қамраб олгандир.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти бош мақсадга боғлиқ ҳолда сафарни куйидаги гуруҳларга бўлади:

- рекреация;
- ижтимоий мақсадлар;
- ишга алоқадор ва касбий (профессионал) мақсадлар;
- танишлар, қариндошларникига ташриф буюриш;
- диний (зиёрат). Мақсадга боғлиқ ҳолда туризм турларидан диний (зиёрат)ни қисқача куриб чиқамиз.

Диний (зиёрат) туризми ҳозирги пайтда оммавий тус оляяпти. Унинг бир неча турларга ажратадилар:

- зиёрат (муқаддас жойларга ташриф ва ибодат қилиш);



- билимни орттириш сафари (диний, тарихий ёдгорликлар ва бошқалар билан танишиш);
- илмий сафар дин билан шуғулланувчи (тарихчи ва бошқа мутахассисларни сафари).

Ҳозирги кунда халқаро туризмнинг энг муҳим тармоқларидан бири диний яъни зиёратчилик туризми бўлиб ҳисобланади. Диний туризмнинг шаклланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Яъни унинг илк бор вужудга келиши антик даврига тўғри келади. Диний туризмнинг асосий пайдо бўлган масканлари қадимги греклар ва римликлар ватани бўлиб ҳисобланади. Қадимда греклар ва римликлар ибодатхоналар ва черковлар куриб, уларда сигинишганлар.



Ҳозирги кунга келиб, ер куррасининг турли хил минтақаларида, кўп асрлар олдинги сингари, диний қадамжоларга бориб сигинадиган сайёҳлар сони тобора кўпайиб бермоқда. Ҳар йили бутун ер юзаси бўйича 200 млн. дан ортиқ кишилар турли хил диний ҳаж сафарларига бориб зиёрат қилиб келишадилар.

Зиёратчиларнинг саёҳат қилишидан асосий мақсади азиз авлиё жойларга қадам ранжида қилиши, сигиниш чоғида руҳий жиҳатдан енгиллашиши, кўнгилларнинг покланиши, оғир касалликлардан холос бўлмоқлиги, қилиб қўйган гуноҳ ишларини оллоҳдан сўраб кечиришларини, сафар чоғида сафдошлари билан маънавий яқинликда бўлишни орзу-умид қилишадилар. Зиёратчи сайёҳлар сафарга чиқишида ўз орзу умидларига эришиш, яратганга шукронлар айтиб унинг иззат хурматини бажо келтиришни ўз кўнгилларидан ўтказадилар.

«БУХОРО ДЕКЛАРАЦИЯСИ» НИНГ ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДАГИ ЎРНИ.

Муродов Ҳ. – Бухоро Давлат Университети

Туризмнинг дунёда тобора кенг қулоч ёйиб бораётган тармоқларидан бири бу – зиёрат туризмидир. Шарқда «зиёрат» «муқаддас жойларга ташриф буюриш» деган маънони англатади. Шарқда ислом оламида пирлар, устозлар, авлиёлар қадамжоларини зиёрат қилиш, илм ўрганиш, ислом ҳуқуқидаги мураккаб масалаларга ечим излаш, инсоният тамаддунинг хизмат қиласиган тариқатларни ўрганиш ва кенг ёйиш каби мақсадларда зиёратлар доимий равища амалга ошириб келинган. Қадимий тарихга эга бўлган Бухоро шаҳри турли даврларда пойтахт ёхуд марказ мақомида ислом цивилизацияси




жараёнида IX асрда «Қуббат ул ислом» — «Ислом динининг гумбази» деган фахрли номга эга эди. Бунга эса машхур фикҳшунос (хуқуқшунос) олим Хожа имом Абу Хафси Кабир Бухорийнинг хизматлари каттадир¹. Ўрта асрларда Бухоро илму маърифат ва маданият тарқатишда ҳам Мовароуннаҳрда йирик марказ сифатида шуҳрат топди. Бухорода турли асрларда бино қилинган 200 га яқин мадрасаларда ўз даврида минглаб толиби илмлар диний ва дунёвий билимларни олиб, бутун Осиё бўйлаб зиё тарқатганлар. Шайх Сайфиддин Боҳарзий фаолияти туфайли Бухоронинг шуҳрати ислом оламида яна ҳам қўпроқ тарқалди. Шу сабабли XIII асрдан бошлаб унга яна бир сифат — «шариф» сўзи қўйилиб, у Бухоройи Шариф, яъни Шарофатли Бухоро номи берилиши ҳам бежиз эмас². XII-XIV асрларда ватанимизда Хожагон-Нақшбандия тариқати шаклланиб, ҳалқимиз учун оғир бўлган дамларда тарқоқлик ва мўғуллар босқини даврида буюк маънавиятимизни, соғлом эътиқод ва ахлоқий маданиятимизни сақлаб қолиб янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар. Сиёсий парокандалиқ даврида миллатимиз бирдамлиги, ватанпарварлиги, меҳнатсеварлиги ва маърифатпарварлиги сақлаб қолишида Нақшбандия тариқати – етти пирлар хизматлари бекиёс бўлиб, кўп ўтмай мустақилликка эришган ҳалқимиз ўз тарихидаги иккинчи уйғониш даврига қадам қўйди. Амир Темур ва темурийлар даврида ислом ва шариат асослари мустаҳкамланиб, Марказий Осиё худудидаги Нақшбандия, Яссавия ва Кубровия тариқатлари тўла шаклланиб камолга етди. Тариқатларнинг ҳалқни ҳалол меҳнатга, илм ўрганишга, қасб корни улуғлаш, тинч тотув яшаш, ҳалқпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатларни тарбиялашдаги хизматлари ўзбек давлатчилигининг мустаҳкамланишига хизмат қилди. Албатта бу жараёнларда Бухоронинг марказий ўрни биринчидан илк исломий олий таълим, шариатва ҳадис илми ривожланганлиги, иккинчидан Хожагон-Нақшандия тариқатининг шаклланиб кенг қулоч ёйган фундаментал исломий илмлар ривожланганлиги билан катта аҳамият касб этди.

Мустақиллк йилларида Зиёрат туризмини ривожлантириш масалалари 1995 йилдаги «Мерос» дастури ҳамда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи давлат дастурларида ўз аксини топди. Бухоро туризмининг етакчитармоқларидан бири бўлган зиёрат туризмихалқаро алоқаларни янада жадаллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Зиёрат туризмининг жадал ривожланишида 2019 йил 21-23-феврал қунлари Бухоро шаҳрида ташкил этилган биринчи ҳалқаро Зиёрат туризми форумида 34 давлатдан 120

¹ Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар Наршахий. БУХОРО ТАРИХИ.Тошкент.”Шарқ баёзи”Б-66

² O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yi, B-794 .<https://uz.wikipedia.org/wiki/O%CA%BBzME>



хорижлик меҳмонлар иштирок етиб, унинг якунлари бўйича 8 қоидани ўз ичига олган Бухоро Декларацияси имзоланди¹. Мазкур форумда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қошидаги «Миллий ПР – марказ», «МАТТА» (Малайзия), «Кressent Рating» (Сингапур) уюшмалари, Жакарта тарғибот фонди (Индонезия) ўртасида «Глобал Муслим Травелер Индех» доирасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди². Биринчи Халқаро Зиёрат туризми айнан мусулмон мамлакатлари зиёратчилари, диний уламолар, сайдёхлар, ишбилармон туристик соҳа вакиллари, таълим олувчилар учун Ўзбекистон ва Бухорои Шарифга ўзига хос чорлов чақириғи бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бир қаторда, Бухорода халқаро туризм алоқаларининг ривожланиши замонавий туризм индустряси барпо этилишига, туристлар келадиган давлатлар географиясининг кенгайишига ва улар сонининг ортишига асосий омил бўлмоқда. Бухоро зиёрат туризми билан боғлиқ айrim муаммоларни ижобий томонга ўзгариши учун билдирилган таклифлар:

1. Зиёрат туризмини янада кенгайтириш учун ислом динининг етук тарғиботчиларини, машҳур имомлар ва муҳаддисшунос олимларни конференциялар, форумлар, диний тадбирларга таклиф этиш орқали тарғибот ташвиқот ва рекламани кучайтириш.

2. Пандемия давридаги вазиятдан туризм соҳасидаги «ретсессия» ҳолатидан фойдаланиб, Ўзбекистон туризм инфратузилмаларини жаҳон талаблари даражасида яхшилаш ва ривожлантириш имкониятига эга. Айниқса Зиёрат туризми соҳаси учун алоҳида мусулмон маданияти устун бўлган ҳамда мусулмон саёҳатчилари талабларига жавоб берадиган меҳмонхона, ресторон ва бошқа туристик инфратузилма обеъктларини барпо этишни жадаллаштириш.

3. Бухорода зиёрат туризмини ривожлантиришни максад қилган эканмиз аввало ёшларимиз ва болаларни шарқона мусулмон одобида бўлишлари, зиёратчи туристларга зиёрат масканларида, тамаддихоналарда, кўча, бозор ва савдо дўконларида гўзал ахлоқ одоб билан муносабатда бўлишлари учун интернет ва оммавий ахборот воситаларида қисқа реклама намойишларни доимий ташкил этиш.


4. Бухоро вилоятининг зиёрат туризми кенг имкониятларини инобатга олиб, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг барчасини олий диний таълим ва дунёвий таълим кўрган, хорижий тилларни мукаммал билувчи мутахасислар билан таъминлаш ҳамда маҳсус диний билимларга эга гид

¹“Туризм в Узбекистане”, 2019. – С. 28.

² Раҳмонов С., Иброҳимов И. Ўзбекистон зиёрат туризмимарказларидан бири сифатида эътироф етилди // “Халқ сўзи”, 2019 йил 23 февраль.



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввух таълимотининг ўрни ва аҳамияти



таржимонлар тайёрлаш тизими니 йўлга қўйиш орқали кадрлар ҳамоҳанглиги ва зиёрат туризми жозибадорлигини ошириш.

ГЛАВНЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ.

Тошева Н.М. – Бухарский инженерно-технологический институт

В настоящее время, когда конкуренция на рынке все возрастает, хорошая профессиональная подготовка является практически обязательным условием при трудоустройстве работников сферы туризма услуг и сервиса. Безусловным козырем будет профессиональное высшее образование. Важным условием профессиональной подготовки специалистов сферы туризма и сервиса является сочетание методов, позволяющих повысить не только мотивацию к обучению, но и эффективность всего учебно-воспитательного процесса.

Наше государство не очень большое, да и ресурсами мы не настолько богаты, чтобы торговать ими направо и налево. Следовательно, вывод напрашивается сам по себе - необходимо стимулировать отрасли, которые не требуют большое количество природных ресурсов. Так, к примеру, во всех развитых странах мира валютные поступления от международного туризма больше, чем от реализации определенной категории товаров.

Потенциал узбекского туризма не реализуется полностью, так как развитие этой сферы напрямую зависит от формирования современного конкурентоспособного туристского комплекса с необходимой инфраструктурой транспортно-логистической системы.

Поэтому, по мнению экспертов, необходимо провести реконструкцию пунктов пропуска через Государственную границу (авиационных, автомобильных, железнодорожных) и усовершенствовать процесс пересечения границы, сделав его соответствующим потребностям иностранных граждан в туристских услугах.

Среди основных сдерживающих факторов увеличения потока туристов эксперты называют высокие цены на авиаперевозки, низкое покрытие потенциальных рынков отечественным и международными авиалиниями, а также визовую политику и систему регистрации в Узбекистане.

В числе других проблем – слабое развитие транспортной, социальной и инженерной инфраструктуры, труднодоступность и невысокий уровень сервиса в местах отдыха, неразвитость объектов придорожной инфраструктуры.



Еще одно проблемное место – недостаток квалифицированных кадров в сфере, отдаленность образовательных программ от требований рынка труда, потребностей производства, ожиданий работодателей.

В документе также отмечается, что сегодня в республике провисает нормативное регулирование сферы туризма и гостиничного бизнеса. В частности, в законодательстве отсутствуют стандарты, применяемые к определенным типам мест размещения, правила регулирования социального туризма, меры налогового стимулирования туристской отрасли.

Кроме того, подчеркивается в документе, к сожалению, на данный момент Узбекистан неизвестен в качестве туристического направления для большинства туристов из-за отсутствия агрессивной многоцелевой PR-стратегии страны.

При этом одним из важнейших условий устойчивого развития туризма эксперты называют государственную поддержку. Доходы от туризма, как прямые, так и косвенные, довольно быстро окупают затраты на его развитие, что делает туристскую индустрию одним из наиболее важных двигателей социально-экономического развития страны.

БУХАРА ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПО ТУРИЗМУ В УЗБЕКИСТАНЕ.

Турсунова З.Н., Садуллоева Н.Г. – Бухарский инженерно-технологический институт

Бухара — один из древнейших городов Центральной Азии, наиболее крупных и известных торговых центров на Великом Шелковом пути. Город завоевал на протяжении тысячелетий всемирную славу своей богатой, уникальной историей становления, неразрывно связанной с самыми важными вехами развития общемировой цивилизации, поистине огромным вкладом, внесенным в развитие культурно-просветительских и духовно-религиозных ценностей. Прямыми доказательством исторической ценности, культурологической и цивилизационной значимости для всего просвещенного мира стало включение в 1993 году исторического центра города Бухары в список городов Всемирного наследия ЮНЕСКО.

В период независимого развития продвижение туристского потенциала города Бухары и Бухарской области, как и всей туристской отрасли Узбекистана, формирование современной инфраструктуры туризма, создание благоприятных условий для туристов постоянно находится в зоне повышенного внимания государства. На сегодняшний день уверенными темпами увеличивается количество субъектов туристской деятельности в




Бухарской области, занятых развитием индустрии туризма и сопутствующей инфраструктуры.

В связи с этими событиями было принято Постановление - № ПП 2980, Президентом Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёевым, «О мерах по ускоренному развитию туристического потенциала города Бухары и Бухарской области». В этом постановлении рассматриваются представшие вопросы реализации комплексных мер по созданию нового современного облика города Бухары и Бухарской области, модернизации городской и транспортной инфраструктуры, увеличению количества субъектов туристской деятельности, современных гостиниц для эффективного привлечения потока туристов из стран Европы, Африки, Азии и СНГ. В постановлении рассматривается дальнейшее развитие и повышение эффективности использования туристского потенциала города Бухары и Бухарской области, создания максимально благоприятных условий для широкого ознакомления туристов с уникальными объектами культурного наследия, обеспечения динамичного развития в регионе современной туристской инфраструктуры, расширения перечня и улучшения качества предоставляемых туристских, гостиничных и транспортных услуг в соответствии с современными требованиями.

Учитывая важность превращения Бухары в реальный, не только формальный, но и фактический Центр международного туризма, назрела необходимость создания научной концепции, в которой особое место должны занять тактика и стратегия, специфика культурного строительства в регионе. Для этого Бухарский регион располагает всеми нужными ресурсами, которые предстоит тщательно изучить и систематизировать. При составлении научной концепции по развитию инфраструктуры туризма следует учитывать, в связи с отсутствием моря, мягкого климата в регионе, имеющиеся другие не менее привлекательные факторы, способствующие развитию туризма.

Таким образом, туризм – одна из важных отраслей экономики. Необходимо дальнейшее совершенствование данного сектора с эффективным использованием имеющихся возможностей. Узбекистан - страна привлекательная как для путешествий, так и для паломничества. На нашей священной земле обрели вечный покой известные всему миру выдающиеся ученые и мыслители. Их богатое духовно-культурное наследие по прежнему, вызывает огромный интерес во всем мире.



ЧОР БАКР МАЖМУАСИ.

Муртазоева М.И. – Шоғиркон туманидаги 55-ИДУМ ўқитувчиси

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди¹.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсад мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёхлик обьектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар катта аҳамият бермоқдалар. Зиёрат туризми ўзи нима? Бу – буюк пирлар, авлиёлар қабрлари ва қадамжоларини зиёрат қилишким, унинг асосида инсонлар маънавий-рухий жиҳатдан қувватланишади. Дунёда шундай инсонлар бўладики, уларнинг қалбини ҳамиша иймон нури ёритиб, иродаларини ихлос ва эътиқод ёғдуси мустаҳкамлаб туради.

Ана шундай табаррук зотлар боис, инсониятнинг энг ноёб қадриятлари давр талотўпларидан омон қолиб, авлоддан-авлодга ўтиб боради. Миллатимизнинг маданий, тарихий, илмий меросининг асрлар оша бизгача етиб келишида бундай маърифатли инсонларнинг хизматлари беназирдир. Бундай улуғ зотлар сирасига Чор Бакрлар ҳам кириб, улар биз учун маънан ва руҳан тирик авлиёлар бўлиб қолаверадилар, эл–юрт ишида камарбасталик қилаверадилар.

Бухорода ислом тарғибочилари сифатида келиб, кейинчалик халқимиз маънавиятини кўтариш йўлида жонбозлик қилган тўрт Бакр, яъни Абу Бакр Мухаммад ибн Ҳомид, Абу Бакр Мухаммад Фазл, Абу Бакр Тархон ва Абу

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, 2008 й.



Бакр Аҳмад ибн Саъдларнинг ҳаёти, ижоди ва қурдирган иншоотларини ўз мақоламиизда баён этмоқчимиз.

Сулола асосчиси Абу Бакр Саъд авлиёлик мартабасига етишган экан. Жумладан, ул зотга Хизр алайхиссалом 40 йил мобайнида таълим берганликлари ҳақида маълумотлар бор¹. Жўйбор шайхлари аждодлари бошлаб берган савоб ишларни давом эттириб, нақшбандия тариқатини ривожлантириб, Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол аралаша бошлишди. Улар ҳар доим ҳалқ манфаатларини биринчи ўринга кўйишидни ва хонларни ҳам шунга ундан келишди.

Бизнинг қадимиий ва гўзал диёrimiz жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини ҳалқаро жамоатчилик эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан кўплаб буюк зотлар, олиму уламолар етишиб чиқсан. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда: «Ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди»².

1997 йили Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик тўйи нишонланди. 1999 йил апрелда вилоят ҳокимининг «Чор Бакр тарихий ёдгорлик мажмуини таъмилаш ва ободонлаштириш тўғрисида» Қарори билан Бухоройи Шариф жамғармаси хузурида Чор Бакр меъморий мажмуини таъмилаш дирекцияси ташкил этилди³. Ушбу таъмилаш ишларига 11487 та корхона, ташкилот, жамоа хожаликлари, ширкат, туман ҳокимликлари ҳашар ишларига жалб этилган⁴. Таъмилаш ишлари кўлами 6 гектар майдонни қамраб олган. 1930 йилдан бошлаб Чор Бакр мажмуаси ҳудудида ноқонуний равишда қурилган 35 хонадон бузилиб, уларнинг ўрнига боғ-роғлар барпо этилган, қадимиий ҳовуз ва тошқудук қайта тикланган⁵. XX асрда қаровсиз қолган бу муқаддас маскан мустақиллик йилларида, аникроқ қилиб айтганда, 2000 йил августида таъмирандаги чиқарилди⁶.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган

¹ Тураев Х. Чор Бакри и приемники. Ташкент, 2011 г. С. 4.

² Каримов И.А. Юқсан маънавият – енгилмас куч. Тошкент, 2008 й.

³ Сафаров И. Чор Бакрга ҳам навбат келди//Бухоро хафтаномаси. – 1999. 19 июнь; Халилов А. Зиёратгоҳ обод бўлади. Бухоро ҳақиқати, 1999 й. 10 04.; Чор Бакр тарихий ёдгорлик мажмуини таъмилаш ва ободонлаштириш тўғрисида. Бухоро ҳақиқати, 1999 йил. 15.05.

⁴ Хусенов С., Ражабова И. Чор Бакр. Тошкент, 2001 й. Б. 109.

⁵ Кудратов А. Возрождается Чор Бакр. Бухарские известия 1995 г. 22. 11.; Кудратов А. Возрождается Чор Бакр. Бухарские известия 1999 г. 20. 10.; Кудратов А. Возрождается некрополь Чор Бакр. Бухарский вестник. 2000 г. 12 01.

⁶ Ражабов Қ. Чор Бакр //Хидоят. - 2006 . - №2. - Б 30.



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти



аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта.

САИД АБУЛҲАСАН ПОБАНД ЗИЁРАТГОҲИ.

*Рахмонова Н. – Вобкент тумани, 3-сон ўрта умумтаълим мактаби
ўқитувчиси*

Абу Бақр Исҳоқ Калободининг устозлари, Саид Абулҳасан Ҳамадоний – Саид Побанд ёки Саид Бандикушо лақаблари билан машхур бўлган донишманд шахс, тахминан X асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтганлар. Муллозоданинг ҳикоя қилишича, Абулҳасан Ҳамадоний Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) нинг тўққизинчи поғона невара авлодига, яъни Алининг ўғли Имом Ҳасанга бориб тақалади. У кишининг Побанд лақабини олишга сабаб, Сомонийлар подшолигининг охирги йилларида ўзаро феодал урушлар ва тўхтовсиз халқ қўзғолонлари бу сулоланинг инқирозига сабаб бўлади. 999 йилда қорахонийлар ҳукмрони Наср Бухорога ҳужум қиласди. Бу тўғрида Ҳилол ас Сааби шундай ҳикоя қиласди: «Қорахонийлар қўшинлари ҳужум қилганда мен Бухорода эдим. Хатиблар сомонийларнинг қувватлайдиган руҳоний бошликлари масжидларда халқни тўплаб, сомонийлар ҳокимиятини сақлаб қолиш учун қорахонийларга қарши чиқадилар, аммо Бухоро аҳолисининг кўпчилиги бу гапларга кўнмайди. Қорахонийлар Бухорони эгаллагач, сомонийларнинг охирги ҳукмрони бўлган Абул Малик ва ҳукмдорларнинг оилалари ва қорахонийларга қарши ташвиқот юргизган дин ҳомийларини зинданга ташлайдилар. Шулар орасида Абул Ҳасан Ҳамадоний ҳам бор эдилар. Бул табаррук зот ҳижрий 395 йилнинг муҳаррам ойида (милодий 1004 йилда) зинданда вафот этади ва уни ўзининг васиятига биноан, Самарқанд дарвозаси яқинидаги мозорга оёқларидаги кишанларни ечмасдан шудайлигича дағн этадилар «Назми Муллозода» китобида бу ҳакда шундай ёзилган.

*Марқади Абул-Ҳасанки Побанд аст,
Тайи дарвозаи Самарқанд аст.
Қамма бин асту ҳам ҳама дон,
Ва зи муридони Юсуф Ҳамадон.*

Мазмуни: Абул Ҳасан Побанд (яъни қўл-оёқлари кишанланган) нинг қабри Самарқанд дарвозаси тагидадир. У ҳамма нарсани (яъни ғайбни) билар ва кўрар эди. Шунингдек, у (хожагон тариқатининг асосчиси Хожа Абдулхолик Ғиждувоний ва яссавия тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий каби) Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг муридларидан эди.



«Китоби Муллозода»да Абул Ҳасан Ҳамадоний, ҳалқ орасида Побанди Кушо деб ном олган авлиёнинг милодий 1004 йилда (хижрий 395 йилнинг муҳаррам ойида) вафот этгани, унинг жасади Самарқанд дарвозасининг ёнида, яъни Ҳисор (шаҳар) ичкарисида (Дар даруни ҳисор бар дарвозайи Самарқанд)да дафн қилингани ёзилади. 1024 йилда 20 йилдан кейин унинг жасади Самарқанд дарвозасидан Дегрези кўчасига келтирилиб, дафн қилинади у ерда унга мармар тошдан мақбара барпо этадилар. Дин пешволари унинг мақбараси ёнида олтита туғ кўтарадилар ва Ҳиро тоғидан келтирилган мармар тахтани қабр тепасига қўядилар.

Сайд Абул Ҳасан Ҳамадонийнинг лақаблари Саиди Побанд ёки Саиди Бандикушо деб аталган. Бунинг сабаби шундаки, у зинданда ётганида намоз вақти яқинлашганда қўл ва оёғидаги кишанлар ўз-ўзидан очилган (кушод бўлган) ва намозни ўқиб бўлгач, яна кишанлар қўл ва оёқларига боғланиб қолган деб ривоят қиласидилар. Ўшал мавзеъдан биринчи марта Расул саллолоҳу алайҳивассаламга Аллоҳ Таолодан вахий келган эди ва Сайд Абул Ҳасан Бандикушонинг васиятига кўра унинг қабри устига шу тошни қўйган эдилар. Бухорда бирор бир мушкулотга йўлиқкан инсонлар (ҳожат аҳли) ва беморлар уни зиёрат қиласидилар, кўнгилларидағи ранж ва машаққатлари неклик хислатларига айланади. Бухоро аҳли унинг тақводорлиги, зоҳидлиги ва валоят ва каромат илмига кўп эътиқод қиласидилар.

Хуллас, Сайд Побандикушо намуналари ва ибратлари ёшларни баркамол инсон бўлишга чорлайди. Агар биз ёшларимизнинг диний ва дунёвий иймонга бирдай эга бўлишларини истасак, Сайд Побандикушо каби буюк пирлар ётган зиёратгоҳларга боришга, улар қолдирган мерос намуналаридан баҳраманд бўлишларига ёрдам беришимиз лозим бўлади.

РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ.

Казакова Д.С., Умурзокова Н. – Бухарский инженерно-технологический институт

К настоящему времени туризм превратился в один из ведущих секторов мировой экономики. В этой связи в Узбекистане уделяется особое внимание модернизации туристической индустрии, разработке и совершенствованию нормативно-правовой базы для устойчивого развития отрасли, организации обслуживания зарубежных гостей в соответствии с международными стандартами. В годы независимости наша страна сделала существенный прорыв в этой области вкупе с сохранением и приумножением историко-культурного наследия народа, возрождением национальных



традиций и обычаев, восстановлением и обустройством достопримечательностей республики.

В целях создания современного высокоэффективного и конкурентоспособного туристического комплекса в республике сформирована прочная нормативно-правовая база, основу которой составляет Закон «О туризме», принятый 20 августа 1999 года. Действуют программы адресных мероприятий по совершенствованию туристической инфраструктуры, в том числе привлечению инвестиций, диверсификации туристских продуктов, активизации мероприятий познавательно-ознакомительного характера, подготовке и повышению квалификации специалистов сферы.

Важным шагом в формировании национальной модели туризма стало создание в 1992 году Национальной компании «Узбектуризм» Указом Президента Ислама Каримова. С тех пор структура координирует деятельность отраслевых организаций, занимается подготовкой соответствующих кадров, способствует притоку внутренних и внешних инвестиций в создание новой и расширение существующей материально-технической базы, стимулирует развитие всех видов туризма, активно участвует в зарубежных мероприятиях, организует крупные международные форумы.

Результатом предпринимаемых в данном направлении мер является увеличение туристов, прибывающих в наш прекрасный край. Так, ежегодно Узбекистан посещают более 2 миллионов человек из разных уголков мира. География зарубежных гостей широка. Особенной популярностью наша страна пользуется у граждан Германии, Франции, Италии, Республики Корея, Японии, КНР, Малайзии, России, Индии.

Узбекистан с первых лет независимости активно наращивает сотрудничество с международными организациями, регулярно выступает с инициативами по углублению сотрудничества в данном перспективном направлении.

Более того, в знак признания особого места республики в мировой туристической индустрии в 2004 году в Самарканде был открыт региональный офис ЮНВТО по координации развития туризма на Шелковом пути. Следует отметить, что такой офис существует лишь в двух странах – в Японии и Узбекистане. Его основная функция – обозначение направлений в развитии не только регионального, но и международного туризма.

О возможностях нашей страны свидетельствует наличие свыше 7 тысяч объектов материального культурного наследия разных эпох и цивилизаций, в том числе включенные в Список объектов всемирного наследия ЮНЕСКО исторические центры Бухары, Хивы, Самарканда и Шахрисабза. Всемирно



известные исторические памятники, современные города, неповторимая природа Узбекистана, уникальная национальная кухня, а также непревзойденное гостеприимство нашего народа притягивают любителей путешествий.


Усилиями руководства республики туристическая инфраструктура в последние годы поднята на довольно высокий уровень. В стране, в частности, успешно функционируют 1176 туристских организаций, включая 621 туроператора, 555 гостиничных хозяйств. Разветвленная сеть отелей на более чем 25 тысяч мест соответствуют современным международным стандартам.

Посещающие Узбекистан туристы имеют возможность добираться до достопримечательностей республики и посредством железнодорожного транспорта. Так, помимо обычных и скоростных составов, между Ташкентом, Самарканом и Карши ежедневно курсируют и высокоскоростные поезда «Афросиаб» производства испанской компании Talgo, которые значительно повысили качество обслуживания гостей и сократили время поездки. Кроме того, в июне 2016 года мир стал свидетелем очередного прорыва в развитии туристско-транспортной отрасли Узбекистана – состоялась церемония открытия электрифицированной железнодорожной линии «Ангрен-Пап», которая соединила живописную Ферганскую долину с остальной частью страны.

В последние годы в Узбекистане активно внедряются новые виды путешествий, в том числе экологический туризм. Наличие в республике заповедников, национальных парков, питомников, заказников, природных памятников, биосферного резервата превращает экотуризм в весьма перспективное направление.

Помимо этого, в нашей стране свое развитие получили геотуризм, медицинский туризм, а также альпинизм и рафтинг. В регионах строятся зоны отдыха и комфортабельные инфраструктурные объекты. К примеру, в спортивно-оздоровительных центрах «Чимган», «Бельдерсай» и «Чарвак», расположенных в Ташкентской области, созданы необходимые условия для занятий горнолыжными и другими зимними видами спорта. Здесь построены горные трассы разных типов протяженностью от 300 до 3 тысяч метров. Отдыхающие могут подниматься по канатной дороге с помощью специального подъемника.

В Узбекистане набирает популярность и гастрономическое направление туризма, развитие которого позволили сделать плов и другие национальные блюда узнаваемым брендом страны.



Таким образом, интенсивное развитие туристической отрасли Узбекистана, в том числе бережное отношение к историко-культурному наследию, создание инфраструктуры, полностью соответствующей международным стандартам, укрепление международных связей превратили наш край в один из самых посещаемых стран в мире.

МУТАФАККИР АҲМАД ДОНИШ АСАРЛАРИДА МАМЛАКАТНИ ОБОД ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.

Бозоров Ш.С. – Самдҷти 2 курс Таянч доктаранти

Аҳмад Дониш асарлари тўлиқ гуманистик ғоялар билан сугорилган бўлиб, ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мавжуд оғир иқтисодий-сиёсий тузумнинг мамлакат ва миллат тараққиётига ғов бўлиб қолганлигини очиб берган ва таназзулни енгишнинг прогрессив йўлларини таклиф қилган.

Баъзи тадқиқотларда, Аҳмад Донишнинг «Наводир-ул-вақое» асари ўз замонасининг барча муаммоларни тўлақонли ечиш йўлидаги йўлбошчи қонун сифатида эътироф этилган. Чунки «Наводир-ул-вақое» мутафаккирнинг энг йирик асари бўлиб, унда фалсафанинг кўп масалалари бўйича сўз юритилади. Масалан, ўрта аср шарқ фалсафасида кенг тарқалган «таваккул» назариясини Дониш танқид этиб: «Агар киши таваккулга ишониб ҳаракат қилмаса, меҳнат кечириш ва қийинчиликда, камбағаллик билан ҳаёт кечириш ёки мўл-кўлликда яшаш қисматда бор экан, деб айтса, ундей киши хато қилади. Демак, у ақлли эмас»¹ деб, таъкидлайди.

Аҳмад Дониш кишиларни ғайратли бўлишга, мақсадни кўзда тутилган фойдали ишга қаратишга, ўз хусусий ишларига ўралиб қолмай, қайси йўл билан бўлса ҳам халқ учун фойда келтиришга даъват қилади. «Ҳеч кимнинг ризқи осмондан тушмайди, ҳаракатсиз мақсадга этиб бўлмайди. Ялқовлик қилиб, ўз юкини ўзи кўтармай, бошқалар устига ортар экан, ундей одам инсонлик шарафини йўқотиб, кишилик қаторидан чиқади»², деб изоҳлайди.

Донишнинг фикрича, ёлғиз ўзи учун ризқ топиб, кундалик қорин тўйдиришга саъии-ҳаракат қиласиган киши энг паст ҳимматли кишиидир. Меҳнат қилмай, дангасалик билан кун ўтказган одам – бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам обрў топиши мушкулдир. Дунёда заҳматсиз роҳат, ташвишсиз неъмат топилиши мумкин эмас. Дунёда яхши яшаб, меҳнат қилиш учун касб-хунар эгаллаш лозим. Чунки «Одам яратилгандан сўнг унинг туганмас баҳти

¹ Дониш Аҳмад. Наводирул вақое (Нодир воқеалар). И. М. Мўминов таҳрири остида. (Форс-тожикчадан А. Ҳамроев ва А. Шокиров таржимаси). Т., «Фан» 1964. – Б. 121.

² Ўша жойда.



илм ва маърифатда бўлади. Унинг ихтиёри ўзида бўлса, илмсизлик ва дангасаликка бўйин эгмасин, чунки илм ва маърифат рухнинг истаги бўлиб, роҳатпарастлик ва дангасалик нафснинг тилагидир» деб таъкидлайди.

Юқоридаги фикрларни тўлдирган ҳолда, Аҳмад Дониш бу дунёда яшаш, меҳнат қилиш учун бирор касб-хунарнинг бошини ушлаш керак, деган ғояни илгари суради. Хусусан, «Наводир-ул-вақое» асарининг «Ўғилларга васият» деб номланган қисмида, «Сизларга айтадиган менинг васиятим шулки, сизлар халқнинг ҳожатини чиқарадиган бир хунарни бошини ушланглар, шу билан жамиятга ҳам ёрдам қилган бўласизлар. Қайси бир хунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсангизлар, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиш бўлсин»¹ деб таъкидлаган.

Аҳмад Дониш тадқиқотчи, сиёsatdon олим сифатида Ғарб давлатларида тарқалган ижтимоий-сиёсий таълимотлар билан ҳам қизиқади. Мутафаккир гарчи ушбу таълимотларни қабул қилмаган бўлсада уларга бўлган муносабати мутафаккирни кенг кўламдаги тадқиқотчи ва ижтимоий-сиёсий орзулари теран мутафаккир эканлигини кўрсатади. Шунингдек, Дониш Бухоро амирлигини Европа мамлакатлари хусусан Россия билан таққослаб, ўз ватанини иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолганлигини кўрсатиб беради ва бу қолоқликдан чиқиши учун ижтимоий-сиёсий тузумда ислоҳотлар қилиш зарурлигини уқтиради.

Аҳмад Дониш ўз ватанини қолоқликдан чиқариш йўлларини тинмай излайди. Мутафаккирнинг фикрига кўра «инсон ўз ватанини ҳимоя қилсагина, ўз халқи билан бирга бўлсагина у ҳамиша барҳаётдир»².

Мутафаккирнинг фикрига кўра, «Давлат – бир гуруҳ кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун эмас балки, халқ манфаатлари учун, мамлакатни обод қилиш учун хизмат қилиши лозим. Бунинг учун ҳукмдор билимдон, маърифатли, одил ва ўз фуқаролари манфаатлари учун хизмат қилмоғи шарт. У қандай масалани ҳал қилмасин, энг аввал ўзини фуқаро ўрнида, уларни эса ўз ўрнида тасаввур қилиши керак. Бу адолатни таъминлашга имкон яратади. Мамлакатни идора қилишда эса, ҳукмдор мухим давлат муаммоларини ўз атрофидаги маслаҳатчилар билан биргаликда адолатли ҳал қилиши керак. Ҳукмдорнинг маслаҳатчилари ҳам донишманд ва адолатли кишилар бўлиб ҳукмдор ҳам уларнинг фикри билан ҳисоблашиши шарт, чунки кўпчиликнинг ақли, бир кишининг ақлидан ортиқроқдир» – деб ёзади Аҳмад Дониш.

1 Ўша асар. 325 – 326 –б.

2 Бертельс Б.Е. Рукописи произведений А.Колл. 1936 г. С.14.



Аҳмад Донишнинг фикрича, давлатнинг энг биринчи вазифаси – халқ ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Дониш давлат ҳокимиятини таҳтда ўтирган инсонга ўхшатади. Уни кўриш учун 5 нарса керак: адолат, қўшин, халқ, сув, хазина¹.

Аҳмад Дониш мамлакатнинг гуллаб-яшанаши учун лозим бўлган бир неча шартларни илгари суреб, уларнинг бажарилиши мутафаккир тасаввуридаги мукаммал, ривожланган салтанат пойдеворининг асоси эканлигини эътироф этади.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ МЕРОСИДА ОИЛANI БОШҚARIШДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИНинг ЁРИТИЛИШI.


Нарзуллаева Ф.Ф. – Бухоро мұхандислик-технология институти катта үқитувчisi, Мехмонова Н.Ф. – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Бухоро академик лицейи үқитувчisi

Республикамизда маънавий баркамол, жисмоний соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда, бу вазифани бажариш Ўзбекистонни келажакда ривожланган мамлакатлардан бирига айлантиришнинг муҳим шартидир. Буюк давлатнинг пойдеворини мустаҳкам, соғлом оила авлодлари барпо этади. Ҳар томонлама етук, соғлом авлодни шақллантиришда оиланинг ўрни муҳим ва бетакрордир.

Инсон баркамоллигининг дастлабки асослари ҳам оиласда шақлланиши шубҳасиз. Жамият мустаҳкам маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом оиласдан манфаатдордир. Шу сабабли хукуматимиз оилани мустаҳкамлашни, болалар тарбияси, шунингдек, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашда ёрдам беришни давлат аҳамиятига молик иш деб билади.

Тарихга назар ташласак, ота-боболаримиз оиласга жуда катта эътибор берганликларининг шоҳиди бўламиз. Форобой, Беруний, Ибн Сино, А.Навоий, А.Жомий сингари буюк алломаларимизнинг асарларида ҳам оила аъзолари ўртасида ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-онасининг, оиланинг ўрни масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, фарзандларига мактублар, ҳикматли сўзлар орқали насиҳатларни ҳаётий хуносаларни ёзиб қолдирганлар. Ўтган асрнинг бошларида яшаган М.Беҳбудий, А.Фитрат, А.Авлоний, А.Қодирий, Чўлпон каби маърифатпарвар зиёлилар баркамол авлодни тарбиялашнинг ягона чораси -

1 А.Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. Сталинабад. 1960. С.49.



оила асосларини тўғри қуриш эканлигини, оилани мустахкамламасдан туриб жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлаганлар.

Муқаддас заминимизда қадимдан миллий урф-одат ва анъаналаримизни ёш авлод онгига сингдиришда, уларни жисмонан баркамол, маънан етук, меҳр-оқибатли инсонлар қилиб тарбиялашда оила муҳити муҳим ўрин эгаллаб келган. Кексаларнинг ибратли ҳаёт йўли, ўйтлари, йиллар силсиласида тобланган тажрибаси ёшларимизнинг тўғри йўлни танлашларида йўлбошчи вазифасини ўтамоқда,



А.Фитратнинг «Оила» рисоласида оила қуришнинг асл мазмуни, отаона ва фарзанд ҳукуқлари, оилавий муносабатлар масаласи батафсил ёритилган. А.Фитрат шундай ёзади: «Болаларни ўзига ишонган кучли, топқир, чаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз қадр-қимматини, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқликни шунинг билан бирга, ён атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат шунча кучли ва муazzам бўлади».

Юсуф Хожиб «оиладаги» энг улуг фазилат, эзгу қилиқ ва гўзал хулқидир. Иккинчиси ростлик, учинчиси ҳаёт ҳисобланади. Мана шу уч фазилат бирлашса киши баҳтиёр бўлади, кут-икбол унинг ҳузурига бош уриб келади. Чунки кишининг ҳулқи гўзал бўлса уни барча халқ севади. «Хулқи юз бўлган кишига тўрдан жой тегади», – деганлар. Қадимдан шундай гап қолган «Куш уясида кўрганини қиласи» яъни, ҳа ота-онасига тортибди, дейишади.

Яхши хулқ ҳам ёмон хулқ ҳам болаларга аввало ота-оналардан ўтади.

Демак, ҳар бир ота-она ўз фарзандига яхши хислатларни болалигидан сингдиргани маъқулдир. Шунда у улғайган сари ориятли, номусли, бурчни хис қиласиган ҳушмомала, одобли, беморларга ҳамдард бўлади. «Ҳадиси шарифда» «Сабр ва бардош тангридан, шошқолоқлик эса шайтондандир» деган улуғ сўзларни эслаб ўтиш жоиздир. Шундай экан оиланинг катта ёшдаги аъзоларининг болага қўядиган талабларни ҳамда уларга тарбиявий таъсир кўрсатишларда сўз билан ишнинг бир бўлиши муҳим рол ўйнайди. Оилада бундай бирликни бўлмаслиги бола ҳулқ-авторига салбий таъсир кўрсатиши муҳим. Бола тарбияси мактаб, оила жамоатчилик ва меҳнат жамоаларини ҳамкорлигига олиб борилса, тарбияда кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шу боис қейинги пайтларда маҳалла-қуйларда, тураг жойларда олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг қўлами анча кенгайди.

Инсоннинг қандай киши бўлиб етишиши кўп жиҳатдан оила тарбиясига, ота-она масъулиятига, виждонига, шунингдек, ота-онанинг бола



тарбиясими умумий қонуниятларини яхши билишига ва ҳаётда уларга қанчалик амал қилаётганига боғлиқдир. Ота-оналар болаларининг бугунги кундаги интилишларини оммавий манфаатлар билангина чеклаб қўймасликлари керак. Боланинг қизиқишини умид ва орзуларига сезгирилик билан қулоқ солиш, энг яхши тилакларини қаноат ёшига имконият яратиши керак. Оила тарбиясидаги асосий талаблардан бири шуки, оиласдаги катта ёшли ҳамма кишилар болага қўйиладиган тарбиявий талабларда бир ёқадан бош чиқариб иш кўришлари керак. Шуни алоҳида уқтириш зарурки, ота билан она ўз фарзандида қандай ахлоқий сифатни тарбияланиши мумкин бўлган шароитга солмоғи лозим, Тарбия иши аввало оиласда, мактаб ва тарбия муассасаларида, жамоатчилик томонидан мунтазам, мақсадга мувофиқ олиб борилади. Демак, тарбиянинг муҳим ҳусусиятларидан бири унинг тизимли олиб борилиши ҳамда муайян мақсадга қаратилганлигидир. Бола тарбиясида бу принципнинг бузилиши боланинг хулқ-авторига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бола тарбиясида ота-онани обрўси ҳам қилувчи омиллардан биридир.


АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ҒОЯЛАРИ.

Ражабова З. – Когон шаҳар қасб-хунар мактаби

Бутун инсониятнинг илм-фани, маданияти ва маърифати тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк мутафаккир, илк Уйғониш даврининг қомусий алломаси Абу Наср Фаробийдир. Абу Наср Форобийчалик буюк аллома унинг замонасидагина эмас, балки ундан олдин ҳам бўлмагандир.

Замондошлари орасида ҳеч бир олим узун мутафаккир Абу Наср Форобий даражасига эриша олмаган. Абу Наср Форобий дунёда тан олинган файласуф бўлиш билан бир қаторда йирик тиљшунос, мантиқчи, риёзатчи, социолог, филолог, тиббиётчи мусиқа илмининг улкан назариётчиси ҳамда етук сиёсатшунос олим ҳамдир.

Абу Наср Форобийнинг сиёсий-хуқуқий таълимотида қонунчиликни такомиллаштириш концепциясини ўрганишда, жамиятнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишининг сабаблари борасидаги Форобийнинг фикрларини ўрганиш аҳамиятлидир. Абу Наср Форобийнинг фикрича, инсон ўз табиатига кўра ижтимоийдир ва фақат ўзаро боғлиқликда, жамоа бўлиб яшай олади. Чунки ҳар қандай инсон ўзининг оддий кундалик эҳтиёжларини қондириш учун у бошқаларнинг ёрдамига зарурат сезади, бошқалар ҳам худди шу каби ўзаро муносабатлар ўрнатишларига тўғри келади. Шундай қилиб, ҳаётий эҳтиёж инсонда жамоатчилик ҳиссини пайдо қиласди ва ўзаро




мuloқotни келтириб чиқаради. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» номли рисоласида шундай ёзади: «Табиатига кўра ҳар бир одам шундай тузилганки, ўзининг яшashi ва мukammallikning энг юқори дарajасига etishi учун унга жуда кўп нарсалар керак бўлади. Ваҳоланки, эҳтиёжидаги ҳамма нарсалар билан у ўзини ўзи таъминлай олмайди ва бунинг учун унга одамлар жамиятни керак бўлади, жамиятдаги одамларнинг ҳар бири унга зарур нарсаларни етказиб беради.»

Абу Наср Форобий жамият пайдо бўлиши ҳақида ўз концепциясини илгари сўради. Одамларнинг ўзаро бирлашишлари сабаблари сифатида қуидаги энг муҳим шарт-шароитларни эътироф этади: аввало, инсонлар, бир-бирининг ёрдамига муҳтождирлар, шу нуқтаи назардан уларнинг ижтимоий вазият ва ҳолатлари бир хилдир; иккинчидан, бир жамиятга бирлашган одамларнинг ҳар бир инсон эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолияти ҳам ижтимоий, ҳам индивидуал мukammallikни кўлга киритишга хизмат қиласи. Шу боис ҳам кишилик жамиятининг пайдо бўлиши, Абу Наср Форобий фикрига кўра, эзгу мақсадларга асослангандир. Масаланинг шу тариқа англаниши фозил шаҳар (давлат)лар пайдо бўлиши заруратининг муҳим ижтимоий-фалсафий асосидир, зоро бундай шаҳар (давлат)лар Абу Наср Форобий томонидан кишилик бирлашмаларининг энг олий шакли деб эътироф қилинади.

Абу Наср Форобийнинг жамият ҳақидаги таълимотининг ўзига хослиги, қолаверса, янгилиги шу эдики, у жамият пайдо бўлишини, унинг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини одамларнинг табиий, ижтимоий-моддий эҳтиёжлари асосида тушунтиришга, англаб етишга харакат қилган.

Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри» асарида инсоният жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий давлатга бўлган эҳтиёжларнинг пайдо бўлишини, унда адолат ва аҳлоқнинг шаклланиши қонуниятларини назарий жиҳатдан таснифини яратган.

Шу тариқа олим давлат шакллари ва унда бошқарувнинг мунтазам, изчил сиёсий тизимини яратишга эришади, Масалан, фозиллар шаҳрининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай аҳлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қуришнинг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади, Бу борада Абу Наср Фаробий – «Уларнинг ўzlаридан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар хокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойик кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқардилар, уларни ташқи



душмандан муҳофаза қиласидилар» деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан борлиқ ахлоқий кадриятларни тизимлаштиради. Эътиборли жиҳати шундаки, Абу Наср Фаробий қарашларидағи «хокими мутлок бўлмаслиги», «сайловчилар иродаси», «озодлик» каби фикрлари нафақат шу даврда, балки, бугунда ҳам инсоният маданиятининг бош ғояси бўлиб ҳизмат қиласи.

Абу Наср Форобий давлатнинг келиб чиқишини илоҳиётдан эмас, балки мавжуд жамиятдан излаш кераклигини айтади.

Абу Наср Форобий асраларида давлат атамаси ишлатилмайди. Аммо шаҳар жамоалари Абу Наср деганда шаҳар-давлатларни назарда тутади. Давлатнинг келиб чиқишини Форобий одамларнинг жамоа бўлиб яшаш эҳтиёжларидан деб билади.

Абу Наср Форобий давлат шакли масаласига ҳам тўхталади. Тахт отадан болага мерос бўлиб ўтишини қоралайди. Давлат бошлиғи ўз лавозимига мансуб бўлган шахс бўлишини ёқлади. Унинг фикрича, давлат бошлиғи ҳар томонлама етук бўлиши керак. Абу Наср Форобий ана шу ҳукмдор тўғрисида гапирав экан, унинг олдига 12 талабни қўяди.

Булар: 1) тўрт мучали соғлом; 2) нозик фаросатли; 3) хотирави; 4) зеҳни ўткир, зукко; 5) фикри тиник, сўзлари чиройли; 6) маърифатли; 7) тамоқ, ичимлик, аёлларга нисбатан очофат бўлмаслиги; 8) ҳақиқатгўй; 9) номусли, ориятли, олийҳиммат бўлиши; 10) бойликка қизиқмайдиган; 11) адолатпарвар; 12) ботир, яъни қўрқоқлик ва ҳадиксрашдан холи бўлиши даркор.

Абу Наср Форобий мана шу барча хислатларнинг бир одамда бўлиши қийин, бундай туғма қобилият камдан кам одамларда учрайди ва улар нодир инсонлардир. Баркамол инсон топилмай қолса, унда юқоридаги фазилатлардан б ёки 5 таси камол топган инсон ҳам ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шахрига раҳбарлик қила олади, дейди. Фозиллар шахрида бундай одам йўқ бўлганда ана шу имом ёки унинг издошлари чиқарган қонун ва тартибларга амал қилинади. Аввалги имом ўрнига келган кейинги раҳбарда ҳам юқорида айтилган хислатлар ёшлиқдан шаклланган бўлиши лозим. Кейинги имомда яна 6 та фазилат ҳосил қилиниши зарур: 1) донишмандлик; 2) кучли хотира; 3) янги қонунларни ихтиро қилиш; 4) вазиятни тез илғаб оладиган; 5) нотиқлик; 6) ҳарбий ишларга моҳирлик, раҳбарлик қилиш. Шу хислатларга эга бўлган шахс топилмаса, 2 киши бирлашиб фозил шаҳарга раҳбарлик қилиши лозим, дейди. Яъни шу хислатлар икки кишида жамланган бўлса, бири донишманд,



иккинчиси қолган хислатлар соҳиби бўлса, шу икковини фозиллар шаҳрига раҳбарликка қўйиш керак, деб айтади.

Хуллас Абу Наср Форобий ўзининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотида жамият тараққиётини маънавият ва маърифатсиз тасаввур этиб бўлмаслигани, унинг асосини инсон ва унинг фаолияти, илм-фан, маърифат, ахлоқ ва одоб, таълим ва тарбия ташкил этишини донишманларга башорат қилган эди.

BUXORODAGI MAROSIMLAR VA ULARNING MILLIY MA`NAVIYATIMIZDA TUTGAN O`RNI

*Qamariddinova G. – BuxDU «Etnologiya, etnografiya va antropologiya»
yo`nalishi magistranti*

Xalqimiz 13 asrdan ziyod vaqt mobaynida islom diniga e`tiqod qilib kelmoqda. Islom dinining tub ma`nosi – faqat Allohga bo`ysunish, o`zini Alloh irodasiga topshirish demakdir. Bugungi kunda xalqimiz orasida yillar mobaynida nishonlanib kelinayotgan marosimlarni to`g`ri tashkil qilish, ularni turli bid`at amallardan tozalash, aholining diniy bilimlarini oshirish kabi masalalar juda muhim bo`lib kelmoqda. Ba`zi marosimlar mavjud-ki, bugungi kunga kelib ilmsizlik oqibatida mazmuni o`zgarib, islom aqidasiga xilof, bid`at amallarga aylangan. Jumladan: « Bibi seshanbe» marosimi. Buxoroi sharifga qadim ranjida qilgan har bir inson borki, albatta ziyyaratgohlarni ziyyarat qilishga ma`naviy ehtiyoj sezadi, diniy urf-odatlar va marosimlarga yaqindan qiziqadi. Bu marosim dastlab qanday paydo bo`lganligiga bir nazar tashlaymiz. XIV asrda yashab o`tgan Hazrat Bahouddin Naqshband din ilmini nihoyatda chuqur o`rganliklari bois, pir darajasigacha yetganlar. Bu darajasiga yetishlarida albatta onalarining roli ham beqiyosdir. Qasri Orifonga ziyyaratga brogan har bir shaxs u kishining volidayi muhtaramalarini albatta ziyyarat qiladi. U yerda yana qabrlar mavjud bo`lib, ul zotning xolalarining qabrlari ekanligi aytiladi. Biz tahlil qilmoqchi bo`lgan marosimlar ham aynan shu ayollar nomi bilan bog`liq bo`lib, xalqimiz orasida hali hanuz rivoyatlar saqlanib qolgan:

«Qadimda bir yetim qiz bor ekan, o`gay onasi tomonidan doim zulmda yashar ekan. Sigirni o`tlatishga buyurib, ayni damda paxta chigitdan ajratib yigirishga buyurarkan. Afsuski qiz ulgurmas va odatda gap eshitarkan. Kunlarning birida shamol paxtalik buxchasini uchirib bir g`orga eltid qoyibdi.Qiz u yerda nurli onaxonni ko`ribdi. Qiz odob bilan salom berarkan, onaxon unga aytibdi : «Paxtani sigiringga yedir, orqasidan ip qilib olasan», -deb jo`natibdilar.



O`gay ona bu sirdan voqif bo`lgach sigirni so`ydiribdi va navbatdagi mushkul topshiriqlarni buyuraveribdi. Bir kuni onasi shahar hokimi Akobirning uyiga ziyofatga bora turib qizga jo`xori va arpani aralashtirib beribdi. Qiz esa uni ajratib bo`lgach onaxonning oldiga boribdi. Onaxon esa qizni go`zal kiydirib ziyofatga yuboribdi. Tabiiyki, qizni Akobirjon yoqtrib qolibdi va unga uylanibdi. To`y arafasida qiz onaxonning ziyoratiga boribdi. Onaxon:

- Qizim, mening hurmatimni bajo keltirmoqchi bo`lsang, ilojing boricha seshanbe kunlari xatm qilgin. 7 nafar mehmon chorlagin, barisi yetim qiz va beva ayollar bo`lsin. O`sha tongda boy xonadonlardan ozginadan un so`rab, o`moch pishirgin va bir juft sham yoqib ruhimizni yo`qlagin. Avvalo Allohga shukrona keltirib, so`ng murodiningni so`ragin».

Qiz bu vazifalarni bajarar ekan, kunlarning birida erining g`azabiga uchrabdi:

«Davlatim oshib-toshib yotganda, bechorachilik qilib qo`shtidan un so`rab, kambag`allarga ovqat tarqatganing nimasi?» – degancha chiqib ketibdi.

Biroq o`sha kuni Akobir nohaq tuhmatga qoladi va xatosini anglab 2 rakan namoz o`qib tovba qiladi. Ertasi kuni esa oqlanib oilasiga qaytadi.

Shu – shu Buxoroda urfga aylangan bu marosimda ayollar yig`ilib qur`onxonlik qilishib, kambag`allarga ovqat tarqatadign bo`lishibdi, turli duolar qiladigan bo`lishibdi, Valiy Komilaxon (Hazrat Bahouddining xolalari) ruhlariga duolar qiladigan bo`lishibdi.

Bibi Seshanbe marosimida aytildigan munojot

Bismillahir Rahmonir Rohiym!

Bibijonlar xatmini qabul etgil, Xudoyo,

Har niyat-u talabin hosil etgin, Xudoyo.

Bu xonodon ahlini ma`mur etgil, Xudoyo,

Mohi Anvar yuzini purnur etgil, Xudoyo.

EY dardmanlar ahli, duotalab do`st-u yoron,



Bibilar suhbatiga kelingiz shodu xandon

Madad topgusi beshak, kimki o`qisa Qur`on

Pirlarning pok ruhidan yorishgay bu xonodon...¹

Lekin afsuski bu marosim bugungi kunda o`z ma`nosini yo`qotgan ya`ni-ki, yig`ilgan ayollar endi Allohdan emas, Bibi Seshanbening ruhidan madad so`rab, unga atab zижофатлар qilishадиган qurbanliklar qilадиган bo`lishdi. Bu marosim mazmun mohiyatidan yetimlarga va bevalarga yordam berish bo`lsa, keyinchalik XX asr oxiri – XXI asr boshлariga kelib o`zgarib ketdi. Marosimda aksari o`zlari to`q ayollar ishtirok etадиган bo`lishdi. Qur`on va hadisi shariflarni o`qib, ularni

¹ Muhiba S. H. Valiy Voldalar.-T.:Yozuvchi,1996



o`rganish bir chetga surib qo`yildi va ajdodlar ruhida madad so`raladigan holatga kelib qoldi. Bu dinimiz aqlidasiga ko`ra nihoyatda mumkin bo`lmagan ishdir. Ayollar asosan, mushkullarini yengil qilish, bandaning boshiga tushgan ishlarni oson qilish maqsadida ul ayol ruhiga ibodat qiladilar. O`zbekiston Musulmonlar Irodasi Fatvo hay`ati a`zolari ushbu marosimni dinimizga, shariatimizga tog`ri kelmasligini izohlab berishgan.


Oisha roziyallohu anho onamizdan riviyat qilingan hadis sharifda Payg`ambarimiz Muhammad Sallolohu alayhi vassalam: «Kim bizning bu ishimizda undan bo`lman yangi narsani paydo qilsa, u rad etilgandir» – deganlar. (Imom Buxoriy va Imom Muslim rivoyat qilishgan). Boshiga ish tushgan, og`irlik tushgan har qanday musulmon faqat Allohdan madad so`ramog`I va payg`ambarimiz sunnatlariga amal qilishi lozimdir.

BUXORO MA`RIFATPARVARLARINING IJTIMOIY-SIYOSIY ISLOHOTLAR HAQIDAGI G`OYALARIDA TOLERANTLIKNI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI.

Saloxov A.Q. – BMTI «Ijtimoiy fanlar» kafedrasi katta o`qituvchisi

Dastlabki ma`rifatchilik vakillari xalqni asosan yangi madaniyat, ma`rifatga chaqirgan bo`lsa, jadidchilik keng ijtimoiy-ma`rifiy harakatga aylanib, o`z oldiga jamiyatni isloh qilish, mustaqillikka erishish, qoloqlikdan qutulish, o`lka xalqlarining jahon madaniyatida qadim tarixiy mavqeini tiklash bilan bog`liq yirik vazifalarni qo`ydi. Ushbu davrning dastlabki ma`rifatparvarlari qatoriga Ahmad Donish, Berdaq, Muqimiy, Furqat, Zavqiy, Bayoni, Avaz O`tarlarni kiritish mumkin. Turkiston jadidchiligi harakatining asoschilarini va g`oyaviy rahbarlari sifatida – Behbudiy, Munavvarqori Abdurashidxonov, Abdulla Avloniy, Fitrat, Ayniy, Hamza va boshqalar tashkil etadi.

Abdurauf Fitratning boy va ko`pqirrali faoliyati badiiy adabiyotning deyarli hamma janrlarida – adabiyot nazariyasi, dramaturgiya va publitsistika, falsafa, tilshunoslik hamda bir necha boshqa sohalarda o`chmas iz qoldirdi. U yirik davlat va jamoat arbobi edi. Fitratning buyuk xizmatlaridan biri shundan iboratki, u XX asr birinchi yarmidagi o`zbek ma`rifatparvarligining cho`qqisi hisoblangan jadidchilik harakatining asoschilaridan biri bo`lib tanildi. U ma`rifatchilik, ilmfanni qo`llash va rivojlantirish muammolarini ham uslubiy-nazariy, ham amaliy nuqtai nazardan hal qilishga katta hissa qo`shdi. U yoshlarning ijtimoiy faolligi va bag`rikenglik g`oyalarining o`ziga xos xususiyatlari, ularning butun hayoti va qarashlariga singib borishini belgiladi. Abdurauf Fitrat 1886 yilda Buxoroda tug`ilgan. U diniy maktabni bitirgach, mashhur «Mirarab» madrasasida o`qidi. U



o`zbek, fors, arab tillarini mukammal egalladi. Fitrat jadidchilik harakatining mohiyati va mazmunini tushungandan keyin uning izchil tarafdoi bo`lib, jadidchilikning nazariy muammolarini hal qilishga kirishdi. Buxorolik jadidlarning tavsiyasi bo`yicha Fitrat o`z tahsilini davom ettirish uchun Istambulga ketdi. Shu yerda u 1910-1913 yillarda nafaqat ilm orttirib, balki mazmundor badiiy, ilmiy, ijtimoiy faoliyat ko`rsatdi, jadidchilik harakatining rivojlanishiga katta hissa qo`shdi.

Jadidchilik mavzuidagi ilk asarlaridan biri bo`lgan «Hindistonda bir farangi ila buxorolik muddarisning jadid maktablari xususida qilgan munozarasi» va «Hind sayyohi bayonoti» asarida jadidchilik harakatining yangi ruhdagi g`oyalarini ilgari surdi. Ilm-fan taraqqiyoti uchun imkoniyat berilishi oqibatida boshqa mamlakatlar, xalqlar tomonidan yaratilgan yangilik, kashfiyat, ixtirolarni mamlakatga kirib kelishiga sharoit yaratadi. Mamlakat, yurt faravonligi, obodligini ta`minlash uchun begona madaniyat yutuqlarining, fan-texnikadagi ilg`or rusmlarning kirib kelishiga imkoniyat yaratib berilishi ham bag`rikenglikni anglatadi. Shuning uchun Fitrat Hukumat tomonidan Buxoroda madrasa bino qilinganini e`tirof etar ekan, u bu madrasada tafsir, hadis, kalom, fiqh bilan bir qatorda hisob, tajvid, tarix fanining o`qitilishini olqishlaydi.

Ilm-fanning ijtimoiy taraqqiyotga olib borishi, ularning katta ma`naviy ahamiyati Fitratning fikricha, islam manbalarida ham o`z aksini topgan. Shu bilan birga shunday yondashish mohiyatan bag`rikenglik g`oyalari bilan bog`liq ekanligini ta`kidlaydi: «Shuning uchundirki, agar ilmga rag`bat dunyo xaroblig`i va ba`zi ishlarning egasiz qolishig`a sabab bo`lsa, Payg`ambaringiz «Utlub-ul ilma va lav bi-s-sin», «Utlub-ul`ilma min-al-mahdi ila-l-lahadi», «Al`ilmu izzud-dunya va sharaf-ul-axirah», ya`ni «Ilmni Chindan bo`lsa ham izlang», «Beshikdan qabrgacha ilm izlang», «Ilm dunyoning izzati va oxiratning sharafidir» hikmatlari bilan o`zining barcha ummatlarini ilm tahsилиг`a da`vat etmagan bo`lar edi». Yangi usuldagagi ta`limning eng muhim xususiyati shundan iboratki, u yoshlarning faolligini, ularning salohiyatini ijtimoiy-ma`naviy kamolotga qaratadi, ijtimoiy islohlarni amalga oshirishga tayyorlab boradi. Avvalo, insonning mohiyati, uning tabiat bilish, ilm-fanlarni vujudga keltirish qobiliyati bilan belgilanadi. Shundan Fitratning inson va jamiyat hayotida ilm-fan, ma`rifat eng muhim omillardan biri ekanligini ta`kidlash fikri kelib chiqadi. Shuning uchun «Inson yer yuzidagi maxluqlarning eng sharaflisidir, – deb yozadi u. Lekin insonning hayot kechirishi jamiyat, xalq, millat bilan bog`langan». Shu nuqtai nazardan u inson tarixining eng muhim sahifalari va hodisalarini ularning qanchalik taraqqiyot talablariga javob berishi nuqtai nazardan tahlil qiladi va anglaydi. Yangi ta`limning muhim



fazilatlaridan biri yoshlarning ijtimoiy faolligi, bag`rikenglik tuyg`usini shakllantirish bilan bog`langan.

Fitratning ushbu fikricha: «Tahsili jadidaning ravishi shuki, bolani olti yoshligidan mакtabga yuboradilar, u o`n to`qqiz yoshida olim, mutadayyin, vatanparvar, dindo`s, millatparast, siddiq, odil, tamom islomiy amrlarga muti`, butun insoniy shartlarga mushtamal bir shaxs bo`ladi».

Yoshlarning tolerantligini shakllantirish va rivojlantirish masalasining muhim tomoni, uning muddati va vaqt bilan bog`langan. «Maktabi qadim va madrasalardagi usuli qadim bilan birga o`ttiz yil, tahsili jadida muddati esa o`n uch yildir». [4] Shulardan kelib chiqqan holda Fitrat yoshlarning kelajak ijtimoiy mavqe va faoliyatlarini aniq ko`rsatishga muvaffaq bo`ladi. «Tahsili jadidaning foydasi: boylarning bolalari pulli maktablarda, bechoralarniki pulsiz maktablarda kamoli osudalik bilan tahsil olib xatmdan so`ng muddarislik, sipohiylik, tijorat, hunarmandlik, kimdir dehqonchilik, umuman xohlag`an ishiga darhol qiynalmasdan kirishib, o`z vazifalarini uddalay oladilar», deydi.

Yoshlarda bag`rikenglik xususiyatlari rivojlanishi uchun «usuli jadidning» quyidagi xislati muhim ahamiyat kasb etadi. «Demak, tahsilingiz uchun yangi bir usul topingki, ham qadimg`i ilmlar, ham yangi fanlarni kamoli osoyish bilan o`n ikki yil davomida o`n sakkiz yoshda xatm qilib, undan so`ng islom muhofazasining asbobini hozirlamoqqa kirishing. Demak, sobit bo`ldiki, usuli jadida shunga ko`ra bid`ati hasanadir va joizdir, lozim va vojib hamdir».

Fitrat yoshlarning ijtimoiy faolligi va bag`rikengligi muammolarining yana bir muhim tomoniga alohida e`tibor beradi. U ham bo`lsa ayollarning o`sha davrdagi mavqeい va yangi ta`limning ushbu muammoni hal qilishdagi ahamiyatidir. Ko`pchilik mutaassiblarning fikricha, «maktab va madrasalarda tahsil usuli g`oyat uzoq» bo`lgani uchun va ba`zi bir boshqa sabablarga ko`ra qizlar, ayollar ta`limdan mahrum bo`lishlari kerak edi. Fitrat shu ahvolga qarshi chiqdi, uni qoraladi. «Sizlarning maktab va madrasangiz tahsil usuli g`oyat uzoqdir, shu sababdan bechora ayollar ular uchun ham farzi ayn bo`lg`an ilm va irfon sharafini qo`lg`a kiritishdan mahrum qolmoqdalar. Ikkinchisi: ular ilmsiz qolmoqdalar, har (bir) ilmsiz tarbiyasiz bo`lg`ani kabi, ular ham tarbiyasiz bo`lib qoladilar», deydi u. Umuman olganda, «...eski usulda butun ayollar ilm olish sharafidan mahrum bo`lyapti, erkaklarning aksari xat-savodsiz hayot kechirmoqdalar. Har asrda bir yoki ikkita ulug` olimimiz yetishyapti, usuli jadidaga ko`ra, osonlik bilan ayollar ham, erkaklar ham olim bo`ladilar».

Yoshlarni ma`rifat va bag`rikenglik ruhida tarbiyalash muammolari bir-birlari bilan qanchalik bog`langanliklari, zamonaviy ahamiyat kasb etganliklari Fitratning quyidagi fikrida chuqur ifodasini topgan: «Agar ding`a, Vatang`a,



***Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётидаги
тасаввұф таълимомотининг ўрни ва аҳамияти***



molg`a, jong`a, avlodg`a muhabbatizing bo`lsa, agar dinning xalos bo`lishi, shariatning rivoji, Vatan obodlig`i, avlodning tinchligi, yaxshi nom qoldirishning chorasi ni xohlasangiz, sizning ilojingiz, avvalo, kasbi maorifdir. Qobiliyatilarni tahsil uchun o`qishg`a yuboring».

Yangi davrda xalqimizning ijtimoiy-falsafiy qarashlari, birinchi navbatda, ma`rifatparvarlik va uning yangi bosqichi bo`lgan jadidchilik bilan bog`liq bo`lgan. Jadidlar keng ko`lamli ijtimoiy-ma`rifiy harakat sifatida maydonga kelib, nafaqat maorif sohasidagi islohotlar, balki Turkiston mustaqilligiga erishish uchun ijtimoiy-siyosiy sohada ham islohotlar o`tkazishni yoqlab chiqqanlar, tolerantlik muammosiga yangicha yondashuvlarni ilgari surganlar.

Jadidlar yoshlar ta`limi va tarbiyasi borasida ilgari surgan g`oyalarda tolerantlikka ko`p qirrali ijtimoiy-ma`naviy hodisa deb qaralganligi bunday yondashuvning o`ziga xos jihatini tashkil etadi. Yoshlarni tolerantlik asosida ijtimoiy-axloqiy yuksaltirishning mazkur yo`nalishiga xos xususiyatlar oliv ta`lim muassasalarida o`qitiladigan ijtimoiy-falsafiy fikrlar tarixi bo`yicha o`quv kurslari hamda ommaviy axborot vositalarining ma`rifatparvarlik sohasidagi faoliyatidan izchil va maqsadga muvofiq foydalanishni taqozo etadi.

ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙГУНЛИГИ.

***Самиева Ш.Х. – БухМТИ доценти,
Худаярова Ф.О. – БухМТИ мустақил тадқиқотчиси***

Дунёқараш табиат, жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизимиdir. Табиат ва жамиятдаги мавжуд нарсаларга, воқеаларга, ҳодисаларга назар ташласак, уларнинг барчасида ажиб мукаммаллик, мутаносиблик, латофат, нафислик мужассамлашганлигининг гувохи бўламиз, буларнинг барчаси инсонни завқлантиришга, унга ором ва маънавий куч бахшга сабаб бўлади.

Инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ҳаётий ёндашувлари, унинг учун устувор аҳамиятга эга бўлган қадриятлар ҳамда ахлоқий тамойиллар моҳияти у эга бўлган дунёқараш мазмунини ифодалайди. Ўз навбатида дунёқараашнинг бойиб бориши шахснинг шахсий сифат ва фазилатларининг тобора барқарорлашувини таъминлайди. Ўз мазмунида эзгу ғояларни ифода этган дунёқараш шахс қиёфасида намоён бўлаётган ижобий фазилатларнинг бойиб боришига ёрдам беради.



Амалий санъатда тасвирлаб бўлмайдиган бадиий қиёфа тузилишининг уйғунлик асосларини кўриб чиқиб сайқал ва нақшнинг костюм композициясидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш мақсадида, кийимларни моделлаштиришдаги воситалари ва нақшли безакдан фойдаланишни таҳлил қилишга ўтиш мумкин.


«Орнамент» сўзи лотинча «ornament» сўзидан олинган бўлиб, «безамоқни» англатади. Аммо «орнамент» сўзи фақатгина буюмларни безашни англатади деган холосага келиш нотўғри. Либосга ишлов беришнинг ҳар хил турлари сингари нақшнинг роли костюм ва кийим ва ҳакозо буюмларни безатиш билангина чекланиб қолмайди. Сайқал (безаш) каби, орнаментни шаклни ёки унинг қисмларини ажратиш шаклни қисмларга ажратиш, шакл қисмларини ёки бир нечта турли эркин шаклларни бирлаштириш, шаклнинг ёпиқлигини кўрсатиш, шакл юзасидаги маълум йўналишидаги кўзга ташланадиган ҳаракатни ҳосил қилишда фойдаланилади.

Нақш худди костюмнинг таркибли ҳажмли шакллари мутаносиблик хусусиятига эга экан, бу ерларда ортиқча тушунтиришнинг кераги йўқ. Нақш, шакл, силуэт, муносабат, пропорция, симметрия, ритм каби амалий санъатда костюмни моделлаштиришда қўлланиладиган воситалар орқали ясалади. Фарқи шундаки, нақшда уйғунликка оид воситалар икки ўлчамли текис хусусиятга эга бўлади. Агар қандайdir безак манфаат олишга қаратилган бўлса нақш буюмга унинг амалий вазифаларини бажаришга ёрдам бермайди, у фақат эстетик талабларнига қониқтириши мумкин. Унинг роли костюмнинг қиёфали бадиий қиёфали ғоясини ифодалаш, ошириш ва бойитищдан иборатдир.


Кийимга нақшли безак беришнинг энг кенг тарқалган усуулларидан бўлған кашта билан безашга бирмунча тўхталсак мақсадга мувофиқ бўлади. Кашта қўлда тикилган ва машинада тикилган, рангли иплар (пахта ипидан қилинган, ипак, жун) шиша мунчоқлар, бисер, блеск-паэтка аппликация билан безатилган бўлиши мумкин. Кашта билан нақш бериш гулининг ҳарактерига қараб геометрик ва тасвирий турларга бўлинади. Тасвирий нақш каштаси ранг тасвир ва тасвирий графикадан фарқ қиласди.

Каштачилик санъатида ҳар бир миллатнинг ўзига хос энг кўп қўллайдиган нақшлари бўлади. Ўзбек миллий каштадўзлиги халқ хунармандчилик санъатининг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Кашта кийимлар ва буюмларни безашда, ҳамда рўзгор безак буюмлари тайёрлашда қадимдан қўлланилади.

Бадиий каштачилик узоқ тарихга эга, буни археологик топилмалар ва ёзма манбаалар исботлаб бермокда. Ўзбек каштачилиги иқлим, табиий



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввух таълимотининг ўрни ва аҳамияти



шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолда барча касб-хунарлари билан биргаликда ривож топган. Ўзбек кашталарида ўсимликсимон, геометрик шакл ҳамда гул нақшлари кўп қўлланилади. Ўтмишда бу кашталар оқ ва табиий малла шойи, адрес, ҳисорига, баҳмал матоларга тикилган. Кейинчалик сатин, шойи, баҳмалга тикиладиган бўлди. Ўрта Осиёда каштачилик жуда кенг тарқалган бўлиб, оиласда кашта тикиш билан аёллар шуғулланишган.

Қадимдан қуроқ (турли хил мато парчаларини бир-бирига бирлаштириш усули), ҳозирда «пэчворк» деб юритилиб келаётган усул ҳам ҳалқимизнинг қадимий миллий меросларидан бири ҳисобланади ва бу усулдан диёримизнинг деярли барча вилоятларида фойдаланишган. Қуроқ усули қадимдан, асосан кўрпа-ёстиқ, деворга осиладиган гиламчалар тикишда ишлатилиб келинган. Яқин юз йиллардан бери эса бу усул либос безашда ҳам қўлланилмоқда. Қуроқли усул нафақат аёллар либосларини тикиш ва безашда, балки эркаклар пиджакларини, джинси матосидан тикилган шимларини ҳам безашда, костюмларини тикишда ишлатилмоқда. Шу орқали қуроқ усулида либос яратишнинг ўзига хос техникаси яратилди. Бу усулда қанчалик мураккаб бичимли либослар яратилиб борган сари, қуроқли усулда ишлаш йўллари шунчалик такомиллашиб бормоқда.

Миллий анъаналар ҳозирги ўзбек мода дунёсига жуда кўп ўзгаришлар олиб келмоқда. Бугунги кунда ёшларимизнинг миллий анъанавий мода йўналиши асосида либослар яратиб, турли кўргазмаларда иштирок этмоқда. Келажакда ушбу соҳа вакиллари республикамиз енгил саноат соҳасини янада юқори босқичларга кўтаришига ишончимиз комил.



МУНДАРИЖА

БУХОРОИ ШАРИФНИНГ ЕТТИ ПИРИ ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАЛОЛ ЛУҚМАНИНГ РОЛИ.

Баракаев Н.Р. 3

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МУМТОЗ ТАСАВВУФИЙ ТАРИҚАТЛАР ВА УЛАРДАГИ ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАР 6

ТАРИҚАТЛАРНИНГ ЗУБДА ВА ХУЛОСАСИ.

Наврӯзова Г.Н. 6

МУҲАММАД САЙФИ ФАРГОНИЙ ИЖОДИДА ТАСАВВУФ

ТАМОЙИЛЛАРИ. *Маматов М.А.* 9

МАВЛОНО ЯЪҚУБИЙ ЧАРХИЙ ХАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ.

Зойиров Э.Х. 12

ДИСКУРСИВ ВА ИНТУИТИВ БИЛИШ ДИАЛЕКТИКАСИ.

Шарипова О.Т. 14

ИМОМ ГАЗЗОЛИЙ: «ТАХОФУТУ-Л-ФАЛОСИФА» ВА ТАХОФУТ

АДАБИЁТИ. *Музafferов Ф.Д.* 17

БУХОРОИ ШАРИФ – ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ МАРКАЗИ.

Исмоилов С., Кураматов М. 21

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ТУРКИЙ ИЛДИЗЛАРИ.

Исмоилов С., Машарипов У. 23

ДИДАКТИК АСАРЛАРДА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ.

Избуллаева Г.В. 25

АҲМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙНИНГ

ТАСАВВУФДАГИ УСТОЗЛАРИ. *Гуламова М.Т.* 29

НАҚШБАНДИЙЛИК ТАРИҚАТИГА ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ

ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. *Тешаев Н.Н.* 32

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА РУҲИЙ КАМОЛОТ МАСАЛАСИ.

Каримов Б.Х. 38

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ

ШАКЛЛАНИШИ. *Эватов С.С.* 41

ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДА НАФС МАСАЛАСИНИНГ

ЁРИТИЛИШИ. *Норматова Д.Э.* 44

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ



ТАЪЛИМОТЛАР ВУЖУДГА КЕЛИШИННИГ ТАРИХИЙ- МАДАНИЙ АСОСЛАРИ. <i>Эватов С.С., Эватов Б.С.</i> 46
ЯЛЬҚУБ ЧАРХИЙ АСАРЛАРИДА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ВА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЛҚИНИ <i>Рахмонов С.М.</i> 48
ҲАДИС ВА ТАСАВВУФ МУШТАРАКЛИГИ. <i>Исақова З.Р.</i> 51
ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ – МАҶНАВИЯТ ФАЛСАФАСИНИНГ ПИРИ. <i>Сафарбоев М., Сафарбоев О.</i> 53
МИРЗО УЛУГБЕК ВА ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ МУНОСАБАТЛАРИ. <i>Ҳамдамов И.А.</i> 56
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛК ТАСАВВУФ АМАЛИЁТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ РАВНАҚИ. <i>Бердиева Г.А.</i> 58
ФУТУВВАТ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ. <i>Муродов С.А.</i> 60
МУНИС ХОРАЗМИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИ. <i>Санаев Ф.Б.</i> 62
ТАСАВВУФДА КОМИЛ ИНСОН ФОЯСИ. <i>Наврӯзова Г.Н., Мухамеджанова С.Дж.</i> 65
МУҲАММАД ИБН МУҲАММАД БАҲОУДДИН НАҚШБАНД БУХОРИЙ ВА УНИНГ ТАЪЛИМОТИ. <i>Раджапова М.З.</i> 68
АҲМАД ДОНИШ ВА ТАСАВВУФИЙ ФОЯЛАР. <i>Рахмонова М.А.</i> 74
ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ. <i>Раджапова М.З.</i> 78
ЯССАВИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДА МАҶНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МЕЗОНЛАРИ. <i>Ҳамзаев Ш.А.</i> 81
ЯССАВИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДА НАФС ВА САБР МАСАЛАСИ. <i>Ҳамзаев Ш.А.</i> 83
МАҶРИФАТПАРVAR ЖАДИДЛАРНИНГ ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИ. <i>Ғуломов А.Б.</i> 86
МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ АСАРЛАРИДА БАҒРИКЕНГЛИК ФОЯЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ. <i>Воҳидова М.Т.</i> 89
АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ ИСЛОМ ДИНИГА МУНОСАБАТИ. <i>Рахмонова М.А.</i> 94
РУДАКИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР. <i>Азимов А.А.</i> 99
ТАСАВВУФДА КОМИЛ ИНСОН МАСАЛАСИ. <i>Равшанова Г.</i> 101



ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ «БАЁНУЛ КАСБ» АСАРИДА


КАСБ ВА РИЗҚ МАСАЛАСИ. <i>Хайтов Л.</i>	104
АҲМАД ФАЗЗОЛИЙ ТАСАВВУФИНИНГ ФОЯВИЙ ВА НАЗАРИЙ МАНБАЛАРИ. <i>Ходжаева Ф.Н.</i>	106
MARKAZIY OSIYO TARIQATLARINING INSON HAYOTIDAGI O`RNI. <i>Xolikova D.</i>	108

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР..... 111


ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ПИРИ. <i>Наврӯзова Г.Н.</i>	111
ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА ЁШЛАР. <i>Зоирев Э.Х.</i>	113
ZIYORAT TURIZMI: MUAMMO VA YECHIMLAR. <i>Bafoyev F.</i>	115
ҲАМ ЗИЁРАТ, ҲАМ ИБОДАТ МАНЗИЛЛАРИ. <i>Курбонова М.</i> –	119
ШАЙХ САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ ЗИЁРАТГОҲИ. <i>Воҳидова М.</i>	121
НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИДА ЗИЁРАТ ҚИЛИШНИНГ МАҶНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ. <i>Саматов Х.У.</i>	123
ЧАШМАИ АЙЮБ ЗИЁРАТГОҲИ. <i>Шодиев Ж.Ж.</i>	127
ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ ЗИЁРАТГОҲИ – ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ. <i>Муродов С.</i>	129
ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ. <i>Нурматова Н.</i>	130
ҚҮҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО ОБИДАЛАРИ – МАҶНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАСИ. <i>Бердиева Г.А.</i>	133
АНЖИР ФАҒНАВИЙ ЗИЁРАТГОҲИ – ЁШЛАР УЧУН ТАРБИЯ ЎЧОҒИ. <i>Ғафуров Д.</i>	135
ҚАДИМИЙ ВА МУҚАДДАС ВАТАНГА ЭЪТИБОР. <i>Бердиева Г.А.</i>	137
МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИДАН ЧИРОЙ ОЧГАН ЗИЁРАТГОҲ. <i>Ҳамроев А.</i>	138
БУХОРОИИ ШАРИФ: ҚҮҲНА ТАРИХ ВА ДИН ТИМСОЛИ. <i>Раҳмонова М.</i>	141
ТУРИЗМ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҚЛАРИДАН	



БИРИ. <i>Султонова Л.</i>	143
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ РИВОЖИ. <i>Гиясова Д., Қосимова С.</i>	146
ҲАЗРАТ САЙИД АМИР КУЛОЛ ЗИЁРАТГОҲИ – МАҲНАВИЯТ ЎЧОҒИ. <i>Султонова Л.</i>	148
ЗИЁРАТ ҚИЛИШ – РУҲИЙ ЖИҲАТДАН ЕНГИЛЛАШИШДИР. <i>Садуллаева Д., Джумаева М.</i>	152
«БУХОРО ДЕКЛАРАЦИЯСИ» НИНГ ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДАГИ ЎРНИ. <i>Муродов Ҳ.</i>	153
ГЛАВНЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ. <i>Тошева Н.М.</i>	156
БУХАРА ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПО ТУРИЗМУ В УЗБЕКИСТАНЕ. <i>Турсунова З.Н., Садуллоева Н.Г.</i>	157
ЧОР БАКР МАЖМУАСИ. <i>Муртазоева М.И.</i>	159
САИД АБУЛҲАСАН ПОБАНД ЗИЁРАТГОҲИ. <i>Рахмонова Н.</i>	161
РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ. <i>Казакова Д.С., Умурзокова Н.</i>	162
МУТАФАККИР АҲМАД ДОНИШ АСАРЛАРИДА МАМЛАКАТНИ ОБОД ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ. <i>Бозоров Ш.С.</i>	165
ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ МЕРОСИДА ОИЛANI БОШҚАРИШДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ. <i>Нарзуллаева Ф.Ф., Мехмонова Н.Ф.</i>	167
АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ҒОЯЛАРИ. <i>Ражабова З.</i>	169
BUXORODAGI MAROSIMLAR VA ULARNING MILLIY МА`NAVIYATIMIZDA TUTGAN O`RNI. <i>Qamariddinova G.</i>	172
BUXORO MA`RIFATPARVARLARINING IJTIMOIY-SIYOSIY ISLOHOTLAR HAQIDAGI G`OYALARIDA TOLERANTLIKNI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI. <i>Saloxov A.Q.</i>	174
ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙГУНЛИГИ. <i>Самиева Ш.Х., Худаярова Ф.О.</i>	177



Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида
тасаввүф таълимотининг ўрни ва аҳамияти



Мақолаларда келтирилган ихтибослар (цитаталар) ва мақолалар мазмуни учун жавобгарлик муаллифлар зиммасида.

Компьютерда сахифаловчи: